

ЖҮРА ФОЗИЛ

**АЙРИЛИҚ
ОСТОНАСИ**

Тарихий роман, қисса, ҳикоялар

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРАЛЫК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2006

Фозил Жўра.

Айрилиқ останаси: Тарихий роман, қисса, ҳикоялар / Жўра Фозил. — Т.: «Шарқ», 2006. — 288 б.

Езувчи Жўра Фозилининг «Айрилиқ останаси» китобига «Айрилиқ останаси» тарихий романни, «Бухоройи шариф злечилари» тарихий қиссаси ҳамда замонавий мавзудаги иккита ҳикояси киритилган.

«Айрилиқ останаси» тарихий романни қадимги туркийларнинг эрк, озодлик учун курашига багишланган. Унда хоқон Ботур Тангрикут (Ўгузхон)нинг улкан салтанат тузиш йўлидаги интилишлари, курашлари, машақдатлари ва охир-оқибат эришган ғалабалари қадамга олинган. Ўгузхон ёшлигиданоқ, ҳарбий илмга жуда қизиқади. У валиаҳд шаҳзода зди. Лекин ўтгай онаси уни жуда ёмон кўрар ва ўз ўтилини таҳт ворислигига мўлжалларди. Отаси Туман Тангрикут ҳам Ўгузхонни негадир ёқтирамасди. Оқибатда хоқон Туман Ўгузхонни ўзига душман мамлакат — Улуғ Ёвчилар хони саройига гаров тарикасида юборади. Бу — ўша пайтдаги давлатлар дипломатиясининг ўзига хос усули бўлиб, агар Туман Тангрикут Улуғ Ёвчиларга уруш онса, ўғли Ўгузхон душман қўлида муқаррар далок бўларди. Кўп ўтмай хоқон Туман Улуғ Ёвчилар мамлакатига уруш сълон қиласди. Лекин гаровидаги шаҳзода баҳтли тасодиғ туфайли ҳалокатан тузокдан кутулади. Кейинчалик отаси розилиги билан отлиқ қўшия тузади ва овасли ўқ-ёй ихтиро этади. Охир-оқибат, жангда ғолиб чиқиб, салтанат таҳтини қўлга киритади ва буюк империяга асоссолади.

«Бухоройи шариф злечилари» қиссасида эса XVII всрда яшаб ўтган бухаролик саводгар ва элчи Эрназар Мақсаддининг Москва, Санкт-Петербург ва Истанбул шаҳдарларига злечилик сафарлари ҳамда хориж ҳукмдор ва сиёсатчилари билан музокаралари тарихий далиллар асосида ёритилган. Унинг Бухоро шарафи учун жонбозликлари, зчининг ўз Ватанидан олисдаги вафоти ишонарли тарзда тасвиirlанган.

2006
Alisher Navoiy
номидар
1992 O'zbekiston

Ю 32553
391

ББК 84(5У)6

© «Шарқ» нашриет-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳтирияти, 2006.

АЙРИЛИҚ ОСТОНАСИ

Тарихий роман

МУҚАДДИМА

Ложувард осмон секин-аста бўзариб, Хонтангри тогининг қорли чўққилари шафтоли гули рангини олди. Қуёш олтин тароқ билан зар кокилларини тараб, дараларни, водийларни мунааввар этди. Тор этакларида турк гўзали белидай ингичка бўлиб, шўх қаҳқаҳа билан тошдан тошга сакраган дарё водийга чиққач ёйилиб, эшилиб, сокин ва вазмин оқади. Вақтнинг югурик шамоллари бўтана тўлқинлар билан бирга не-не салтанату сулолалар, не-не хоқону султонлар, миллатлару златлар мартабаси-ю шон-шавкатини, обрў-эътиборини Коинотнинг Айрилик, Унутилиш, Беном-у Бенишонлик тегирмони сари ҳайдайдилар, ҳайдайверадилар.

Ўрхундарё водийларида маҳзун бир қўшиқ янграйди:

*Давлатли ҳалқ эдим, давлатим қани?
Хоқонли ҳалқ эдим, хоқоним қани?..*

Тор ўнгирларидан акс садо эшитилади:

*Эми борни элсиз қилдим,
Хоқони бор юртни — хоқонсиз.
Тиз чўкмаганни тиз чўктиргим,
Мағрурларнинг бошин хам қилдим!..*

Хонтангрига фарзанд бўлган Ўрхундарё эса оқаверади. Унинг тошларига битилган достонлар янграйверади...

* * *

Тирамоҳ заъфарон этагини судраб, Олтой чўллари-га ташриф буюрди. Қовжираган ўт-ўланлар шамол билан учакишиб, ўзларининг ҳазин қўшиқдарини бошладилар. Поеңсиз саҳро сокин туюлса-да, само хавотирга тўла, олис-олислардан отларнинг безовта кишнаши эшитилар, паст-баланд қирлар ортида аллақандай сир яширин эди гўё.

Ўтовлар олдидаги гулханлар тонгтача ўчмас, олов атрофида тўплангандар чехралари тунд, ўзлари хаёлчан ва серзарда эдилар.

Тўқиз яшар Имлоқнинг' катталарга берадиган саволлари жуда кўп, лекин ҳеч ким унга зътибор қилмас, ҳатто онаси Дунё ҳам қандайдир лоқайд, бепарво кўринарди.

Ниҳоят, тоқати тоқ бўлган Имлоқ арзи ҳол учун отаси Эрангиз ўтовига кирди. Ўтова 15—20 чоқли киши бўлиб, ўртада олов ёнар, дастурхондаги гўшт тўла лаганлардан ҳовур кўтарилиб турарди. Шундагина бола очқаганини сезиб, «култ» этиб ютинди.

Тўрда ўтирган отасининг чеҳраси хийла тунд, бе-зовталик аломатлари зоҳир тийрак кўзларида олов акси ўйнарди. У ҳар галгидек ўзини ёнига чақирмади, қуюқ қошлирини чимириб, унга савол назари билан қаради. Отанинг ўт чақнаб турган шиддатли нигоҳи болани бир оз довдиратди.

— Нега ҳеч ким мен билан гаплашмайди?! — деди у алам билан. Ўтова енгил кулаги кўтарилди, отасининг нигоҳлари ҳам мулоимлашди.

— Сен ҳозир энагангнинг ёнига бор. Томоқ еб ол. Эртак эшит. Тонгла сен билан бафуржа гаплашамиш, ўғлоним!.. — Эрангиз товуши андухли эди. Бола буни юрак-юракдан ҳис этиб, орқасига тисарилди, бир қадам ташлаган ҳам эдики, отасининг дўсти Сунгу кўлига сергўшт илик тутқазди. Имлоқ қўллари куйиб, кўзидан ёш чиқса-да, сездирмай, таъзим қилди-ю, ташқарига отилди. Иликин бир чеккага ирғитиб, энаси ўтени томон югурди.

Имлоқнинг энагаси Уманч худди онаси Дунё сингари гўзал, хушкалом эди. Уларнинг қай бирини кўпроқ яхши кўришини боланинг ўзи ҳам билмасди.

— Уманч, тез бўл, менга томоқ бер! Эртак сўйла! Тонгла дадам мен билан гаплашадилар! — деди Имлоқ ўтога кира солиб. Болакай отасининг сал кўполроқ эркалашларини жуда соғинган эди.

— Ҳозир, тойчогим, ҳаммасини бир зумда муҳайё қиласман! — Уманч Имлоқни суйиб, бағрига босди,

* Имлоқ — улуғ дегани.

сүнгра дастурхон ёзди. Бола қорнини түйғизгач, Уманч гўзал ва қайрули эртагини бошлади: «Бор эканда, йўқ экан, оч эканда, тўқ экан, жуда қадим замонда Ўржундарё томонда бир хоқон бўлган экан. Унинг паҳлавон ўғли бўлиб, камон отиш, қилич чопишида бу йигитнинг олдига тушадиган йўқ экан. Лекин Хоқон бу шаҳзода ни негадир ёмон кўрар ва турли хийла-ю найранглар билан уни йўқотиш пайида юрар экан.

Отаси қўйган ҳалокатли тузоқдан омон қутулган шаҳзода исён кўтариб, хоқонлик тахтини эгаллабди. Ўз миллатининг ҳақиқий ўғлони бўлган шаҳзода интизом ва жанг санъатида ягона лашкар тузибди. Шу лашкар қудрати туфайли турклар бир вақтлар қўлдан бой берган Ватанилари — Наншанъ торлари, Хуанхенинг сўлим соҳиларини ғанимлардан қайтариб олишибди. У туркларнинг қаттол душмани ҳисобланмиш Чин-Мочин қудратини парчалаб, лашкари билан Буюк Хитой деворидан ошиб ўтибди, жантсиз, бир томчи ҳам қон тўқмай хитойликларни ўлпон тўлашга мажбур этибди...

— Шаҳзода олижаноб инсон бўлган... — Уманч эртагини давом эттирас экан, овози титради, — у шунчалар олижаноб здики, тиз чўкиб таслим бўлган душман юртини таламай, вайрон этмай Ватанига қайтиб кетган. Турклар бу хоқон раҳнамолигида талончи змас, эрк, озодлик ҳимоячиси сифатида дунёда ном қозондилар. Хитой эса 26 йил мобайнида уларга ўлпон тўлаб туришга мажбур бўлди... Лекин хоқон ўлимидан сўнг, турклар бошига яна қора кунлар тушди...»

Уманч жимиб қолди. Эртак тутаган, знага ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатларига энди рўбарў бўлаёттан болакайга туркларнинг кейинги юз йилдаги аянч тақдирни ҳақида қандай сўзлашни билмасди.

Хитойликлар тўлаган ўлпоилари аламини олиб, туркларни шафқатсиз қирғин қилдилар. Мана энди, бутун ё эртага миллат тақдирни ҳал бўлади. Олтойда жон сақлаёттан бир тўдагина турклар Хитойнинг мўр-малаҳдек сон-саноқсиз лашкари билан омонсиз жангла киришадилар. Шу жангдан сўнг Ер юзида бирорта турк қоладими, йўқми, буни Тангри таолодан бўлак ќеч ким билмайди... Буларни Уманч болага қандай айт-

син, унинг мурғак қалби буцдай ларзаларга бардош беролмайди-ку!

Энага кўз ёшларини зўрға тутиб турар, бўғзидағи алам, изтироб уни гапиртирмасди. Бола ҳам ёшига ярашмаган алфозда ўйчан кўринар, ҳар доим қаҳрамонлар мурод-мақсадига етиши, тўй-томушалар билан тутгайдиган эртак бутун бошқача якун топган, знагаси кўзларида йилтираёттан еш уни изтиробга солган эди.

Уманч бир муддат жимлиқдан сўнг, кўз ёшлари аро чиройли жилмайиб, болани эркалади:

— Ухла энди, тойчоғим, тонгла ҳазрат отанг билан нонушта қиласан.

Эрангизнинг кўп вақти юришлару сафарларда ўттанидан Имлоқ уни кўп соғинар, отаси билан бўладиган ҳар бир сухбат бола учун байрам эди. У кўрпа остида отаси билан хаёлан сухбат қилиб, алламаҳалгача мижжак қоқмади.

— Отаси билан нонушта қилиш болага насиб этмади. У тонг қоронғисида уйрониб, ташқарига чиққади, гулханлар гуриллаб ёнар, чўл отлар кишинаши-ю, курол-яров жаранг-журунгига тўла эди.

Отаси Эрангиз совут, дубулға кийган, остида гижинглаб турган қора аргумогига ҳам жанг либослари ёпинтирилган эди.

Имлоқ дубулғасида гулхан шуъласи ярқираб турган отасини бир неча сония сўзсиз кузатиб турди, юрагидаги соғинч ҳислари янада қаттиқроқ жунбушга келди. Бола йиғлаб юбормаслик учун лабинни қаттиқ тишлади.

Кенг елкали, соқол-мўйлови ўзига ярашган Эрангиз жанг либосида янада салобатли кўринар, ўли унинг сиймосида энг Буюк Туркни кўргандек бўларди.

Бирдан отасининг кўзи Имлоқга туҳди. У эгардан тушиб, ўелининг рўпарасига келди, қаттиқ кучди, пешонаси, юз-кўзларидан ўпди-ю, шундай деди:

— Кечир мени, ўғлоним! Ваъдамга вафо қилолмадим... Сафардан қайттанимдан сўнг, биз албатта сухбат қурамиз! Сенга энг учқур оқ тойчоқ олиб келаман. Хайр, ўелим!... — отаси ўтирилиб оти томон йўналар экан, онаси Дунё югуриб келиб, эрининг қучоғи-



га ташланди. Унинг кўз ёшлари шашқатор, тим қора соchlари паришон эди.

— Дунё, менинг бебаҳо, гўзал Дунём! Ўзингни қўлга ол, йирлама! Мен, албатта, ғалаба билан қайтажакман!... — хотинини юпатди Эрангиз отига минар экан.

— Илоё айттанинг келсин! Буюк Турк руҳи сенга ёр бўлгай! — деди Дунё шаҳло кўзларидаги ёшларни артиб.

Уларни жимгина кузатиб турган Имлоқнинг бўизига аччиқ бир нарса тикилар, йиғлагиси келарди. Бола отасини энг мард ва паҳлавон эркак, онасини энг гўзал аёл ҳисобларди. Ҳақиқатан ҳам Эрангиз ва Дунё ўз уруғларининг энг ўқтам, хушсурат ва соғлом вакиллари эдилар. Отасига торттан Имлоқ ҳам кенг елкали, чайир ва бақувват эди.

Бургулар чалиниб, лашкар сафланана бошлади. Дунё ва Уманч Имлоқни ўтовга олиб кирдилар.

— Узоқ сафарга чиқсан одам ортидан кўз ёш тўкиш ярамайди, — деди Дунё ўғлига. Лекин унинг ўзи куилиб келаётган кўз ёшларини сира тўхтатолмасди.

Шу тун бола отасини тушида кўрди. Отаси ўша қора аргумоқни шамолдек елдириб борар, қўлидаги кескир шамшири қуёш нурида ялтирас, шамол унинг сўзларини олис-олисларга учирив кетарди:

— Хайр, ўғлоним, хайр! Мен Буюк Турк изидан кетмоқдаман!.. Мен ҳалқимга Наншанъ тогларини, Хуанхэнинг шарқироқ сувларини қайтаражакман!..

Сўнгра Имлоқнинг кўз ўнгида жанг лиbosлари ёпинтирилган оқ аргумоқ пайдо бўлди. Имлоқ илдам ҳарарат билан эгарга мингган заҳоти, оқ аргумоқ самога парвоз этди-ю, булутлар ортидан момогулдиракдек товуш эшитила бошлади:

— Оқ йўл сенга, ўғлоним, оқ йўл! Буюк Турк руҳи сенга ёр бўлгай!.. — Имлоқ чўчиб кўзларини очди, ўтов ичи зим-зиё, ёстиғи терданми, ёшданми, жиққа хўл эди.

— Уманч, сув бер, сув!.. — деди бола қуруқшаган лабларини ялаб. У ҳамон ўша, отаси совра қилган оқ аргумоқда парвоз этмоқда эди гўё.

Орадан кунлар, кунлар ортидан ойлар ўтди. Имлоқ ҳар куни баланд қир тепасига чиқиб, уфқа тикилганича узоқ ўтирас, отасининг сафардан қайтишини ку-



тарди. Куз охирлаёзган бўлса-да, Эрангиз ҳам, унинг дўстлари-ю, қўшинидан ҳам дарак йўқ эди.

Олтой чўлининг бепоён кенгликларида энди совук ёмғирлар ёғар, уфққа туташ явшанзорларда изғирин шамоллар засарди.

Имлоқ кўзлари тўрт бўлиб, отасининг қора, ўзининг оқ аргумори йўлларига кўз тикар, лекин уфқдағимир эттан жонзот кўринмасди. Дунё ва Уманч нуқул ҳазин қўшиқлар куйлар, болага билдирамай йиълаб ҳам олишарди. Дунё Эрангизнинг йўлига ниғорон бўлса, Уманч унинг дўсти Сунгуга мунтазир эди.

Бир куни субҳи қозиб маҳали ташқарида отларнинг ваҳимали кишнаши эшитилди. Имлоқ отам келгандир, деган ўйга бориб, сарпойчан ташқарига отилди.

Ташқарида эса қиёмат-қойим қўлган, ташқарида энди гулханлар эмас, ўтовлар гулхан бўлиб ёнар, қийчув, йири-сири, отлар кишнаши-ю, дупур-дупурига кўшилиб ваҳимали манзара касб этган, қариялар, хотин-халаж, бола-чақа чор атрофга зир югуришарди. Қурол-яровли аскарлар уларни қувиб юришарди.

Бола кўзлари йиртилгудек бўлиб, тўс-тўполон орасидан отасини излар, лекин Эрангиз ҳеч қаерда кўринмас, аскарларнинг ҳаммаси бегона, улар кийган совут ва дубулғалар ҳам қандайдир бошқача эди.

Бирданига Имлоқ ҳаммасини гушуниб етгандай бўлди. Тушунди-ю, баданига титроқ кирди. У тўрт томонга от солиб, ўт қўйиб юрганлар отасининг душманлари эканини, ота-ўғил энди учрашолмасликларини юрак-юрақдан ҳис этди. Ҳудди шу аснода бола даҳшатдан донг қотди: икки аскар унинг онасини, гўзал Дунёни судраб келишар, унинг соchlари паришон, кўзлари бир нуқтага қадалган, ҳеч нимани кўрмасди.

«Она! Онажон!» — Имлоқнинг доди бўғзида қолди. Уманч боланинг орзини маҳкам бекитиб, ўтов томонга судради. «Жим бўл, болам, улар сени ҳам ўлдиришади!» Бола юлқиниб, знаганинг қўлидан чиқмоқчи бўлди, лекин кучи етмади. Уманч уни кўтариб ўтогвага кирди, қаерга беркитишни билмай саросималанди. У Эрангиз ва Сунгу марлуб бўлганини, душман энди бутун златни — энг сўнгти туркларни битта кўймай қиличдан ўтказишини яхши билар, ҳеч бўлмаса шу норасидани асраб қолмоқчи эди. Лекин у ҳеч нима қилишга ул-

гурмади. Қилич яланғочлаган икки аскар ўтовга бостириб кирди. Уманч жон ҳолатда орқага тисарилиб, гавдаси билан болани тұсди.

— Болага тегма, ҳайвон! Керак бўлса, мана, мен...— энага сўзларини тутатолмади, гарданига урилган қилич зарбидан қулади.

Бола жон ҳолатда чинқириб юборди. Ҳудди шу аснода қилич яна гулхан ёруғида «ярқ» этди-ю, Имлоқ ўнг кўли ва елкаси аралаш урилган зарбадан ҳушини йўқотди.

Энг сўнгти туркларнинг энг сўнгти қароргоҳидаги қонли қирғин чошгоҳгача давом этди. Душман аскарлари ўтовма-ўтов юриб, ёш-у қарини битта қўймай қиличдан ўтказдилар, ўтовларга ўт қўйиб юбордилар.

Қароргоҳ, улкан гулханни эслатар, чор атрофда мурдалар қалашиб ётар, чўл осмонини жизранак, куйинди ҳиди тутган эди.

* * *

Олтойда кеч куз, шивалаб совуқ ёмғир ёғар, чор атроф симоби ҳарир пардага ўралганди гўё.

Имлоқ, оғриқ зўридан инграницаб, кўзларини очди. Кўзларини очди-ю даҳшатдан додлаб юборди. Боланинг икки кўли, икки оёғи чопиб ташланган, қоп-қора қон совуқ ёмғир томчиларига қўшилиб, қумга сизиб тушмоқда, у ер-бу ерда халқоблар ҳосил бўлганди.

«Энага! Менга сув бер! Сув ичгим келяпти! Сув!» — пичирларди боланинг гезарган лаблари. Унга жавобан ёмғир шивиридан бўлак сас эшитилас, қумтепалар, мурдаларга тўла қароргоҳ қабристон сукунатига нарқ бўлган эди.

«Она! Онажон, сув бер менга! Сув!..» — зорланарди иситмада ёнаёттан бола. Унинг гавдаси силкинар, тарам-тарам ерилган лаблари совуқ томчиларни ушламоқчи бўлиб талпинарди.

Қўл-оёқсиз бола ёнаёттан ўтовни қандай тарк этгани, қандай қилиб қароргоҳ чеккасига келиб қолгани ёлғиз Оллоҳга маълум эди.

Имлоқнинг кўз ўнгидан бир-биридан даҳшатли манзаралар ўтарди. Ана, икки аскар онасини судраб бораётир, онасининг кўзлари эса ҳеч нарсани, ҳатто Имлоқни, эркатоий Имлоқни ҳам кўрмас, улар нурсиз,

бир нүктага қадалган эди. Ана, Уманч, онасидан ҳам меҳрибон энага гавдаси билан уни аскарлардан тўсди... Унинг боши узра қилич «ярқ» этди-ю, бола сесканиб кетди, жойидан қимирламоқчи бўлганди, оғриқ зўридан инграб юборди. Эҳ, агар отаси бўлганида, отаси дўсти Сунгу билан етиб келолганида, улар бу аҳволга тушмасдилар...

Бола кўп қон йўқотанидан дармони қуриган, кўзла-ри яна юмилиб бормоқда, у энди танасидаги оғриқни ҳам аранг сезарди. Қандайдир кўзга кўринмас бир куч уни тубсиз жарлик сари етаклар, бола эса қорон-ғилиқдан чўчиб, кўзларини очмоқчи бўларди. Бирдан кўз ўнгида яшин чақнагандек бўлди-ю, қулогига гулдирақдек товуш эшитилди: «Кўзингни оч, ўлоним! Сен ўлмайсан, ўлишга ҳаққинг йўқ! Зеро, сен сўнгти, энг сўнгти турксан! Сен, Улур ўлон, миллатимиз давомчисисан! Тангри сенга шундай улуг қисмат ато этмиш!» Бола товуш эгасини таниб, курсанд бўлиб кетди. Гапираёттан Буюк Турк эди! Уманчнинг бетакрор эртакларидан ўзита таниш ва қадрдан бўлиб қолган Буюк Турк!

У отасини жангга кузаттан кечаси тушида оқ аргумоқ миниб, булуллардан-да баландга парвоз эттанида, «Буюк Турк руҳи ёр бўлгай!» деган товуш эшитилганди. Наҳотки, Буюк Турк билан учрашиш унга насиб этса?! Имлоқнинг кўз ўнгидаги тубсиз жарлик, зулумот чекинган, пешонасида қуёш чаракларди. Мана, Буюк Турк шамширини қинидан сувуриб, унга узатди:

— Ол, Улур ўлон! Бу шамшир ила сен халқимизга Озодлик, Озод ва Обод Ватан бахшида эттайсан!.. — Имлоқ шамширга қўл узатмоқчи бўлган эди, елкасидаги қаттиқ оғриқ азобидан кўзларидан ўт чиқиб кетди. Кўз ўнгидаги қуёш йўқолиб, яна зулумот қаърига гарқ, бўлди.

У юзига тўхтовсиз урилиб турган ёмғир томчиларидан дам ўзига келар, дам ҳушини йўқотарди.

Коронғи тушган, ёмғир ҳамон эзиб егар, боланинг пажмурда танасида ҳаёт ва ўлим ўртасида омонсиз жанг бораради. «Мен ўлмайман... Ўлишга ҳаққим йўқ, мен энг сўнгти туркман! Энг сўнгти...» — иситма аралаш алаҳларди Имлоқ. Шу аснода кўз ўнгидага яна қуёш пайдо бўлди...



БИРИНЧИ ҚИСМ

Туманли Сандобил. Бөгөн қизи. Тангри құмликлари

Сандобилни құршаган қуюқ түманлар тарқаб, баҳор келди. Оліс яйловлар ям-яшил тус олиб, қишлоғи қор күрпаси остида сукут сақлаган Тангри құмликлари Улур үммөн мисол жүнбушга келди. Тору тошлар, дарәлар узра күклам оқанғлари баралла янграй бошлады. Лекин хоқон Туманнинг катта ўғы, шаҳзода Ботурнинг күнгли сира ёришмас, у баҳор латофатини мутлақо сезмас, нұқул тамғин хаёллар сурарди.

Пахлавонкелбат, гүзәл ва наңқирон йигит Ботурмана, неча ойдирки, құтни мамлакат — Улур Івчилар хони саройида яшайды. Расман у зәлчи мақомига зәға, нимани истаса, бир зұмда мұхайё этишади. Аслида зса у жони гаровга тикилған одам. Бу — туркий давлатлар ташқи сиёсатининг ўзига хос «услуби» бўлиб, шаҳзодалар ўз мамлакатлари бошқа юрга уруш очмаслиги учун жонли бир кафолат сифатида ўзга давлатлар хонлари саройида мувакқат яшар эдилар. Мабодо аҳднома бузилиб, икки ўртада уруш чиқса, гаровдаги шаҳзодаларнинг ҳоли вояй бўларди. Отаси-нинг ўжар ва айни пайтда жуда маккорлигини яхши билган Ботур унинг исталған дақиқада уруш очиши мүмкинлигига фаҳми етар, шу боис Улур Івчилар хони саройида ҳар бир куни ва туни воят таҳдикали кечарди.

Хоқон Туман ўзининг уч йил давом эттан сафари пайтида туғилған түнгіч ўели Ботурни хүшламас, уни Улур Івчилар мамлакатига юбориб, бир ўқ билан икки қуенни маҳв этиш пайида зди. У Улур Івчилар мамлакатига уруш очиш учун барча тайёргарлик ишларини амалга ошириб қўйған, фақат қўққисдан хужум қилиш учун қулагай пайт пойларди, холос.

Баҳор келиб, кунлар исигач, Ботурнинг хавотири янада ошиди. У сарой кўнгилхушликларига деярли ара-лашмас, ёлчитиб овқат ҳам ея олмас, нуқул кечалари кўрадиган алғов-далғов тушлари таъбирини излар, ҳар тонг хон чорбогининг олис гўшасида эшитиладиган ўз севгилисига етолмаган шаҳзода ҳақидаги мунгли қўшиқ юрагини баттарроқ қонлантиради. Ёшгина қизнинг ширали, эҳтиросли овози шаҳзоданинг юрагига гулгула солар, улуғ ишлар, улуғ юришлар билан банд хаёллари бир зумгина чалғиб, қўшиқ айттувчини ўз маъшукаси дея тасаввур этар, ширин энтикиб қўярди. Қўшиқ тугаши билан, ўн етти яшар шаҳзодани яна кора хаёллар чулғаб олар, у яна ўзи билан ўзи олиша бошларди. Ҳа, отаси, ўтай онаси ва ака-укалари уни маҳв этиш пайдада, шаҳзоданинг ёш юраги буни яхши англаб турибди. Чунки у гўдаклигидәёқ отасининг, ўтай онасининг заҳаролуд нигоҳларидан ҳаммасини тушунив бетган, ўзига омоналик йўқлигини биларди. Шу боисдан у жуда зрта зр бетган, жанг санъати — камон отиш, қилич чопишни мукаммал эгаллаган, ҳатто зинг асов аргумоқларни ҳам бир зумда тизгинлай оларди.

Йўқ, шаҳзода ўлимдан кўрқаётган змасди, у табиатан мард, чўрткесар ва довюрак эди, томирида ҳақиқий туркий элат қони оқарди. Ботур отаси очиши мумкин бўлган ногаҳоний уруш туфайли ўзининг нурли орзуларидан ажralиб қолишдан кўрқарди. У улуғ ҳарбий саркарда бўлишни, ўз злати, миллатига шон-шараф келтиришни, босқинчилар додини беришни орзу қиллар ва ёшлиқдан ўзини шу қисматта тайёрлаганди. Бу қисмат ғоят омир бўлишини билса-да, тинмай шунга интиларди. Ва шу боисдан ҳам унинг улкан орзулар билан тўла юрагига ишқ мөхмон бўлиб улгурмаганди. Тўтри, унинг юраги ишққа лиммо-лим эди, лекин бу ишқ ёр, маҳбуба ишқи змас, балки улуғ ишлар, режалар ишқи эди! Ҳар ишнинг ўз мавриди, вақти бўлганидек, ёр ишқининг, муҳаббатнинг, инсонни бутунлай қамраб оловчи буюк севгининг ҳам ўз мавсуми бор ва бу мавсум ҳар бир юракка албатта ташриф буюргай!

Бу тонг ҳам кўнгилсиз бир тарзда нонушта қиласан Ботур қуёшнинг илк нурлари билан бирга боққа чиқ-

ди. Олисдаги Хонтангри тоғининг симобий төвланиб турған қорла чўққиларига узоқ тикилди. Сүнгра қўёш нури билан ўйнашаётган гул баргидаги шабнамни томоша қилди. Беғда қушлар сайрори авжига чиқмоқда, ариқдаги кўм-кўк сув ҳам уларга жўр бўлар, бу илоҳий гўзаллик шаҳзодани бус-бутун қамраб олган, эрта тонгдаги карахталик йўқолиб, Ботурнинг тийрак кўзларини шўх чақнатмоқда зди. Юраги алланарсадан жунбушга келар, нимагадир интиқ, интизор зди.

Мана, ниҳоят, тонгти борни гунгу лол қилиб, ўша, шаҳзода кутган мунгли қўшиқ янграй бошлади.

Сувнинг шўх шарқираши-ю, қушлар сайрори ҳам эшитилмай қолди. Қўшиқ бир зумда алангадек борни чулғаб олди. Ботур бутун вужуди қулоққа айланиб, қўшиқни тишглай бошлади. Неча ойдирки, ҳар тонг шу қўшиқ янграйди ва шаҳзода ҳар тонг гунгу лол бўлиб, ўзига ўхшаш бир шаҳзоданинг баҳтсиз муҳаббати ҳақидаги қўшиқни такрор-такрор тинглайди, кўксида аччиқ бир оғриқ туяди.

Қўшиқ авжи пардада янграй бошлади. Шаҳзода беихтиёр, ўзи сезмаган ҳолда бор адори томон юра бошлади. У қўшиқ, куйловчини қидириб топишга қарор қилганди.

Тонг насими қўшиқ сўзларини Хонтангри чўққилари томон олиб кетмоқда. Ботур эса борда сар-сари кезиб, қўшиқ эгасини излар, лекин тополмасди. Товуш момоқалдироқдек гумбурлаб, акс садо берарди.

Шаҳзода боғда сарсон кезаркан, сёри остига «тўп» этиб бир нарса тузди. Ботур ҳайрон бўлиб эгилди, чиройли гулдастани ердан авайлаб кўтарди. Баҳорнинг илк гулларидан сараланган гулдаста ажойиб ифор таратиб турад, ичида аллақандай сирли, шилдироқ нимарса бор зди.

Шаҳзоданинг юраги ҳаприқиб кетди. «Наҳотки! ?» Юраги гурс-гурс уриб, мактуб қатини очди. Чиройли ҳуснинатда шундай калималар битилганди: «Шаҳзода, биламан, сен қўшиқ куйлагувчини изляпсан. Бу — мен, Ражоман, яъни — орзу! Кўнглинг буюрганига қулоқ солсанг (биламан, кўнглинг албатта буюради), мен билан танишмоқчи бўлсанг, қоронги тушгач, бор адоридаги шийпончага кел. Кутаман... Ражо».

Ботур мактубни ўқир экан, хон саройида тутқунликда ўтказеттан күнлар, ойлар азобини бир зумгина уннугандай бўлди. Вужудини аллақандай тушуниксиз илиқлик қамраб олди, боши гир-гир айланди. «Эй тангри, наҳот мен ҳақимда ўйлайдиган тирик зот бўлса бу ёруғ жаҳонда?! Наҳот, ситамлардан озурда қалбимнинг малҳами топилса?!»

Кун аллақандай ярим туш, ярим хаёл билан ўтаётгандай эди. У ўй-хаёлинг ҳамма паст-баланд кўчаларига кириб чиқди. «Ким бўлди экан бу соҳира, сеҳрли товуш згаси? Ёинки отасинингми, Улур ёвчилар хонинингми ҳийласимикан? Шу йўл билан тузоқда тушириб, маҳв этмоқчими? Менинг Тангридан ўтинчим жанг майдонида мардона ўлим топиш эди-ку! Наҳот, қандайдир ҳийла қурбони бўлсан? Унда нурли орзулашим қаёқда қолади?.. Йўқ, йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, илтижоларим ижобат бўлиб, Тангри менга улур бир муҳаббат юбормиш! Улур муҳаббат! Ана шу муҳаббат мени бало-қазолардан асраса, не ажаб? Мен учрашувга албатта боргайман! Бу тақдирни илоҳийнинг менга марҳаматидур!»

Аста-секин олисдаги Хонтангри чўққилари кўздан йўқолиб, оқшом чўқди. Сон-саноқсиз юлдузлар бодроқдек бўлиб, осмонга сочилилар. Тун ойсиз, зулумот, чин ошиқлар кечаси эди.

Ҳар елкасида бир одам ўтиrsa бўладиган, барваста, билаклари кучга тўла шаҳзода довюраклик билан бирга сермулоҳаза, вазиятни тўғри баҳолаб, иш тутаоладиган йигит эди. Ҳозир ҳам юраги сирли мактуб муаллифи ёнига тезроқ бор, дея қанча ундумасин, ақл билан иш тутди. У шийпончага боришдан олдин боғ-гулзорлар оралаб, бир оз сайр қилди, ўзини кузатаётган айтиқчилар йўқдигига ишонч ҳосил қилгачгина, шийпон томонга бурилди. У худди отаси саройидаги сингари Улур ёвчилар хони саройида ҳам рийбат, чақмачақарлик ва ифво авжига чиққанини яхши биларди. Сарой фитналари неча-неча гуноҳсиз бошларни танасидан жудо қилаётганини кўриб турарди.

Ботур шийпончага яқинлашар экан, юраги хонасидан чиққудай «гурс-гурс» уради. Шу аснода ший-

понча томондан қора бир күланка ажралиб унинг истиқболига юрди ва шаҳзода димогида янги очилган атиргул ҳидини туйди, ширин энтиқди, қулоқлари остида ўтли-эхтиросли шивир эшитилди:

— Қадамингта ҳасанот, шаҳзодам, мен бу ердаман! Хуш келдинг!

Ботур гарантсиб шарпага эргашиб шийпончага кирди.

Ойсиз тун зулумоти шунчалар кучли эдики, шаҳзода товуш эгасининг енгил, назокатли ҳаракатларини сезиб турса-да, ўзини сира кўролмасди. Орадаги сукунатни ҳашаротлар, тун қушлари саси бузаб турагар. Ботурдан садо чиқмасди. Нихоят, мактубда ўзини Ражо дея таништирган қиз тилга кирди:

— Шаҳзодам, ҳайрон бўлмагин, ўзи мактуб битиб, мени учрашууга чорлаган қиз ким бўлдийкин, деб. Мен — Ражо Тангри иродаси ила сени ёлғизлик балосидан қутқаришга азм эттан бир одамман, холос. Мендан хавотирланма, айроқчи деб ҳам ўйлама, бу ўйлар — ғалат. Мен оддий боғбон қизиман, сен — аслозда, улур ҳоқон Туман ўғлисан...

— Мени қаердан танийсан, не ниятинг бор? — сўради Ботур.

— Сени танимай бўлурми, шаҳзодам? Сен бовда сайр эттанингда наинки одамлар, балки гуллар, дарахтлар ҳам ҳавас билан қарайди. Улутвор, осмон-ўпар эмандаррасо қаддингта сукланиб боқса, гуллар юзинг тиникдигидан завқ олади... Ниятимни эса айтдим, мен сени ёлғизлик азобидан халос этгумдир!..

— Мен... Мен ёлғиз эмасман, сарой аъёнлари доимо сұхбатимга мунтазир, ҳар бир ҳоҳишими, зумда амалга ошади...

— Булар мента-да маълум, шаҳзодам, лекин шуни ҳам биламанки, сен валиаҳд здинг ва ўтай онанг ирволари оқибатида ўтгай укант валиаҳд этиб тайинланди, сен эса гаров тариқасида бу ерга келдинг. Энди ўзинг айтчи, гаровдаги одам бир зумгина бўлсин баҳтиёр бўла оладими? — Ражо эътироозга ўрин қолдирмай гапиради.

— Нета энди айнан мени ёлғизликдан халос этмоққа азм этмишсан? — яна савол берди Ботур.

— Негаки, буни Кунтандри күнглимга солмиш. Сен улуғ ишларга қодир, улуғ ишлар қылгувчисан, шаҳзодам! — Ражонинг ширали товушида меҳр, меҳрибонлик бор эди, бу шаҳзода күнглидаги музларни зритгандай бўлди.

— Сени менга етказган Кунтандрига шукроналар бўлгай! — деди у энтикиб.

Бу шукроналик Ражонинг күнглини кўтариб юборди.

— Қиз қалби жабрдийдалар қурган ситамларга жуда сезгир бўлади. Сени илк бора боғда кўрган кунимок, паҳдавон келбатинг, иродада кучи сезилиб турган чехранг менда кучли таассурот қолдирди. Лекин кўзлалинг, бургутники янглиғ тийрак кўзларинг чақнаб турган бўлса-да, уларнинг туб-тубида чексиз бир кам, андух, тўғрироги, аллақандай маҳкумлик ифодасини кўрдим. Кўрдим эмас, юрак-юрагимдан ҳис этдим. Шундан сўнг сенинг қисматинг билан қизиқдим, кимлигинт, насл-насабингни сўраб суриштирдим.

— Ташаккур сенга, Ражо! Зими斯顿 қалбимга нур бўлиб, нур олиб кирдинг!

— Ташаккурга вақт эрта ҳали, сен улуғвор ишлар, ўз мамлакатинга шон-шараф келтириш арафасида дурсан ва лекин бошингда катта хавф турибди. Буни менга шомонлар айтиб беришди. Уларнинг Коинот билан доимий мулоқотдалиги сенга аён, шаҳзодам!

— Буни ўзим ҳам биламан, боғон қизи, гуллар эркаси! Лекин шуни билки, мен тақдир зарбаларига дош бериб, жимгина ўтирадиганлардан эмасман. Мен ҳақиқатан ҳам улут ишларга қодир ва ҳозир одамман! — Ботур ўзига чексиз ишонч билан гапиради. Ражо унинг кўзларини кўрмас, лекин бу кўзлардан олов сачраётгани унга аён эди.

Қиз кўнглида ҳам аллақандай тўфон қўзгалган, у шаҳзода амалга ошириши лозим бўлган ишларга ўзини камарбаста ҳис этарди.

— Улуғ ишларни қылгувчиларга Тангри ўзи мададкордур! — шаҳзоданинг кўнглини кўтарди Ражо.

— Ҳа, Тангри ўзи мададкор, Кунтандри ёлғизларнинг ёридур! — тўлқинланиб сўзлади Ботур.

— Кунтандри сенга ёр эди, лекин одамлар наздида ёлғиз здинг. Энди эса одамлар наздида ҳам ёлғиз эмассан, ёнингда мана, мен борман, сен агар истасанг, тақдиди азалниң барча жабру ситамларини бирга тортишга розиман!..

— Сен кўнглимни Хонтандри қадар юксакка кўтардиг, зй таниш ва нотаниш қиз! Аслида сен ҳам мен учун Тандри иноятидурсан!

— Замин аталмиш бепоён кенгликларда бирор-бир каромат тандри иноятидан ташқари содир бўлмайди. Бизни эса қўшиқ яқинлаштириди. Аслида эса севгилисига етолмаган шаҳзоданинг бахтсиз муҳаббати ҳақидағи қўшиқ — бу сенинг озурда қалбинг торларини чертиш учун куйланарди. Ўша шаҳзода армонлари — сенинг ҳам армонларинг бўлиши табиий, зеро, донолар Ватандин яхши ёр ўлмас демишлар... — Қиз деярли шивирлаб гапирав, шаҳзода уни жон қулоги билан тинглар, ушбу дақиқалар жуда узоқ давом этишини истарди.

Баҳорнинг фараҳли туни эса тобора қуюқлашар, осмонда юлдузлар тужрон ўйнар, енгил шабада гулчечаклар ифорини етаклаб юарди.

— Энди хайрлашайлик, — деди ниҳоят Ражо. — Ҳаялласак, хоннинг айроқчилари назарига тушишимиз ҳеч гап эмас. Сендан бир ўтичим бор, шу бир-икки кун юят эҳтиёт бўл, мен бир хавф сезсам, дарҳол огоҳлантираман. Саройдаги шивир-шивирларга қаранганд, отанг эрта-индин уруш очиши мумкин эмиш...

Шу тун Ботур деярли мижжа қоқмади. Ражонинг хоқон Туман эрта-индин уруш очиши ҳақидағи хабари унинг учун янгилик бўлмаса-да, юрагидаги хавотирни тарин ҳам оширди... Тўюри, у отаси Эртами, кечми, уруш очишини билар, бунга ўзини зимдан тайёрларди. У хон саройи борига кириш-чиқиш йўллари, отхоналар, соқчилар қандай жойлашганини яхши ўрганиб олганди. Лекин бу оқциом юрагига эндигина ногаҳоний, ғойибона бир ишқ меҳмон бўлай деганида, кунук хабар... Сирасини айтганда, шаҳзода юрагидан кечаетган ҳисларни ҳали ишқ ҳам деб бўлмасди. У ўз маслақдоши, халоскори бўлишига чорланган қизнинг ҳатто юзини ҳам кўролмаган, фақат Ражонинг ёқим-

ли, мусиқий овози күнгли торларини чертиб ўтганди. Бу, чамаси, Мұхаббат аталмиш буюк неъматнинг дебочаси, ибтидоси эди. Шу билан бирга Ботурнинг юраги шубҳа-ю гумонлардан ҳам холи эмасди. Борди-ю, Ражо ҳақиқатан ҳам хон қутқуси билан ҳаракат қилаёттан бўлсачи? Унда шаҳзода шармандаи шармисор бўлиб саройдан қувилади. Отасидан эса марҳамат кутмаса ҳам бўлади...

Лекин қизнинг эҳтиросли, ҳаяжонли товуши унинг кулоқлари остида акс садо берар, шубҳалари бир зум тарқагандек бўлар, бироқ орадан кўп ўтмай, сон-саноқсиз саволлар миясини кемира бошларди. «Хўш, — дерди бир күнгли, — нега энди етти ёт бегона боғон қизи Ражо менга яхшилик қилиши керак? Бунга нима зарурат бор?» Яна бир күнгли эса бундай дерди: «Ражо — бу тангрининг менга марҳамати, улур ишларим бажарилиши учун берган фатвосидур...»

Шу тахлит бесаранжом ўй-хаёллар оғутида икки кун ўтди. Учинчи кун оқшом пайти Ражо уни яна учрашувга чорлади.

Йигит юраги орзиқиб, ўша шийпон ёнига борди. Бу тун аввалгисидай зулумот эмас, ой атрофни сутдек ёритиб туради. Ҳар икки ёш ўзларини беҳад ҳавф-хатарга қўяётган эдилар.

— Қара, шаҳзодам, нақадар гўзал, ойдин тун. Лекин афсус. Оймомо ҳозир бизнинг иттифоқчимиз эмас. Начора, тун гўзаллигига маҳдиё бўлишга вақтимиз ҳам етмайди. Бетакаллуфлигим учун маъзур туттайсан, лекин ўзга чорам йўқ. Биз учун ҳар дақиқа ғанимат, шу боис гапларимга яхшилаб қулоқ сол! — деди Ражо салом-алиқдан сўнг дарҳол мақсадга кўчиб.

Ой ёргуида шаҳзода қизнинг булоқ сувидек тиник юзини, қайрилма қошлигини, тик қоматини кўриб знитикиди, чехраси овозидан-да чиройли экан, деган фикр кечди хаёлидан. Лекин у қизнинг ҳаяжонли сўзлашибдан фалокат содир бўлганини сезиб туради. Богбон қизи ҳам хафа бўлса-да, иродали эди, шу боис ҳаяжонини сездирмасликка ҳаракат қилиб, сўзида давом этди:

— Эшитишимча, отангнинг отлиқ аскарлари эрта тонгда чегарадан ўтади. Буни саройда ҳали ҳеч ким

бilmайди. Дадам шомонларнинг башорати шундай, дейти. Шу боис сен шошилишинг керак.

— Шошилишга ҳожат йўқ, боғон қизи, бир бошга бир ўлим!

— Йўқ, йўқ, бундай дема, шахзодам, ахир сени улур ишлар кутмоқда! — деди Ражо зорланиб. Қизнинг овозидаги илтижо шахзодани тўлқинлантириб юборди. Шундай бўлса-да, у сиртига чиқармади. Ботур энг оғир дақиқаларда ҳам ўзини хотиржам сақлай оларди.

— Улур ишларда эса шошилиш мутлақо мумкин эмас! Улур ишлар ёниқ юрак, тоза қўл ва ниҳоятда совуққон ақл билан амалга ошгусидир!

— Бекорга мени қийнайсан, шахзода! Шомонлар башорати ҳозир исталган дақиқаларда хонга маълум бўлиши мумкин. Унда сени соғ қўймаслар, — деди Ражо таҳлика билан.

— Мен барча эҳтиёт чораларини кўриб қўйганман, шу боис хотиржамман ва сенинг ой юзингни Ой шульласида бир муддат томоша қилмоқчиман, холос, боғон қизи! — деди Ботур.

— Оҳ, ҳазилнинг вақти эмас, Ботурим! — яна зорланди Ражо. Унинг шаҳдо кўзларида ёш мавжланди. Шундагина Ботур бу кўзлар нақадар гўзал эканлигини юрак-юрақдан ҳис этди, ҳали туғилмай, айрилиққа маҳкум ишқини ўйлаб афсус чекди ва: «Кел, бўлмаса хайрлашайлик, Ражо», — деди.

Ражо оғир тин олиб, шахзоданинг кўзларига тикилди. Шунча таҳликаға қарамай, йигитнинг кўзлари кулиб турарди, уларда ўзига ишонч ёлқинлари мавжланарди. Бу нигоҳлар қизни анча хотиржам қилди.

— Алвидо, шахзодам, алвидо Ботурим! — деди у.

— Алвидо эмас, учрашгунча! — шахзоданинг товуши жуда ўқтам эди.

— Мана бунда, — деди Ражо шийпонча четидаги хуржунга ишора қилиб, — уч кунлик овқат ва сув бор. Шу уч кунда Тангри мададкор бўлса, сен Тангри қумликларини ортда қолдирасан. Дадамнинг айтишича, баҳорда бу қумликлар жуда хавфли, уммондек чайқалиб турармиш. Лекин кўрқаманки, сен отанг юртида ҳам хатардан фориг бўлмассан, баайни бир аждар коми-

дан чиқиб, иккинчи аждар комига бош суқасан. Начора, сенинг қисматинг шу!

— Мен бу қисматта тайёрман! Мен қисматимдан розиман! — деди шаҳзода ишонч билан.

— Ҳа, шаҳзодам, сен Тақдириңг. Қисматинг хўжайини бўлишинг керак! — уни қувватлади Ражо.

— Бўламан ҳам, Ражо, ишончинг комил бўлгай!

Ой баландламоқда, унинг сиймин нурлари боғни мунаvvар эттан, лекин шу ойдин тун қаърида қандай даҳшатли сирлар, қабоҳатлар яширин эканлигини ҳали ҳеч ким билмасди. Уруш аталмиш вабо бу мамлакат сари яқинлашиб келмоқда, йўлида учраган барча эзгу нарсаларни ямлаб-ютишга тайёр. Энг биринчи навбатда бу уруш бегуноҳ шаҳзода хунига зомин бўлиши керак эди. Хоқон Туман тўнгич ўғлини қурбон бериб бўлса-да, ўз мулкини янада кўпайтириш тўғрисида ўйлар, Улут ёвчилар хони эса уруш хавфини сезди дегунча, Ботурнинг бўрзига ханжар солишга шай эди. У айтоқчилари орқали Ботурнинг безовталигидан хабардор ва демакки, уруш очилиши муқаррарлигини сезиб турарди.

— Янглишмасам, — деди Ражо, — сен яхши чавандозсан, чавгонда олдингга тушадигани йўқ. Демак, хон отхоналари қаердалигини, қоровуллари қанчалигини яхши билурсан?..

— Хотириңг жам бўлсин, ҳамма эҳтиёт чоралари кўрилган, — шаҳзода қай йўл билан қочишини бидирмоқчи эмасди. Қиз буни сезиб ортиқча гапирмади. У имкони борича тезроқ Ботурни хавфдан йироқлаштириш учун куйиб-пишарди.

— Бу ойдин тун сенга ҳам дўст, ҳам душмандир. Дўстлиги — ойдинда йўлингдан адашмайсан. Душманлиги — сени таъқиб этгувчилардан яширинишинг мушкуроқ кечади.

— Зиени йўқ, учқур аргумоқ ҳар қандай рақибни дарда қолдиради. Кўришгунча хайр, Ражо!

— Хайр, Ботурим! Дарвоқе, хуржунда менинг сенга битган мактубим бор. Юзингта айттолмаган гапларимни мактубга тўқдим. Зора, бошингта мушкул тушган пайларда сенга далда бўлса. Мен шундай бўлади деб умид қиласман. Тангри ёр бўлгай!

— Тангри ёр бўлгай! Менинг умидим ўзингсан,
Ражо!

Улар хайрлашишар экан, шийпончадан 15—20 қадам наридати улкан сарв дарахти шохлари қимирилаб кетганини ва қора бир кўланка ўзини қоронгиликка олганини пайқамадилар. Қиз боғдаги ҳужрага, шаҳзода эса отхоналар томон ошиқдилар. Қора кўланка эса хон саройига жўнади.

Ботур қиз ёнида ўзини тетик тутишга уринган бўлса-да, ҳаяжони кучли эди. Ясовуллар исталган да-қиқада бўйнига сиртмоқ солишлари мумкинлигини ҳис этар, шу боисдан жуда шошилмоқда эди.

Шаҳзода отхона қоровуллари қаерда ухлаши-ю, хоннинг энг учқур Чуз номли аргумоги қаерда сақла-нишини яхши биларди. Ўз навбатида Чуз ҳам шаҳзодани «танир»ди. Чунки шаҳзода отхонага тез-тез келар, отбоқарлар рухсати билан Чузни бир-икки ми-ниб, ёлларини силаган, қўлидан арпа едиргаиди. У бир куни бошига иш тушса, ёлғиз ҳалоскори шу аргумоқ бўлишини мўлжаллаган, бошқа отлар Тангри қумлик-ларидан ўта олиши амри маҳол эканини биларди. Аслида хоннинг хос отига унча-мунча одам яқинлаши-шининг иложи йўқ. Биринчидан, отбоқарлар рухсат беришмаса, иккинчидан, Чузнинг ўзи ҳеч кимни яқиннига йўлатмасди. Лекин тутқунликдаги шаҳзода отнинг ҳам, отбоқарларнинг ҳам кўнгилларини топа олгаиди. Отбоқарлар алпқомат, кўзлари мунгли шаҳзоданинг саройда юриш сабабларини яхши билишар, ўлимга маҳкум йигитнинг илтимосини қайтаролмасдилар. Чуз эса йигитнинг ҳақиқий чавандоз эканини ҳис қилас, ўзи-га ширин муомаласидан зриб кетарди.

Шуларни ўйлаб келаётган шаҳзода хотиржамлик билан Чузнинг ёнига яқинлашди. Мирохур, отбоқарлар, қоровуллар ширин уйқуда, мамлакат осмонини босиб келаётган қора кўланкадан бехабар эдилар. Хавфдан огоҳлар эса бедорхоб эдилар. Шаҳзода Чузнинг ёнига яқинлашган паллада, Ражо ўз ўрнида бе-зовта тўлғониб ётар, уларни таъқиб қилган қора кўланка — айроқчи эса бу пайтда шаҳзода ким биландир учрашганини Улуг Ёвчилар хони девони соҳибхабари-га етказмоқда эди.

— Хўш, — деди соҳибхабар ўрнида бир салчиб, Ботур аллаким билан учрашганини эшишиб, — ким эди ўша киши? Ким?!

— Кимлигини билолмадим. Ойдин бўлса-да, улар шийпон қоронғисида эдилар, товушидан билдим, ешгина қиз...

— Ёшгина қиз эмиш... Каллаварам, шаҳзода қаерда ҳозир?

— Шаҳзода... Отхона томонга кетди... — талмовси-ради айғоқчи.

— Нима, отхона томонга?! — соҳибхабар ўрнидан сакраб туриб, айғоқчининг ёқасидан бўтиб олди. — Ахир у Чузни миниб қочиб кетади-ку! Наҳот шуни тушунмадинг, тўнка! Кетидан бориб, бўйнига сиртмоқ салиб олиб келмайсанми бу ёқقا!

— Мен... Ҳозир... Аввал сиз билан маслаҳат қилиб, кейин тутиб келмоқчи эдим...

— Э воҳ, ахир Чузга ҳатто шамол етолмайди! Ҳонэнди калламизни олади, калламизни!

Соҳибхабар айғоқчининг баширасига бир мушт туширди-ю, хонада зир югура бошлади.

Тез орада навкарлар йиғилиб, отхона томон югурдилар.

Отхонада мирохур, отбоқар ва қоровуллар тўрт томонга югуришар, шаҳзодадан ҳам, Чуздан ҳам номнишон йўқ эди.

Бу орада Чузни миниб олган шаҳзода саройдан бир неча чақирим олислаб кетган, унинг қулоқлари остида баҳор шамоли ёқимли ҳуштак чаларди.

Улуғ Ёвчилар хонининг хос навкарлари Ботурни таъқиб қилишга тушдилар. Лекин унинг ўзи тутул изини ҳам тополмадилар. Бу пайтда хоқон Туман аскарлари Улуғ Ёвчилар мамлакати чегараларини бузиб ўттан, жанг майдонларида қиёмат-қойим бўлаётган эди.

Ботур даҳшатли Тангри қумликларида уч кечачою уч кундуз от чоптириди. У онда-сонда ширин сувли қудуқлар бўйида бир муддат тўхтаб, Чузни суюорар, ўзи ҳам тамадди қилиб олар ва яна тизгинни қўйиб юборарди.

Нижоят, тўртингчи кун деганда у кўм-кўк ўтли бир яйловга етиб келди. У отини майсага юбориб, ўзи ўт-

ўланлар устига чалқанча тушди. Кўм-кўк, бегубор осмонга, оппоқ қорли төғ чўққиларига назар ташлади. Сап-сарик, дилгир кум уммонидан чарчаган нигоҳлари ором олди. Чуз «курт-курт» ўт чайнар, яйловнинг тоза ҳавосидан кўксини тўлдириб нафас олаётган Ботурнинг боши гир-гир айланар, бўғзига аччиқ бир нарса тиқилиб келарди.

Шахзода яна нигоҳларини уфққа қадади. Олисда отаси барпо эттан салтанат пойтахти — Туманбалиқ кошоналари элас-элас кўзга ташланарди.

Ботур ўрнидан туриб, маза қилиб керишди. Яна Чузнинг белига минди. Қорини тўйдирниб, сувга қонгани аргумоқ тижинглаб турарди. «Энди отта азоб беришнинг ҳожати йўқ. Секин-аста юрсам-да, чошгоҳда Туманбалиқда етиб оламан», ўйларди у, отни йўрттириб борар экан.

Туманбалиққа яқинлашгани сайин шаҳзоданинг халларичувалашиб борарди. «Хўш, ўғлини аниқ ўлимга юборган хоқон уни тирик кўриб қай аҳволга тушар экан? Севинадими ёинки тақдир ўғлига кўрсатган марҳаматдан юз ўтирадими? Лекин мен барибир унинг ёнига боришим керак, бораман ҳам. Одимдаги улуф мақсадларни амалга оширишнинг бошқа ҳамма йўллари ва қопқалари берк!»

Хоқон Туман Улуғ Ёвчилар мамлакатида уруш олиб бораётган бўлса-да, Туманбалиқ кўчалари гавжум, ҳаёт бир маромда давом этарди.

Ботурни қизил аргумоқда кўрган ўгай онаси ва укалари унга арвоҳга тикилгандек бақрайиб қараб қолдилар, сўнгра эса тилёғламалик билан уни соғ-саломат кўраётганларидан хурсанд эканликларини изҳор этишга тушдилар. Ботур эса хотиржам эди, бу «дил изҳорлари»нинг ҳақиқий баҳосини биларди.

Ботур сиртдан қараганда хотиржам кўринса-да, кўнгли нотинч, кейинги уч-тўрт куннинг шиддатли воқеалари, Тангри қумликлари орқали ўтиш азоб-уқубатлари уни хаёлан таъқиб этар, отаси жангдан қайттач, бўлажак учрашув ҳақидағи ўйлар тинчлик бермасди.



Ражонинг мактуби. Туманбалиқда тантана

Туманбалиқдаги хон саройи салобатда Хонтангридан қолишишас, уни ўраб олган сон-саноқсиз боғлар, шарқираган ариқ, сойлар бу гўзал маскан ҳуснига ҳусн кўшарди.

Ана шу салобатли ва гўзал масканда Ботур яна ёлиз қолди. Барча номдор саркардалар, дўстлари хоқон Туман раҳнамолиги остида Улуғ Ёвчиларни енгиш учун жангта кетган эдилар.

Шаҳзода уззукун ўз ўй-хаёллари билан банд, аҳён-аҳёнда ўқ-ёйини қўлига олар, унга узоқ вақт тикилиб турар, лаблари алланималарни пичирлар ва яроқни яна жойига қўярди. Мана, неча йилдирки, у мўъжизакор бир ўқ кашф этиш тўгрисида бош қотирар, ошланган тери парчаларига аллақандай шаклларни чизар, қайта ўчирадар ва яна чизарди. У яратадиган ёй ўқи шундай ажойиб ҳусусиятга эга бўлиши керакки, бу ўқ ҳам душманни мавҳ этсин, ҳам юрагига беҳад ғулгула солсин.

Отаси билан ҳарбу зарбда, машқларда иштирок этган шаҳзода жанг пайтида душман юрагига солинган ваҳима, ғулгула кўп нарсани ҳал қилиши мумкинлигни яхши биларди. У ўзининг унча кўп сонли бўлмаган, лекин яхши уюшган, буйруққа сўзсиз бўйсунадиган, тартиб-интизомли қўшини бўлишини орзу қиласар, лекин бу орзуларини отасига айтишга ҳайиқар, чунки уни нотўғри тушунишлари мумкин эди.

Саройдаги бир-бирига монанд кунлар ўтар, хоқон Тумандан ҳамон дарак йўқ эди. Ана шундай зерикарли кунларнинг бирида у Ражони эслади ва ўзининг ўша даҳшатли Тангри қумликларидан эсон-омон ўтишида мадад бўлган хуржунни қидириб топди-да, яхшилаб ошланган мол терисининг кичик парчасига битилган мактубни авайлаб қўлига олди, секин-аста ўқий бошлиди.

«Шаҳзодам, сенинг тўрт томони пурвиқор тоғлар билан ўралган ям-яшил ўтлоқли гўзал мамлакатингда ҳозир тунми, тонгми, мен билолмасман, лекин шуни яхши биламанки, сен яна ёлғиз қолдинг, яна ўзинг танхосан ва шу боис мен биттан мактубни қўлингта ол-

динг. Қўлингта олдингми, энди уни чеккага йиғишишиб қўйма, охиригача дикқат билан ўқи. Мактубим унчалар узун эмас ва унда деярли ҳеч гап йўқ. Мактубда сенга, сенинг улуғ ишларинг йўлида ўзини фидо қилишга тайер ва буни ўзиға бир шараф деб билган оддий боғон қизининг дил рози бор, холос.

Шаҳзодам, мен сенга ишқ-муҳаббат ҳақида лофт урмасман, зеро, ўртамиизда бу туйту борми, йўқми, буни ёлиз Кунтандри билади. Мен ўзимни сен учун фидо бўлишга тайёр эканалигимни билдиromoқчиман, холос. Зеро, буни тандри кўнглимга солди, бўйин товлашга ожизман.

Биз ҳаётда фақат икки мартагина учрашдик, лекин мен сени бир умр кутдим, сени бутун умрим давомида биладигаңдайман. Шаҳзодам, биламан, сен ҳозир елизсан ва бир умр қисматинг шу. Чунки барча улуғлар ёлиз, танҳо бўлгусидир. Чорла, азизим ва мен ёнингда бўлгайман!..»

Мактуб Ботур юрагидаги андухни тағин ҳам ошириб юборди. Мана, уни тушунган, фидо бўлишга тайёр бир дилсўз юрак! «Лекин мен уни қайта чорлайман? Шу фисқу фасод, фитналар уясигами? Ўтай онам ва укаларим уни албатта бир балога гирифтор қилиш йўлини ўйлаб топишади. Шундай бокира, оққўнтил қизни ёпимга чорлаб, уни азоб-уқубатга маҳкум этишга сира ҳаққим йўқ менинг! Ҳаққим йўқ! Майли, у мени ўйладиган, менга жони ачийдиган озод бир қуш бўлиб Улут ёвчилар мамлакатида учиб юраверсин! Мен улуғ ишларга азм этган эканман, кўнгил кўчаларига юришим керак эмас!»

Шу тахлит Ботур ўзи билан ўзи олишар, гўзал Ражо мактуби кўнглини жунбушга солар, тинчлик бермасди.

Ниҳоят, баҳор қариди. Салқин саҳарларнинг бирда тор ўнгирлари томонидан ногора, карнай-сурнайлар акс садоси янграб, Туманбалиқ аҳли кўчаларни тўлдиради. Хоқон Туман Улут ёвчиларни енгиб катта ўлжалар ва ғалаба билан ўз пойтахтига кириб келмоқда эди.

Шаҳзода Чузни миниб, голиблар истиқболига юрди. Отасининг хос соқчилари сафини ёриб ўтиб, узангига

бош урди. Ота ўғлиниң күзларига бир зум тикилди. Шаҳзоданиң күзларида аллақандай тушуниксиз бир ёлқин мавжланарди. Хоқон күзларини олиб қочишга мажбур бўлди ва ўғлига қаратса шундай деди:

— Сенга оғаринлар бўлгай, шаҳзода! Аждаҳо комидан соғ-омон чиқиб ота юртига келдинг, сен улуг марҳаматта лойиқсан!

Мулозимлари қуршовидаги хоқон йўлида давом этди. Ботур Чузга миниб унга эргашди.

Сон-саноқсиз ўлжалар, минг-минглаб асир ва аси-ралардан иборат карвоилар Туманбалиқ кўчаларини тўлдириб борар, ғолиблар ғалаба нашидасидан маст, мағлублар бу бегона юртда ўзларини нима кутаётганини билмай, маъюс бошларини эгиб, сёкин қадам ташлардилар.

Салтанатда ғалаба байрами бир неча кун давом этди. Минглаб моллар сўйилди, шаробу шарбат дарё бўлиб оқди. Туманбалиқ аҳолиси кечак ва кундузнинг фарқига бормай қолди. Ғолиблар ғалаба нашидасини суриш билан бирга, янги юришлар тўғрисида завқшавқ билан сўзлардилар.

Базм ва тантаналар охирлагач, хоқон Ботурни ўз хузурига чорлади. Ота-бала шоҳидларсиз узоқ сухбатлашдилар. Лекин бу сухбат узоқ вақт учрашмаган ота-бала учрашувига унчалик ўжшамасди. Ботур отасининг панд-насиҳатларини қандай қабул қилишни, уларга ишониш, ишонмасликни билолмай ҳайрон эди. Туман Тангриқут ғалаба нашидасидан жўшиб сўзлар, шаҳзода эса унинг сўзлари замирида ўзига хайри-хоҳлик эмас, қандайдир ёлғон, риё кўйарди. Ботур кейинги йиллар ва воқеалар ривожидан ашглаб етган эдики, хоқон қабул қиласиган ҳар бир қарорда ўтгай онаси ва укаларининг таъсири бор ва улар ҳеч қачон унга бирор эзгуликни раво кўрмайдилар. Лекин отасининг бу ғалги қарори шаҳзодани лол қолдиради ва у бу марҳаматни тангри иродаси дея қабул қилди.

— Ўғлим, — деди Туман сухбат сўнгида, — сен ўз мардлигинг билан мени қойил қилдинг. Қаттол душманни доғда қолдириб, унинг хос отида Тангри кумликларини енгиб ўтишинг — қадрингни янада ошир-

ди. Бизнинг саодатли лашкаримиз учун отлиқ қўшинлар ташкил этиб, уларни бўлажак жангларга ҳозирлашинг учун бугуноқ фармони олий битурман. Тангри сенга ёр бўлгай, ўғлим! — хоқон яна ўғлиниң тийрак кўзларига тикилди. Шаҳзоданинг кўзларида бу гал севинч ёшлари мавжланарди.

— Бизнинг туркий қавмимиз тожу тахти бу — эгар-жабдуқ ва ўқ-ёй! Шон-шарафимиз эса жанг жадал! — дея сўзини яқунлади хоқон.

Шу оқшом Ботурнинг кўзларига уйқу инмади. Кўнглидаги неча йиллик армонлар ушалиши учун йўл очилмоқда, энди тақдирнинг учқур отини қўлдан чиқармаслик керак!

Ботур эрта тонгдан кўнглидаги қувончларни ўртоқлашиш учун болалиқдан бирга от суриб, қилич чопиб, камон отиб ўстган дўсти Йитикнинг ҳузурига ошиқди.

Йитик ҳам Ботур сингари паҳдавонкелбат, оғирбосиқ, йигит бўлиб, ҳозир хон саройи қўриқчиларидан бири эди.

— Йитик, менинг сўзларимга қулоқ сол, бизни улуғ ишлар кутмоқда! Сен бу йўлда менга ёрдам беришинг керак, — ҳар доим босиқ-вазмин шаҳзоданинг ҳаяжон билан сўзлаши йигитни ҳушёр тортириди.

— Тушунтириб сўзла, қанақа улут ишлар? — сўради у.

— Отам отлиқ қўшин ташкил этиб, уларни жангта ҳозирлаш учун менинг номимга фармони олий битди! — қувончини дўсти билан ўртоқлашди шаҳзода.

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам улут иш бўлибди, дўстим, — курсанд бўлди Йитик.

— Биз учун ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ, тезда ишга киришишимиз лозим! Ўзинг биласан, бу ишга монелик қилувчилар, отамни йўлдан урувчилар кўп. Айниқса, ўтай онам, укаларимнинг не ўй-хаёлларда юришгани сенга аён. Мен сени отамдан сўраб олдим. Лашкар тузилгунча менга кўмак берасан, сўнг хос соқчиларимга бош бўласан ва айни бир пайтда илғор (манглай) қўшинига бошчилик қиласан.

— Ишончинг учун ташаккур, дўстим. Лекин... — иккиланди Йитик.

— Лекин-пекини йўқ, сен менга сўзсиз бўйсунишинг керак, тамом-вассалом! Биз тузажак лашкар ягона темир интизомга бирлашажак!

— Амрингта сўзсиз бўйсунаман. Бироқ отлиқ лашкар тузиш сен ўйлаганчалик осон иш змас. Сен қилич чопганинг, у хомаки жанглар эди. Жанговар отлиқ кўшин — бу бутунлай бошқа гап...

— О, дўстим Йитик, сен албатта, хоннинг хос соқчиси сифатида анча жангу жадал кўрдинг, Улур Ёвчилар билан бўлган муҳорабада отамни душман ўқидан қандай ҳимоя қилганингнида биламан. Лекин мени ҳам ёш бола деб ўйлама, ахир аждаҳо комидан соғ чиқсан одамман-а... Ундан сўнг, отам менга лашкар тузиш билан боғлиқ барча ваколатларни берди. Сизлар жангда эканингида мен кўп режаларимни пишишиб қўйган эдим. Энди амалий ишлар пайти етди. Йитик!..

Шу куни икки дўст режаларни обдан пишишиб, лашкарнинг тузилиш тарзи, қурол-яроғ, аслаҳа-анжомлар хусусида фикрлашдилар. Махсус кишилар жанг отларини танлаш учун яйловларга жўнаб кетдилар. Ботур ўзи ихтиро эттан овозли ёй ўқини Йитикка намойиш этди.

— Мана буларни кўряпсанми, — деди у дўстига силлиқ ёй ўқидаги бир нечта, кўз зўрга илмайдиган тешикчаларни кўрсатиб, — камондан отилган ўқ душман томон учиб борар экан, ана шу тешикчалардан ўтган ҳаво ноҳуш овоз чиқаради. Энди ўзинг тасаввур қил: минглаб камончилар бир вақтнинг ўзида рақиб томонга ўқ отдилар... Ёй ўқларидан чиқсан даҳшатли увиллаган товуш душман юрагига беҳад ғулгула солади, отлар бу товушдан ҳуркиб, осмонга сапчийди... Карабсанки, жанг майдонида бу ваҳимали товушлардан қиёмат-қойим бўлади...

— Офарин, дўстим, — ҳайратини яширолмади Йитик, — сен ҳакиқатан ҳам улуғ ишларга қодирдурусан!

— Менинг отлиқ лашкарим ана шу маҳфий қурол билан жанг қиласжак ва биз ҳаммамиз бир вақтда, бир мўлжалга беҳато ургаймиз! Менинг нигоҳим қайси нуқтага қадалса, барча ўқлар сўзсиз ўша нуқтага



учгусидир! Бошқача бўлиши мумкин эмас, ягона темир интизом шуни талаб қилади!

Икки дўст боғ адогидаги сайхонлиқда сайдарди-лар. Шаҳзода кўлига камонни олиб, олисдаги улкан қарағай танасини мўлжаллаб ўқ узди. Ёй ўқи ҳақиқатан ҳам увиллаган товуш чиқарганича мўлжал томон учди. Икковлон югуриб дарахт ёнига келишгач, Йитик танадаги ўқни суғуриб олиб, унга узоқ тикилди, тешикларни бармоқлари билан пайпаслаб кўрди. Сўнг бoshини сарак-сарак қилиб деди:

— Қойил сенга, шаҳзода. Ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ихтиро!

— Бу ихтиродан ҳатто отам ҳам хабарсиз. Шу боис сен ҳам ҳеч кимга ориз очма. Фанимларимиз сирдан воқиф бўлмасинлар... Бизнинг кучимиз ана шундай ҳеч ким билмаган усусларни қўллашимизда бўлади.

Хоқон саройига яқин ерда атрофи сув тўла хандақлар билан ўралган бир қалъа бор эди. Маҳобатли бу масканинг оғир гужум дарвозалари доимо берк, баланд деворлар ортида ким яшайди, нима иш билан машғул экани бегона нигоҳлардан пана. Лекин Туманбалиқ аҳди бу ерда хоқон лашкари учун қуроласлаҳалар тайёрланишини яхши билишарди. Асир ва асиралар баланд деворлар ортида туну кун тер тўкиб, хоқон Туман лашкари қудратини оширишга хизмат қилишарди. Ботур ва Йитик тушлиқдан сўнг шу ёқда равона бўлдилар.

— Баргуствон отлар (темир ёпинчиқли) бўлажак лашкарнинг асосий зарба берувчи кучларидан бири-дир. Шу боис отлар учун маҳсус зирҳли ёпинчиқ сифатига алоҳида эътибор беришимиз лозим, — деди Ботур осма кўприқдан ўтиб, қалъа дарвозаси томон йўналар экан.

— Ҳа, дўстим, баргуствон отлар — бизнинг асосий кучимиз. Лекин лашкар учун жавшан (совут), дубулга, сипар (қалқон), табарзин (жанг болтаси), найзалар ҳам жуда сифатли бўлмоғи керак, — деди Йитик.

— Фақат овозли ўқ-ёйимизни бу ерда эмас, ўзимиз, алоҳида маҳфий тарзда тайёрлаймиз. Акс ҳолда душман хуфиялари хабардор бўлса унинг маҳфийлиги қолмагай, — шаҳзода дўстини яна бир карра огоҳлантириди.

Шу тахлит отлиқ лашкар тузиш ишлари қизиб кетди. Ўз азалий орзуси сари дадил интилаёттан шаҳзода бир ерда тиним билмай, елиб-югуради. Лашкар турккий қўшинлар жант санъати қоидаларига кўра 10, 100, 1000 ва 10 минг кишилик тартибда тузила бошлади. Ўнг ва сўл қанот илор (манглай) қисмлардан иборат отлиқ лашкар Ботурнинг режасига кўра тез тўплана оладиган, узок юришларга чидамли, жуда жанговар бўлиши керак эди. Лашкарни қўриқлаб борувчи махсус қоровул қисмлар ҳам бор эди. Ботур лашкар бошлиқларини алоҳида зътибор билан танлади. Улар Ботурнинг бир нигоҳидан ҳамма нарсанни англаб олишга ўргатида.

Янги лашкар қароргоҳи учун Туманбалиқ яқинидаги тор ёнбагирлари танланди. Бу ерда отлар учун ўт сероб, шарқироқ, сойлар оқиб ётар, хомаки жанглар учун чор атроф жуда кулай эди.

Шаҳзода ҳеч бир эринмай чавандозлар, камончилар, пайзадорлар билан ўзи алоҳида-алоҳида машғулот ўтказар, камондан ўқ отишу от чопища унинг олдига тушадигани йўқ эди. Ботур етти юз қадам нарида қўйилган дубулғанинг қоқ пешонасини камон ўқи билан теша олар, қилич чопища бир ўзи юзлаб отлиқка бас келарди. У ўзи асос соглан темир интизомни қадам-бақадам амалга оширмоқда эди.

— Мен оттан ёй ўқи қай томонга учса, сизники ҳам ўша ёққа учиши шарт, буйруқни бажармаганинг боши танасидан жудо қилинади! — дея аскарларга қайта-қайта уқтиради у.

Хоқон Туман ўғлига лашкар тузиш учун фармон берган бўлса-да, хуфиялари орқали унинг ҳар бир қадамини кузатиб борарди.

Ботур эса туну кун отлиқ лашкар муаммолари билан шугулланар. Йитик, Қидва, Тарқ, Мусаллат каби лашкарбошилар унга кўмак беришпар, тор этакларида хомаки жанглар авжига чиққан эди.

Кунларнинг бирида Ботур жавшан ясаётган аскарлар ишини кузатиб ўтирад экан, қалъанинг асиралар сақланадиган томонидан эшитилаётган маҳзун қўшиқ дикқатини тортди. У сесканиб кетди, қўшиқ ўша севгилисига етишолмаган шаҳзода ҳақида эди! Йигит бу-

тун вужуди қулоққа айланиб, эшита бошлади. Куйлаётган Ражо эди!

Ботур беихтиёр қалъанинг пастқам гүшаси томон юрди. Соқчибошидан қўшиқ куйлаётган қизни хузурига олиб келишни сўради. «Наҳот бу Ражо, ҳалоскори Ражо бўлса? Наҳот у асир тушган?» — шаҳзода хаёлларининг учқур отлари ҳар томонга тўзғиб кетдилар.

Орадан кўп ўтмай соқчибоши афтодақол бир асирани бошлаб келди. Қизнинг кийимлари кир-чир, маҳзун қиёфаси жуда аянчли эди. Кўзлари ич-ичига ботиб, ориқлаб қолган ҳалоскорини Ботур дабдурустдан таниёлмади. У қизнинг мунгли кўзларига бир муддат тикилиб тургач, хитоб қилди:

— Ражо! Ҳалоскорим! Сенмисан!

Қизнинг кўксидан аламли бир фарёд отилди, сўнгра у ўзини қўлга олиб, секин шивирлади:

— Мениман, шаҳзодам. Мен, баҳтиқаро Ражо...

— Нега, ахир шу ердалигинги билдирамадинг?

— Билдирам. Келганимдан буён ҳар саҳар, ҳар оқшом қўшиқ куйлайман, зора овозимни эшитсанг, деб. Лекин Тангри иродаси билан товушим қулогингга етгунча неча-неча тунлар ва кунлар ўтди... Сен улуғ ишлар билан банд эдинг. Лекин барибир бир кун товушим қулогингта етишини, мени танишингни билардим. Чунки мен улуғ ишларда сенга қўл-қанот бўлишга ваъда берганиман, ахир...

Тангрининг иродасини қарангки, бир вақтлар шаҳзодани тутқунлиқдан, тўғрироғи, муқаррар ўлимдан ҳалос эттан қиз энди унинг асираси эди! Табиатан мард Ботур бунга тоқат қилиши қийин эди.

У дарҳол сал чеккада турган соқчибошига юзланди.

— Ражо менинг азиз меҳмоним, уни дарҳол ҳибдан озод этиб, саройга жўнат!

— Бунинг сира иложи йўқ, шаҳзодам. Асирани авғ этиш фақатгина хоқон ҳазратларининг фармони олийлари билан амалга оширилгай. Мен бу қоидадан чиқсан, бошим танимдан жудо бўлади... — таъзим қилди соқчибоши.

Ботур дарғазаб бўлди, кўзлари ўт сачрата бошлади.

— Бу қиз менинг меҳмоним, ҳалоскорим деяпман-
ку сенга!

— Барибир, фармона олий лозим, — деди соқчи-
боши.

Уларни жимгина тинглаб ўтирган Ражо гапта ара-
лашди:

— Бекордан бекорга ғазаб отига минма, шаҳзодам!
Ота рози — Тангри рози деганлар... Тутқунликка шунча
чидадим, энди буёғига ҳам бир амаллаб бардош бе-
рарман... Илтимос, мени дея отангга қарши борма.
Сўраб кўр, рози бўлса, нур устига аъло нур, кўнмаса,
начора, мен сенинг қўлингда асириликда бўлишни-да
ўзим учун бир шараф ҳисоблагайман...

— Ундай дема, Ражо! Ахир, қайси гумроҳ ўз ха-
лоскорини асириликда сақлади? — шаҳзода мулозим-
ларига қичқирди: — Чузни келтиринг!

Мулозимлар гижинглаб турган, слов рангидағи Чуз-
ни етаклаб келдилар. Шаҳзода сакраб згарга мин-
ди-ю, от бошини қўйиб юборди.

Хоқон Туман аллақандай машварат ўтказаёттан экан,
шаҳзодани унинг ҳузурига киритишмади.

Ботур у ёқдан бу ёққа юарар, ўзини қўярга жой
тополмасди. «Эй Тангри, бу қандайин бедодликки, ха-
лоскорим зиндоңда ўтиrsa, унга иззат-икром кўрса-
толмасам?!»

Шаҳзода кун бўйи ўз ёғига ўзи қовурилди. Айроқ-
чилар орқали қалъадаги воқеадан хабардор бўлган хо-
қон ўғлини қабул қилишни истамасди. У ўғли ва аси-
ра қиз ўргасида ишқий можаро бўлиши мумкинлиги-
ни тахмин қилас, шу боис шаҳзода шаштидан туши-
шини кутарди. Хоқон Туман ўғлининг Улур Ёвчилар
саройидан сорғаломат қайтиб келишини сира кутга-
ганди. Шаҳзодани сорғомон кўрган хоқон энди уни
ортиқча даҳмазасиз укасининг қизига уйлантириш, шу
тахлит тож-тахтдан бир қадар узоқлаштиришни ре-
жалаштирган, кичик хотини туну кун шунга даъват
этарди. Ботур отлиқ қўшинлар ташкил этиб, унга бош-
чилик қилаётгани ўтай онага ҳам, тахт вориси-ю бош-
қа шаҳзодаларга ҳам сира-сира ёқмасди. Улар бунда
ўзлари учун катта хавф-хатар кўришарди. Ота ҳам
ўғли отлиқ аскарларини қанчалик тайрат билан жант-

га тайёрлаёттанини кўриб, хавотирлана бошлади, сўзи-дан қайтишга эса ғурури йўл кўймасди.

Туманбалиқ секин-аста тун оғушига тортилди, осмонда юлдузлар жимир-жимири бошланди. Нихоят, ўғлини отаси ҳузурига киритдилар. Ботур жуда ҳаяжонда, отаси эса сокин, хотиржам эди. Ўғлининг таъзимига секин бош иргаб, лашкарни қурол-яроғ билан таъминлаш аҳволи билан қизиққан бўлди. Бу орада шаҳзода ҳаяжонини босиб олиб, отасини зимдан кузатарди. Хоқон тахтида викор билан ўтирас, бир нуктага қадалган нигоҳларидан унинг кайфиятини англаш мушкул эди. Шаҳзода отасининг қаҳри қаттиқдигини яхши билганидан, гапни нимадан бошлашни билмай, тараддулданар, Ражонинг афтодаҳол қиёфаси кўз ўнгида гавдаланиб, юрагини тинимсиз эзарди.

Хоқон ўғлининг хаёлидан қандай ўйлар кечаеттанини билса-да, атайлаб гапни бошқа ёққа бурав, шаҳзоданинг тоқатини тоқ қилмоқчи бўларди.

Ҳақиқатан ҳам кўп ўтмай шаҳзоданинг бардоши тутаб, мақсадга кўчишга мажбур бўлди.

— Сандобилдан ҳайдаб келинган асиralарнинг орасида менинг ҳалоскорим, боғбон қизи Ражо ҳам бор экан... Ўша қиз бўлмаса мен ҳозир ҳузурингда бош этиб турмасдим.

— Ҳа, ҳа, сен Ватанинг, ҳалқинг учун қурбон бўлишинг мумкин эди! Сенинг ҳалоскоринг катта ҳурматга лойиқ! — деди хоқон совуққина қилиб.

Отасининг товушидаги лоқайд, бепарво оҳанг шаҳзоданинг баданини жимиралишиб юборди. Бу оҳанг улар бир-бирларидан нақадар йироқ, бегона эканликларини кўрсатиб туради. Бу Ботур учун янгилик эмас, улар ҳеч қачон яқин, маслақдош бўлишмаган, лекин шунга қарамай, кўнгли жуда чўкиб кетди, отасининг кўзларига қарамасликка ҳаракат қилиб, сўз қотди:

— Ана шу ҳурматга лойиқ қизни асирикдан ҳалос этишга фармони олий лозим...

— Фармони олий зартага тайёр бўлгай! — хоқон шундай деди-ю, боргоҳ эшигига назар ташлаб қўйди, бу билан хон ва шаҳзода учрашуви якун топганига ишора қилди.

Ботур жуда ноқулай аҳволда қолди. «Эртага фармони олий тайёр бўлади, Ражони озод этадилар... Бу яхши... Лекин уни саройда олиб қолишнинг иложини қилиш керак, акс ҳолда у юргига жўнаб кетиши лозим... Ахир, Тангри куммиклари уни ютиб юбормайдими?.. Шуларни хаёлидан ўтказтан шаҳзода отасининг совук нигоҳларига зўрга тоб бериб, яна сўз қотди:

— Мен... Мен Ражони саройда олиб қолмоқчиман... Унга уйланаман...

Хоқон ўғлидан бу гапни эшлишини яхши биларди, бунга тайёр эди. Хўш, бир асира саройда қолса, нима бўлибди, юради-да бошқа канизаклар қаторида... Лекин у хонга келин бўлолмайди, бўлиши мумкин эмас! Бироқ Туман бу ҳақда ўғлига очиқ айтишни лозим топмади, сукут сақлади. Шаҳзода эса сукутни ризо аломати, дея қабул қилди, тараддуланиб тураверди.

Туман ўғлига «кетавер», дея ишора қилди-ю, ўзи хаёлга чўмди. Ҳа, у ўғли чўрткесар, қайсар эканини яхши билади, шу боис раъига очиқдан-очиқ қарши чиқмади, ҳийла-найранг билан тузоқقا туширмоқчи бўлди. Баҳтига, укасининг қизи Сақит (Зухра) саройда меҳмон бўлиб турибди, у жуда гўзал қиз, иккаласини учраштириб қўйса, олам гулистон. Шаҳзода эс-хушини йўқотади, халоскорини ҳам унугиб қўяди... Хоқон ўз режасидан мамнун бўлиб, мийигида кулиб қўйди. Ҳа, бу ёш йигитчалар минилмаган асов отта ўҳшашади, яхши чавандоз қўлига тушишса, мўмин-қобил, ювош бўлиб қолишади...

Ботур ўз кўшкига келди-ю, ухлаелмай, эртани, эрта тонгни, фармони олийни, Ражони, ўз халоскорини кута бошлади. У отаси билан бўлган сұхбат жанжалсиз, сукутли розилик билан тутаганидан хурсанд эди. Лекин кўнглиният бир четида ҳадик, хавотир ҳам яшамокда эдики, бу хавотир унга тинчлик бергиси келмас, отасининг ризолиги замираидар қандайдир сир ялирин эканини ҳис старди. Ҳа, ҳозир Ражони асирикдан озод этиб, саройда олиб қолиш — бу шаҳзода учун катта тап. Лекин ўтгай онасию укалари шундоқ қараб туришмайди, улар албатта бир можаро чиқаришга ҳаракат қилишади. Лекин ҳозир унинг ихтиёрида озгина вақт, озгина имкон бор. Ана шу имкондан

мумкин қадар тұлық фойдаланиш лозим. Акс қолда, имкон бой берилиши ҳеч гап эмас. Бунинг устига отлиқ лашкар — баргуствон отлар, яреғ-аслаңа ташвишлари... Хуллас, ҳаракат қиласынан пайт келди...

Хоқон ҳам бу түн бедор зди. У ўғлининг режаларини қандай барбод қилиш ҳақида ўйларди. Түғри, ўғлини асира қиздан айнитиб, укасининг қизига уйлантириш үнчалик қийин кечмас, чунки жияни Сақит гүзәл, соҳибжамол, уни күрган йигит ақл-хушидан ажралиши тайин. Бироқ шаҳзоданинг отлиқ лашкарлари кучайиб кетса, унда нима бўлади?. Ҳозир хоқонни шу савол қийнамоқда зди. Бу ҳаёт-мамот масаласи. Тож-тахт талашишда эса ота ўғилга, ўғил отага дўст бўлмайди. Туман валиаҳдликка кичик ўғлини тайинлаган бўлса-да, Ботурдан хавотирда, унинг мардлиги, ғайрати, саркардалик салоҳиятидан чўчирди. Лекин энди у фармонини бекор этиб, Ботурни лашкар бошлиқлигидан четлаштирса, сарой аъенлари олдида ҳам бебурд бўлиши тайин. Ундан кейин, шаҳзодага содик қўшин хоқонга бўйсунмай қўйиши ҳам мумкин...

Туман икки ўт орасида зди. У ўғли бошқарган хомаки жангларни кузатиб, шунга иқрор бўлгандики, шаҳзода жуда тезкор, юксак интизомли лашкар тузишга муваффақ бўлган, улар ўз бошлиқларининг биргина нигоҳидан ҳамма нарсани англаб оладилар. Шаҳзода оттан ёй ўқи қай томонга учса, лашкарники ҳам ўша нуқтага қаратилади. Овозли ўқ-ёй эса душман юрагига ғулрула солади! Шундоққина пойтахт яқинида, ўзингники бўлса-да, бундай лашкарнинг туриши, кўйнингда заҳарли илон сақлагандай бир гап.

Ота ва ўғил бошқа-бошқа кўшқда, бошқа-бошқа хобгоҳда тўлониб ёттан бўлсалар-да, деярли бир нарса ҳақида ўйлардилар. Бу ўйлар уларга тинчлик бермас, киприкларига уйқу индирмасди.

Нидоят, бир қарорга келипди шекилли, тонгта яқин ҳар иккаласи ҳам уйқута кетишди. Улар қандай қарорга келишганини Тангридан ўзга ҳеч ким билмасди...

Эртасига чошгоҳда Ботур Ражони озод қилиш тўғрисидаги фармони олийни қўлга киритгач. Чузни миниб, қуролсозлар қалъаси томон елиб кетди. У жуда

хурсанд, тезроқ ҳалоскорини озод этиш иштиёки билан ёнарди. Лекин у ўзини хиёнат ва қабоҳат кутаётганини билмасди. Соқчибоши шаҳзодани жуда совук қаршилади, фармоннинг у ёқ-бу ёғини айлантириб кўргач, қайтариб берди ва кўзларини яширганча шундай деди:

— Энди бунинг ҳожати йўқ, шаҳзодам. Асира тунда қочиб кетибди.Faфлатда қолибмиз, начора...

Ботурнинг бошига бирор гурзи билан ургандай бўлди.

— Қандай қилиб, шундай мустаҳкам қалъадан қочиб кетади? Бу мумкин эмас! — қичқирди у соқчибошига.

— Мен ҳам шундай ўйлайман... Лекин ҳужра бўмбўш, бориб кўришингиз мумкин, — бамайлихотир жавоб қилди соқчибоши.

Бу отасининг навбатдаги найранги эканини, соқчибоши ҳамма сирдан воқифлигини шаҳзоданинг кўнгли сезиб турарди. У вазиятни янада читаллаштирилмаслик учун соқчибошига ортиқча зутум қилмади. Отаси билан ҳам бу хусусда гаплашишининг ҳожати йўқ. Чунки хон сўзидан қайтадиганлардан эмас. Боз устига, у мақсадига етмаса, кўймайди ҳам. Унинг мақсади эса шаҳзодага энди бус-бутун намоён бўлмоқда эди. Шаҳзода учун бу саройда ўрин ҳам, ҳаёт ҳам йўқ. Шу боисдан у энг аввало дўстлари билан бирга Ражони қидириб топиши керак. Ражони топмай, отасининг иродасига қарши бориш — қизни ҳалок этиш деган тап.

Ботур Ражони излаб, кўнгли бўзлаб юрар экан, отаси уни жияни Сақит билан қовуштириш тўғрисида бош қотирар, ўрли унга ошиқ бўлиб қолишига ишончи комил эди. «Сақит шундайин бир гавҳарки, унга ҳаридор бўлмаслик сира мумкин эмас», дерди ўз-ўзига Туман.

Қайдасан Ражо? Хоқон ҳийласи. Қонли кўз ёшлар

Ботур Ражони озод этиш учун отаси билан учрашган тун охирлаёзганда хоннинг хос соқчиси қуролсозлар қалъасига келиб, соқчибошига максус фармонни етказган, унга кўра асира қиз энг чуқур ва пастқам



ертўлага беркитилган ва у қочиб кетди, дея овоза тарқатилган эди.

Ражо ақали қиз эди. Шу боис ҳали хўрз қичқирмай ўзини ҳужрадан олиб чиқишаётганда кўнгли аллақандай алдовни сезди. Уни энг қоронги ертўлага ташлаганларида йиги-сиги қилмади, буни ҳам тақдирпинг навбатдаги синови дея қабул қилди. Фақат оқкўнгил ва мард шаҳзода билан учрашув онлари яна орқага сурилганидан ўкинди, холос.

Ражонинг олдида бир сопол кўзачада сув ва қоттан нондан бўлак ҳеч нарса йўқ, ертўлага тангадек офтоб тушмас, у кўзлари тўрт бўлиб мард шаҳзодасини кутарди. Қизнинг кўзлари қоронғиликка ўрганган бўлсада, бутун умри борда, гуллар орасида кечганидан нурли орзуларга тўла кўнгли зулматта сира кўниколмасди. Фақат Ботур бутун-эрта мени қутқариб олади, деган ўй зимистон кўнглига чироқ ёққандек бўларди.

Ботур эса ўзини кўярга жой тополмай қизни ўйлар, у қалъадан чиқиб кетмаганини юрак-юрақдан ҳис қиласар, овозини эшишиб қолармиканман, деган ўй билан уззукун қуролсозлар олдида куйманарди. У ўша галгидай Ражонинг қўшигини эшишиб қолишга умид қиласарди. Лекин қиз ўтирган ертўла жуда чукурликда, унинг товуши ёруғ дунёга чиқиши мушкул. Ражо ўзига туйнуқдан нон ва сув туширган соқчилар билан гаплашишга уриниб кўрди, лекин улар жавоб бермай, ўз ишларига кетдилар.

Ботур Ражони излаш билан овора экан, хоқон Туман биродари Кузхоннинг қизи Сақитни ҳузурига чақирирди. Жияни ҳузурига кириб, таъзим бажо эттач, салмоқлаб сўз бошлади:

— Бошингта баҳт қуши қўниб турибди, қизим. Мен сени келинликка муносиб топдим. Катта ўтлим Ботурнинг завжаси бўласан.

Қизнинг оппоқ, чиройли юзи қизариб кетди, юраги тез-тез ура бошлади. У узун киприкларини ҳам қилиб, ерга боқди, амакисига жавобан ҳеч сўз айтмади. Ахир, нима ҳам десин, у ҳали энди бўйи сал чўзилиб, кўзга кўрина бошлаган маҳалдан чиройли ва пажлавонисифат шаҳзодани яхши кўрар, бу қариндошлиқ туйгусими ёинки илх муҳаббатми, билолмасди. Ҳозирги

очиқ-ойдин таклиф қизнинг юрагига ғулғула солди. Сақит ҳақиқатан ҳам ўлдуз мисол ёрқин ва чиройли эди. Ўзим ҳам шаҳзодага еқсан керак, деган умид учқуни юратида липиллаб турарди.

Хоқон Туман қизни зидан күзатди. Ойдай түлишиб, оқи — оққа, қизили — қизилга ажралиб турибди. Кўзини ердан узмаса-да, чеҳраси ёрқин, юзларини тер босибди, демак, кўнгли бор. У ёғи Тангри иродасига ҳавола! Хоқон ўз қароридан мамнун бўлиб, қизга деди:

— Кунтантри йўлларингни нурли қилсин, қизим! Сенинг ақлли қиз эканлигингни билардим. Бахти бўлгайсан! Бор, отанг билан ўзим гаплашаман!

Амакиси хузуридан чиқдан қиз кўкларда парвоз қиларди гўё. Тўрида, ахир, кимсан хоқон Туманга келин бўлиш, ҳазил гапми? Етти иқлим хоқони! Ботур... Оҳ, Ботур, уни буюк келажак кутаёттанини фаяқат мунахжимлар змас, ҳамма биладику, ахир! Шу змасми бахт қуши?

Ботур эса ғамгин зди. Ҳамон Ражодан дарак тоғомагани учун қийналарди. Хос соқчилари, дўсти Йитик жонларини жабборга бериб Ражони излардилар... Асиранинг қаердалигини ҳеч ким билмасди.

Асира эса ҳамон ўша, жаҳаннам қаъридек чуқур ва заҳ ергўлада, кўzlари нигорон бўлиб, Ботурни кутарди, «тиқ» эттан товуш унга шаҳзоданинг шаҳдам қадамлари бўлиб туоларди. Ражо кунлар ва тунлар саноғидан адашган, тобора ҳолсизланиб борар, юрагига «наҳот Ботур мени кидириб тополмаса?» деган шубҳа оралай бошлаганди.

Вақтнинг шафқатсиз югуригини эса тўхтатиб бўлмасди. Туманбалиқни ўраб турган қорли тоғлар юзига тумаңдан ҳарир парда тортилган, дарёнинг бутана сувлари тинқлашган, сариқ рўмолини судраган куз бепоён яйловларга ташриф буюрганди.

Хоқон Туман салтанатининг кўз илвамас кенгликларида урушлар ва юришларга тайёргарлик бир зум ҳам тўхтамас, жангу жадал, ғалаба базмлари, лашкарбошилар бир-бирларидан ўзишга ҳаракат қиласдилар. Сўқимлар сўйилиб, шароб базмлари бир неча кунлаб давом этар, мешларда олиб келинадиган қимиз ва қим-

роннинг кети узиамас, төр ёнбаяирларига тикилган сонсаноқсиз чодирларда сұхбати жонон авжига чиқарди.

Куз келиши билан салқын саҳарларнинг салқын шабадалари салтанатнинг олис-яқин гүшаларига яна бир мұжданы етказдилар: хоқон катта ўғли шаңзода Ботурни үйлантирияпти, келин бўлмиш биродари Кузхоннинг қизи — Сақит. Ой деса ойга, кун деса кунга ўхшайди. Келин-күёв узукка кўз қўйган мисол бирбирига мос ва муносиб...

Бу ҳақиқатан ҳам катта тантана эди. Ахир, кимсан, етти иқдим хоқони Туман тўй қилмоқчи.

Туман етти иқдим хоқони экан, тўй базми учун совға-саломлар ҳам етти иқлимдан кела бошлади. Асл аргумоқлару шоҳона безатиган аравалар, кимхобу атласлар, алвонранг гиламлару Тангритор чўққиларига монанд чодир-ўтовлар, молу парранда, жайрону кийиклар кўчкидай бўлиб Туманбалиқ томон оқиб кела бошлади.

Шаҳар тўй либосини кияр экан, Ботурнинг қўнгли мотам оҳангларига тўлиб борар, у иложсилиқдан бошини қаерга уришни билмас, жарчиларнинг товуши қулоқ пардаларини йиртгудек бўларди. У ўз кўшкидаги энг пастқам хонада ўтириб, «қайдасан, Ражо, орзуйим, умидим?!» дей фикран нола чекар, отаси билан бўлиб ўттан сўнгти сұхбат қулоқлари остида акс садо берарди: «Сен ёки ҳозир күёвлик либосини киясан, ёки эт-устихонинг Тангри қуммилари қузғунларига ем бўлади!».

«Ахир, мен Ражога үйланмоқчиман, деб айтган эдим-ку!» — фарёд қилди Ботур. «Дом-дараксиз йўқолган таги паст Ражонгниям олсанг майли, юраверади канизакларинг қаторида! Лекин унга үйланишни хаёлингта ҳам келтирма! Сен хоқон ўғисан, сенинг тенгингт — жияним Сақит!» — зуғум қилди хоқон ва шу билан ота-ўғилнинг тўй олдидан маслаҳати туғади.

Ботур тўй кунигача Ражони топиш, гўшангага Сақитни эмас, уни олиб киришни жуда-жуда истар ва ҳамон дўстлари ёрдамида ҳалоскорини изларди. Унинг охирги умиди Йитикда эди. Йитик қандай бўлмасин, уни топишга ваъда берганди.



Лекин мана, бугун тўй арафасида сўнгги умиди ҳам пучга чиқди. Йитик ҳузурига келиб, бош эгтанича, Ражони тополмаганини айтди. Энди бугун ёруғ олам шаҳзода учун зимиштон бир бўшлиқда айланди. У сўнгти дақиқаларгача мўъжиза рўй беришига ишонган, гўшангада албатта Ражони кучаман деб ўйлаганди. Афсус... Унинг кўнглида сачраган илк муҳаббат учқунлари аланг олмай, сўнмоқда эди. Тўтри, шаҳзоданинг қалбидаги туйруни Ражоға бўлган етук ишқ деб бўлмасди. Чунки улар ҳаммаси бўлиб 2—3 маротаба ҳамсуҳбат бўлишди, холос. Лекин ана учрашувлар ҳам шаҳзода юрагида из қолдириб ултурган, у ўз ҳалоскори яхшилигига яхшилик билан жавоб қайтариш, уни баҳтиёр этишни орзу қилганди. Бу орзу орзулигича қолади, шекилли. Чунки эртага тўй деганда отаси сўзидан асло қайтмайди.

Шаҳзоданинг кўнгли аламга тўла, у Ражони тополмагани учун ўзини койирди. «У Улуг Ёвчилар саройида ҳаётини ҳавфга қўйиб бўлса ҳам мени халос этишга журъат этди. Мен эсам... Мен ҳам унинг учун жонимни фидо этишим мумкин. Лекин унинг қаердалигини билолмасам... Сўнгти умид Йитикда эди. Соқчибоши олтин жаранганида, ханжар ярақданишинида писанд қилмади. Ражо қаердалигини айтмади. Чунки айтса боши салчадай узилишини яхши билади...

Бечора Ражо! У дунёда Ой ва Қуёш борлигини, улар нур сочишини ҳам унуттан, қоп-қоронги зулумот тийрак кўзларини кўр қилаёзганди. Қиз соқчиларнинг узук-юлуқ гапларидан Туманбалиқда қандайдир тантанага ҳозирлик кўрилаётганини англаған бўлса-да, шаҳзода уйланаёттанидан хабарсиз эди. У ҳамон Ботурни кутар, умид қиласарди ва Сақит атамиш гўзал бир қиз ҳам шаҳзода дийдорига муштоқ эканини билмасди.

Тўй базми етти кеча-ю етти кундуз давом этди. Узоқ-яқин ўлкалардан келган меҳмонлар учун қанча жонлиқ сўйилганию, қанча мешҳда шароб ва қимиз кеттанини санаб ўтирумаймиз. Чунки бунинг санорига етиш мушкул. Фақат олтин ва кумуш соғарлардаги май ва шароб тиниклиқда Ой-Қуёш нури билан баҳслашгани, аёқчилар гулзордаги сон-саноқсиз раъно ва



наргислар мисол латиф ва дилбар эканини айтиб ўтамиз, холос. Ва яна ушбу тўй довруғи, бир томондан мангу музликларгача, яна бир томондан, Хитой деворию Ҳазар денгизигача стиб борганини эслатиш жоиздур.

Туманбалиқ аҳли, мезбонлар ва меҳмонлар сархуш ва масрур экаймал, куёв келинни оғушига олиб, ўтиш вақти етганди. Ой юз, кундуз чехрали Сақит юрагида улут бир титроқ билан куёвдан бир журъат, бир марҳамат кутарди.

Лекин пайдавонсифат Ботур шундоқ бир гўзаллик, оҳу монаңд хилқат қарисида ҳамон жим, сукутда эди. Унинг бургутникига монаңд ўткир кўзлари юлдуз мисол нурланиб турган Сақитни кўрмасди, кўришни истамасди.

Сақит нафақат ҳусн-жамол, балки одобда ҳам ягона эди, куёвнинг сукутидан кўнгли оғриган бўлса-да, сиртига чиқармай, уни ноз-неъмат тўла дастурхонга таклиф этди. Дастурхонда каклигу оҳу гўптидан тортиб сархил меваларгача бор эди. Келинчак олтин косада қимиз қуйиб, таъзим билан шаҳзодага узатди.

Ботур ташналигини қондиргач, Сақитга бир зум тикилиб турди. Сақит уялиб, ерга қаради. Ботурнинг унга раҳми келди.

— Сақит, — деди шаҳзода, — сен ҳақиқатан ҳам юлдузсан, ердаги ёрқин юлдуз!

Шундан сўнг шаҳзода қизга бошқа ҳеч сўз демади. Орадан неча кун ва тунлар ўтса-да, ҳатто унинг билагидан ҳам ушламади. Сақит Ботурнинг кўксига бош кўйиб йиғлагиси келар, лекин шарму ҳаёси бунга йўл кўймасди.

Йигит келинчак ёнида бўлса-да, хаёли олис-олисларда эди. «Бечора Ражо! Қаерда экан ҳозир? Эндиннинг биз билмаган тубидами ёки юртимга кетаман деб Тангри кумликларида ҳалок бўлдими? Ахир, у аслиқдан қочган бўлса-да, якка-ёлриз, пойи-пиеда кумликлардан ўтолмаслиги ойдай равшан-ку! Йўқ, у қочмаган, менинг кутқаришимга умид қилган. Отам эса уни мендан бекиттан... Айб ўзимда. Отамнинг табиатини билганим ҳолда воқеалар ривожини олдиндан кўра олишим, Ражога уйланишимни унга билдирамай,



қизни ўзим хавфсиз жойга бекитишим керак зди. Мен, ахир, энди ўзим учун отам саройида ўрин йўқдигини билардим-ку! Яна нимага умид қилдим? Эҳ, хом сут эмган банда! Ахир, ўтай онам ухласа тушида ҳам кенжя ўслини хоқонлик тахтида кўради-ку. Шундай экан, у менинг саройда омон-эсон юришимга йўл қўйиши мумкинми? Отам ҳам Сақитни хотинликка қабул қилмаганимни билса, тўнини тескари кияди, яна ўзга чоралар кўради. Майли, нима бўлса бўлар, бир бошга бир ўлим! Ражога хиёнат қилгуича, Тангри қумликларига ем бўлиш афзалрок... Дарвоҷе, беному бенишон ўлиб кетишдан осони йўқ. Агар ҳақиқатан ҳам Ботур номига муносиб бўлсам, баҳтим учун, улут мақсадимга этиш учун курашишим керак. Озодлик учун ҳар куни жангта киришта тайёр бўлмасанг, озод бўлишга лойик эмассан!»

Шаҳзоданинг кўнглида пўртана бошланган, лекин у ҳиссиётларига эрк бермай, ақл блан иш кўришга қарор қилганди. Отаси ҳали кўп ҳийла-найранг кўрсатиши тайин. Шундай экан, у ҳамма қабиҳ режаларини ошкор эттагчина бир қарорга келиш керак. Лекин Сақитни, шундай масъума, гўзал қизни бекордан-бекорга умидвор қилиш инсофдан эмас, унга очирини айтган матькул.

Шу қарорга келган Ботур қизнинг тим қора чирайли кўзларига тик боқиб, сўз бошлади:

— Сақит, сен наинки мен шаҳзода, балки энг олий хукмдорларга-да лойиқ ажойиб қизсан. Сенинг баҳоинг йўқ. Лекин биз бирга баҳтли бўлолмагаймиз. Чунки бошқаларнинг баҳтсизлиги эвазига баҳтли бўлиш мушкул. Мен Ражо исмли қизни севаман. Начора, у сенчалик гўзал бўлмаса-да, менинг ҳалоскорим, кўнглим мулки ўшаники... Мен унинг олдида бир умр қарэрдорман...

Гўзал Сақит жимгина тинглар, шаҳдо кўзлари ёшга тўла, кўнгли қонланган, бошига төр ағдарилгандай зди гўё. Кечагина зди у ўзини дунёда энг баҳтиёр қиз ҳисоблар, кўнгли Ботурга бўлган муҳаббати-ла лиммо-лим зди. Мана, бутун у орзу қилган муҳаббат жоми чил-чил бўлди, баҳт ўйлагани саробга айланди.

Сақит Ботурни доим кўриб-билиб юрган, уни ёқти-парди. Лекин ўзини унинг хотини сифатида тасаввур

ҚИЛОЛМАС, БУ УНИНГ УЧУН УШАЛМАС ОРЗУ ЭДИ, ХОЛОС. ХОҚОН «МЕНГА КЕЛИН БҮЛЛАСАН» ДЕГАЧ, УНИНГ ЮРАГИГА ГУЛГУЛА ТУШДИ, КУТИЛМАГАН БАХТДАН БОШИ ОСМОНГА ЕТДИ. БОТУРДАЙ ЙИГИТТА ХОТИН БҮЛШИНИ У ЎЗИ УЧУН ЧИНАКАМ БАХТ ҲИСОБЛАРДИ. ЛЕКИН У БЕКОРГА ШОДЛАНГАН ЭКАН. У БАХТИМ ДЕБ ЎЙЛАГАНИ БИРОВНИНГ БАХТИ БҮЛИБ ЧИҚДИ. ЭНДИ КЎЗ ЁШИ ТЎКИШДАН, БАҒРИНИ ТИГЛАЩДАН ЎЗГА ЧОРАСИ БОРМИ УНИНГ?

ШАҲЗОДА КЕЛИНЧАКНИНГ ЁШ ЮВГАН ТИНИҚ ЮЗИГА ТИКИЛДИ, УНГА ЖУДА РАҲМИ КЕДИ. САҚИТ ШУ АЯНЧЛИ ҲОЛАТДА ҲАМ ЖУДА ГЎЗАЛ, ТЎФОНДА ҚОЛГАН ГУЛДАЙ ИФОР ТАРАТИБ ТУРАРДИ.

КЕЛИНЧАК КҮЁВНИНГ ОЧИҚ-ОЙДИН ГАПЛАРИГА ЖАВОБАН ҲЕЧ НИМА ДЕМАДИ. ЧУНКИ ГАП-СЎЗГА ҲОЖАТ ЙЎҚ, ШАҲЗОДАНИНГ НАИНКИ СЎЗЛАРИ, БАЛКИ БУТУН ВУЖУДИ ҲАМ УЛАРНИНГ КЎНГИЛ РИШТАЛАРИНИ БИР-БИРИГА БОГЛАШНИНГ ИМКОНИ ЙЎҚЛИГИНИ КЎРСАТИБ ТУРАРДИ.

ШУ ТАХЛИТ УЛАР ЖУДА ШИРИН, ОСУДА ҲИСОБЛАНМИШ НИКОҲНИНГ ИЛК ТУНИНИ МИЖЖА ҚОҚМАЙ ВА БИР-БИРОВЛАРИГА БОШҚА СЎЗ ДЕМАЙ ЎТКАЗДИЛАР. КЕЛИН-КҮЁВ ҲАР ҚАНЧА ҲАЁЛ СУРМАСИНЛАР, БИР-БИРОВЛАРИНИ АЙБЛАШ УЧУН СЎЗ ТОПОЛМАСДИЛАР.

ЭРТА ТОНГДАН ШАҲЗОДА ЙИТИК ҲАМРОҲЛИГИДА ТОҒ ён-БАГРИДАГИ ЛАШКАРГОҲГА ЖЎНАДИ ВА КУНЛАРИ, ТУНЛАРИНИ ГЎШАНГДА ЭМАС, АСКАРЛАР ЧОДИРИДА ЎТКАЗА БОШЛАДИ.

ҮРЛИНИНГ БУ ҚИЛИРИДАН ХАБАР ТОПТАН ХОҚОН ЖУДА ДАРГАЗАБ БҮЛДИ. «АҲМОҚ, ҲЕЗАЛАК! ҲАЙФ СЕНГА ШУНДАЙИН ҚИЗ!» — ЎЗИЧА СҮКИНДИ У ВА ШАҲЗОДАНИ ЖАЗОЛАШНИНГ ЯНГИ ЙЎЛЛАРИНИ ЎЙЛАЙ БОШЛАДИ. ЭНГ АВВАЛО, РАЖОГА ҲАТТО НОН ВА СУВ БЕРИШНИ ҲАМ ТАҚИҚЛАДИ. У ТАГИ ПАСТ ЎША ЗАХ ЗИНДОНДА СЕКИН-АСТА ЎЛИМ ТОПАДИ ЭНДИ! АЧЧИҚНИ АЧЧИҚ, ШИРИННИ ШИРИН ҚЕСАДИ! ШАҲЗОДАНИ ЭСА КИЧИК БИРОДАРИМ КУНХОННИНГ КУНДАН-ДА ГЎЗАЛ ҚИЗИ КУНТУҒДИГА ЎЙЛАНТИРАМАН! У САҚИТДАН ЎН ЧАНДОН ГЎЗАЛ, КЎРАМИЗ, ҚАНИ БУНИНГ ҲУСНИГА АҲМОҚ ШАҲЗОДА ТОБ БЕРА ОЛАРМИКАН?!

ОТАСИ ШАҲЗОДАНИ ҚИЙНАШНИНГ ЯНГИ-ЯНГИ ЙЎЛЛАРИ ТЎГРИСИДА БОШ ҚОТИРАР. БОТУР ЭСА ҲАМОН ЛАШКАРГОҲДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАР, ХОНАКИ ЖАНГЛАРДА ЧИНИҚИБ, ЭНДИ ДаҲШАТЛИ КУЧГА АЙЛНААЁТТАН ОТЛИҚ АСКАРЛАР БИЛАН МАШРУЛ ЭДИ. ҲАЛИ ЖУДА МАХФИЙ ҲИСОБЛАНГАН ОВОЗЛИ ЎҚ-

ёйлар билан қуролланиб, баргуствон отларга минган лашкар унинг кўзини қувонтиради. Уларнинг сафлари, сафланиши ҳам ўзгача, камончилар ва найзадорлар ўзига хос тарзда жанг қилас, душман устига шердек ташланиб, уни бир зумда қуршаб олиш машқини обдан олишганди. Отлар рангига қараб ўнг, сўл, манглай қисмларга ажратилган, айниқса, байроқдор қисм жуда жанговар эди. Унга Йитик бошчилик қиласди. Шаҳзода «тўлғама» усулида жанг қилишни жуда самарали деб биларди. Бунда душман қўшини қанотлари айланиб ўтилиб, орқадан ҳужум қилинади. Ҳали жуда ёшлиқдан қарбу зарб машқини олиб, довюрак саркардалардан жанг санъати сирларини ўрганган, отаси билан кўп юришларда иштирок эттан Ботур энди ўзи етук лашкарбоши даражасига етган, муҳорабанинг янги-янги усуллари тўғрисида бош қотираради. У гўшангадаги чиллалик келинчак Сақитни унугтган, тўғриори, ўзини шунга мажбур қиласди. Лекин у лашкаргоҳда ҳар қанча банд бўлмасин, ўзи ҳамон дарагини тополмаётган Ражони унугтолмасди. Қонга тўлган юраги зиррилаб отаси томонидан яна бир хиёнат, яна бир алдов ёки қабоҳат кутарди. Етти иқлимга хоқон сўзини икки қиласиган одам йўқ. Энди келиб-келиб ўғли бунга журъят этса, Туман кечириши мумкинми? Бу ҳақиқатдан жуда йироқ эканини шаҳзода яхши биларди.

Сақит гўшангада ҳеч кимга билдирамай кўз ёши тўқар экан, қоронги зиндоңдаги Ражонинг сабри туғаётган, у энди шаҳзодани эмас, ўз ўлимини кутиб ётарди. Хоқоннинг буйруги билан унга ҳатто бир бурда нон ва бир кўзача сув беришни ҳам бас қилишган, у соқчиларнинг овозини эшитса-да, уларнинг ўзини кўролмас, дийдалари хидалашган, туйнукдан тушиб турдиган қатимдеккина нур ҳам кун сайин кучсизланаб бораради.

Бу орада Туман кичик биродари Кунхон билан гапни бир ерга қўйиб, унинг ҳусн-латофатда Сақитдан ҳам ўн чандон ортиқ қизи Кунтуғдини келинликка лозим кўрди. Аввалгисидан ҳам дабдабалироқ тўй-томуша қилиб, яна бир ҳурлиқони ўғлининг кўшкига киритиб юборди. Лекин Кунтуғдининг кундек жамоли ҳам шаҳзода кўнглидаги музни эритолмади. Отаси бўлса, ўғлим

Кунтуғди ҳусніга албатта маҳдиे бўлади, дея ишонганди. Хоқон бу гал ҳам адашди. Ботур Сақит билан сұхбатлашиб, унга күнглини очган, узрини айттанди. Отаси ўз билганидан қолмай унга яна бир соҳибжамолни рўпара эттач, у янги келинчак билан ҳатто гаплашишни ҳам истамади. Кунтуғди қариндоши Сақитнинг бошига тушган савдолардан боҳабар бўлса-да, «Мен Сақитдан чиройлироқман, отамнинг менга қўшиб юборган сове-саломлари ҳам униқидан мўлроқ, аслроқдир, шаҳзода мени инкор этмас», деган илинж билан тўйга розилик берганди. Боз устига Ботур унинг күнглидаги йигит эди. Дутоналари сен ҳам Сақитнинг аҳволига тушасан, йўлингдан қайт, дейишса парво қилмаган, «ҳар ким ўз тақдирини ўзи яратади, мен эҳтимол, Сақитдан баҳтлироқ бўлсам ажаб эмас», дея таваккал қилганди. Лекин шаҳзоданинг бир нуқтага тикилган, қаршисидаги соҳибжамол қизни ҳатто кўришни ҳам истамаёттан нигоҳларига кўзи тушгач, аҳволи Сақитницидан ҳам баттар эканини англади. Лекин у Сақит сингари ҳиссиётта берилувчан қиз эмасди. У совукқон, ҳар қандай шароитда ҳам ўзини йўқотиб қўймасди. Шу боис обидийда қилиб ўтирумай, амакиваччаси Сақитнинг қўйнига қўл солиб, мағрур шаҳзодадан қандай қилиб ўч олиш режаларини тузабошлади.

Сақит жуда оқкўнгил қиз эди ва Ботурни севарди. Шу боис Кунтуғдининг интиқом ҳақидаги гапларини кўзларида ёп билан қаршиларди.

— Мен шундай қиласманки, бу мағрур шаҳзода бир тола сочимиизга зор бўлгусидир! — деди Кунтуғди чиройли кўзларидан заҳаролуд ўт чақнаб.

— Үндай дема, жоним Кунтуғди! Үндай дема! Мен ахир, уни севаман... Севган одамдан қандай ўч олай?

— Севар эмишлар!.. Нима, мени унга оқсоч бўлишга келган, деб ўйлайсанми?! Мен ҳам уни севаман, ундан сен сингари умидворман! Лекин у ҳар иккимизнинг севгимизга тупуриб, ўзгани деса, мен қандай тоқат қилай?! Энди бизни ким ҳам бошига уради, қариқиз бўлиб ўтираверамиз! — зуғум қиласди Кунтуғди.

— Менга ҳеч нима керак эмас, уни онда-сонда кўрсам, овозини эшитсан бўлгани, — юм-юм йирларди Сақит.



— Обидийда қылма! — жеркиб берарди уни Кунтуғеди. — Йиғидан не фойда? Эшитишимча, у бир таги паст асира қызга ошиқ змиш ва ўша қыз йўқолиб қолибди. Шу боис бизга қиё боқмайди. Лекин кўрамиз, ҳали ким кимга зор бўлишини!..

Сақитнинг кўнгли шаҳзодага муҳаббат ила тўла бўлса, Кунтуғдининг кўксидаги типирчилайтган бетоқат юрак ўч олиш, интиқом ҳисларига лиммо-лим эди.

Ботур эса Йитик ва бошқа лашкарбошилар, хос соқчилари, шикор амирлари, тавочилар ҳамроҳлигида тез-тез овга чиқар, шу йўл билан қора кўланкадек хаёллардан ҷалримоқчи бўларди.

Тез орада шаҳзода иккинчи қыз билан ҳам ҳеч қандай муносабатда бўлмагани, ҳатто гаплашмаслиги хоқоннинг қулогига етди.

Хоқон дарғазаб бўлди дейиш ҳеч нима демаган билан баробар. Туман фирони фалакка чиққанидан телба бўлаёди. У ўғлидан бу қадар сурбетликни сира кутмаганди. Жиянининг ҳусни-жамоли билан Ботурнинг иродасини поймол қилишга жазм эттан, бунинг тескариси бўлиб чиқишини хаёлига келтирмаганди. Лекин етти иқдимни ўзига тобе қила олган хоқон ўз ҳис-туйгуларини жиловлашни ҳам биларди. Шу боисдан ҳозир ўғлини бир муддат ўз ҳолига қўйиш, сўнгра вазиятга қараб, қақшатқич зарба беришга қарор қилди. Аслини олганда эса у қақшатич зарбани аллақачон бериб улгурган, худди шу дақиқаларда Ражо шаҳзодага сўнгти мактубини юрак қони, кўзларида ҳалқа-ҳалқа ёш билан битмоқда эди.

Қиз куни биттанини сезиб, сўнгти кучларини йиғиб, бир неча калимадан иборат мактуб битди ва уни Ботурга етказишини ёшгина соқчи йигитдан илтимос қилди. Соқчи аввалига ҳатто гаплашишни ҳам истамади. Лекин охир-оқибат сўнгти нафасларини олаёттан асиранинг илтижоларига тоб беролмади.

Ўша оқшом, шаҳзода мактубни қўлига олган маҳалда Ражо боқий дунёга рихлат қилган эди.

Ботур мактубни ички титроқ билан очар экан, печа кунлардан бери кўнглини кемирган хавотир бекордан бекорга эмаслигини дарҳол англади. «Алвидо, Ботурим! Мен улур ишлариншта кўмакдош бўлишга азм эт-

ган эдим... Афсус... Тангри бунга йўл бермади... Алвидо... Мен бу ёруғ оламни тарк этаман...» дерди мактуб.

Шаҳзоданинг кўз олди қоронғилашди. «Кечир мен гумроҳни, Ражо, кечир, сени қутқаролмадим...» пи-чирларди унинг лаблари. Лекин у Ражодан ажралганига ишонгиси келмас, қиз сирли тарзда йўқолиб қолганидан бери уни бутун-эрта топиб оламан деган умид билан яшаган йигит ҳамон тақдири илоҳийдан нажот кутарди. Тақдири илоҳий эса Ражонинг номини тириклар дафтаридан ўчириб улгурганди.

Ботур қўлидаги мактубни қайта-қайта ўқир, кўнгли қон йиғлар, лекин кўзлари қуп-куруқ эди: «Мен бу ёруғ оламни тарк этаман...» Наҳот шу сўзларинг рост бўлса, Ражо?! Энди сени қайлардан излайнин, ҳалоскорим?.. Шаҳзода хаёлан нидо қилар, ўзини қўйишта жой тополмас, уни виждан азоби қийнарди.

«Бу қандайин бедодлик, ахир, ҳалоскоримни ҳалос этолмадим. У бояқиши қиз ҳаётини хавф остига қўйиб, мени ўлимдан ҳалос этди. Мен эсам уни қутқариш учун тариқча иш қилолмадим... У шўрликнинг гуноҳи мени яхши кўргани эди, холос. Кўнгли нурли орзуларга тўла қизнинг ёшгина умрини ҳазон қилган бу салтанатта, тож-тахтта ўт тушсин, ўт! Ва бу ўтни мен қўйишим керак, мен!»

Ботур кўнглида бир вақтлар пайдо бўлган норозилик учқуни энди алангага айланган, унинг вужудини ёндиримоқда эди.

Ражонинг ноҳақ қурбон этилиши шаҳзоданинг исён кўтариши тўғрисидаги қарорини янада мустаҳкамлади. Лекин оғир-вазмин, етти ўлчаб бир кесишига одатланган йигит исён қанчадан-қанча гуноҳсиз бошлар салчадек узилишига олиб келишини билар, шу боис отасининг энди сира чидаб бўлмайдиган даражага келган тазиикидан қонсиз, тинч йўл билан қутилиш тўғрисида бош қотиради.

Ботур Ражо учун мотам тутар экан, кўшқда унинг атрофида ҳамон парвона бўлиб юрган иккала келинга қиё боқмас, уларнинг борлигини ҳам сезмасди, ҳатто. Бу ўз навбатида саройдаги мишишларни тарин ошириарди.



Отаси эса асира Ражонинг ўлими ўслига қандай таъсир эттанини билиш учун уни зимдан кузатар, ва жоҳати ҳамлага шайланган йўлбарсга ўхшаб кетарди.

Ота-ўрил ўртасидаги зимдан давом этаётган кураш ҳал қилувчи паллага кирган, асаблар ниҳоят тараанг-лашганди. Сарой аъёнлари, тахт атрофида ўралашиб юрганлар, хоқоннинг дўст-душманлари бу кураш нима билан туташини хавотир билан кузатиб турардилар. Албатта, хоқоннинг бир ишораси билан Ботурнинг бошини танасидан жудо қилишлари мумкин эди. Лекин Туман бу ишорани ҳали қилмаган ва ишора қиладими, йўқми, бу ҳам номаълум. Афтидан, хоқон ўғлининг қотили сифатида ном чиқаришни истамас, ундан ха-лос бўлиш учун тақдирни азалнинг аллақандай қалтис ўйинларини кутарди, чамаси. Лекин Ражонинг ўлими шаҳзода сабр косасидаги сўнгги томчи эди.

Ботур кўнглини фақатгина Йитикка очар, у эса мотамсаро дўстини юпатиш учун қўлидан келадиган ҳамма ишни қиласди. Кунларнинг бирида икки дўст мулозимлар ҳамроҳлигига шикорга чиқдилар.

Улар отларини шамолдек елдириб, ёй отиб, ханжар ўйнатиб жуда кўп тустовуқ, кийик, қулон овадилар ва ўлжалари билан дарё соҳилига чиқиб, истироҳат учун саропарда тикладилар.

Ботур соҳил ёқалаб пиёда сайр этиш учун саропардани тарқ этди. У бир муддат ёлғиз қолиб, сувга қараб хаёл сурмоқчи эди.

Шаҳзода дарёдан эстган салқин эпкинга кўйкрак тутиб, секин одимлар экан, бехос бир тўда гўзал қизлар унга пешвоз чиқиши. Зум ўтмай улар ёввойи каптарлардек «пар-р» этиб учиб, соҳилга тарқадилар. Шаҳзода қаршисида гўзалликда тенги йўқ биргина қиз қолди. У ойдек нурланиб турар, юзлари уятдан хиёл қизарган, узун киприклиари ҳам эди.

Ботур уни бир зум гунгу лол томоша қилди. Шу бир зумда унинг зимиштон кўнглига қуёш чиққандек бўлди, сўнгра савол берди:

— Гўзал қиз, кимнинг зурриёдисан, соҳилда не юмуш билан машғулсан?

— Сенга бегона бўлмаган аслазода Ўзхоннинг якка-ю ягона қизиман. Соҳилда худди сенинг сингари сайру саёҳат ила машғулман.

— Эҳтимол, Ўзхон қизидурсан.. Лекин мен сени парилар зотидан деган хаёлга бормоқдаман.. Мунчалар чиройлисан, қиз?

— Кўшкингда неча ойлардан бери бир ишорангта мунтазир, ранглари сарғайиб юрган икки қиз ҳам парилар зотидан бўлса ажабмас. Лекин уларга қиё ҳам боқмас эмишсан. Бу не синоат?

— Ярамни тирнама, таниш-нотаниш соҳира, мен ҳали номингни-да билмасман.

— Исмим Ария,¹ ярангни тирнамоқчи эмасман, шаҳзода, дардингни билмоқчиман, холос...

— Дардим, қўрқаманки, бедаводур. Дардим ўша, кўшкимдаги икки гўзал туфайли. Уларнинг касрига севганимдан жудо бўлдим...

— Ҳа, дардинг орир экан, шаҳзода, лекин бедаво эмас. Унинг давоси вақтдур, вақт...

Дарё сим-сим оқиб ётар, икки ёш эса ҳамон бир-бирларига тикилиб туришар, ногаёнинй бу сухбатни қандай давом эттиришни билмасдилар.

Ботур қизнинг беғубор, булоқ сувидек тиниқ юзиға, самимият учқунлари порлаб турган кўзига қаттиқ тикилди ва ўзида қандайдир журъат сезиб, қизни дугоналари билан ўз саропардасига таклиф қилди.

— Таклифинг бош устига, шаҳзода! Мен албатта меҳмонинг бўлгайман! Сен билан бугунги учрашуви миз тақдирни илоҳий рухсати билан содир бўлди. Такдирдан эса қочиб бўлмайди.

Ботурнинг буйруғи билан соҳилдаги саропарда жуда ажойиб қилиб безатилди. Дастурхонга турли ноз-неъматлар, каклик, қирғовул, оҳу гўштлари, қимизу шарбатлар қўйилди. Шаҳзода бетоқат бўлиб, меҳмонларни кута бошлади.

Ария ва унинг гўзал ҳамроҳлари тез орада саропардага ташриф буюрдилар ва базми жамшид бошлианди. Гўзлаллар ҳуснидан барқ урган саропарда юлдузлар чаманзорига ўхшаб кетарди.

Базм тугаб, хайрлашишар экан, шаҳзода Арияга шундай деди:

¹ Ария — соғ, тоза, покиза.

— Ҳамонки, бизни тақдири илоҳий учраштирган экан, хайрлашиб нима қиласиз, мен эртага сени Чузга миндириб, күшкимга олиб кетаман. Сен меникисан!

— Мен ҳар бир сўзингта итоатдаман, шаҳзода, фақат кўшқидаги икки гўзал қисмати менинг ҳам бoshимга тушмасайди, деб қўрқаман...

— Улар кўшкка менинг ихтиёридан ташқари келишган эди, сени олиб боришни эса мен ихтиёр этдим. Мен ҳамиша ўз сўзимнинг қулиман!

— Мен эса сенинг жориянгман, шаҳзода. — деди Ариғ овозида чексиз меҳр товланиб.

Шу тариқа Ботур ва Ариғ учун роҳат-фароат кунлари бошлианди. Лекин бу кунлар Сакит учун ҳижрон, севгилиси ҳажрида ёниш дамлари, дилига Ботурдан ўч олишни мақсад қилган Кунтуғди учун эса рашк оловида қөврилиш онлари эди. У туну кун режа тузар, бир-бирининг васлига тўяётган икки ошиқ, ошига оғу солишининг бир-биридан қабих, баттарроқ йўлларини изларди. Астойдил излаган одам, албатта бир кун излаганини топади. Кунтуғди ҳам охир-оқибат ўч олишнинг режасини пишилди.

Фитна. Ҳалокатли жарлик. Ботурнинг ўқ-ёйи

Кунтуғдининг фитнаси пухта ўйланган ва унга севгиси рад этилган қиз хусумати қўшилганидан жуда жафарли эди. Бу наинки Ботурдан ўч олиш, балки ота-ўтил ўртасидаги жарликни тағин ҳам чуқурлаштириш, уларни ҳалокатли тўқнашувга олиб келишга мўлжалланган зарба эди.

Ўғлининг қайсарликларидан иззат-нафси оғриган хоқон ҳозир ҳеч нарсадан қайтмаслигини Кунтуғди аталмиш қиз, тўғрироги, қиз қиёфасидаги жодугар яхши билар ва ҳал қилувчи зарбани бериш учун пайт пойларди. Унинг ҳаракатлари ўз қурбонига ташланишга ҳозирланётган ўқилонга ўхшаб кетарди. Сирасини айтганда, Кунтуғдининг маккорлиги, чиройли кўзларидағи совук ёлқин ҳам илонни эслатарди.

Ниҳоят, аламзада қызы күтгән күн келди. Ботур Ариғни күшкіда қолдириб, дүстлари ҳамроҳлығыда шикорга жүнади.

Кунтуғди бундай имкониятни сабрсизлик билан кутаёттанды, дархол қабих ниятини амалға оширишта киришди. Бу гал у Сақитни ўз режасидан хабардор этмаган, чунки қызы Ботурни чин дилдан севишини англаб еттанды. Севган күнгил эса ўз хожасига қарши боролмайды, қарши борғанда ҳам, дағылтап сирни фош этиши ҳеч гап змас. Шу боис Кунтуғди ўзининг куни түкканини фаҳмлаб, якка-ёлғыз ҳаракат қылмоқда зди. Лекин табиатан зүкко, ақлли Сақит Кунтуғди қандайдир бир қабих ниятда юрганини сезарди, чамаси.

Ботур шикорга жүнаб кетиши билан, Кунтуғди хоқон ҳузурига ошиқди. Дарбонлар уни хоқон ҳузурига қўймоқчи бўлмадилар. Шунда қызы боргоҳни бошига кўтариб аюҳаниос солди.

— Ҳой гумроҳдар, менинг кимлигимни билмасмисизлар! Мен, ахир, хоқон келиниман-а! Хоқон келини! Менинг қиблагоҳимга айтадурғон зарур гапим бор. Бу — подшолик аҳамиятига молик гап, билдингизми! Вақтни ўтказманг, фурсат ўтса, бошингиз танангиздан жудо бўлгай!

Дағдара ўз таъсирини ўтказмай қўймади, уни хоқон ҳузурига киритдилар. Келин қўнграб йиғлаганича ўзини Туман оёқлари остига отди ва жаврай кетди:

— Қиблагоҳим, бир қошиқ қонимдан кечсанг, арзим бор эди.

Хоқоннинг капалаги учди, «кечдим қонингдан, сўйла!» деди.

— Сўйлагали тилим ожиздур, қиблагоҳим, тил ҳам, дил ҳам ожиз. Мен бу жирканч сўзларни ҳузури муబоракингда сўзлашдан ҳазар қилгайман!

— Сўзла, тоқатимни тоқ қилма! — деди хоқон.

— Зурриёдинг Ботур куфр ишларга қўл урмиш! У муқаддас илоҳимиз Кунтандигита шак кеатириб, бизнида шаккоклик ботқорига ботирмоқ ниятидадур, қиблагоҳим!

— О, о, марҳаматли Тантрим! Бу не кўргулик! — таҳтда бир тўлраниб, нидо қилди Туман. — Бу бола ёшлигида ҳам худди шундай оташ эди. Энди роят ха-

тарли ёнғинга айланмиш. Уни ўчирмасак, бутун олам-га ўт туташтиргай, ўт!

Кунтуғди сүзлари қайнотасига ўзи күтганидан ҳам зиёд таъсир эттанини күриб, жуда севинди, митти, қисиқ күзлари янада совукроқ ялтиради. У хоқон юрагидаги ғулгулани тарин ҳам ошириди:

— У нобакор ҳозир шикор баҳонасида сен, қиблағохимға қарши лашкар түплаш билан банд... — Кунтуғдининг ёлрондакам бир ҳаяжон билан айттаёттан бу сүзлари моҳир мерғанинг минг қадамдан мұлжални бекато уриши билан баробар зди. Хоқон ич-ичидан күтарилиб келаёттан ғазабни куч билан босиб, ўзини осойишта тутишга интилаёттан бўлса-да, унинг юрагида ғалаён пўртана бошлаганини маккора келин яхши билиб турарди. У пичирлагандек бўлиб шундай деди:

— Сенинг таҳтингни эгаллашдан ўзга нияти йўқ унинг!..

— Бас!! — ўшқирди хоқон. — Подшолик иши товуқмия заифалар иши эмас! Кўшкингта жўна!

Қилғилигини қилиб бўлган Кунтуғди хоқон ўшқириғидан юраги типирчилаб тезда боргоҳни тарқ этди. У режасини пухта амалга оширганини яхши билар, кўркувдан оёқлари қалтираёттан бўлса-да, мамнун зди. Кунтуғди Туманбалиқда ҳали-замон қиёмат-қойим бўлишини ўйлаб, жилмайиб қўярди. «Ана энди, ҳазратим, Ариинг билан қўшмозор бўлурсан, ҳолингта маймунлар йиғлагай. Ва сен Кунтуғди аталмиш қизни хўрлаш қандай оқибатларга олиб келишини билиб қўясан!» — ўз-ўзидан пичирларди унинг лаблари.

Кунтуғдининг аллақандай тараффудланиб юргани, саройдаги ғимир-тимиirlардан хulosса чиқарган Сақит севгилиси боши узра қора булуғлар қуюқлашаёттанига узил-кесил ишонч ҳосил қилган зди. У қандай қабоҳат содир этилишини билмаса-да, Ботурга қарши фитна бўлаёттанини билгач, уни Ариғдан ҳар қанча қизғанмасин, қиз кўнглидаги бокира муҳаббат рапік илони бошини янча олди ва у қирқ кунлик келинчакни зри бошига тушиши мумкин бўлган мусибат ҳақида огохлантириди. Ариғ ҳам кундошининг мардона ҳаракатини тўғри баҳолаб, уни кучиб ўпди, миннатдорчилик билдирап экан, ақиқ лабларидан шундай калом учди:

— Сен билан мен кундошлар змас, энди қиёматли опа-сингиллардурмиз. Қиёматли опа-сингил!

Доно ва тадбиркор Ариғ вазият жуда нозик ва чигал эканини фаҳмлаб ўз кўшкидаги хос мулоzимлар орқали шикоргоҳда ҳеч гапдан хабарсиз кийик они билан машғул Ботурни фитнадан огоҳ этишга улгурди. У келиб, тез орада қўшинини жангта ҳозирлай бошлади.

Бу орада Туманбалиқда жанг бурғулари чалиниб, Туман ўғлига қарши жангта отланди.

Ботурнинг баргуствон отларига ҳам жанг ёпинчиклари ёпилди.

— Эй марҳаматли Тангрим, ўзинг кечиргайсан! — деди Ботур Чуз узантисига оек қўяр экан. — Мен падари бузуркворимга қарши жанг қиласман деб сира ўйламаган эдим! Начора, тож-тахт учун кураш қонуниятлари шунчалар шафқатсиз эканки, биз бир-бirimizга қилич кўтаришга мажбур бўлмишмиз... — Шаҳзода дўсти Йитикка юзланиб, сўзида давом этди: — Энди буёғига ҳаммамиз Кунтандри измидадурмиз...

Ҳа, у Кунтандрига мурожаат қиласди ва Кунтуиди айттанидек, шаккоклик ботқоига ботмаган эди.

Ота ва ўғил, хоқон ва шаҳзода ўртасидаги жанг кечиши лозим бўлган майдон қонли мухораба учун змас, балки инсонлар роҳат-фаровати учун яралган сўлим бир гўша эди. Бир томондан, пурвиқор қорли тоғлар, бир томондан, кўм-кўк сувли дарё, яшил ўтлоқлар...

Бокира табиатнинг ана шундай гўзал, бетакрор гўпласи ўзи билмаган, нетмаган бир ҳолда жанг аталмиш қабоҳат учун хизмат қилишга мажбур, маҳкум эди. Она замин ўз кўксидаги содир этилиши лозим бўлган бу хунрезликка монелик қилишга ожиз эди. Шу боис шарқироқ дарёлар унинг шашқатор ёшларини, отпоқ қорли чўққилар эса соchlаридағи оқ толаларни эслатар, пайҳон бўлган ўтлоқлар юздаги ажинларга монанд эди.

Туман кўксини тўлдирган ғазаб вулқони отилиб кетай деб турган бўлса-да, у тарихга ўз фарзанди қотили сифатида киришни истамас, лекин қайсар ўғилни

тизгинлашнинг бошқа бир йўлини топишдан ҳам ожиз эди. Кичик хотини, кичик шаҳзодалар, сарой масла-ҳатчилари уни жанг либосини кийишга ундағандилар ва ўзи ҳам саркаш ўслининг кўзини очиш, тиз чўкти-риш тўғрисида тўхтовсиз ўйларди.

У кўп жанг кўрган лашкарбоши сифатида ўслининг яхши тайёрланган отлиқ лашкарини енгиш анча мушкуллигини ҳис этмоқда, шу боис хийла безовта эди.

Жант олдидан шаҳзода ҳам жуда безовталанар, отасига қилич кўтаришнинг оқибатлари ҳақида ўйлар, лекин энди фурсат ўтган, уруш бургулари тўхтовсиз ча-линар, отлар кишини, қилич ва қалқонлар жаранг-журунги қулоқни қоматга келтиради.

«Хўш, — ўйларди шаҳзода, — қиличимни ташлаб, отам пойига йиқилсан, у мени кечиравмикан? Йўқ, асло кечирмагай. У ғазаб отига мингач, кечиришга қодир эмас... Агар унинг юрагида менга нисбатан заррача меҳр бўлганида ғанимлари саройига гаров тарикасида юбормас эди-ку!.. Бу шармандали жангда ўзга чорам борми менинг?.. Лашкарим юксак интизомли, менинг ёйим ўқи қай томонга учса, лашкар ҳам ўша ёқни мўлжаллагай. Мен қандай қилиб отам кўксини мўлжалга олурман?.. Наҳот, қисматимга падаркушлик битилган бўлса?..» Ботурнинг миясини ҳар қанча оғриқли фикрлар кемирмасин, у шошилар, фурсатни ранимат билар эди.

Тақдири илоҳий ўйини ота-ўғилни жанг майдонида юзма-юз қилдими, энди буёри Тангри иродасига боғлиқ. Бу жангда кимdir кимданdir устув келиши мумкин, лекин ўслини мағлуб эттан ота, отасини сарнигун эттан ўғил ўзларини ролиб санаашлари мумкини-ми? Бу муҳорабада икки орага солинган нифок, кўнгил-ларга ташланган адоваттина ғалаба қилиши мумкин...

Ота-ўғил кўнгилларидан юқоридаги фикрлар ке-чармиди, йўқ, буниси қоронги. Лекин ҳар иккаласи қон ютаётгани аниқ эди. Айниқса, Ботур жуда қа-рама-қарши ҳислар оғушида эди. У умри давомида отасидан меҳр кўрмаган, нуқул аллақандай ўйин, фит-на-ю ифволардан азият чекиб келган бўлса-да, томир-ларида оқаётган қон туфайлими ёинки бошқа сабаб

биланми, жанг оқибатлари ҳақида ҳамон зўр бериб ўйларди. У юрт бошқаришга азм эттан одам сифатида яхши билардик, салтанат юки — бу жуда оғир, залворли юк. Уни елкасида кўтарганинг бели майишиб кетиши ҳеч гал эмас. Лекин ҳукмифармонлик, юрт тутишлик — бу шаҳзодаларнинг қисматидур ва у ҳар доим ҳокимият тизгинини кўлга олишга шай бўлмоғи лозим.

Ботур жангта ҳозирланаётган лашкарни кузатар экан, бирдан Ражонинг сўзлари қулоқлари остида акс садо бергандек бўлди:

— Сени улут ишлар кутмоқдадур, сен улут ишларга қодирсан, шаҳзодам!..

Унугтилмас муҳаббати нидоси шаҳзодани руҳлантириб юборди, у миясини кемираётган фикрларни ҳаёлидан ҳайдаб, бир қарорга келди. Дўсти Йитикни ёнига чорлади.

— Бу биз тузган лашкар учун биринчи жанг, дастлабки имтиҳон. Биз шу жанг ила ўзимиз учун ҳёт, салтанат, шон-шуҳрат йўлини очгаймиз. Биз учун бошқа йўл йўқ!

— Худди шундай, дўстим! Қиличимиз бурро, найзамиз-да ўткир! Биз албатта ғалаба шаробини сипкоргаймиз, дўстим, — қувватлади Йитик.

— Кунтандри мададкор бўлгай, — деди шаҳзода жант майдонига назар солиб.

Бу пайтга келиб хоқон Туман ўз саропардасида лашкарбошилари билан сўнгти машварат ўтказаётган эди. Унинг фикри-хаёли отасига қўл кўтаришга журъят этган шаҳзоданинг тезда танобини тортиб кўйиш билан банд бўлиб, сиртдан қараганда хийла хотиржам кўринса-да, юрагида кўзролон бўрони ҳамон босилмаганди. Ва бу бўрон энди жанг майдонига кўчаётган эди...

Жант нороралари тобора баландроқ чалиниб, ҳар икки томоннинг 10, 100, 1000, 10000 ликлари бир-бirlарига рўбарў бўлдилар.

Ботур қўшинининг тузилиши барча туркий лашкарники сингари бўлса-да, унинг отлиқ аскарлари ва жуда маҳфий қурол ҳисобланмиш овозли ўқ-ёйлар билан қуролланган юзликлари зиммасига жанг тақди-



рини ҳал этиш вазифаси юкланганди. Манглай қисм-лар рақиб сафларини пароканда қилар экан, ўнг ва сўл қанот мингликлари уларни айланаб ўтиб, ортдан қақшатқич зарба бериши лозим эди. Булар, албатта, жанг режаси эди, режани амалга ошириш эса ҳаммавақт ҳам кўнгилдагидек кечавермайди. Боз устига, хоқон Туман қўшини жанг кўрган, кўплаб ғалаба нашидасини сурган ва бу лашкарни марлуб этишга умид боғлаш хомхаёлдек бир гап эди. Шаҳзода яхши билардики, у марлуб бўлиши мумкин эмас. Чунки бу ўлим билан баробар, отаси ўзига қарши қилич кўтарган фарзандни сира-сира кечирмайди. Ботур ортга чекинганда ўтиши лозим бўлган кўприкларнинг ҳаммаси ёқиб юборилган, унинг учун ортта йўл йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас.

Унинг юзини ёруғ, қўлини баланд этувчи ёлииз йўл — бу жангда қандай бўлмасин ғалаба қозониш! Уни тириклик, борлиқ билан боғловчи ягона ришта ҳам шу...

Ботур этиги пошналарини Чуз биқинига ниқтаб, байроқдор қисмнинг энг олдинги сафига ўтди, хос кўриқчилар уни ўраб олдилар. Йитик ўнг қанотта бошлиқ қиларди.

Хоқон Туман эса ўзининг шоҳона саропардасида туриб, жангни бошқариш ниятида эди. У ўзининг энг ишонган амирларини лашкар бошлиқдигига тайинланган, манглай, ўнг, сўл қанотларга укалари раҳнамо эдилар.

Шу тариқа ногоралар гумбур-гумбури-ю, карнай-лар «рат-рати» остида жанг бошланиб кетди. Дубула-я-ю жавшанлар, қилич, қалқон, ханжару найзалар жаранг-журунги, отларнинг жон ҳолатда кишини қулоқни қоматта келтирас, лашкар «ур-ҳо-ур»и төрдараларида момоқалдироқдек акс садо берарди.

Кўп ўтмай кўм-кўк майсалар отлар туёқлари остида топталиб бағри қон лолалардек алвон тус олди, бу лутларга қадар кўтарилиган чанг-тўзон қуёш юзини тўсади. Ярадорлар оҳ-воҳи отларнинг аянчли кишинишига қўшилиб, қулоқни қоматта келтиргувчи бир мазмун касб этди. Ботур олдинги сафда жанг қилар, отаси эса ҳамон саропарда олдида турганича хос навкарлари орқали лашкар бошлиқларига турли кўрсатма-



лар юборар, афтидан, жанг бориши ва ривожидан мамнун эди.

Тушга яқиң хоқон қўшини Ботур лашкарини тезоқар дарё томонга қисиб қўйишга муваффак бўлди. Ботур учун жуда чигал вазият вужудга келди. Олдинда сон жиҳатдан бир неча бор устун хоқон қўшини, орқада тезоқар чуқур дарё. Бир томонда осмонўпар тоялар, бир томонда танту тор дара. Хуллас, талаштортишларга сўнгти, ҳал қилувчи нуқтани қўйиш вақти келганди. Ё душманни ортга улоқтириб, ғалаба шаробини сипқориши, ёки дарёнинг муздек сувида гарк бўлиш. Ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ. Ҳақиқатан ҳам жанг шу тариқа давом топса, Ботур учун ҳалокатли бўлиши тайин эди. Лекин сиртдан қараганда, жангни мамнун кузатаётган хоқон Туман назарида шундай бўлса-да, аслида рақиби ўзидан тажрибали, сон жиҳатдан устун эканини ҳисобга олган шаҳзода, вазият чигаллашса қўшини даре соҳилига қисиб қўйилиши эҳтимоли боралигини олдиндан кўра билган, овозли ўқёйлар билан қуролланган юзликлар, баргустон отлиқлардан иборат пистирма тор дарасига беркитилганди. Душман пистирмага дуч келгач, ўнг қанотда бўлган Йитик лашкари уни айланиб ўтиб, ортидан зарба бериши дозим эди.

Хоқон Туман ўелининг қўшини соҳилга қисилиб, улар жон-жаҳди билан олишаёттанини қўргач, мамнун ҳолда лашкар бошлиқларига чопарлар юборди:

— Ҳужумни тобора кучайтириб, оқибатсиз шаҳзоидани қўшини билан дарёга улоқтириб ташлаш! Ҳеч ким асирга олинмасин! Жанг майдонида ўлим жангчи учун, айниқса, менинг қавмим, зурриёдим учун юксак шарафдур!

Хоқоннинг баланд қирда тикланган саропардасидан жанг майдони кафтдек кўриниб туар, лашкар баҳорги тошқин сувларида тўлқинланиб дарё томон оқмоқда, яна бир неча дақиқадан сўнг шаҳзода қўшини сувга улоқтириб ташланиши тайин бўлиб қолганди. Лекин жанг майдонини хотиржам кузатаёттан хоқон бирдан чаён чаққандек типирчилаб қолди, от келитиришларини бупорди. У не кўз билан кўрсинки, душманни дарёга улоқтиришга азм этган қўшини сафида саросима бошланганди. Шаҳзоданинг пистирмадаги ка-

мончи ва баргустсон отлиқлари хоқон қүшинига шердек ташланган, даҳшатли овоз чиқарыб учайттан ёй ўқлари юракка беҳад ваҳима соларди. Йитик бошлиқ минглик эса хоқон қүшинига зарба бермоқда, ҳалокатли куршов ҳалқаси тобора торайиб борарди.

Хоқон Туман иш чаппасидан кетиб, ўзи қисқа вақт ичида ғолиб ҳукмдордан мағлуб ва сарнигун киши ҳолига тушиб қолаётганини юрак-юрақдан ҳис этиб, оти сағрисига бир неча аччиқ қамчи босиб, лашкарбошилариға ёрдамга ошиқди. У отда елиб борар экан, ўғали ихтиро этган вақтда ўзи унчалик зътибор қилмаган овозли ўқ-ёйлар ҳақиқатан ҳам даҳшатли қурол эканига ишонч ҳосил қилғанди. «Эх, хом сут эмган банда, пуштикамарингдан бўлган бола, она сути оғиздан кетмаган шаҳзода шундай даҳшатли қурол ихтиро этиши мумкинлигини хаёлингта келтирмабсан.» Ваҳимали овоз чиқарыб учайттан ўқларнинг сон-саноги йўқ, саросимада бўлган лашкар ўзини қаёққа уришни билмас, дарё суви қизгиш тус олганди.

Хоқон тўрт томонга тум-тарақай қочаётган лашқарини руҳдантириш учун байроқдор қисм сари ошиқар экан, кўнглида жанг олдидан кўзғолган бўрондан асар ҳам қолматан, у алланечтук ғамгин-дилгир бир ҳолатда эди. Энди салтанат тизгини қўлдан кетганини, наинки салтанат, балки тирик қолиши ҳам даргумон экани хаёлидан ўтар, ўғлига ўтказган ситамлари ҳаддан зиёд бўлганини ўзи ҳам англаётган, лекин кўнглида афсус-надоматдан асар ҳам йўқ, қалби бўм-бўш, ҳуниллаган эди.

Бирдан унинг қулогига увиллаган товуш чалинди-ю, шунинг баробарида кўксига ўтли бир оғриқ билан ёй ўқи қадалди, згарда бир қалқиб, ерга қулади. Хос соқчилар уни ўраб олдилар, табиб ҳам ҳозир-у нозир бўлиб хоқон ярасини кўздан кечирмоқчи бўлган эди. Туман қўл ишораси билан уни тўхтатди.

— Кўй, табиб, мени қийнама, бу ярани сен асло тузатолмагайсан. Чунки кўксимда ўз зурриёдим узган ёй ўқи турибди. Бу яра тузалмасдур, бу яра асло тузалмагай... Ўз ўрлим ўқидан пайдо бўлган яра. Йўқ, йўқ, бу ўрлим узган ўқ эмас, бу ўқни мен ўз-ўзимга уздим, ўз-ўзимга!

Буюк хоқонлик ҳукмдори шу таҳлит ҳаёт билан видолашарди. Бу қонли жанг милоддан 210 йил бурун юз берган эди.

Жанг майдонида эса даҳшатли манзара ҳукмрон, Ботур жанг пайтида отаси айттан сўзларни тақрорлади:

— Ҳеч ким асирга олинмасин! Жанг майдонида ўлим тоғмоқдик туркий қавмлар учун бир шарафдур! Биз ўз салтанатимизни ҳимоя қилиш учун бутунлай янги лашкар тузгаймиз! У бизнинг номимизни шон-шухратта буркайди!

Дарё юзи қип-қизил, бу ботаёттан қуёш нурлари-данми ёки шаҳидлар қониданми, билиш мушкул эди. Лекин ана шу мавхумлик аро аччиқ бир ҳақиқат юза-га чиқмоқда, хоқон Туман қуёши ботиб, Ботур-Ўруз-хон қуёши порламоқда эди...

Бу ҳақиқат тўғрисида эрта тонгда жарчилар бутун ёруғ оламга жар соладилар...

Ҳа, худди шундай бўлди! Эрта тонгдан Туманбалиқ, кўчаларида янги ҳукмдор Ўрузхон ҳақида жар солинди.

Янги ҳукмдорнинг ролиб лашкари учун дарё соҳи-лидаги сўлим бир гўшада базми жамшид уюштирилди.

Бу базм шундайин бир базм эдики, унинг таърифи етти иқдимга ёйилди, шоирлар бу ҳақда ашъор бит-дилар, ҳофизлар қўшиқ куйлаб, бастакорлар куй бас-таладилар.

Ўрузхон урушда матонат кўрсаттан амирлар, лаш-карбоши ва баҳодирларга катта илтифот кўрсатиб, уларга саруполар кийдириб, турли тортиқлар қилди.

Базмга биянинг сути ва узум шарбати шунчалар кўп тўпландики, тарихнавис Ҳофиз Таниш Бухорий-нинг зътирофича, осмон бир хумхона-ю, дengiz кося бўлганида ҳам, бу шарбатлар унга сиғмас эди. Балиқ, от, қўй, қорамол гўштидан шунчалар кўп таом тайёрланганки, унинг хирмони тобу адирларга баробар келган. Турна ва чумчук, қулон, кийик, каклиқдан ташқари тўқсон минг қўй ва тўққиз минг бия сўйилди. Но-занинлар олтин ва кумуш жомларда тутган шаробдан ҳамма сармаст бўлди.



Базми жамшид ўз йўлига, ҳар бир ҳукмдор ўз хурсандчилиги кунларида албатта бундай тадбирларни ўтказади. Бу табиий. Лекин ана шу мисли кўрилмаган базм етти иқлимга янги, саодатли, айни пайтда қаттиққўл ва қайсар ҳукмдор улкан салтанат тахтига чиқиб, жаҳонга юз туттанидан далолат берарди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Ўғузхоннинг порлоқ қўёши. Тунгус элчисига жавоб

Тангриторнинг мўйсафида чўққилари чўл лолалари тусини олиб, қуёшнинг илк нурлари Туманбалиқни ўраган ўтлоқлар кипригидан ёз тонги мудротини ўчирди, онасини тўйиб эмган тойчоқ шодон кишинаб, янги кунни олқишилади. Шодиёналардан сармаст Туманбалиқ эринибгина уйғонмоқда, тонгги сайрни хуш кўрувчи Ўғузхон эса хушқомат сарв дараҳтларини оралаб, секин-аста одимлаганича ўй-хаёлларга эрк берарди. Тўй-томуша, тантаналар тутаб, салтанатнинг оддий иш кунлари бошланган, юрт тутиш нечоғлик оғир юмуш эканини энди янада яққолроқ сезаётган ёш ҳукмдор олдида турган кечиктириб бўлмас юмушлар, уларни адо этиш тўғрисида фикр юритарди. Унинг қалби энди бир вақтлардагидек тошқин төғ дарёсига эмас, балки вазмин ва улуғвор уммонга ўхшаб кетар, улкан ишлар қилиш учун улкан ақл-заковат лозимлиги унга аён бўла бошлаганди. Лекин улуғвор ва улкан ишлар оғир йўқотишлар, қурбонлар ҳам талаб қилас эканки, у ўзини ҳар қанча хурсандчилик, тўй-томуша билан овтишга интилмасин, деярли барча қариндош-уругидан жудо қилган, падаркушлиқ тамғасини босган ўша қонли жанг таъсиридан, таъқибидан ҳамон халос бўлолмасди. Дўсти Йитик, маҳбубаси Ариғ сұхбатлари ҳам баъзан кўнглига сизмай қолар, ана шундай пайтларда у тонг саҳарлаб боғ сайрини ихтиёр этарди. Бокира табиат қўйнида у узоқ вақт ўзи билан ўзи ёлғиз қолар, олишар, баҳс этар ва бу баҳоларда у кўпинча мағлуб

бўларди. У ўзига шундай саволлар берарди: «Ҳукмдорлик нима ўзи? Илмми, санъатми ёинки түгма иқтидорми? Наҳот, ҳар бир салтанат илдизлари қон билан сурорилиши даркор бўлса?..»

Ўгузхон ариқларда шарқираб оқаётган сувнинг шўх қўшиғига бир муддат қулоқ тутар, сўнг яна йўлида давом этарди. Тонгнинг шўх насими кўнглига ҳузур бахш этар, пойига эгилиб салом бераёттан гул-кўкатлар лабидаги шудринг қуёш нурида «ялт» этиб кўзни қамаштирас, ёш ҳукмдор кўнгли эса тожу тахтнинг нашъали жилвасидан сархуш эди. Лекин бу сархушлик мастилкникига ўхшамас, унга қандайдир ҳадик, алланарсалар илинжи ҳам йўрилганди. «Хўш, — ўйларди у хавотир ила, — мана, отам тахтига унинг мурдасини босиб ўтиб ўтиредим. Отам ҳаётига зомин бўлган, унга вафо қилмаган тахт менга вафо қилгайми?..»

Бор сайридан кўшкига қайтган Ўгузхонни Ариғ таъзим ила қаршилади, нонушта учун дастурхонга таклиф этди. Нонушта вақтида ҳукмдорнинг кайфияти яхшиланиб, хотини билан очилиб-сочилиб сухбатлашиб, ҳазил-мутойиба қилди. Шунда Ариғ унга кўнглини очди:

— Хоқоним, сен мартаба, ақл-заковатда улурсан ва улуғлар кечиримли, олижаноб бўлгайлар...

— Сўйла, гўзалим, сенинг не гуноҳларингни кечай?.. Фикри ожизимча, сен гуноҳсизсан...

— Саҳв этасан, хоқоним! Гуноҳсиз — ёлғиз парвардигор, биз ожиз бандалари эса гуноҳкорлармиз.

— Сўзинг ҳақ, гўзалим. Биз ҳаммамиз Тантри таоло олдида гуноҳкор бандалармиз. Лекин менинг наздимда гуноҳинг йўқлигини айтган эдим...

— Балки сенинг олдингда ҳам гуноҳсиз эмасдурман. Гуноҳим — сенинг чўриларинг гуноҳларини сўраб олиш. Айтмоқчиманки, марҳаматингни Сақит ва Кунтуғидидан дариф тутмасанг, ахир, улар ҳам хоқон хотини ҳисобланишади, уларни ҳазрат отанг тўй-томуша қилиб, келин, деб кўшкингга олиб келган. Уларда тантридан умидвордирларки, шу чоққача сени тарк этишмади...

Ўгузхон Ариғни хафа қилмаслик учун сукут сақлади, унинг сўзларига жавоб қайтармади. У Сақит вақти

келиб, садоқатли хотин бўлишига кўзи етса-да, Кунтуғдига мутлақо ён босолмас, унинг хиёнатини кечиргани йўқ эди.

Хоқон хотинининг юзига боқди. Ариф садоқат тўла кўзларини унга тикканича жавоб кутар, нигоҳлари шунчалар маъсум эдики. Ўузхон уни хафа қилишни истамай, таслим бўлди.

— Майли, гўзалим, сенинг ана шу маъсум нигоҳларинг ҳаққи-хурмати мен улардан марҳаматимни аямагайман! Лекин айтиб қўйяй, агарда Кунтуғдининг яна бирор бежо қадамини сезсан, у мендан омонлик кўрмагай!

— Ташаккур, хоқоним, сен марҳаматда Хонтангри янглир юксакдурсан!

Ўузхон Ариф билан хайрлашиб, саройга йўл олди.

Ҳашаматли боргоҳ салтанат салоҳияти, унинг қудратидан далолат берар, турли қимматбаҳо тошлиар билан безатилган таҳтнинг ҳар икки томонидан саройнинг нуфузли аъён, лашкарбошилари ўрин олишган, бугун қўшни мамлакат зличиси ташрифи кутилоқда эди. Хоқон бу мамлакат билан кўп муҳораба қилган, Ўузхон эса Улур Ёвчилар хони саройида тутқунликда дақиқа сайин ўлим ҳавфини кутиб яшаган кунларини ҳамон унутмагаиди. Лекин қўқмдорлик одоби уни элчи билан ҳамсуҳбат бўлишга мажбур этарди. У эртами, кечми, ўзи ҳам бу мамлакат сари юриш бошлиши мумкинлигини билар, бироқ Тангри кумликлари ёз иссиғида уммондек чайқалиб турган пайт бунинг мавриди эмасди. Боз устига чегара ҳудуди ҳисобланмиш ўрталик ерлар учун Тунгус хонлиги билан ҳам муҳораба бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Улур Ёвчилар элчиларидан сўнг, Тунгус хонлиги зачиларини қабул қилиш лозим. Тунгуслар ҳам ёвчиларга ўхшаб фақатгина қилич ва олтин жарангини тан оладилар, холос.

Шу аснода эшик оғаси баланд овозда Улур Ёвчилар мамлакати зличисини боргоҳга таклиф этди. Хоқон злчи таъзимига жавобан бош қимирилатди. Элчи Фарбадаги энг ҳавфли қўшни давлатнинг вакили, унинг ҳурматини жойига кўймоқ жоиз.

Элчи таъзимдан сўнг, Ўузхонни таҳт соҳиби бўлганилиги билан қутлаб, хоқоннинг юзлаб сифатла-

рини санади, сүнгра совға сифатида кескир шамширу олтин ём билар, учқур отлару ўткыр шароб, атласу кимхоблар олиб келганини маълум қилиб, хоқон мартабаси Хонганди янглиғ юксак бўлишини тилади.

Ўгузхон совға-саломлар учун миннатдорчилик билдириб. Улуғ Ёвчилар мамлакати хони саломатлигини суриштиргди.

— Ўтлоқ, ва дарёларимиз бир, биз сен билан яхши кўшни бўлишни истаймиз. Сен билан жант майдонида эмас, балки яшил яйловларда учрашиб, базми жамшид курсак деймиз, — истак билдириди элачи.

— Мен-да урушнинг баргуствон отлари яшил яйловда ўтлаб юрганини афзал билурман, — деди Ўгузхон.

Шу тахлит яхши қўшничилик қилиш ҳақида аҳд қилиб, элачи боргоҳни тарқ этди.

Кўп ўтмай эшик ораси Тунгус хони элчиси ташрифи ҳақида маълум қилди. Тунгус хонлиги Ўгузхон зга бўлган хоқонликнинг Шарқдаги кучли, маккор ва нобакор қўшниси эди.

Хоқон қархисида таъзим бажо этаёттан элчини зимдан кузатди. Барваста, кенг елкали, қора сочлари узун, митти кўзлари қисиқ, чеҳрасидан хийла калон-димоғалиги билиниб турарди. У олиб келган совғалар ҳам унчалик асл моллар эмас ва бу Тунгус хони Ўгузхонни унчалик менсимаслигидан далолат берарди. Хоқон ғазабини ичига котиб, элчига қулоқ тутди. Элчи уни нари-бери табриклаган бўлиб, асосий мақсадга кўчди.

— Буюк Тунгус хони менга берган ваколатдан фойдаланиб шуни маълум қиласанким, фуқароларинг ўзаро чегара ҳудудимиздаги «ўрта» аталмиш бетараф ерларда чорва молларини боқиш баҳонасида турли найранглар, ишвогарликлар қилиб, хонлигимизнинг муқаддас ерларини топтаяптилар. Биз бунга ортиқча тоқат қилолмаймиз!

Тунгус элчисининг сурбетларча ёлғон гапираёттани Ўгузхоннинг жаҳдини чиқарди. Лекин у ўзини босиб, вазминлик, мулоҳаза билан жавоб қайтаришга ҳарарат қилди:



— Чегара худудимиз жуда бепоён, масофаси ҳам 1000 йўлдан^{*} ошиқроқ. Бас, шундай зкан, бу худудда тартиб ўрнатмоқлик фақат бизнинг эмас, балки Тунгус хонлигининг-да вазифасидур. Менга чегарадан ҳабар беришларича, бизнинг фуқаролар эмас, билъакс, сизнинг қўшин юзликлари худудимиз яхлитлигини тез-тез бузиб турибди. Биз қўшни дея андиша қилиб, жим юрар эдик. Афтидан, хонингиз андишани қўрқоқ ҳисоблабди. Биз қилич кучига қилич билан жавоб бера олурмиз. Шуни яхши билинг, муҳтарам элчи! — хоқон ўзини босишга ҳар қанча интилмасин, овози таҳдидли янгради ва сарой аъёнлари сафларида уни қувватловчи жонланиш сезилди.

Элчи эса ён бериш, муроса қилишни хаёлига ҳам келтирмай, ҳақоратомуз шартларини баён эта бошлади. У афтидан, Тунгус хони ҳарбий қудрати бутунлай енгилмаслигига ишонарди. Элчи чегара худудидати энг серўт яйловлар, серсув дарёлар Тунгус хонлиги худудига киради, дея даъво қила бошлади. Бу Ўгузхонни ҳақоратлашга мўлжалланган очиқдан-очик ўйин эди. Нихоят, хоқоннинг сабр косаси тўлди:

— Майли, сен муроса-мадорани истамадингми, энди ўзингдан кўр! Ота-боболаримиз хоки ётган муқаддас еримизнинг бир қаричини ҳам бермаймиз! Менинг бошқа галим йўқ! Қолганини қилич ҳал қилгай!

Элчи ўз давлати қудратига ишониб, Ўгузхонни шармандали шартларни қабул қилишга албатта кўндираман, деб ўйлаганди. Хоқоннинг қатъияти уни саросимага солди. У хайр-маъзурни ҳам «унутиб», боргоҳни тарк этди.

У кўздан ғойиб бўлгач хоқон ҳузурида фақат ишонгани одамларнигина олиб қолиб, ғоят маҳфий машваратни бошлади. У элчи билан сухбатлашаётган чоғидаёқ Тунгус хонлигига қўққисдан ҳужум қилиб, уни тор-мор этиш режасини калласида пишишиб ултурганди. Сирасини айтганда эса еш ҳукмдор ўз фаолиятини жангу жадалдан бошлашни истамасди. У энг аввало фуқаро ғамини ейишни, Туманбалиқни янада кентайтириб, сўнгра 400 минг отлик лашкардан иборат

* Йўл — масофа ўлчов бирлиги.

сарапанган күшин тузиб, ўз худудларини кенгайтиришни мўлжаллаганди. Лекин Тунгус хонининг сурбетлиги унинг режаларига тузатиш киритди. Хоқон уни бир зарб билан мавҳ этишга жазм этди.

Машварат узоқ давом этди. Хоқон вазирлар, амирлар, лашкарбошилар фикрларини бирма-бир тинглаб, хулоса қилди:

— Демак, кун сайин сурбетлашиб бораётган Тунгус хонига қарши яшин тезлигида уруш очишимизга ҳеч бир куч монелик қилолмагай. Биз ўша хумкалла элчи ўз хони саройига етиб боришига улгурмай, ғаним устига шердек ташланишимиз, уни янчидан ташламоримиз керак. Токи, у бизни ҳақорат қиласига минг пушаймон бўлсин! Ба билиб қўйсинки, Ўгузхон мулкида бир қарич ҳам ортиқча ер йўқ! Ота-боболаримиз хоки ётган ҳар сиким тупроқ — биз учун муқаддасдир!

Эрта тонгда сафар бургуси чалиниб, лашкар тоғ кўчкисидай бўлиб ўрнидан қўзғалди.

Ўгузхон қўшини ўн минглик (туман) тартибида тузилиб, ўнлик, юзлик ва мингликларга бўлинган. Отлиқлар ва пиёдалар ўқ-ёй, найза, қилич, гурзи, болта, манжаниқлар билан қуроллаништан. Лашкар гул (марказ), баронғор (ўнг қўл), жавонғор (сўл қўл), қанбул (қанот ҳимояси), мантглай (илғор қисм), ҳировул (орт томон)дан иборат қилиб тузилган эди.

Юриш вақтида ҳар бир аскар ўзи билан камон, 30 та ўқ, қилич ҳамда бир ойлик озуқа олиши лозим эди. Ҳар бир аскар 2 от, ҳар ўн киши ўзи билан бир чодир, икки соябон, белкурак, арра, игна, арқон, меш ва қозон олиб юришарди.

Ўгузхон юриш олдидан қўшин сафларини айланиб чиқиб, уларнинг тайёргарлигини обдан текширди, кўнгли тўлгач, сафар бургусини чалишга рухсат этди.

Бу янги ҳукмдорнинг илк ҳарбий юриши эди. Амирлар, лашкарбошилару аскарлар ҳам жуда кўтаринки руҳда. Бўлажак жангларда хоқонга ўз садоқатларини намойиш этиш иштиёқи билан ёнишарди. Тунгус хонлиги бадавлат юрт бўлиб, ўлжалар ҳақида хаёл суреёттан аксарият жангчилар кулоқлари остида олтин жарангни эшитиларди.

От ўйнатиб бораётган Ўгузхон эса ўз Ватани шоншухрати ҳақида, унга кўз олайтираётган ғаламис тун-



гуслар билан тезроқ юзма-юз жаңгта киришиб, ғала-ба, ўз ҳәётидаги биринчи ғалаба, ғолиблик нағыда-ни суриш ҳақыда ўйларди. Отаси билан бўлган жаңг-даги ғалабани у ғалаба эмас, ўзи учун мағлубият ҳисоб-лар ва бу тўғрида ўзи ҳам, бошқалар ҳам тезроқ ун-тишини истарди. Мабодо Тунгус хонини сарнигун этса, мана бу бошқа гап, бошқача ғалаба. Чунки у Ўгузхоннинг Ватанига кўз олайтирди, хоқон ҳамияти-га тегди, уни ҳақоратлади. Ўзини инсон санаган киши бунга чидай олмайди, албатта.

Қўшин баҳорги пўртандек бўлиб олға интилар, кўкка ўрлаган чанг-тўзондан тўрт қадам нарини кўриб бўлмас, товачилар вакътинчалик қўналиға излаб жонса-рак, теварак-атроф аҳолиси уларни хайриҳоҳ назар билан кузатиб қолишар, лашкар қўниб ўтган ўтлоқ ва сайҳонликларда бўрондан кейинги манзара кўзга таш-ланарди.

Хоқон илғор қисм таркибида лашкардан анча ил- гарилаб кетган, байроқдорлар қўлидаги бўри боши тас-вири туширилган алвонранг яловлар қуёш нурлари аро жуда улуғвор кўринар, бу Қуеш ҳукмдорни янада тўлқинлантиради.

Ўгузхон олис-олисда салобат тўкиб турган Хонтант-ри чўққиларига нигоҳ ташлади. Оппоқ қорлар қилич дамидек ялтираб, кўзни қамаштирас, юракни жунбушга келтиради. «Менинг кимлигим ва келажакда ким бўли-шим ана шу дастлабки юришим муваффақиятига боғ-лиқ...» Хоқон юрагидан кечеёттан туйғулар жуда қара-ма-қарши эди. Тунгус элчиси билан бўлган сухбатдан сўнг қалбида кўтарилган вулақон ҳамон сўнмаган бўлса-да, салтанат тақдирни, унинг зартаси ҳақыда кўпроқ ўйлар эди. «Пешонасига юрт отаси, миллат отаси бўлиш қис-мати битилган эр йигитлар фақаттина интиқом, уруш, кимларнингдир қизил қонини тўкишни ўйлашлари жоиз эмас. Бу — қалтабинлик. Биз, хоқонлар, ҳатто уруш аталмиш қабоҳатдан ҳам яратувчилик йўлида фойдаланишимиз керак бўлади. Токи ҳар бир юриш Ватан сарҳадларини янада кенгайтириб, унинг кудра-тига қудрат қўшсин! Мен шундайин бир салтанат барпо этайки, у марҳум отам хоқонлигидан юз чандон қуд-ратли, мукаммал бўлсин ва Тунгус хони сингари су-

бутсизлар оғиз сололмасин. Бу юртда фаровонлик ва адолат ҳукм сурмоги даркор. Бойкүлдан Ҳиндү Синд-гача менинг қаламравимга кирмоги керак. Бунинг учун эса, начора, қилич кучига таяниш даркор... Лекин ҳозир, мен биринчи нағылда тунгус элчиси сурбетлигига жавоб бермөгим шарт!»

Ўрзхон сон-саноқсиз хаёлларни миясидан ҳайдаб, фикрини бир ерга жамлади. Шу дақиқалардан бошлаб унинг фикри-зикри бир нарасага — Тунгус хони билан бўлажак жангта қаратилган эди.

Хоқон сўлим бир гўшада саропарда тиклатиб, ҳал қилувчи жанг олдидан лашкарбошиларни машваратта жамлади. Бу орада айроқчилар Тунгус хони ўн минг кишилик лашкар билан төр ва дарё оралиғидаги ўтлоқда истироҳат қилаёттанини, оралиқ масофа бир кечалик йўл эканини маълум қилишди. Бу хабар айни муддао эди. Ўрзхоннинг мияси жуда тез ишлай бошлади. «Демак, масофа бир кечалик йўл... Биз тун бўйи йўл босиб, у нобакорни гафлат уйқусида босамиз. Тўгри, лашкар, отлар толиқади, лекин биз барибир душманга қўққисдан, у кутмаган томондан ҳужум қилишимиз боис устунликка эришамиз, чарчоқ унтутилади, ғалаба эса биз томонда бўлғай! Мен хон чодирига унинг сурбет элчисидан олдинроқ кириб боргайман, тангри маддакор бўлса!..»

Машваратда шундай қарорга келинди: лашкар иккига бўлиниб, душманга икки томондан тонг қоронғисида ҳужум қиласди. Лашкарнинг бир қисмига Ўрзхоннинг ўзи, бир қисмига Йитик бошчилик қиласди. Тунгус хонини асирга туширишни ҳам Ўрзхон ўз зиммасига олди. «Тангри муродимга етказса, мен Тунгус хонини яккама-якка жангда мағлуб эттайман!..» ўйларди у.

Лашкар туни билан йўл босди, төр ўнгиirlари, даралар отлар кишинаши-ю, яроғ-аслача жарангига тўлиб кетди.

Тонг қоронғисида хоқон лашкари икки томондан бало-қазодай бўлиб душман устига ёпирилди. Оз сон-



ли сокчилардан бўлак ҳамма ширин уйқуда эди. Душман қароргоҳида саросима, парокандалик бошланди. Бир қисм лашкар зўрга сафланиб улгурган бўлса, қолгандари ваҳимага тушиб, дарё томон қоча бошлади. Лекин улар қаёқда қочишмасин, тиғ дамига дуч келлиб, бошлари салчадек учарди.

Ўгузхон худди режалаштиргандек рақиби Тунгус хони Кезни ҳарамида сарпойчан ҳолда асир олишга муваффақ бўлди. Ҳарам ғолиб ҳоқон ихтиёритга ўтди. Ўгузхон от жиловини буриб, саропардадан узоклашар экан, ярим яланюоч оппок, бўлиқ сийналари диркиллаб турган, қора соchlари паришон бир гўзал ёш тўла кўзларини ундан узмаёттанини пайқаб қолди. Бу кўзлар шунча даҳшат, қон аро бутун вужудидан куч, гайрат ёғилиб турган Ўгузхонга қандайдир хавотир, илинж ва айни вақтда эктирос билан боқиб турар эди.

«Эҳ, — юраги ҳапқирди ёш ҳоқоннинг, — бу не сир-синоат, Тангри! Қон, кўз ёшлари ва... гўзал оҳунинг эктирос тўла боқишилари... Ўзинг мадад бергайсан!»

Ўгузхон жунбушга келган туйғуларини жиловлаб, яна дикқат-эътиборини жанг майдонига қаратди. Ҳоқон лашкари саросимадан ўзини йўқотган душман кўшинини тутдай тўкмоқда эди.

Чошгоҳга бориб жанг, тўғрироги, қирғин тақдири ҳал бўлди. Саф олдида Ўгузхон Кезга рўбарў бўлди.

— Рақибимга жанг яроқлари ва ўз отини келтинг. Биз яккама-якка жанг қиласиз. Ким ғолиб чиқса, ғалабаси ҳам ўшаники! — деди ҳоқон.

Унинг айттанини бир зумда муҳайё қилдилар. Кез яроқларини тақиб, гижинглаб турган отига минди.

— Раҳмат сенга, ҳоқон, — деди у. — Мен хон эмас, аввало аскарман. Аскарга жанг майдонида ўз ор-номусини ҳимоя қилиш учун яратган имконинг учун ташаккур! Лекин биз қаттол душманлармиз ва ўртамизда сулҳга ўрин йўқ!

Кез ҳақ эди, ҳеч қандай сулҳга ўрин ҳам, ҳожат ҳам йўқ эди. Буни тонгти босқин яқдол кўрсатиб бер-

ганди. Шунга қарамай, Үгүзхон иложсиз ва имконсиз рақибиға сүнгти имконият берганди. Үгүзхон назарида тонгти ҳужум — бу ҳарбий ҳийла. Лекин у рақибини ҳийла билан маға зеттан бўлса-да, яккама-якка жанг рақиби кейинчалик «ҳийла қурбони бўлдим» дей афсус чекишига чек қўяди, ғалаба тасодифан эмас, куч билан қўлга киритилганини исбот этишга хизмат қиласди.

Шу тонгдан бошлиб Кезнинг толе қўёши ботган. Кез мағлуб, шарманда хон сифатида жуда асабий, Үгүзхон эса ғолиблиқдан мағур, масур ва хотиржам эди. Унинг толе қўёши энди жамол қўрсатмоқда. Олишув бошланди. Ҳар икки рақиб бир-бирларига шердек ташландилар. Қилич, найзалар ишга тушди.

Дастлаб кучлар деярли тенг эди. Лекин устунликни қўлга ола билган Үгүзхоннинг найзаси кўп ўтмай Кезнинг мағлубият алами ўртаб турган кўксига аёвсиз санчилиди ва у ўзининг севимли аргумони туёқлари остига қулади...

Үгүзхон ҳаёт билан унсиз видолашетган рақиби тепасида бир муддат тургач, шундай деди:

— Хонни иззат-икром ила тупроқда топширинг. У жанг майдонида аскар сифатида мардона ҳалок бўлди. Ўлим орамиздаги хусуматта чек қўйди. Начора, у ўз хонлиги тўғрисида ўйларди, мен эсам ўз салтанатим келажаги ҳақида ўйлашга мажбурман...

У тобора баландлаётган қўёшга бир муддат тикилди, кўзлари ёшланиб, нигоҳини олис уфқقا қадади. Кўзлари қўёшнинг кучли нурларидан ёшландими ёинки рақиби Кезнинг аччиқ қисматиданми, буни айтиш қийин. Фақат, у зартами, кечми ўзи ҳам қисматнинг ана шундай зарбасига учраши мумкинлигини ҳис қилди, кўнгли бўшашиб, ҳувиллаб қолди. Начора, жамики тирик жонзод вақти келиб ўлим шаробини нўш этишга мажбур, маҳкум...

Хоқоннинг тушкун ҳолати тезда ўтиб кетди. «Мен ҳозир ғолибман-ку! Бас, шундай экан, ҳозир мен ғалаба нашидасини сурошим керак. Ўлим ҳақида мағлублар, оқизлар кўпроқ ўйлашади. Майли, ўйлайверишсин. Энди Кез ҳам, Тунгус хонлиги ҳам йўқ. Энди фақат ҳарамдаги тунгус гўзаллари бор...»



Хоқон Кезни асирга олаётганда ўзига тикилиб турған тунгус гўзали нигоҳдарини эслади, юраги жизиллаб кетди. Лекин у энг аввало ғолиб лашкари роҳатфарогати, оладиган ўлжалари ҳақида ўйлаши керак.

Ўгузхон лашкарлари уч кун Тунгус юртида ўлжа тўплади. Тўртинчи кун табиатнинг сўлим бир гўшасида жой ҳозирлаб, дошқозонлар осилди. Ғолиблар учун базми жамишид уюштирилди. Базмдан сўнг Ўгузхон тунгус гўзалларидан иборат янги ҳарамига ташриф буюрди. У ўша, эҳтиросли нигоҳлари билан нималарнидир ваъда қилган гўзалнинг саропардасига кирди.

Тунгус гўзали хоқонни шоҳона безатилган дастурхон устида кутиб олди.

— Марҳабо, хоқоним, хуш келдинг! — деди у таъзим бажо этиб.

Хоқон бир зум жим туриб, саропарда соҳибасини кузатди. Унинг отлар кишинаши-ю қурол-яроғ жарангидан қоматта келган қулогига ажойиб мусиқа эшитилгандек бўлди.

— Овозинг ўзингдан-да гўзал, соҳира. Исминг не-дур?

— Исмим Луълу, хоқоним.

— Луълу... Ҳа, ҳақиқатан ҳам гавҳар экансан, гўзал, Тунгус хони тожидаги энг бебаҳо гавҳар...

— Хоқоним, маъзур тутасан. Лекин энди Тунгус хони ҳам ва унинг тожи ҳам йўқ. Ҳаммаси ёз тунидек алдоқ туш каби ўтди-кетди... Энди чўринг гавҳар эмас. Ўгузхон оегининг гарди бўлишига-да рози...

— Ундоқ дема, гўзал, сен мен учун-да бебаҳо гавҳар бўлишга лойикдурсан.

Луълунинг шахло кўзлари яна эҳтирос-ла порлай бошлади. Лекин хоқоннинг тийрак нигоҳи эҳтирос пардаси ортига қандайдир хавотир, маҳкумлик учқунлари яширин эканини пайқади, Луълуга раҳми келди.

— Недандир хавотирдасан, кўзларингда мунг кўраман. Менинг ташрифимдан хурсанд эмасмисан, малагим? — сўради у Кезнинг энг суюкли кенжя хотинидан. — Ё мағлуб хожанг учун ҳамон мотамдамисан?..



Луълу кўзларини хоқондан яшириб, чуқур хўрсинди.

— Бу қисмат эртами-кечми бошимга тушишини билардим. Лекин Кез бунчалар шармандали мағлубиятта учрашини хаёлимга ҳам келтирмагандим. Начора, пешонасига битилгани шу экан... Ахир, оёғинг гарди бўлишга ризолигим — аламларимни унуттаним эмасми? Агар ўшанда нигоҳларимиз тўқнашмаганида, мен ўзимни қилич дамига урган ёки дарёга тарқ қилган бўлур эдим. Сен босқинчи эмас, балки ҳалоскор эканингга имон қелтирдим. Кўзларингдаги ёлқин сен оддий қашқир эмас, шер эканингни кўрсатиб турарди.

— Сен нафақат гўзал, балки улкан ақл соҳибаси ҳам экансан, жоним. Агар Кез менинг муқаддас тупроғимга кўз олайтирганида унта қарши қилич кўтармасдим, — эътироф этди хоқон.

Луълу уялиб ерга бокди, юзлари қизарди.

— Чўрингиз нархини жуда ошириб юбормаяпсизми, хоқоним, — нозланди у товушида андуқ оҳангларини йўқотишга ҳаракат қилиб. — Мен бор-йўғи ҳаёт уммони тўфонида дарғасидан ажраган кема янглия сарсон-саргардон заифаман, холос.

— Сен бебаҳосан, малагим ва энди дарғангни да топдинг! — хитоб қилди Ўгузхон гўзалнинг оппоқ билагидан ушлаб, ўзига қаратар экан.

— Вой,вой, — карашма қилди Луълу, — қўлимни оғритиб юбордингиз... Улув дарғамнинг қарамогида кемалар, кемачалар кўп деб эшитардим. Биз фақиру сарнигуналарга йўл бўлсин?..

Хоқоннинг эҳтироси жўш уриб, гўзални бағрига босди.

— Ҳаммаси ўз йўлига! Сен менинг биринчи ғолибона юришимдаги Биринчи Фалабамсан!

— Ғолиб хоқоним, шуни унумаки, мен сенинг Биринчи Фалабанг бўлсам, шўрлик Кезнинг Сўнгти Мағлубиятиман! Ҳа, Сўнгти Мағлубияти!.. — Луълу бу сўзларни анчайин нозу одоб билан айттан бўлса-да, улар замирида аччиқ ҳақиқат ётарди. Лекин ғалабанинг мағрурлик ва масрурлик шаробини нўш эттан, эҳтиросдан боши гир-гир айланган хоқон ҳозир кимнингдир ботган қуёши ёки сўнгги мағлубияти ҳақида



ўйлашни истамасди. Бир неча кун аввал Тунгус хони ҳарамининг гули бўлган Луълу бу оқшом ўзининг янги хожаси оғушида тўлин ойдек балқиб ётарди...

Мушир башорати. Байдинг тоги этакларида. Олтин жилваси ёхуд хиёнат

Тунгус хонлиги устидан қозонилган ғалаба ёш хонни беҳад руҳлантириб юборди. У ўзи бир вақтлар тутқуниликда яшаган, азалий рақиб мамлакат — Улуг Ёвчилар юртига ҳужум бошлади.

Улуг Ёвчилар жуда мардона, жанговар ҳалқ эди. Шу боис улар Ўгузхонга жуда қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Лекин барибир хоқоннинг 400 минг сараланган отлиқдан иборат қўшинининг кучли зарбасига тоб беролмадилар. Кўп ўтмай уйсуналар ҳам таслим бўлишди. Ўгузхон уларни Хиший водийсига жойлаштириб, шу ерда обод ўлка барпо этишга буйруқ берди.

Бу пайтда Ўгузхон хоқонлигининг ён қўшниси Хан сулоласи анча кучайган, милоддан 215 йил бурун Чинг Сихуант исмли хон Ўгузхон аждодларига тегишли жуда серунум, серўт Урдус яйловини босиб олганди. Ўгузхон ўзига тегишли ана шу яйловни ҳам рақибларидан қайтариб олишга муваффақ бўлди.

Ўгузхон бирин-кетин олти ўғил кўрди. Уларга Кунхон, Ойхон, Юлдузхон, Кўкхон, Тоқхон, Денгизхон дея ном қўйди. Фарзандлар ёшлиқдан жанг санъатига ошно қилинди. Улар бўйга еттач, хоқонга оғир юришларда кўл-қанот бўлдилар. Хоқон Кунхон, Ойхон, Юлдузхонни қўшинининг ўнг қанотига, Кўкхон, Тоқхон, Денгизхонни сўл қанотига лашкарбоши этиб тайинлади.

Бир-бирини қувиб йиллар ўтар, ҳар бир зафарли юришдан сўнг, хоқонлик ҳудуди тобора кенгайиб борарди. «Шундай кунлар келадики, — дерди Ўгузхон ўзи баъзан хаёл суриб ўтирганда, — Зангу Фаранг, Арабу Ажам менинг измимда, қаламравимда бўлади...» Лекин бунга эришишга ҳали кўп йиллар бор эди, хоқонни қонли жанглар, оғир йўқотишлар, аччиқ мағлубиятлар кутарди.



Сарой мунажжимлари, шомонлар қоқоннинг нурли истиқболидан башорат қылсалар-да, Ўгузхон яхши билардик, улуғ мақсадга осонликча эришиб бўлмайди, республикнинг чарир тошли йўли оёқларни-да, юракларни-да қонлантиради.

Аксарият мунажжимлар, унга тилёғламалик қилиб, нуқул ёлон башорат қиласардилар. Фақат, барча сафарларда доимий ҳамроҳ, кекса шомон Муширгина унга рост сўзлар, хавф-хатардан огоҳ этарди. Мушир илоҳий кучлар билан пинҳона сұҳбат қиласар ва унинг башорати доимо тўғри чиқарди.

Кунларнинг бирида Мушир жуда ғамгин ҳолатда ҳоқон ҳузурига кириб келди-да, таъзим бажо эттач, шундай деди:

— Ҳоқоним, бир қошиқ қонимдан кечсанг, ёлғиз ўзингтагина айтадиган гапим бор...

Ўгузхон ишораси билан барча мулоғимлар боргоҳни тарқ эттач, Мушир мақсадга кўчди:

— Раҳибларинг сенга қарши фитна бошламиш, огоҳ бўл... Фақат бу фитнани Жанубдаги рақиб ҳозирляяптими, Шимолдагими, аниқ билолмай ҳалакман. Ҳар қалай, фармон берсанг, сарҳадлардаги лашкар ҳушёр турса...

Ўгузхон пинагини бузмай, жавоб қилди:

— Улуғ шомон Мушир, сен яхши билурсанки, сарҳадлар жуда мустаҳкам, улардан сичқон ҳам ўтолмагай. Безовталигинг боиси недур?

— Безовталигим боиси шуки, бу фитнада сенга яқин кишиларинг томонидан хиёнат этилиши мумкин... Илоҳий кучлар мени огоҳ этдилар...

Энди Ўгузхон бир оз ҳушёр тортди, у Муширга ишонар, унга ихлоси баланд эди. Сарой фитналари ичида ўсган ҳоқон учун кимнингдир хиёнат қилиши мумкинлиги унчалик янгилик бўлмаса-да, шунча зафарли юришларда ҳамкор, ҳамфир бўлганлар сафида парокандалик юз бериши хавфи уни ўйлашга мажбур этарди.

— Не демоқдасан, Улуғ шомон? Наҳот шунчалар синалган аркони давлат менга хиёнат қилишга қодир бўлса?

— Кунтандридан ўзга ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандалармиз, хоқоним...

— Сен ҳақсан, Улут шомон, ҳаммамиз хом сут эмган бандалармиз... — Ўгузхон шундай дея чукур ўйга толди, шомон эса боргоҳни сассиз тарк этди...

Ўгузхон узоқ вақт ёлириб, шомон огоҳлантирган фитна ҳавфи ҳақида бош қотирди. У яхши билардик, ҳозирги кечакундузда у бошлиқ салтанатнинг кучайиб бораёттани Хан сулоласидан бўлган Тунжит хони Лийубонига сира ёқмайди. Хуфиялар ҳам Лийубонг жангта зўр бериб тайёрланаёттани ҳақида бир неча бор ҳабар беришганди. Демак, фитнадан огоҳ этаёттан Мушир ҳақ. Лекин яқинларидан ким унга хиёнат қилиши мумкин? Наҳот ўғилларидан бири хиёнат қилса? Ёнки қайтар дунё деганлари шумикан? Ахир, у ўғилларига отаси ўзига қилганчалик бирор ёмонлик қилгани йўқ-ку! Отаси уни қаттол душман ҳузурига юбориб, ёш жонини гаровга тикканди, у эса ўғилларига фақат яхшиликни раво кўради, улар зинг иуфузли аъёнлар сафида, айтганлари зумда муҳайё этилади. Йўқ, бу мумкин эмас, ўғиллари унга асло хиёнат қилмагайлар! — Хоқон ёмон хаёлларни миясидан қувиб, яна қўшилар фитнасига қарши чора излай бошлади.

Энг яхши чора эса гафлатда ётмай, ҳаракат қилиш зди. Ўгузхон рақиб мамлакатларга хуфиялар жўнатиб, уларнинг жустрофиясини, аскарий имкониятларини, қўшин тузилиши, кучли-заиф томонларини ўрганишда давом этди. Лашкар ҳар доимгидек шай ҳолда зди.

* * *

Тунжит хони Лийубонг Ўгузхоннинг зафарли юришларини дикқат билан кузатиб борар, хуфиялари келтираётган янгидан-янги ҳабарлар уни жуда безовта қилиб, тунлари кўзидан уйқуни ўтиларди. Айниқса, Ўгузхон хуфияларининг Саниш ўлкасига серқатнов бўлиб қолганлиги тўғрисидаги ҳабар хонни жуда жигибийрон қилди. «Ўгузхон кун сайин кучайиб, сурбетлашиб бораётир. Унинг Саниш ўлкасига кўз олайтириши мен учун ҳақорат. Мен унинг бўтзимга қилич солишини кутиб ўтирамай, кескин ҳаракат қиласигим

лозим. Йўқса, фурсат бой берилади...» зўр бериб ўйларди Лийубонг.

Лийубонг қаттиқ янгишаётган эди, лекин ўзи бу хатони тан олгиси келмасди. Бу пайтда тунжитлар Ўузхонга қарши урушга тайёр эмасдилар. Сабаби, Хан суоласи иқтисоди хароб, кучлари етарли эмас, марказий ҳокимият мустаҳкамланиб улгурмаганди. Лекин шунга қарамай, хон уруш очишга қарор қилиб, аъёнларини маслаҳат учун боргоҳга йигди.

Аксарият аъёнлар хоннинг уруш очиш тўғрисидаги таклифини маъқулладилар. Фақат акдли ва тадбиркор, ҳақиқатнинг кўзига тик қарай оладиган вазир Лужинг бу фикрга қарши чиқиб, ўз мулоҳазаларини билдириди.

— Мамлакат иқтисоди шундай ночор бир аҳволда бўлганида, қудратли хоқон Ўузхонга қарши уруш очиш роят ҳатарли, — деди Лужинг.

Вазирнинг иқтисодни «ночор» ва Ўузхонни «қудратли хоқон» дейиши хоннинг зардасини қайнатиб юборди.

— Бизнинг иқтисодимиз эмас, сенга ўхшаган калтабин вазирлар ночордисизлар! Ва Ўузхон ҳам ҳеч қачон қудратли хоқон бўлмагай! — ўшқирди Лийубонг. — Бу қўрқоқ вазирни зинданга ташланг, каламушлар билан ҳамсухбат бўлсин! Унинг ўрни хон боргоҳи эмас!

Тўғри сўзнинг таёри Лужинг бошида синиб, у шўралик зинданбанд этилди. Хон унга нисбатан ўта адолатсизлик ҳилаётган эди. Чунки мамлакат ҳозир урушга қодир эмаслигини ўзиям билса-да, таваккал қилиб, осонгина ғалаба қилишга, Ўузхоннинг ғолибона юришига рахна солиб, ўз номини шухрат билан буркашга ошиқаётганди. Агар Лийубонг, тангри қўллаб, шунга эришса, ошиғи олчи! Лекин хон бу хом хаёл эканини тан олгиси келмас, тақдиди илоҳий марҳаматига умид боғлаганди. У бир зарба билан ҳам қудратли душманни маҳв этиш, ҳам шон-шавкат тоҷини кишиш илинжида эди. Ва билмасдики, тақдиди илоҳий ўйинларида кучлилар, фақат кучлиларгина ғолиб бўладилар. Шер оғзидағи ўлжага кўз тиккан тулкилар, ўлак-сахўрлар ҳеч қачон ғолиб бўлолмагайлар...



Ниҳоят, машваратда Ўгузхонга қарши уруш очишга қарор қилинди ва тез орада юриш бурғуси чалинди. Лийубонг 125 минг кишилик қўшинга бош бўлиб, жангта отланди.

* * *

Ўз одатича жуда тезкор Ўгузхон кўл қовуштириб ўтирумай, бу пайтта келиб Саниш ўлкасидаги Шовсан туманини эгаллади. Бу ердаги ҳарбий волий Хан Вонг Шинг дарҳол таслим бўлди.

Лийубонг ўзига уруш очтанидан тезда хабар топган Ўгузхон янада илгарилаб, Санишдаги Тайиван, Чинчент шаҳарларини ҳам эгаллади. Энди бу ёри учқур баргуствон отлар, ўтқир найзалар, лашкарбошилар тадбиркорлиги ва тезкорлигига боғлиқ зди.

Ўгузхон 400 минг кишилик сараланган отлик, қўшинга бош бўлиб, Фингчинг шаҳри шарқидаги Байдинг тори адиrlарига жойлашиб, пистирмада турди. У сиёсатда калтабин бўлган рақиби Лийубонг жанг санъатида ҳам иочор эканини англаб етган, шу боис пистирмадан қўққисдан ҳужум қилиб, ралабага эришиш мумкинлигига кўзи етганди.

Ўгузхон лашкарини төғнинг жуда қулай адиrlарига шундай жойлаштириди, дафъатан қараганда уларни илғаб олиш сира мумкин эмасди. Куюқ дарахтзору чакалакзорлар, ўскин ўт-ўланлар лашкарни оддий кўзлар у ёқда турсин, душман ҳуфиялари синчков нигоҳларидан ҳам пинқон сақлай оларди.

Ўгузхон рақибини сабр-бардош билан кутиб ётар экан, ҳал қилувчи жанг олдидан лашкарбошилар ва олти ўринни ўз чодирига йириб, душман қўшинига бир вақтнинг ўзида тўрт томондан бараварига ҳужум қилиш вазифасини қўйди. Бу уларнинг синалган жанг услуби бўлиб, душманни саросимага солиб, осон ғалабани таъминлашда жуда қўл келарди.

Ўгузхон лашкарнинг ўнг ва сўл қанотига раҳбарлик қиласидан олти ўриннинг ҳар бирига алоҳида кўрсатмалар бериб, уларни жонбозлик кўрсатишга чакирди.



— Аочинларим, — деди у, — шундай жанг қилингки, ғаним юрагига ваҳима тушсин, лашкарингиз эса сиздан ўрнак олсин. Денгизхон, — энг кенжә ўғлига мурожаат этди хоқон, — сендан умидим катта...

Денгизхон ҳали ёш, жанг тажрибаси кам бўлганидан хоқон унинг кўнглини кўтариш учун шундай деди.

— Хотиржам бўлгайсан, ишончингни оқлашга ҳаракат қиласман, — жавоб қилди барваста қадди-қомати, қош-кўзлари отасига тортган Денгизхон.

Ўгузхон олти ўғлини бирма-бир зимдан кузатди. Уларништ ўзига ярашган либослари, самбидек қадди-қоматлари, кўзларида чақнаб турган шиддат учкунларини кўриб, кўнгли кўтарилиди. «Ҳа, — деди у ўз-ўзига, — Кунтангри мендан марҳаматини аямай, олти ўғил берди. Булар мен учун олти төрдай гап. Шулар омон бўлса, доимо сарбаланд бўлгайман!»

Хоқон лашкарбоши сифатида ўғилларини сира аямаса-да, ота сифатида уларни аярди ва кўпинча энг оғир вазифаларни ўз зиммасига оларди. Бу гал ҳам Ўгузхон бошчилигидағи 30 минг кишилик байроқдор қисм биринчи бўлиб душман устига ташланиши, уни пароканда қилиши, сўнгра асосий кучлар жангта кириши режалаптирилди.

Ўгузхон саропардада ёғиз қолгач, яна ўз хаёлида жанг режасини пишита бошлади. У ҳар доим ҳал қилувчи жанг олдидан хотиржам бўлиш учун ёғиз қолар, шундай пайтларда кайфияти аъло бўлиб, калласига ажойиб, душман учун сира кутимаган фикрлар келарди. Агар таъбир жоиз бўлса, у қандайдир ташналиқ, илҳом, кўтариқилиқ билан жангни кутар ва шу тахлит илҳом билан жанг қиласди. Йўқ, у қонга ташна йиртқич эмасди, у доимо юлибликка, ғалабага ташна эди. Бу ғалабалар унинг салтанати қудратини янада оширишини ўйлаб, завқланарди. Шу боис у отига миниб қиличини сурурдими, тамом, хоқонга ҳеч ким бас келолмасди. Лашкар бўрондек тувиллаб унга эргашар, олиб бўлмас қалъа-ю шаҳарлар дарвозалари ланг очиларди.

Ёши қирқдан ошиб, эр етилган Ўгузхоннинг юзлари юришлар, жанг жадаллар шамолидан бир оз қорайган бўлса-да, у ҳамон кўркам, салобатли, кенг

елкалари, баланд күкраги хоқонга афсонавий пахлавон тусини берарди. У бир құли билан баргустрон отни чавандози билан күтариб отишга қодир зди.

Ұгузхон салоқиятли саркарда бўлганидан, жанг учун жуда мақбул ва қулай жой танлашга уста зди. У шундай жой танлардики, бу жой баъзан олдиндан жанг тақдирини ҳал қилиб кўярди. Яъни у ғалабага эришиш учун табиий шароитлар — төғ, дарё, ўрмон, сайҳонлигу ўнгирлардан усталик билан фойдаланар, душманни доғда қолдиради. Ҳозир Лийубонг билан бўладиган жанг учун танланган жой ҳам пистирмадан рақиб устига ташланиш учун жуда қулай зди. Байдинг тоғининг кўз илғамас адирлари ортидан Ұгузхон қўшини пистирмада ётганини ўзига бино қўйган мақтанчоқ Лийубонг ҳатто хаёлига ҳам келтирмас, бир маромда йўргалаётган оти ўзини ҳалокатли тузоққа дақиқа сайин яқинлаштираётганидан бехабар зди. Ұгузхон кўлгина жангларда ана шунаقا ҳарбий ҳийлалар туфайли озгина талафот звазига ғалабага эришарди.

Саропардага Йитик кириб келиб, айғоқчилар душманнинг илғор қисмлари тўғрисида хабар келтирганини мальум қилди. Уларнинг хабарига кўра душман бир неча соатдан сўнг Байдинг этакларига етиб келади. Бир неча соатдан кейин төғ дарёси қонта тўлиб оқа бошлиди.

Байдинг тоги этакларига туташ ўрмону чакалакзорлар, ям-яшил ўтлоқлар ҳозир ўз гўзаллигини кўзкўз этиб, итоаткор бир сукут сақламоқда. Орадан кўп фурсат ўтмай бу бокира гўзаллик ўз ўрнини уруш аталмиш қабоқатта бўшатиб беради.

Ұгузхон айғоқчилар хабарини эшилтгач, Йитик ҳамроҳдигида пистирмадаги қўшини сафларини сўнгти бор кўздан кечириш, уларнинг кўнглини кўтариб, жангта руҳлантиришга ошиқди.

Отлар, курол-яроғ, чодиру қозонлар билан пистирмада туриш жуда зерикарли машғулот зди. Аскарлар душман лашкари келиши мумкин бўлган томондан кўз узмай, тезроқ жангта кириш, сўнг ўлжаларни кўлга киритиб, ғалаба базмида шаробхўрлик қилиш иштиёқи билан ёнардилар.



* * *

Лийубонг Ўгузхончалик етук саркарда бўлмаса-да, ҳар қалай жант кўрган эди. Шу боис рақиби билан рўбарў бўлиши кутилган ҳудудда Ўгузхон лашкари кўринмагач, юрагига шубҳа оралади. «Наҳот Ўгузхондек саркарда юзма-юз жангдан қочаётган бўлса? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, бунда бир сир борга ўхшайди...»

Айгоқчилар бирор жўяли гап айттолмасдилар. Улар яловларда қўй, от, тую боқиб юрган чўпонлардан бўлак ҳеч кимни кўришмаган.

Ниҳоят, Байдинг тоғининг бир неча кундан бери ўзини кўэ-кўэ қилаётган оппоқ қорли чўққилари шундек яқингинада, қўл еттулик масофада жамол кўрсатдилар ва хон кўнгли бир оз таскин топгандек бўлди. У төр этагидаги сўлим ўтлоқда лашкарга дам бериб, ўзи ҳам бир оз истироҳат этиб, сўнг яна душманни излашга қарор қиласанди. Байдинг ўтлоғи унга қисқа фурсатлик роҳат-фароғат манзили бўлиб кўринганди. Хон тавочи, баковул, ҳарам оғасига истироҳаттоҳга кўниш тўгрисида тегишли кўрсатмалар берди-ю яна Байдингнинг қорли чўққиларига суқланиб бўқди.

От ҳамон бир маромда йўртиб борар, эгарда беҳад толиқдан Лийубонгнинг миқти, чайир вужуди ўзини истироҳатта чоғларди.

... Бирдан қуюн кўзгалландек бўлиб, нурли чўққилар хоннинг кўз олдидан йўқолдилар, карнай ғатилаб, ногора чалинди! Жигибийрон бўлган хон хос наўкарига ўдағайлади. Нима бўлаёттанини англаёлмаган наўкар ҳам қўрқувдан бащараси қийшайганча бақра-яр, йўртиб бораётган отлар безовта кишинашарди. Хос қўриқчилар ҳам нима бўлаёттанини билолмай саросимада эдилар.

Бирдан Лийубонг хаёлига «ялт» этиб даҳшатли фикр келди: «Пистирма! Карнай чалаёттанлар, бу ахир, ғаним лашкари-ку!» пичирлади унинг лаблари.

Лийубонг бир оздан сўнг ўзига келиб, аллақандай буйруқлар бера бошлиди. Лекин бақир-чақир, отлар кишинashi-ю тўс-тўполонда унга ҳеч ким қулоқ солмасди. Кўп ўтмай юз берган воқеа бутун даҳшати би-



лан хон кўз ўнгида намоён бўлди. Шимолдан қора, Жануб томондан қизил отликлар, Шарқ тарафдан кўк отликлар, Фарбдан эса оқ бўз отлик аскарлар Хан сулоласи қўшинини қуршаб олмоқда эдилар!

«Эвоҳ! Лужинг ҳақ экан! У Ўузхонга уруш эълон қилиш хавфли, дея мени огоҳлантирган эди! Эҳ, хом сут эмган банда! Бу шармандаликка қандай чидайсан энди?» — Лийубонгнинг даҳшатдан караҳт бўлган миясига келган дастлабки фикр шу бўлди.

Шовқин-сурон, «ур-ҳо-ур», яроқлар жаранги тобора авжига чиқар, пароканда Хан сулоласи қўшини тумтарақай қочмоқчи бўлар, лекин қочадиган жойнинг ўзи йўқ эди. Хос соқчилар хонни ўраб олиб, хавфсиэроқ жойга чиқардилар.

Жанг майдонидаги манзара жуда даҳшатли, куршов ҳалқаси тобора торайиб борарди.

Кечга томон Лийубонг қўшинининг илгор қисмлари қириб ташлаанди, хон асосий кучлар томонга чекинди. Лекин асосий кучлар ҳам тўрт томондан куршаб олинган, табиий тўсиқлар дард устига чипқондек эди. Уят ва алам зўридан нима қилишга ҳайрон Лийубонг тинмай чора излар, энди Байдинг ўтлоқларининг бетакрор гўзаллиги унинг телбавор чақнаётган кўзларига кўринмасди.

Шу тариқа орадан сертаҳлика олти кун ўтиб, еттинчи кун келдики, куршовни ёриб ўтишнинг бирор чораси топилмасди. Озиқ-овқат, сув захиралари тутаб, лашкар тинқаси қурий бошлади. Оч-наҳор лашкар билан қуршовни ёриб ўтиш тўгрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Лийубонг шошилинч тарзда машварат чақириди. Илгор қисмларнинг қириб ташлангани, асосий кучларнинг шармандаларча қуршовга тушиб қолиши қайсар ва ўзига бино қўйган хоннинг кўзини очиб қўйганди, чамаси. Машварат узоқ давом этди. Лекин бирор кишидан жўяли фикр чиқмади, орага қабристон сукунати чўқди. Фақат Чинг Пинг номли вазир жуда безовта эди. У оғзига талқон солгандек жим ўтирган бўлса-да, хонга маъноли қараб қўйрди. Лийубонг унинг хуфия гапи борлигини англали ва ҳаммага рухсат бериб, Чинг Пингни ҳузурида олиб қолди.

Хон ва вазир саропардада икковлон қолишгач, Чинг Пинг ҳамон олазарак бўлганича шивирлаб сўз бошлиди:

— Бир қошиқ қонимдан кечсанг, қуршовни ёриб ўтишнинг йўлини айтардим. Машваратда жим ўтирганим боиси, бу сирни иккимииздан бўлак ҳеч ким билмаслиги лозим. Билса, сир фош бўлиб, режа амалга ошмай қолиши мумкин. Амалга ошмаса, биз ҳаммамиз ҳалок бўламиз...

— Бўлақол, тоқатимни тоқ этмай, йўлингни айт!..— деди Луйибонг. У ҳозир ўзи тушиб қолган қопқондан кутилиш учун ҳамма нарсага тайёр эди.

Чинг Пинг олма-кесак тераёттган қисиқ кўзларини хоннинг иложсиз нигоҳларидан олиб қочиб, шундай деди:

— Менга ҳозир олтин, жуда кўп сариқ олтин керак... Қуршовдан чиқишининг бундан ўзга йўли йўқ.

— Олтинни нима қиласан? Нима, сен Ўзузхонни сотиб олмоқчимисан? Унинг мол-дунёси ҳад-ҳисобсиз-ку! — ҳайрон бўлди Лайубонг.

— Йўқ, — бамайлихотир жавоб қилди Чинг Пинг, — менинг Ўзузхон билан ишим йўқ. Унга мен тутул, шайтон ҳам рўбарў бўлоғмайди. Ўзинг яхши билурсанки, Ўзузхон ҳарамида юзлаб хотинлар бор. Шуларнинг орасида олтин жилвасидан васнасага тушадигани йўқ, деб ўйлайсанми? Эшитишимча, ҳарамда олдин Тунгус хонининг завжаси бўлган Луълу исмли жуда гўзал хотин бор. Унинг Ўзузхонга таъсири катта, ҳамма айттанини қилдира олади, дейишади. Яна, шу гўзал Луълу олтин жилвасидан ҳушини йўқотади дейишади.

— Майли, мен сенга кўтара олганингча олтин бераман. Лекин ваъданг уддасидан чиқмасанг, бошинг танангдан жудо бўлади. Қочишини хаёлингта ҳам келтирма, ернинг тагидан бўлса-да топтириб, қонингни ичаман! Ҳозир ўз жоним ҳам гаровда турибди... — даёдага қилди хон. Унинг кайфияти бузук, дили хун эди. Чунки қуршов яна бир-икки кун давом этса борми, тамом, лашкар ҳам, от-улов ҳам очлигу сувсизликдан қирила бошлади. Хан сулоласи хонумонига ўт

кетади. Ҳолбуки, Лийубонг ғалабага умид қилганди. Эх, дунёй-дун!..

Тез орада Чинг Пинг қўйни-қўнжини олтинга тўдиди-риб, отта миңди-да, ўз ҳийласини амалга ошириш учун жўнаб кетди. Ҳийлакор вазир яхши билардик, бу ёлғон дунёда олтин очолмайдиган қопқонлару кўнгил қулфлари йўқ. Ҳатто қилич ва найза жарангти олтин жарангини босишга ожизлик қилади. Вазир ўзининг саройдаги кўп йиллик ҳаётида бунга неча марталаб амин бўлганди.

* * *

Куёш Байдинг чўққилари ортига ўтиб, атроф ёз оқшомининг барқутдек қўйнига ғарқ бўлди. Шабнам кўнган ўт-ўланлар ҳиди димоққа урди. Ўгузхон лашкари қароргоҳида гулханлар ёнди. Ортиқча қон тўқмасдан, душманнинг тинкасини қуршов билан қуритишга аҳд қилган Ўгузхон лашкарига қисқа муддатли ҳордик учун рухсат берганди. Олдинги маррадаги ва қоровул қисмлардан ташқари барча лашкар дам оларди.

Оқшом ва тун алмашинаётган ўоят сўлим бир паллада Луълу хабар йўллади: «Бу тун саропардамни сенинг ҳуснинг шаъми билан ёритиш учун ташрифингга мунтазирдурман...»

Ўгузхон Луълунинг ипақдек мулоим баданини, ўтли бўсаларини эслаб, энтиқди, канизакка «матъкул» ишорасини қилди.

Кейинги серташвиш кунлар ва тунлар, қон, ўлим, уруш ҳоқон зиммасига юклаган ҳад-ҳисобсиз ғалвалар Ўгузхонни беҳад чарчаттан, у истироҳатта мухтож эди. Шу боисдан гўзал Луълу таклифи унинг кўнгалини кўтариб юборди, ўзини кутаётган осуда, оромбахш тун хаёлини бацд этди.

Тўлин ойнинг майин оқ нури салобатли чўққилар, ўнгирлар ва адирларни мунаввар эттанды елкасига енгил чакмонни ташлаб олган Ўгузхон Луълу саропардасига ташриф буюрди.

Луълу ҳоқонни нозу навозиши, таъзими или қаршилаб, ясатиғлиқ дастурхонга таклиф қилди. Дастурхонда етти иқдим ноз-неъматлари мухайё этилган, ша-

робу қимиз тўла кўзачаларниң сон-саноғи йўқ эди. Саропарда бекаси хожаси кўнглини олиш учун бор маҳорати, дидини ишга солганди. Дастурхондаги барча таомлар хоқон таъбини ҳисобга олиб пиширилган, ҳамма нарса ширин висол сұқбатига мос эди.

— Илгарилари хоқоним таклифимни кутиб ўтирамай, ўзи йўқлаб келиб, чўриси кўнглини Байдинг чўққилирдан-да юқорига кўтартувчи эди. Энди эса... — нозланди Луълу Ўгузхонга косада қимиз узатар экан. — Энди эса кўзда ёшу илтижола чорлашта мажбурдир жориянг.

— Эҳ, — унинг майин сочларини силаб, хўрсинди хоқон, — агар имкон бўлганида мен дунёнинг жамикироҳат-фароғатини сенинг иссиқ оғушингта алишмас эдим, жоним, — Ўгузхон Луълунинг тим қора кўзларига сүқ билан боқди.

Хоқон маъшуқаси висол базмига зўр бериб тайёрланган, ҳарир либос кийган баданидан мушки анбар ҳиди келар, тилла камарли чикка бел, бўлиқ сийналар, ним очиқ муштоқ дудоқлар ошиқ юракка ғулғула соларди...

— Сен учун имконнинг ҳамма эшиклари очиқ, ролиб хоқоним. Сен имконлар шоҳисан!.. — Луълу бу оқшом хожасини бутунлай эритиб ўз мақсадига эришмоқни ният қилган, шу боис унинг ақиқ лабларидан бол томарди.

Етти иқлим гўзаллари муҳаббатига сазовор бўлган, ҳарамида юзлаб нозанин бир ишорасига мунтазир тургани ҳолда, Ўгузхон Луълу нозу карашмаларига тоб беролмас, зумда ихтиёр қўлидан кетар, тунгус гўзалининг бирор сўзини ерда қолдиролмасди. Луълу ишвальари хоқонга қандай таъсир қилишини яхши билар, ундан усталик билан фойдаланаарди.

Ўгузхондай шавкатли саркардани мафтун этолган Луълунинг заиф бир томони бор эди. У олтину марварид, зару зеварга жуда ўч. Ўгузхон вақт-вақти билан унга шоҳона совалар қилиб турса-да, бойликка бўлган иштиёқи сира сўнмасди. Ўгузхоннинг қаттол душманлари буни яхши билардилар.

Чинг Пинг Лийубонгдан жуда кўп олтин ём билар олиб, Ўгузхондан бир неча соат бурун Луълу саропар-

дасига келган, улар анча вақт пинқона сұхбат қурған зәдилар. Чинг Пинг сон-саноқсиз соқчилару, хос нав-карлар соглан түсікілардан қандай үтганини ҳеч ким билмайди. Эхтимол, яна үша олтин ёмбілар иш бер-гандир?..

Вазир ва малика сұхбати ҳам бизга қоронғи. Фа-қат шу сұхбатдан сүңг вазир Чинг Пинг күршов ҳалқа очилишига комил ишонч билан Үзүзхон лашкаргохи-ни тарқ этди. Вазирнинг оти зәди енгилгина лўкиллаб борар, олтин ёмби солинган қопчиқлар бўм-бўш эди. Фақат қопчиқлар бўшаган бўлса-да, Чинг Пингнинг кўнгли тўқ эди, у хон топширигини бажарганди.

... Тўлин ой чор атрофни тобора мунаvvар эттани-ча, осмон гумбазининг энг баланд нуқтасига кўтарили-ган, Луълу саропардасида эса висол базми давом этар-ди. Шароб тўла косалар пайдар-пай айланар, Үзүзхон шу топда гўзал маъшуқаси учун шернинг оғзига бош суқишига ҳам рози эди. Лекин у маккора ҳали бу фа-раҳли тундан кўзлаган асосий мақсадини баён этма-ган, хоқон инон-иктиёридан батамом ажрашини, кўй-нида ювош қўзичоқдек бўлиб қолишини кутиб, пайт пойларди. Ширин сўз, хушомад жаҳонгир хоқонлар-ни эмас, ҳатто тилсиз топларни ҳам эрита олади. Буни яхши англаган саропарда бекаси нуқул ҳамду сано, хушомадга зўр берарди. Үзүзхон аъёnlари хушомади-та унчалик эътибор бермаса-да, аёллар тилидан уч-диган ширин қалом унга хуш ёқар, ўз қудрати, пон-шавкатига бўлган ишончи ортарди.

— Хоқоним, — дерди Луълу қадаҳ суниб, — сен сўнгти, ҳал қилювчи зарбага шайланган арслонга ўхша-миссан. Яна бир ҳамланг билан Зангу Фаранг, Чин-Мочин, Арабу Ажам итоатингда бўлгай! Шундай экан, Лийубонига ўхшаш ожиз сичқонлар сенинг олдингда нима деган тап?.. Улар сенинг қулларингдир, холос. Сен эса хожасан, ғолиб, сарафrozдурсан. Ғолиблар эса мард ва марҳаматли бўлгайлар. Сенинг ғалабанг, мудом ғолиблигинг учун қадаҳ кўтараман, жоним!..

Тун соҳирасининг ҳар бир сўзи висол шаробидан сархуш хоқоннинг жон-жонига сингиб борар, кайфи-ни оширап, Луълуни эса кўзланган мақсади сари то-бора яқинлаштиради. Унинг қуралай кўзлари олдида

Ўғузхон сурати эмас, Чинг Пинг бериб кетган олтин ём билар шуъласи жилваланар, кўнглига улкан бойлик, у билан боғлиқ турли хаеллар васвасаси оралаганди. Шу олгинларсиз ҳам Ўғузхон тортиқ, қилган шоҳона совғалар бир эмас, бир неча гўзални бутун умр таъминлашга етарди. Лекин кўнглида шайтон васваса қилган Луълу олтин ём билар дея хиёнат кўчасига қадам қўйишга тайёр эди.

Нихоят, у ҳаракат қилиш вақти етганини сезиб, эҳтиёткорлик билан сўз бошлиди.

— Тонг яқиндур, хоқоним, сенинг яна бир улутвор ғалабанг тонг отари бошланаштириш ва лекин кўнглим недандир безовта... — Луълу овозига атайлаб ғамгин тус бериб, хожасига тикилди.

Ўғузхон унинг табиатидаги андаккина ўзгаришни ҳам илғашга ўрганган эди, маъшуқаси кўзларига изтироб соя соганини кўриб, хушёр тортиб сўради:

— Недан безовтасан, гўзалим?

— Кеча оқшом ҳам сенинг дийдорингта муштоқ эдим, лекин хабар йўллашга журъат этооматандим. Шу важдан узоқ вақт бедорхоб бўлдим. Тонгта яқин кўзим илиниб, бир туш кўрдим. Тушимда шомонлар давра олиб, рақс тушганларича, алланималар ҳақида бақириб-чақирилар. Яхшилаб қулоқ солсам, улар менга мурожаат этаёттан экан... «Хой Луълу, хоқонингта айт, бекорга қон тўкишни бас қиласин, бу Кунтандрига сира куш келмагай!» дейишарди улар. Кўрқиб кетдим. «Ахир, хоқоним Кунтандри марҳаматига сазовор одам, у киши неки қиласа, Тандри фатвоси ила қиласай», дедим. Лекин шомонлар яна сурон кўтардилар, бирдан төр ўнгиридан акс садо келгандай бўлиб, гулдиракдек овоз эшитилди: «Хой, хом сут эмган баңдалар, қон тўкишни бас қилинглар, йўқса разабимга дучор бўлгайсанлар!»

Ўйониб кеттанимда ёстиғим кўз ёшлиаримдан жиққа ҳўл, аъзои баданим дағ-дағ титрарди. Ўша даҳшатли овоз Кунтандри ваҳийси бўлиб эшитилди менга. Бизни нелар кутмоқда, билмам, хоқоним... — Луълунинг нозик мусиқий товуши титрарди. Бу титроқ Кунтандрига эътиқоди баланд бўлган Ўғузхон юрагини ҳам ларзага солди. У шароб ва висол кайфини унутиб, бир зумда хушёр тортиди.



— Юрагимга ғулу солдинг, Луълу, не қил дейсан? — сўради у.

— Мана, етти кеча кундуздирки Лийубонг қўшини куршовда, оч-наҳор жон таслим қилаётир. Қамални бўшат, ортингта қайт!

— О-о-о, — зорланди Ўгузхон, — бу не кўргилик, мен нетиб ортимта қайттай? Ахир, арслон изидан қайтмас, демишлар. Ортга қайтиш мен учун шармандаликку!

Луълу учун мўлжалга бехато уриш фурсати келган эди, у имконни бой бермади:

— Салламно, хоқоним! Сен арслонсан, ортингта қайтолмайсан. Мен шунинг учун сени беҳад севаманда! Сен ортга қайтолмасанг, рақибинг шармандаларча ортига қайтиши учун имконият ярат!

— Қандоқ қилиб, лашкар олдида не деган одам бўламан! — деди хоқон.

— Кунтандри даргоҳи кент, яна бир карра имон келтирсанг, барча мушкулинг осон бўлгай... Яъни, ма-салан, қуршоннинг бирор-бир ерини сал бўшатасан, вассалом! Рақибинг сичқон инини минг танга қилиб, қочиб қолади.

— Ахир лашкар буни сотқинлик, хиёнаттага йўйиши, уларнинг жанговар рухи тушиши мумкин-ку! — аччиқланди Ўгузхон. У шу топда шомон Муширнинг хиёнат ҳақидаги башоратини кўнглидан ўтказмоқда эди.

— Эҳ, менинг содда арслоним, наҳот кичкинагина ҳийлага қурбинг етмайди? Чинор отлиқ ёки бўз отлиқ лашкарингта бир оқшомгина истироҳат этишга рухсат берсанг, кифоя. Тун қоронғиси барча қабоҳату чиркинликларни ютиб юборгай... — деди Луълу унинг кўзларига тик боқиб. Унинг овозида андуҳдан асар ҳам қолмаганди, қарашлар уриочи шер мисол шиддатли, ҳаттоқи қаҳрли эди...

Ўгузхон чуқур ўйга толди. У жуда қийин аҳволда қолган эди. Луълу нидосига қулоқ солай деса, қаттол душман устидан тайин ғалаба қўлдан кетиши мумкин. Қулоқ солмаса, Кунтандри газабига дучор бўлади...

У ахир, фақатгина Кунтандри иродаси билан хоқонлик тахтига ўтирган-ку! Ҳуллас, саркарда икки ўт орасида эди, унинг руҳий ҳолатини дикқат билан кузатиб ўтирган Луълу хотиржам қилишта интилди.



— Сен қуршов ҳалқасини бир оз бўшатганинг —
ғалаба қўлдан кетди дегани эмас-ку! Лийубонг бар-
бир сен билан сулҳ тузишга, шармандали ўлпон тўлаш-
га мажбур ва маҳкум.

Доим юлиб ва сарбаланд юрган Ўгузхон барча му-
ваффақиятларим Тангри иродаси ила қўлга киритила-
япти дея астойдил ишонарди ва юрагида Кунтангрига
чексиз эътиқод бор эди. Шу боис Луълу истагига
қарши боришни Тангри иродасига қаршилик дея ба-
ҳоламоқда ва бундан чексиз изтиробга тушмоқда эди.
Буни кўриб турган Луълу ҳеч қандай зътиrozга ўрин
қолдирмаслик учун яна тангри номига зўр берди:

— Марҳаматли, кечиримли инсонларга Тангри та-
оло-да марҳаматли бўлгай, сен шуни унутма, хоқо-
ним!

Бу сўзлар Ўгузхонни охир-оқибат бир қарорга ке-
лишга мажбур этди ва юрагида қуршов ҳалқасини оз-
гина бўшатиш истаги билан саропардан тарк этди.
Луълу эса ўзининг жайдари, лекин жуда синалан «ҳий-
ласи» бу гал ҳам қўл келганидан шод эди. У агар
шунақанги ҳийлагага устаси фаранг бўлмаганида, ма-
луб Тунгус хони қўйнидан чиқиб, тўппа-тўғри ролиб
Ўгузхон оғушига тушмас эди.

Мушир башоратидан яқинлари хиёнат қилиши мум-
кинлигини билган Ўгузхон Луълу унинг ишончини ол-
тинга алмашганини билмасди. Бу сир сирлигича қолди
ва Ўгузхон қуршов ҳалқасини Луълу илтимоси билан
эмас, Тангри иродаси ила очдим дея ишонди.

Ўгузхон фармони билан ўша оқшом бўз отлиқ лаш-
карга «дам» берилиди. Ҳўқизлар сўйилиб, шароб базми
бошлианди. Лийубонг қўшини эса очлик, ташналик азо-
би, энг муҳими, тўнғиз қавмидаги ўлим хавфидан
қутилганига шукроналар айтиб, қочиб қолиш пайида
бўлди.

Лийубонг учкур аргумони сағрисига аччиқ-аччиқ
қамчи босар экан, тирик қолганига ишонишни ҳам,
ишонмасликни ҳам билмас эди. У ўлимдан кутулган
эсада шарманда бўлганди. У Ўгузхон билан муҳораба
қилишга кучи етмаслигига амип бўлгач, сулҳ тузиш ва
ўлпон тўлашдан ўзга чора йўқлигини сезиб турарди.
Кўп олтин туфайли халос бўлганлик ҳақида мужда



келтирган маккор вазир Чинг Пинг фикри ҳам шундай эди. «Начора, — хўрсинди маълуб хон, — етса мол, етмаса жон демишлар. Ҳозирча молимиз етиб турибди...»

* * *

Лийубонг Байдинг қуршовидан қутулиб, Чанъянга етиб келгач ғазабига учраган вазири Лужингни дарҳол зиндандан чиқариш тўғрисида буйруқ берди.

Лужинг хон ҳузурига кириб, таъзимга бош эгтач, Лийубонг дарҳол мақсадга кўчди:

— Начора, дўстим, ҳозир гина-кудурат вақти эмаслиги сенга аёнди. Ҳаммамиз ҳам хом сут эмган бандалармиз. Байдинг муҳосараси кимнинг ким эканигини ва нималарга қодир эканини кўрсатди. Биз ғафлатда қолдик... Энди сулҳ лозимдур...

Шундай қилиб, милоддан 198 йил бурун Хан сулоласи элчилари вазир Лужинг бошчилигида Ўзбекон саройига бордилар.

Ғолиб ҳоқон элчиларнинг ҳурматини жойига кўйиб, қабул қилган бўлса-да, улар имзолаши лозим бўлган аҳднома юятда таҳқири, оғир ва шармандали эди.

Аҳдномага кўра Хан сулоласи Ўзбеконга ҳар иили белгиланган миқдорда кимхоб, товар, учқур отлар, аравалар, шароб, егулик, ичгулик юбориб туриши, Лийубонг қизини ҳоқонга хотинликка беришига келишиб олинди. Бундан ташқари Ўзбекон фуқаролари Хан сулоласига қарашли яйловлардан, қудуқ сувларидан фойдаланишга ҳақди бўлдилаар.

Лийубонг ўз қизини Ўзбеконга хотин қилиб юборар экан, унга сеп сифатида 1000 сариқ олтин танга қўшиб юборишга мажбур эди.

Бир-бирига ўҳшамайдиган миллатлар ҳукмронлари орасидаги ўзаро қудачилик қадимги ташқи сиёсат қоидасига кўра бир усул эди. Икки тарафнинг ўзаро душманчилиги воқелик ҳисобланса-да, нисбатан тинч яшаш учун ҳукмдорлар қиз олиб, қиз беришган. Шу даврда Хан сулоласининг Ўзбеконга қиз бериши иложисизликдан эди. Ҳар иили юбориладиган совға-саломлар эса ўлпоннинг яширин бир тури саналарди.

Лийубонг таҳтида илон чиққандек тўлғанганича, Лужинг сўзларини тинглар экан, хаёлидан шундай фикрлар кечарди: «Шундай шармандали аҳдномага қўл қўйгунча, ўша Байдинг этакларида рақиб найзасидан жон таслим эттаним маъқул эмасмиди?.. Бу не шармандалик? Энди у кўзининг оқу қораси Нингни Ўгузхондек ваҳшийга хотин қилиб беришга мажбур!..»

Элчилар, вазир Лужинг ва бошқа аъёнлар биринкетин боргоҳни тарқ этишди. Лийубонг ёлғиз қолди. Бир-биридан даҳшатли, чиркин хаёллар хон миясини тўхтовсиз кемирар, тинчлик бермасди. Оғир йўқотишлар эвазига салтанат сақлаб қолинди. Хўш, энди бу ёти нима бўлади? Ўгузхон яна уруш бошламайди деб ҳеч ким кафолат беролмайди-ку! Эҳтимол, Нинг бир қадар кафолат ҳам бўлар, лекин бу барибир вақтинча. Якка-ю ёлғиз қизи тақдирни энди қаттол душмани тақдирни билан боғланажак.

Лийубонг аввалига қизи билан яккама-якка гаплашмоқчи бўлди-ю, сўнгра фикридан қайтди. Юрагини тирнашдан не мурод? Қолаверса, қизлар оталари мағлуб бўлгач, қисматлари не эканини яхши билардилар. Ҳаммаси ўз маромида давом эттани маъқул. Нингни Ўгузхон саройига олиб борадиган карвон уч кундан сўнг йўлга чиқиши керак. Ўшантуча знага қизни тақдирга тан беришга кўндиrsa, ажабмас.

Чанъян боғларида куз. Вазир билан сұҳбат. Карвон қўнириои

Ёз охирлаб, Чанъян саройи боғларида куз аломатлари бошланган, бунда қандайдир маҳкумлик, иложисизлик зоҳир эди ва худди шундай манзара Нинг кўнглида ҳам акс этарди. Қиз бечора энди йигламай қўйган, у қандайдир мўъжиза рўй бериб, ҳамма ишлар ўнгланиб кетишига, ўзи эса ота уйини тарқ этмаслигига кучсизгина умид қиласди. Аввалари: «Начора, қиз бола палахмон тоши», дея уни тақдирга тан беришга ундаган қари знага, энди негадир сирли жилмайиб аврайди, эртак сингари гапларга ишонишга мажбур этади.



— Эрка қизим, — дейди энага қизнинг тим қора, муаттар сочларини силаб, — сен ахир баҳтсизлик эмас, баҳт-иқболинг сари қадам қўяётирсан. Ўгузхон гарчанд бизнинг мамлакат билан ёвлашган эса-да, ҳарқалай етти иқлим подшоси, Шому Ироқ, Арабу Ажам унинг қаламравида. Шундай хоқонга хотин бўлиш аксар қизлар орзуси-ку!

— Кўй, энага, ундай дема, юрагим ёрилиб кетади, — зорланди қиз. Лекин энди унинг ҳуркак нигоҳларида чексиз изтироб эмас, қандайдир илинж жиловланади. Ким билади дейсиз, кўпни кўрган энага балки рост сўйлаётгандир?.. Ахир, мўъжиза рўй бериши мумкин-ку!

Энага яна ўша, ўзининг чиройли эртагини бошлайди. Бу зартак Ўгузхон баҳодирнинг фазилатлари, у кўрсаттани қаҳрамонликлар ҳақида.

— Билурмисан, йўқми, қизгина, Ўгузхон баҳодур найзаси қирқ газ, қиличи олов пуркайди. Унинг олти баҳодир ўғли бор. Шуларнинг енита сен ҳам бир ўғил туғиб берсанг, у тахт вориси — валиаҳд шаҳзода бўлса...

Ниш қизариб, кўзларини ерга қадайди, индамайди.

Энага эртагини давом эттиради:

— Ўгузхон баҳодир ҳусн бобида ҳам оламда ягоналардан. Унинг дийдорига ташна қизлар лак-лак. Сен эса ноз қиласан.

Киз уни жимгина тинглайди. Унинг ўзи ҳам хоқон паҳдавон келбат, кўркам йигит эканини дугоналаридан кўп марталаб эшитган. У хоқонни оқ аргумоқда, қилич ушлаган ҳолда тасаввур этади. Қалбида ўзи билмаган ҳолда ширин энтикиш туяди, хаёлидан ўзи уялиб кетади.

Энага сўзида давом этади:

— Сенга энг сўнгти гапим шу, қулоқ бер: сен хоқон саройига хотин бўлиб эмас, балки Ватанинг, миллатинг, златинг халоскори сифатида бормоқдасан. Ҳа, сен злингни шармандали мағлубият, талон-тарож, роратлиқдан кутқармоқдасан, болагинам. — Кампирнинг овози титраб, сўzlари чала қолди. Қиз ўзини унинг кучогига ташлади.

— Оҳ, энагажон! Кошкийди сўzlаринг рост бўлса. Кошкийди!

— Рост, она қизим, рост! Сен бизнинг фаҳримизсан! — энага кўксига бош қўйган маъсума қизнинг бошини силаб, пешонасидан секингина ўпди.

Нингнинг кўзларидан «дув-дув» ёш қуилар, кампир ҳам унсиз йиғламоқда эди. Энага ўзи кўтариб катта қилган қизни беҳад яхши кўрар, Ўгузхонни мактаб, оғзидан бол томаёттан бўлса-да, бу сўзларни у Нингни юпатиш учун айтарди. Тўғри, эндиғина ўн олти ешга тўлган қиз жуда гўзал, оппоқ бадан, тим қора соchlар, жон олгувчи кўзлар... Бу гўзалик ҳар қандай эркакни ҳам мафтун этиши табиий. Лекин Ўгузхондек ҳарамида юзлаб гўзаллар бўлган хоқон учун у сулокли хотин бўладими ёинки сон-саноқсиз канизакларнинг бирига айланадими, буниси фақаттина тақдири илоҳийга боғлиқ... Ҳаётнинг паст-баланди, жабр ситамларини кўп кўрган энага ана шуларни кўнглидан ўтказиб, қизга қўшилиб йиғлаёттан бўлса-да, буни сиртита чиқармасди.

Қиз айни баловат, севги ёшида бўлса-да, ҳали бирорни севиб улгурмаган, фақат кўнгил мулкининг султони ҳақидаги ширин орзулар билан яшарди, холос. Унинг ёшида ҳар бир юрак севги кутади, ишқа ташна бўлади, баҳт тўғрисидаги ширин эртакларга ишонади. Албатта, бу кўнгилдаги нурли орзулар. Ҳаётда эса хон қизлари учун жуфти ҳалол одатда аслзодалар, қўшини мамлакат шаҳзодалари, таҳт ворислари орасидан танланади. Ўгузхон эса таҳт вориси эмас, улкан салтанат таҳти соҳиби. Шу нуқтаи назардан, қизнинг сира ўқинадиган ери йўқ, у шавкатли саркарда, хоқонга хотин бўлади.

Нинг буларнинг ҳаммасини яхши тушунади, мулоҳаза юритади. Унинг кўнглини хижил этадигани, у кимгаки оташин, бокира мұҳаббатини тақдим этадиган бўлса, ўша киши учун ёлғиз, якка-ю ягона, суюкли ёр бўлишни истарди, мұҳаббатга ташна юраги шуни хоҳларди. Ўгузхон ҳарамида эса етти иқлим гўзаллари жамланган дейишади.

Энага, меҳрибон кампир унинг кўнглидан кечаётганларни яхши англади ва қиз келажагини шундай гўзал суратда чиздики, бу ишнинг уддасидан энг зўр мусаввир ҳам чиқа олмаса керак.



— Эркатойим, қўзичорим, сен эркаклар табиатини ҳали билмайсан. Улар кенжа хотинни алоҳида меҳр билан сүядилар, унинг ҳамма айттанини мухайё эта-дилар. Сен шу бахтта мусассар бўлгайсан, жоним. Боз устига падари бузурковоринг сен билан бирга юбора-диган сеп ҳам жуда мўл — Ширин эртак ҳамон давом этар, хон саройида карвонни жўнатишга қизғин ҳозир-лик кўриларди. Ахир, хон қизини келин қилиб олиб борадиган карвон унча-мунча бўлиши сира мумкин эмас, у шоҳона бўлиши керак. От, тужлар, тахтиравон, арава, соқчилар, канизаклар. Хуллас, карвон жуда катта ва унинг ташвиши ҳам шунга яраспа...

Лийубонг сиёсатчи сифатида яхши тушунаётган эди-ки, Байдинг жангни ва қуршовдан сўнг унинг хон си-фатидаги обрўсига жиҳдий путур етди. Агар энди ҳам вазият тўғри, холис баҳоланмаса, таҳт қўлдан кетди, дэяверинг. Ўгузхон бир марта шафқат қилган экан, яна марҳамат кўрсатиб ўтирамайди. Шу боис совваларни мўл қилиб, унинг кўнгли Нинг орқали овланмас экан. Лийубонг ҳолига маймунлар йиглайди. Лекин иқтисоди уччалик барқарор бўлмаган давлат хазинаси имкониятлари чегараланган, албатта. Шунга қарамай, Лийубонг ўзи бош-қош бўлиб, карвонга мўл-кўл сов-валар ортилишини таъминлади. Келинининг тахтиравони ҳам жуда дабдаба билан безатида.

Ниҳоят, салқин куз тонгларининг бирида, карвон Чанъянни тарқ этди.

Карвон қўнгирогининг «даранг-дурунг» садолари қиз юрагидаги андухни тагин ҳам кучайтирап, у қуи-либ келаётган кўз ёшлари аро ота уйига — хон саро-йига қайта-қайта ўгирилиб қарап, олиса кўм-кўк ҳарир парда ортидагидек бўлиб, улкан төғ чўққилари кўзга ташланарди. Жўнаб кетаётган қиз сўлим Чанъ-ан боғларидан кўнгил узолмасди.

Хайрлашишар экан, Лийубонг қизининг пешона-сидан ўпид, унинг бармоига ёқут кўзли узук тақди.

— Бу узук кўнглимнинг бир бўлаги бўлиб сен билан бирга кетади ва энг оғир дақиқаларда бало-қазолардан асрайди. Кунтангри ёр бўлгай, қизим!

Ота юрагида бўрон кўтарилиган бўлса-да, сиртига чиқармади. Фақат унинг овози сал титраб чиққанини қиз сезиб туради. Қиз отаси мағлуб ва иложсиз

эканини, якка-ю ёлғыз қизини қурбон қилишга маж-
булғигини, бу унинг учун нақадар қийинлигини юрак-
юрақдан ҳис этар, шу боис падари бузрукворига раҳ-
ми келарди.

Чанъанинг жаннатмисол боғлари, ям-яшил ўтлоқ-
лари ортда қолиб, уммондек чексиз қумликлар бош-
ланди. Олисдаги қорли тоғлар улутвор, салобати би-
лаап ўзига чорлаёттган бўлса-да, сап-сариқ қумликнинг
дилгир манзараси Нинг юрагига аллақандай қайғу олиб
киради.

Кўм-кўк осмон, ўркач-ўркач барханлар, залворли
тоғлар ўз тилларида алланималар дердилар гўё. Лекин
қизнинг қонланган юраги ҳали табиат овозини эши-
тишга қодир эмасди. У олдинда ўзини кутаёттган тақ-
дир тўғрисида тўхтовсиз хаёл сурарди. Отасини мағ-
луб, сарнигун қиласан хоқон кўксига у қай тахлит бош
қўяди? Энаганинг ширин эртаклари қиз кўнглига бир
қадар таскин бериб, кўз ўнгида Ўғузхоннинг гўзал
сиймосини яраттан бўлса-да, у ҳамон ҳавотирда эди.
Ахир отасини аямаган қизини аярмикан? Ё унга чўри-
дек муносабат қиласдими?

Саҳронинг аёвсиз қуёши ёз бўйи қовжираттан ўт-
ўланларнинг жизғанак ҳиди димоққа урилар, шамол
учириб ўйнаёттган қум заррачалари куз офтобида
олтиндек товланар, карвон денгиз тўлқинига монанд
катта-кичик барханларни кечиб олга интилар, қара-
ма-қарши ҳис-туйгулар, қийноқли саволлар қизга
тинчлик бермасди. Олис ва машаққатли йўлнинг эса
чеки-чегараси йўқ.

Сирасини айтганда, ҳаётнинг ўзи узундан узок,
оёқни қонлантирувчи тошлардан иборат йўл. Тўгри,
бу йўлнинг ҳар ер-ҳар ерида баҳт, ором, осудалик
бекатлари бўлса-да, йўлнинг эндиғина биринчи бека-
тига қадам қўяёттган қиз кўп нарсадан хабарсиз. У
борлиққа ҳайрат билан боқади ва жамики воқеа-ҳоди-
салар энагаси айтиб берган эртаклардаги сингари ях-
шилик билан тугайди, эзгулик ғалаба қиласди, дея ишо-
нади.

Нинг ўзининг саройдаги ўн олти йиллик умрида
эга бўлган ҳаёт тажрибаси жуда кам эди ва қабоҳат,
разолат бандаси бўлмиш айрим одамлар нималарга

қодир эканини яхши тасаввур этолмасди. Унинг ҳаёт ишқига тўла қалбини яраламаслик учун энага чиркипликлар ҳақида жуда кам гапиради. Хон фарзандлари тарбияси асосан оталиқ ва энагалар қўлида бўлганидан болалар ота-оналари билан кам ҳамсухбат бўлишарди. Уч яшарлигида онаси овир касал туфайли қазо қилгач, отаси Лийубонг уйланган, Нинг энагасига жуда борланиб қолганди. Карвон йўлга чиқиши арафасида Нинг ва энага туни билан мижжа қоқмай сұхбатлашдилар, хайр-хўш қилдилар. Ва тун бўйи, ҳар иккаласи кўз ёшларини тиёлмадилар.

Тонгда энага ўз қизидай бўлиб қолган Нинг учун сўнгти бор нонушта тайёрлади.

Нонушта кўнгилсиз ўтди. Энди ҳар иккаласидан ҳам садо чиқмас, туни билан ҳасратлашган сирдошлар нима дейишни билмай, сўзсиз хайрлашдилар, эҳтимол видолашдилар. Айтиладиган ҳамма гаплар айтиб бўлинган, энди фақат нигоҳлар сўзлашардилар...

... Күёш тикка келганда карвоннинг бир маромда дарангләётган кўнғироқлари бир зум тингандек бўлди. Нинг тахтиравон пардасини кўтариб, қаради: карвон ширин сувли қудук бўйида тўхтаган, тушлик вақти бўлиб қолганди.

* * *

Қизини олис сафарга кузатиб, Чанъандаги саройда ёлғиз қолган Лийубонг ўзини қаерга қўйишни билмас, унинг кичик ёшдаги бир ўғли ҳам бўлса-да, якка-ю ятона қизининг меҳри ўзгача эди. Шу билан бирга Хан сулоласининг келажаги уни ҳамон қаттиқ ташвишга соларди.

Лийубонг мана, неча кундирки, бировни яқинига йўлатмас, ҳашаматли хоналар сув қуйгандек жимжит, мотамсаро эди.

Ниҳоят, карвон жўнаганидан сўнг орадан бир ҳафта ўтгач, хон ҳузурига вазир Лужингни чорлади. Лужинг энди вазири аъзам даражасига кўтарилиганди.

Хон ва вазир Хан сулоласининг бундан кейинги тақдири ҳақида узоқ сұхбатлашдилар.

— Маълумингки, Тангри таолло марҳамати ва сенинг тадбиiring туфайли ҳалокатдан омон қолдик. Ле-

кин айтишади-ку, кўза кунда эмас, куни еттанда синади. Яна бир карра ўша Байдингдаги сингари ҳолатта тушадиган бўлсак, ҳолимизгавой. Ҳалиям обрў-эътибор, ор-номус бир пул бўлди. — деди Лийубонг вазирининг серташвиш чеҳрасига зимдан назар ташлаб.— Ташвишим шундаки, Ўзузон мени қайнотам экан, деб аяб ўтирадиганлардан эмас. У нобакор қулий фурсат топди, дегунча бизга ҳужум қилиши тайин.

— Байдингдаги ҳолатта тушишдан Кунтантрининг ўзи асрагай, — деди Лужинг хон айтган сўзлар мағзини чақиб. — Биз ён қўшнимизнинг жангари табиатини билган ҳолда, гарчанд сулҳга эришган бўлсак-да, муҳорабага доимо шай туришимиз лозим.

— Ҳақ гапни айтдинг, вазири аъзам, мен ҳам шундай фикрдаман. Бироқ тўланган ўлонон ҳазинани анча ҳароб этди. Шундай бўлса-да, биз барибир имконтопишимиз шарт. Акс ҳолда ҳалок бўлгаймиз, шавкатли Хан суоласи беному бенишонликка юз туттай.

Лужинг хоннинг юзида иложсизлик, маҳқумлик зоҳир әканини кўриб турар, бу қандай хунук оқибатларга олиб келишини ҳам яхши тасаввур этарди. Шу боис ҳар бир сўзини пухта ўйлаб, шулдай деди:

— Ҳазина имкониятлари ўз йўлига, биз уни тўлдиришнинг барча чораларини кўряпмиз. Лекин фикри ожизимча, душманнинг жанг услубини таҳдил қилиб, унга қарши қўйиладиган тадбирларни ўйлаш жоиздир. Яъни, масалан, Ўзузон лашкари бизни қай тахлит гафлатда қолдирди? Тез ҳаракатланувчи отлиқ аскарлар бизни бир пайтнинг ўзида тўрт тарафдан куршовга олиб, пароканда қилди. Ва яна 400 минг кишилик қўшин қай тахлит шу даражада маҳфий пистирма ташкил этди?

Мағлубият кўзини мошдай очган хон ҳатоларини истар-истамас тан олишга мажбур бўлди:

— Агарда илғор ва қоровул қўшинимиз ҳушёрликни бой бермаганда, биз бундай аҳволга тушмас эдик.

— Ҳа, шунчалик кўп сонли қўшин пистирмада эканини сезмаслик учун лашкарбошиларимиз кўр ва тўнка деган изоҳнинг ўзи ҳам камлик қиласди... — унга қўшилди вазир.

— Ақмилар бирвларнинг, аҳмоқлар эса ўзларининг хатоларидан хуоса чиқарадилар. Наҳот ўзимизнинг аҳмоқона хатоларимиздан хуоса чиқара олмасак? — хуноб бўлди хон.

— Хуоса чиқарамиз. Фақат озгина фурсат керак. Дарвоқе, мен қуролсозларимизга лаънатилар Байдинг мухорабасида ишлатган овозли ўқ-ёйлардан нусха кўчиришга буюрдим...

— Ҳа, ҳа. Овозли ўқ-ёй! — Лийубонг қулоклари остида увиллаган товуш эшилтандек бўлиб, сесканиб кетди. — Ана шу ўқ-ёй лашкар юрагига ваҳима солди. Лекин Ўгузхон лашкарини бу билан қўрқитолмаймизда.

— Қўрқитмасак да, бу янги курол ўз лашкаrimиз учун бир далда бўлгай. — деди вазир.

Хон ва вазир Ҳан сулоласининг дахлсизлигини таъминлаш учун ҳозирча вактдан ютиш мақсадида асосан ташки сиёsat чораларига зўр бериш, шу орада сарҳадларни мустаҳкамлаб, лашкар сонини ошириш, қурол-ярояларни такомиллаштириш лозим деган хуолосага келдилар. Лекин улар барибир Ўгузхон солиб турган хавфдан хотиржам бўломасдилар. Кейинги йилларда Ўгузхон салтанати ҳудудлари тобора кенгайиб, у 26 хонлик ва мамлакатни бўйсундирган, ўлон тўлашга мажбур эттан, бу жуда кўп подшоҳлар юрагига гулгула соларди. Улар эртами-кечми Ўгузхон билан жант майдонида юзма-юз бўлишларини, унинг қиличи нималарга қодир эканлигини яхши билардилар. Шу боис уларнинг ақдиллари хоқон билан дўст бўлишга, яхши қўшничилик қилишга интилдилар. Ўгузхон қиличи кучини синаб кўрган, ўзининг илгариги калтабин сиесати хотўри эканини англаш етган Лийубонг ҳам шундай йўл тутишга қарор қилган, очигини айтганда эса унинг бошқа иложи ҳам йўқ эди. Бу «дўстлик» ихтиёрий-мажбурий саналарди. Ахир, ҳақиқий дўст ўз дўстидан ўлон олмайди-ку! Лекин Ўгузхоннинг хоқон ва лашкарбоши сифатида шундай бир ажойиб хусусияти бор эдики, буни дўстлар ҳам, душманлар ҳам тан олардилар. У ўзи фатҳ этган мамлакатларни вайрон этмас, тинч аҳолини қирғин қилишга йўл қўймасди. Хоқон мағлуб бўлган мамлакатни ўлон тўлашга мажбур этар ва бу билан ўз салтанати иқтисодий қудратини мустаҳкамларди.

Ўузхон ўзининг нисбатан оз сонли қўшини билан Чин-Мочиннинг қудратли лашкарини тор-мор этиб, Буюк Хитой деворигача етиб келганида ҳам худди шундай бўлди. Буюк Хитой деворидан ўтмади, юртини ғорат этмади. Фақат шу мағлубиятдан сўнг Чин-Мочин Ўузхон салтанатига 70 йил мобайнида ўлпон тўлашга мажбур бўлди.

Табиатан мард ва олижаноб Ўузхон ўз юришларини босқинчилик эмас, ҳалоскоралик деб ҳисоблар, шу боис вайронгарчиликларга сира йўл қўймасди.

* * *

Хан суоласининг ўлпони ортилган карвон Туманбалиққа яқинлашиб қолган, олдинда шаҳар иморатлари кўзга ташланар, Нинг юрагидаги қандайдир ҳавотир, кўркув аралаш бир илинж дам кучаяр, дам сўнарди. Нинг сиёсий дипломатик ўйинлар, ваҳшиена одатлар қурбони эди ва буни ўзи ҳам англаб етганди.

Ниҳоят, шаҳар дарвозасига етиб келдилар. Бу вақтда Нинг тақдирга тан берган ва кўнгли анча хотиржам эди. Ахир, знагаси Ўузхон баҳодирни мард, кўркам ва олижаноб хоқон дея мақтаб, оғзидан бол томди-ку! Шундай олижаноб одам хоннинг якка-ёлриз қизини хафа қилиб қўймас...

Ўузхон саройи ўзининг гўзаллиги-ю салобати билан Нингни лол қолдирди. У хон саройида ўстган бўлсада, бунчалик пурвиқор ва салобатли кўшк, саройларни кўрмаганди.

Ўузхоннинг кенж хотини ҳисобланмиш Нинг учун атрофи сўлим бое билан ўралган кўшкни ажратдилар. Янги келин кўшкини хоқоннинг хос соқчилари муҳофаза этар, унинг хизматига йигирмадан зиёд канизак ва бичилган қуллар ажратилганди.

Келин учун дастурхонга шунчалар кўп ноз-неъматлар, таомлар қўйилган эдики, Нинг хон қизи бўлса-да, уларнинг кўлчилиги номини-да билмасди. Канизаклар келин атрофида парвона бўлиб, унинг кўнглини овлашга ҳаракат қиласдилар.

Нинг эса ички бир титроқ, ҳаяжон ва айни пайтда ўзи ҳам идроқ этоамаган муштоқлик билан Ўузхон баҳодирни кутарди.



Тун яримдан оғди ҳамки, күёвдан дарак бўлмади. Олис йўл ҳориттан қизни уйду элита бошлади. Ҳарам бекаси келинчакка хайрли тун тилаб, хобгоҳни тарқ этди.

Нинг бедорхоб тун қушларининг боғдан эшитилаётган овозларига бир муддат қулоқ тутгач, ухлаб қолди.

Нинг эрта тонгда яна қушлар сайдоридан уйғонди. Кўнгли равшанлашиб, кўшк айвонига чиқди, тоза ҳаводан кўксини тўлдириб нафас олди. Борнинг кузги гўзал манзарасига маҳлиё бўлиб қолди. Бир-ярим сарғая бошлаган дарахт барглари ҳазонрез гўзаллигини кўзкўз қилас, мудом ям-яшил сарв ниҳоллари кузнинг саркаш шамоли таъсирида гўзаллар ингичка белидай бўлиб букилар, ариқларда оқаёттан зилол сув шарқираши булбул хонишига уйғунашиб, илоҳий бир оҳанг касб этарди.

Нинг боғ гўзаллигидан завқ олар экан, Чантъан чорбояларини эслади, юраги жизиллаб, шаҳдо кўзлари ёшта тўлди.

Келинчак Туманбалиққа келганидан сўнг учинчи оқшом деганда кўшқда ҳамма ғимир-ғимирга тушиб қолди. Бу — хоқоннинг шу оқшом келинчак ҳузурига ташриф буюришидан дарак берарди. Хожасаро ва қанизаклар кўли-кўлига тегмас, ҳарам бекаси айниқса бесаранжом эди. У Нингни мушк-анбарли сувда чўмилтириб, ранго-ранг ҳарир кийимлар кийинтириди, тилла тақинчоқлар, зар ковуш билан ясантириди. Бека ҳатто хон қизини ҳам ўз кийимида хоқонга рўбарў этишга журъат қилолмасди.

Туманбалиқ аҳли, ғолиб лашкар Хан сулоласи хони устидан қозонилган ғалабани бир неча кун байрам қилас, Ўзузхон шу оқшом хос аъёнлар, лашкарбошлилар иштироқидаги шароб базмидан сўнг, Нинг кўшкига, янги келинчак ҳузурига ташриф буюриши лозим эди.

Ғолиб хоқон ғалаба шаробидан сармаст эди. Ўн олти яшар гўзал васлининг умиди уни ёшина тоғ охусини ушлаб олган сайёд ҳолатига солган, пайдарпай шароб сипқораёттан Ўзузхон кўз ўнгидага қизнинг хуркак нигоҳлари гавдаланарди.

Кўнгли Хонтангри янглиғ кўтарилиган Ўзузхон келинчак ҳузурига ташриф буюрди. Уни осто нада қар-

шилаган ҳарам бекаси хоқоннинг ширакайф, сараф-роз чехрасини кўриб, хушомадни қуюқ қилди:

— Хуш келдинг, ролиб хоқоним! Айиубонгнинг гўзал қизи Нинг тўлин ойдек тўлишиб, мана, уч оқшомдирки, ташрифингта мунтазирдур! — бека таъзим билан хоқонни ичкарига таклиф этиб, эшикни ташқаридан маҳкам бекитди...

Нинг... О, о, гўзал Нинг, ҳаяжондан юраги бўғзига тиқилиб, хоқонга таъзим қилди ва бирдан вужудига ўт ташлангандек бўлди.

Қаршисида етти иқдимга даҳшат солган қукмдор эмас, қирқ ёш нари-берисидаги, вужудидан куч-гайрат ёғилиб турган куркам бир йигит турарди. Унинг нигоҳлари жуда мулоим, тийрак кўзлари кулиб турарди. Не-не гўзаллар муҳаббатига сазовор Ўгузхон аёл деган нозик хилқат билан қандай муомала қилиши ни яхши биларди. Қизнинг кўзларида қўрқув, ҳадикни кўриб, ширин муомала қилди. Хоқон манман деган гўзаллар ҳам ўзининг бургут нигоҳларига тоб берол-маслигига қаттиқ ишонарди.

Ўгузхоннинг синашта кўзлари бир неча сония мобайнида қиз ҳақиқатан ҳам жуда соҳибжамол эканини баҳолашга улгурди: қизил олма янглиғ ёноқлар, биринчи қор мисол оппоқ юзу, мўрча миён, туб-тубида аллақандай сир яширин қоп-қора кўзлар...

Қиздан садо чиқмасди, хоқон унга мулозамат қилди:

— Туманбалиқقا хуш келдинг, бекам! Қадаминг кутлуғ бўлгай!

Хоқоннинг ширин сўзлари ҳаяжондан дир-дир титраёттан Нинг жонига оро кирди, лекин у ҳамон бирор калима сўз айтолмасди. Қиз кўзларига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмасди. Ўзи шунчалар қўрқув, иккиланиш, ҳаяжон билан куттан учрашув жуда хайрли кечаёттан эди. Унинг қаршисида кўнгли туб-тубида шунча асрраб юрган йигит сиймосига айнан монандиши турибди.

Эҳ, знага, меҳрибоним, сен ҳақ бўлиб чиқдинг! Ўгузхон менинг орзуимдаги ўша бахтиёр шаҳзодага ўхшаб кетаркан. Эртагинг ҳақиқатта айлангани қандай яхши, знагажон!

Киз хоқон ўтрусида шу таҳлит гунгу лол турар, миясида эса шукроналик ҳислари чарх уради.

Ўғузхон таҳдири илоҳий туфайли ўзита насиб этган малак табиатнинг ноёб мўъжизаси эканини юрак-юракдан зътироф этар, сархушлиги ошиб борарди.

Сарсонлик-саргардонлиқда. Қатилхоннинг мунгли қўшиқлари. Озодлик манзили

Ўғузхон милоддан 177 йил бурун Фарбга юриш бошлиди ва бирин-кетин кўплаб мамлакатларни бўйсундириб, ўз салтанатига қўшиб олишга муваффақ бўлди. Бу салтанат шу даврга келиб ўзининг энг қудратли босқичига кўтарилиди. Унинг худуди Шарқда улуғ уммон қирғоқларидан бошланар, Фарбда Хазар дengизига етиб келганди.

Ўғузхоннинг улуғ хоқон сифатида довруғи ошиб борар, унинг дўстлари, душманлари, ундан паноҳ истаганлар, ҳатто унга сиғинганлар ҳам жуда кўп эди.

Ўғузхон ўзи билан баланддан туриб, қилич кучи билан гаплашмоқчи бўлғанларга ниҳоятда шафқатсиз эди. Лекин ундан паноҳ истаганлардан меҳр-мурувватини аямасди. Кунларнинг бирида хуфиялар унга шундай хабар келтирдилар: Хоқонлик ҳудудига яқин бир ерда 500 кишидан иборат яхши қуролланган, жанговар бир уруғ пайдо бўлди. Уларнинг нима мақсадда бу ерга келгани номаълум.

Бу уруғ Олижаноб Бўрилар уруғи жангчилари ва уларнинг бола-чақаси эканини ҳали ҳеч ким билмасди. Улар раҳнамолари Қатилхон бошчилигида Чин-Мочин лашкари билан бўлган жангда ролиб чиқиб, унинг исканжасидан қутулган, Тангри қумлклари сари йўл туттан, лекин ўз ери, борадиган жойи бўлмаган дарбадар жамоа эди. Бир томонда уйғурлар ва Энассой қирғизлари, бир томонда қидонлар, ортда эса уларни эзган, қафас бўлган юрт — Чин-Мочин. Оддинда... Оддинда улуғ ва олижаноб хоқон Ўғузхон ери...

Уругини озодликка олиб чиққан Қатилхон энди нима қилишни билмай ҳайрон эди. Ҳа, у энди озод, лекин Ватан деб ҳисобланиши мумкин бўлган бир қарич ери йўқ эди. У қаерга борсин? Қафасдан чиқкан қай бир қуш қафасга қайтади?

Қатилхон чўлда туғилган эди. Доимо чўлни қўмсарди, кенгликларга кетиб қолгиси келарди. Лекин ҳозир унинг ўтрусидағи чўл ҳар қанча белоён бўлмасин, Қатилхон бу қумликларга қадам босишга журъат этмайди. Бу саҳро бирорвнинг юрти. Қатилхон агар бу ерга сўроқсиз қадам босса, яна қон тўкилади, яна уруш бўлади.

Ахир 500 кишилик жамоа қачонгача уруш қилиши мумкин? Бунакада уруғдан асар ҳам қолмайди-ку!

Қатилхон тунлари гулхан ёнида ўтириб узоқ хаёл сурар, ой нурига чўмилган саҳро, шудринг қўнган ўт-ўланлар ҳидини тұярди.

Қатилхон уч йил Чин-Мочин хоқони саройида атласу кимхоб, олтину кумуш орасида умр басар этди. Шу уч йил кенг саҳро фарзанди учун зиндоңда ўтгандек бўлди. Унинг учун ҳамма нарса муҳайё этилганди, ҳатто оз сонли қўшини ҳам бор эди. Лекин унинг ўз ери, ватани йўқ эди. У нуқул баҳор ўт-ўланлари ҳидига тўйинган саҳрони туш кўрарди. Ниҳоят, Қатилхон исён кўтариб, ўз ҳалқини озодликка олиб чиқди. Лекин унга олтин бешик бўлган Ватан ҳозир бошқа бирорвлар кўлида, ўзи эса дарбадарликка маҳқум.

Қатилхон олис-олисларда ястаниб ётган поёнсиз чўлга тикилганича мунгли қўшиқлар айтар, уруғдошлиари уни жимгина тинглашар, кўз ёшларини тийишолмасди. «О-о Кунтантри, о, осмон, падари бузрукворим! Мадад бер, онам — Саҳро кўксига бир зумгина бош кўяйин! Сўнг розиман омонатни топширишга...» — кўйларди Қатилхон.

Қатилхон ўйлай-ўйлай, гулхан ёнида қўшиқ куйлай-куйлай бир қарорга келди. У жамоа билан келишиб, Ўгузхондан ёрдам сўрашга аҳд қилди. Зора, олижанобликда донг чиқарган хоқон она ерини душмандан қайтариб олишда кўмаклашса. Чин-Мочин мана, неча йилдирки, Ўгузхонга ўлпон тўлайди. Демак, Ўгузхон тапини ерда қолдиришга журъат этолмайди. Факат марҳаматли хоқон шунга азм этса, бўлгани.

Қатилхон элчилари совға-саломлар билан Ўгузхон ҳузурига йўл олдилар. Хоқон элчиларни иззат-икром билан кутиб олиб, уларнинг арзига кулоқ тутди. Мақсадни англагач, элчиларга бу масалада Қатилхон билан

ўзи шахсан учрашиши лозимлигини айтди. Қатилхонни меҳмонга таклиф этди.

Ўғузхоннинг хайриҳоҳлиги бежиз эмасди. Хуфияларидан ҳудудига яқин ерда нотаниш жамоа пайдо бўлганини эшитган кундан бошлиб, у Қатилхон ва уруги ҳақида анча нарсаларни билиб олишга улгурган, Қатилхон довюорак ва мард инсон сифатида ном чиқаргани, озодлик учун жонини тиккани хоқонга маъқул келганди.

Хоқон амри билан дарё соҳилидаги сўлим бир ўтлоқда чодирлар тикилиб, қўйлар сўйилди. Қимиз, шароб, оқу, каклик гўшtlари ҳозирланди.

Қатилхон ҳамроҳлари билан дарёдан ўтиб, ўтлоқка яқинлашар экан, Ўғузхон мулоғимлари билан меҳмоннига пешвоз чиқди. Орадаги масофа бир неча қадам қолганда, Қатилхон отидан тушиб, Ўғузхон узангисига бош урмоқчи бўлди. Хоқон эпчиллик билан отдан тушиб, бунга йўл қўймади ва меҳмоннинг елкасидан қучиб, чодир томон бошлади.

Улар ёнма-ён юриб боришар экан, ҳамроҳлар ҳайратдан еқа ушлашарди. Ҳар икки ҳукмдорнинг соҳтсумбати, афт-ангари бир-бирига жуда ўшшар, уларни ака-укалар деб ўйлаш мумкин эди. Қатилхон ҳам Ўғузхон сингари паҳлавонкелбат, хушсурат йигит, фақат анча ёш эди.

Ўғузхон меҳмоннинг юрагидан нималар кечаеттанини сезиб туради, шу боис ҳар бир ҳаракати билан унинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиласиди.

Шоҳона дастурхон устида сухбат авжига чиқди. Четдан қараган киши Ўғузхон ва Қатилхон бириичи марта ҳамсуҳбат бўлаёттанига ишониши қийин эди.

— Тақдири илохий тақозоси мени энг яқин кишиларимдан жудо этганди. Энди сен Кунтганри иродаси билан менинг тутинган иним бўлгайсан, — деди Ўғузхон Қатилхоннинг нурли юзига тикилганича.

Қатилхон ўзи илтимос билан оёғига бош уриб келган хоқондан бунчалик илифот кутмаганди. Шу боис жангу жадал, хорлик-зорлик кўриб ёшланмаган кўзлари бугун намланди.

— Хоқоним, сен менинг оғам эмас, отамсан, отам! — ҳаяжон билан хитоб қилди у.

— Сен Чин-Мочин лашкари қўлидан ўз озодмитингни юлиб олабилдингми, энди Ватанинг — Буюк Саҳрого ҳам қайтишга ҳақлидурсан, иним! Ҳа, ҳақлидурсан! Бунга мен, етти иқдим хоқони, ваъда бергайман! — деди Ўгузхон Қатилхонни косасидаги шаробни ичишга ундар экан.

— О, о, Буюк Саҳро! Мен шудринг қўнган саҳро ўт-ўланларига бош кўйиб, сўнг жон таслим этишга розидурман! — деди Қатилхон.

— Йўқ, йўқ, сен асло ўлмагайсан! Сен уруғинг халоскорисан, менга эса ер юзида ўқ-ёй кўтарган туркий халқлар бирлашувида ҳаммаслақ, қўл-қанот бўлгайсан! — деди Ўгузхон. — Мен сенинг жанглардаги баҳодирлигинг тўғрисида кўп эшиштаниман.

— Қани энди, ўқ-ёй кўтарган барча туркий қавмларни бирлаштира олсак! — кўзлари чақнаб кетди Қатилхоннинг.

— Бирлаштира оламиз, албатта бирлаштирамиз! — уни ишонтириди Ўгузхон.

Саропардада эса шароб базми тобора авжига чиқар, гул юзли, кийик кўзли санамлар ибо или таъзим этиб, ҳукмдорларга пайдар-пай қадаҳ сунишар, турли хил тансиқ таомлар ташиёттан хос хизматкорларнинг қўллари қўлларига тегмасди.

Қатилхон Ўгузхоннинг зафарли юришлари, қаҳрамонликлари тўғрисида кўп эшиштани, у билан қай тахлит тил топишиш тўғрисида узок ўйлаганди. У номдор ҳукмдор шунчалар оддий, камтар бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Шу боис у ҳам юрагидагини тўкиб солишдан ийманмасди:

— Чин хоқони саройида менинг ҳеч нимадан камчилигим йўқ эди: еганим олдимда, емаганим ортимда. Сон-саноқсиз мулоғимлар, гўзал канизаклар бир ишорамга мунтазир... Лекин мен учун яратилган бу шароит халқим, Ватаним хўрланиши эвазига эди ва бу мени жуда эзарди. Учинчи йил окирлаёзганда сездимки, туркий забондаги гўзал қўшиқларимиз эшишилмай қолди. Бу мени даҳшатта солди. Бизнинг қирғинлардан омон қолган уруғимиз шўр сувли денгизга тушган бир неча томчи чучук дарё суви сингари ўзлигидан ажралиб бормоқда эди. Менинг танлашим учун икки йўл бор

зи: бири — хоқон саройида тутқунлиқда, лекин түк ҳаёт. Иккінчisi — жангу жадал билан ҳалқим озодлиги учун кураш... Ҳар қанча оғир бұлмасин, мен иккінчи кураш йүлени танладим. Мен фарзандарымиз үз она тилларида алла әшитишлиарини истайман. Қызыларымиз чин йигитлари эмас, үз баһодирларымиз күксига бош қўйишини, туркий забонда қўшиқ куйлашини истайман.

Шу сўзларни айтар экан сархуш Қатилхоннинг овози титраб кетди. Ёшлигиде кўп хорлик-зорлик кўрган Ўғузхон сүҳбатдошини яхши тушунарди. У Улуғ Ёвчилар хони саройида тутқунлиқда ўтказган дамларини зслаб, андак маъюс тортди. Ҳар икковидан анча пайтгача садо чиқмади.

Ниҳоят, Ўғузхон меҳмонига юзланди.

— Гапларимга яхшилаб қулоқ сол, ўғлон. Сен Кунтандри назар қылган йигиттсан. Буни мен сенинг тўрингдаги ҳикоятлардан билиб олдим. Мен ўзим ҳам Кунтандри инояти билангина тахтга чиқдан одамман. Сенинг ҳозир үз ерингни қайтариб олиш учун яна Чин лашкари ила муҳорабага кирувинг — бу телбалик бўлур. Зеро, Чин лашкари лак-лак, сенинг фирмәнг эса беш юз киши. Демак, Чинга қайтувинг — сарик ажъдар комига такрор бош суқишидир. Мен сенга ҳар қанча ёрдам бермайин, үз мустақиллигингни ўзинг ҳимоя этолмас экансан, озодлигинги ёлрон, сарик чақага ҳам арзимайдиган озодлик бўлиб қолавергай. Зеро, озодлик учун исталган дақиқада ҳаёт-мамот жангига киришга тайёр одамларгина бу мукаддас неъматга лойиқ бўлгайлар. Мен ўзим-да дунёда энг ширин сўз бўлмиш Озодлик учун жуда оғир товон тўлашимга тўғри келган. Бу товон шунчалар оғир здики, сен ҳатто тасаввур ҳам этолмасанг керак.

— Озод бўлувим, үз ерим бўлиши учун мен-да ҳар қандай товон тўлашга тайёрман, — деди Қатилхон.

— О, о, ёш дўстим, қиёматли иним! Бу товон аламлари ҳамон юрагимни ўртайди. Орадан шунча йиллар ўтди, етти иқлим хоқони деган мартабага зришдим, ҳад-ҳисобсиз бойликлар соҳиби бўлдим. Лекин ўша жангни, озодлигин учун бўлган биринчи жангни ҳамон унугомайман. Чунки бу жанг отам қўшинига қарши

бўлганди. Мен тақдири илоҳий тақозосига кўра ўзлигим, ўз озодлигим дея падари бузрукворимга қарши қилич кўтаришга мажбур бўлдим. Фақаттина Кунтгантри мени қўллагани боис ғолиб чиқдим. Сенинг йўригинг бўлак... Сен бир қарич ер учун қон тўкасан. Бир қаричгина ер. Лекин ана шу бир қарич ер сенинг Ватанинг бўлади. Ватанинг — олтин бешигинг!

Ўгузхоннинг сархушлигидан асар ҳам қолмаган, овози андуҳли эди. Орага яна нохуш жимлик чўқди. Қатилхон мезбоннинг ғамгин торттан кўзларига зимдан назар ташлаганича ўйга толди. «Эҳ, бири кам дунё деганлари рост экан-да... Зангу Ажам, Шому Ироқ ҳукмдори юрагида шунча армон яшар экан, мен бева-тан, дарбадар ғам ҳақида ўйламасам бўлгай. Лекин менга Шому Ироқ керак эмас, ўша Буюк Саҳронинг бир қарич ери кифоя. Бир қаричгина ер!..»

Ўгузхон меҳмони ғамгин торттанини кўриб, миясидан андуҳли хаёлларни ҳайдади-да, шундай деди:

— Ғам чекма, иним! Сени улут истиқболинг, юрт, миллат отаси бўлиш қисмати кутмоқдадир!

— Айттанинг келсин, хоқоним! Миллатим учун мен ҳар қандай қисматта тайёрдурман! — деди Қатилхон.

— Бу ердан ўн беш кунлик йўл узоқлигига гўзал бир юрт бор. Унинг ярми Буюк Саҳро, ярми эса осмонўпар тоғлардан иборат. Ана шу ўлканинг ҳали одам оёғи етмаган бокира гўшалари мўл... Ўша гўшалар сента ҳам, менга ҳам бегона эмас, узоқ аждодларимиз ўша ерда умр басар этишган. Сен Чинга эмас, боболар юртига йўл тутмогинг лозим. Бу юртнинг ҳар сиқим тупроғи, ҳар бир гиёҳи, ўт-ўлани сени қўллаб-куватлагай. Ўз уйинг — ўлан тўшагинг, демишлар.

Қатилхоннинг кўзлари чақнаб кетди. «Ахир, тангри иродаси, омад дегани шу эмасми? Кимсан, Ўгузхон аталмиш буюк хоқоннинг ўзи унга нажот, озодлик йўлини кўрсатиб, фатво бераётир. Эҳ, мана қаерда экан Озодлик манзили... Озодлик манзили боболар юртида!»

Ўгузхоннинг илоҳий кучга эга бўлган сўзларидан сўнг Қатилхоннинг озурда, шубҳа-гумонларга тўла юрагида умид учқунлари янада кучлироқ алгангаланди.

Қатилхон юзидаги ҳаяжон ифодаси Ўрзхонни мамнун этди. «Ҳа, бу йигитга ишонса бўлади, унда ҳақиқатан ҳам илоҳий қудрат борга ўхшайди...» — ўйлади у ва меҳмонини тарин ҳам руҳлантириди:

— Сен боболаримиз юртида шундайин бир обода озод мамлакат барпо этишинг лозимки, у ерда адодлат, тўкинлик ҳукмрон бўлсин. Мен сенга йўл бошловчилар, маслаҳатчиларни ҳамроҳ этиб юбораман. Улар ҳар жабҳада кўмақдош бўлгайлар.

— Хотиринг жам бўлгай. Мен бу йўлда ширин жонимни тикканман. Эр йигитта ўлим бор, қайтиш йўқ!

— Баракалла, иним! Сен Буюк Саҳрода яратажак манзилинг ҳақиқатан ҳам жон тикишга арзигулик бўлсин! Биласанми, мен ҳали-ҳамон саройнинг ҳамма дабдабаларидан воз кечиб, кенг саҳрота кетгим кела-веради. Сен бепоён кенгликлар, чўл фарзандисан, мени яхши тушунишинг керак. Тасаввур эт, бепоён саҳро, тун. Ҳаммаёқ сутдек ойдин. Шудрингдан хиёл намланган ўт-ўланлар устида чалқанча ётиб, кўк гумбазида тобора баландлаётган Ойни томоша қиласан. Ажаб бир ҳид фақат бепоён кенгликлардагина бўладиган ифор димогингни қитиқлайди, ҳислар мўллигидан юрагинг кўксингга сиямай кетади. Дунёдаги жамики нарсаларни, роҳат-фароғатни, ташвиш-таҳлиқани унутиб, чор атрофга тўймай боқасан, бу ҳолат узоқ давом этишини истайсан. Мен ҳозир ана шу ҳолатни яна бир мартагина бошдан кечириш учун жуда кўп нарсанинг баҳридан ўтган бўлардим. Лекин энди бунинг сира иложи йўқ. Энди мен ҳеч қаерда, ҳатто кимсасиз саҳрода ҳам ўзимни тўла эркин, баҳтиёр ҳис этолмайман. Қилган хатоларим, гуноҳларим юки елкамдан босиб тушаверади. Салтанат, тож-тахт — бу жуда оғир, залворли юк. Бу юкни ҳар ким ҳам елкасида кўтара-олмайди. Сен ҳам юрт тутишга, салтанат юкини кўта-ришга маҳкум одамсан. Лекин сенга барибир ҳавасим келади. Негалигини билурмисан? Йўқ, билолмассан, менимча. Ҳавасим келувининг боиси шулки, сен ҳали энди турилмоқда, йўл бошидасан... — Ўрзхон меҳмонининг ўзига ҳайрат, ҳавасли боқиб турган нигоҳла-ридан кўзларини олиб қочиб, бир муддат жим боқиб қолди. «Бояқиш, менинг ҳам юрагим армонга тўла

эканидан тонг қолди, чамаси. Начора, бу дунёи дунғамлари на шоҳни, на гадони четлаб ўтмаган», — ўйлади хоқон ва сўзида давом этди:

— Мени қудратли хоқон, етти иқлим сардори, қўлидан келмайдиган иш йўқ, дея ўйлашади. Албатта, бу тўғри, сиртдан қараганда шундай. Аслида-чи, аслида мен ҳам Тангри таолло иродаси олдида оддий, ожиз бандаман, холос. Ва гуноҳкор банда эканим рост.

Шу пайттacha Ўғузхонни жимгина тинглаб ўтирган Қатилхон эътироz қилди:

— Хоқоним, эҳтимол Кунтнгри олдида гуноҳкордурсан, лекин биз, ожиз қулларинг олдида сен улутсан, Хонтангри қадар юксакдурсан, юксакда...

— Бир кун келиб юксак төвлар ҳам текис ердек бўлгусидир, иним... — деди Ўғузхон ва сұхбатни бошқа мавзуга буриш вақти етганини сезди. Аслида хоқон кўнглинин камдан-кам очарди. Сон-саноқсиз сарой фитналари, тийбатлари уни шунга мажбур қиларди. Лекин бу оқшомги шароб мажлисида у жуда очилиб кетди. Сұхбатдоши Қатилхоннинг кўнгли очик, самимий инсон эканлиги унга жуда ёкиб тушганди. Шу боис кўнглининг туб-тубида ёттан гапларни тўкиб солди. Ҳар қандай юксак мартабали инсонлар ҳам баъзан дардларини тинглашга қодир оддий, хокисоргина сұхбатдошга зор бўладилар.

Хос хизматкорлар яна таом олиб келдилар, гўзал канизаклар олтин жомларни майи нобга тўлдиридилар ва базм давом этди. Сұхбатдошлар яна ўша хушдол, сархуш ҳолатларига қайтдилар.

Ўғузхон шикорга чиқиши хуш кўрар, табиат кўйнида у барча ташвишлардан форир бўлиб, ором олар, айниқса кийик, қулон ови унинг жон-дили эди. Хоқон шикорга чиқданида рўй берган турли воқеаларни меҳмонига ҳикоя қилиб берди. Меҳмон чавгон ўйинини жуда яхши кўришини эътироф этди. Ўғузхон чавгон ўйинида юят эпчил эди, Қатилхон билан тарафма-тараф беллашишга тайёр эканини айтди.

Шу тахлит кўнгил очар ўйинлару сұхбат билан шароб мажлиси якун топди.

Хайрлашишар экан, Ўғузхон берган ваъдаларида событ эканини таъкидлади.

Урувдошлари хузурига қайтаётган Қатилхон жуда хурсанд, у отда эмас, қуш қанотида учиб борарди гўё.

Тўёри-да ахир, у энди ўз ери, Ватанига эга бўлади, яна бу ишда энг обрўли, номдор ҳукмдор унга раҳнамо-лик қилмоқда. Шу эмасми тақдир марҳамати?.. Лекин шуниси ҳам борки, тақдир факат кучлиларгагина мар-ҳамат кўрсатади...

Қатилхоннинг ҳаяжондан гурс-гурс ураёттан юраги бўлажак сафар орзуси или лиммо-лим эди. Ўғузхоннинг насиҳатлари қулоқлари остида жарангларди. «Обод ва адолат ҳукмрон бўлган юрт... Ўз уйинг, ўз кўшиғинг...» Нақадар ширин бу сўзлар...

Қатилхон баралла куйлагиси келар, лекин бу қўшиқ аввалгилари сингари мунгли эмас, унинг кўнглини тўлдириб, жўшиб келаёттан куйлаш иштиёқи «озодлик» деган жуда муқаддас ва ниҳоятда ширин сўз туфайли туғилаётганди.

Қатилхон от тизгинини қўйиб юбориб, дунёдаги жамики нарсаларни унугиб куйлай бошлади. Қўшиқ жуда баланд пардада янграр, унда юксак тоялар салобати, худудсиз саҳро гўзаллиги ва энг муҳими — юрак туб-тубида мудраб ёттан бокира туйгулар нафосати акс этарди. Қатилхон ўз ҳалқини кутаёттан нурли келажак ҳақида ёниб куйларди. Ҳамроҳлари уни жимгина тинглаб боришар, кўзларидан мидир-мидир ёш оқарди. Лекин бу илгаригидек алам ёшлари эмас, севинч, шукроналик ёшлари эди.

Жамоадошлар раҳнамолари Ўғузхон ҳузуридан қандай хабар олиб келишини кутиб, укламай ўтиришарди. Улар Қатилхоннинг от устида баралла куйлаб келаётганини кўриб, ҳамма гапни дарҳол тушундилар. Гулханлар алангаси кучайди. Бир қарич ерга зор одамлар Қоратов ортидаги гўзал маскан ҳақидаги хабарни эшиттач, севинчдан ўзларини йўқотаёздилар.

Эрта тонгтacha ҳеч ким мижжа қоқмади. Қуёш чиқиши билан Қатилхон ўтовида машварат бошланди. Бу машваратда Олижаноб Бўрилар уруғи учун ҳаётмамот масаласи ҳал этилиши лозим эди.

Қатилхон оқсоқоллар билан узок маслаҳатлашгач, йўл тараддудини кўриб, сўнг сафарга чиқишига қарор қилинди.

* * *

Олижаноб Бўрилар уруғи карвони баҳорнинг яшин-чақинлари-ю шаррос ёмрилари аро икки ҳафта йўл



босди. Учинчи қафта бошида улар ҳудудсиз саҳро этағига етдилар ва қарвон ҳордик учун тұхтади. Үгүзхон буйруги билан қарвонга құшилған йұл бошловчилардан бири қамчиси учи билан чеки-чегараси күрінма-ёттан саҳрода ишора қилиб, Қатилхонга юзланғында, шундай деді:

— Ана шу бепоён, ҳали инсон оёғи етмаган Буюк Саҳро Кунтандырыптың иродаси, марқаматли хоқон Үгүзхон ҳиммати туфайли сенға насиб этмиш. Мартабанг Хонтандырыптың даюндарының, саодатының үглон! Сенинг саодатыншындағы шундаки, Үгүзхондең хукмдор марқамати, мөхригіна ноил бўлдинг. Лекин энди бу ёғи ўз ироданта боғлиқ. Сув ичишинг лозим бўлган ҳар бир қудуқни ўз қўлинг билан қазасан... Бу жазирама саҳрода қудуғингдан сув ичгунча, наинки қўлларинг, балки жигарбағрингни тақрор-тақрор қонлантиришга мажбур бўлурсан. Начора, қўлларинг, юрагинг қонланғында, ўз қудуғинг, ўз сувингта не етсин!..

— Ҳақ гапни айтдинг, оға, — деді уни жимгина тинглаёттган Қатилхон. — Ўз сувингта не етсин!.. — Уруғ раҳнамоси йўл бошловчи билан сұхбатлашаёттган бўлса-да, нигоҳларини чўлнинг ҳамал ойидаги гўзал манзарасидан узолмас, қўнглида аллақандай тушунниксиз ҳислар жунбушга келарди.

— Ҳа, дарвоқе, — деді йўл бошловчи хайрлашар экан, — табиатнинг бу бокира гўшасини — Буюк Саҳрони сендан олдин ҳам Ватан тутишни ихтиёр этгандар бўлган. Лекин улар иродасизликлари, ўзаро низолар қурбони бўлиб, ҳалокатта юз тутдилар. Умид қиласурманким, Кунтандырыптың сени бу аччиқ қисматдан асррагай...

Йўл бошловчи оти сағрисига қамчи босиб, Қатилхондан узоқлашып, Қатилхон унинг ортидан бир зум тикилиб қолди. Йўл бошловчи аччиқ бўлса-да, ҳақ гапни айттаёттган эди. Қайси миллатки ўз келажаги ҳақида қайғурмас экан, у ҳалокатта маҳқумдир. Олижаноб Бўрилар уруғи беш юз кишига тушиб, Ватансиз қолибдими, демак, бу ҳам кимларнингдир айбидир... Эҳтимол, Ватансизлик қисматини тақдири илоҳийга йўйиши мумкиндир, лекин ҳар неки истарсан, фақат ўзингдан иста, деб бежиз айтишмаган-ку!..

Албатта, ҳозир уларнинг серсув дарёлари-ю, ўтлоқларини тортиб олган душман билан курашса бўлади. Лекин Чин лашкари лак-лак, улар эса бор йўғи беш юз жон. Ва улар бир жангнинг ўзида қирилиб, йўқсизлик, унудилиш сари юз тутишлари, бутун бир миллат ер юзида буткул йўқолиб кетиши мумкин. Шуларни яхши билган Қатилхон миллат кушандаси деган ном олишни истамайди, аксинча, у миллат отаси бўлишга лойиқ, ва шу йўлда жонини тиккан инсон. Шу боис у ҳарбий ҳийла иплатиб, кўп сонли душман лашкарини маҳв этди ва ҳалқини озодликка олиб чиқди. Бу озодлик ҳали жуда нисбий, лекин ҳарқалай тутқуниликдан, бошқа бир миллат таркибиға сингиб, йўқ бўлиб кетищдан яхшироқ-да!

Мана, энди Қатилхон тақдиди илоҳий ва яхши инсонлар марҳамати туфайли чинакам Озодлик. Озод Юрт — Буюк Саҳро бўсағасида турибди.

Жамоадошлари истироҳатта ҳозирланишар экан, Қатилхон бир муддат ёлғиз қолгиси келди. У баҳор қуёши илитаётган қумни бир-бир босиб, карвоңдан хийла узоклашди ва денгиз тўлқинига монанд бархан ортига ўтиб, олтинранг қумга узала тушди. У чалқанча ёттанича кўм-кўк осмонга тикилар, тобора балацдаётган кўклам қуёши нурлари кўзларини куйдиради.

У қўллари билан кўзини ёрқин нурлардан пана қилиб, хаёл сурарди. «Ҳой инсон, Чин ҳоқони саройида тунлари мижжа қоқмай озодлик, Ватан, бир қаричгина ер ҳақида Тангри таоллога зурна қилардинг. Мана, орзуингга етдинг... Хўш, энди нима қиласан, яна нимани орзу қиласан», дейди бир хаёли. «Энди Ўгузхон айтмиш адолат ҳукмрон бўлган озода обод юрт орзусидадурман», дейди бир хаёли.

Қатилхон ўрнидан туриб, машриқ томонга тикилди. Қоратов чўққилари кўқимтири туман кўйнида злас-злас кўзга ташланарди. «Ҳа, — хўрсинди у, — мен орзу қилган Озодлик манзили ҳам худди ана шу тоғ чўққилари янглиғ ҳали жуда олисда. Лекин мен бу манзилга албатта еттайман.»

Қатилхон ўтирилиб Мағриб томонга боқди. Ҳар қанча тикилмасин, уфқни илгаёлмади. Буюк Саҳро нинг чегараси кўринмасди. «Демак, — хуолоса қилди у, — Адолат манзили ҳам ҳали жуда-жуда олисда, ҳаттоқи уфқдаям кўринмайди. Шундай бўлса-да, бу маш-

зилга ҳам етаман!» Ўзи бир умр интилган, орзу қилган саҳро уни беҳад тўлқинлантириб, сархуш этмоқда эди. У кўнглига илк муҳаббат меҳмон бўлган кезларни эслади. О, о, нақадар мастьуд эди бу дамлар! Ҳа, дамлар жуда мастьуд эди-ю, лекин Қатилхон кўнглидаги муҳаббат қуши тутқун эди. Тутқун бўлган муҳаббати қуши озодликдаги сингари баралла сайраёлмас экан. Қатилхон дилида қиз номини ҳар лаҳзада тақорласада, уни тилига чиқаролмас, тутқун ошиқ муҳаббати ҳақсиз, ҳукуқсиз, юракнинг туб-тубига кўмилишга маҳкум эди. Қатилхоннинг илк муҳаббати юрагида бир умрлик армон бўлиб қолди...

Баҳор — баҳор-да. Қуёш кўклам осмонининг энг баланд нуқтасига кўтарилаётган бир паллада кўк юзини қора булат галалари қоплаб, ёмғир томчилади. Қатилхон карвон истироҳат қилаётган манзилга қайтди. Яна машваратта йиғилган жамоа шундай қарорга келди: уруг учга бўлинади. Бир қисми Қоратов этакларига йўл олиб, деҳқончилик билан шуғулланади, уруни дондун, мева-сабзавот билан таъминлайди. Иккинчи қисм шу саҳрода қолиб, чорвачилик билан машгул бўлади, жамоага гўшт, сут етказиб беради. Учинчи қисм қалъа барпо этади, лашкар тузади, қурол-яроғ ясади, сарҳадлар хавфсизлигини таъминлайди. Ҳар учала жамоа Қатилхонга сўёзиз ва узил-кесил бўйсунади, зарурат туғилганда тезда бирлашади. Чопарлар орқали ўзаро алоқа қилиб турилади. Туғилдиган ҳар бир чақалоқ шахсан Қатилхон муҳофазасида бўлади. Иложи борича ўзаро низоларга йўл қўйилмайди. Жуда фавқулодда ҳолатларда низони ҳал этиш уруг оқсоқолларига юқлатилади. Лекин барибир сўнгти сўз, ҳал қилувчи қарорни қабул қилиш Қатилхон зиммасида бўлади.

Қатилхон фақатгина ана шундай собитқадамлик, қаттиқўллик билан миллат келажагини таъминлаш мумкин дея ҳисобларди.

Вақт Қатилхон ҳақлигини исботлади. Кўп ўтмай унинг жамоаси ривожланиб, гуллаб-яшнай бошлади. Унинг жантовар лашкари довругини эшиттан босқинчилар Олижаноб Бўрилар сарҳадларига яқинлашмай қўйдилар.

Ўғузхон маслақдоши, тутинган иниси Қатилхоннинг мартабаси ошиб бораёттанидан хурсанд эди.

Чинг Пинг ҳийласи. Луълу аросатда. Янцининг оч тўлқинлари

Ўгузхон ва унинг иттифоқчилари кучайиб бораётгани Лийубонгта сира тинчлик бермасди. У ҳийла, фитна, фисқи-фасоднинг барча усувларидан фойдаланиб, рақиби саройидаги вазиятдан хабардор бўлишга ҳаракат қиласди. Йил сайин ўлпон тўлаш унинг иззатнафсини беҳад таҳқирлар, Лийубонг қандай қилиб бўлмасин, ўлпондан ҳам, Ўгузхондан ҳам қутулиш йўлларини изларди, бу йўлда мол-дунёсини аямасди. Уша, Байдинг куршовини сариқ олтин кучи ва Луълу макри ила ёришга муваффақ бўлган маккор вазир Чинг Пинг Лийубонг мактублари, совға-саломини қизи Нингта етказиш баҳонасида Ўгузхон саройига тез-тез келиб туради. Вазир ҳар келганида Луълу билан маҳфий учрашар, унга совғалар берар, у орқали сарой фитналаридан воқиф бўлар ва уларнинг қай бирини Ўгузхонга қарши ишлатиш мумкинлиги тўғрисида бош котиради.

Байдинг этакларидағи ишрат тунидан сўнг Ўгузхон Луълуни йўқламай қўйган, бу бир вақтлар энг суюкли ҳисобланган маъшуқани беҳад ғазаблантиради. У Ўгузхон қўйнидаги илонга айланган, хожасига заҳар солиш учун қулай пайт пойларди. Чинг Пинг ва Луълу фитнасига Ўгузхоннинг амакиваччалари ҳам бош кўшишганди. Ўгузхон Луълунинг гапига кириб, Байдинг қуршовини бўшатганидан беҳад пушаймон эди, шу боис унинг ҳузурига бормай қўйганди. Ва Луълу ҳаракатларида хиёнат бўлиши мумкинлигини гумон қилганди. Лекин хиёнат тўғрисида далили бўлмаганидан унга индамасди. Индамасди-ю, Муширнинг энг яқин кишилари хиёнати ҳақидаги башорати хаёлидан кетмасди.

Байдингда у бир зарба билан қаттол душманидан халос бўлиши мумкин эди. Луълу бунга халақит берди. Энди эса душмани ўзига қайнотга бўлди. Лекин гўзал Нингчи, у дўст бўлармикан? Ёнки Луълу сингари хиёнат кўчасига киармикан? Наҳот қўйнингда оҳ чекадиган аёлларнинг ҳаммаси ҳам хиёнаткор бўлса? Йўқ, йўқ, Нинг бокира, Нинг тоза гул! У Лийубонгдек сассиқ алафнинг қизи бўлса-да, хиёнат кўча-

сига кирмагай! Луълунинг йўриғи бўлак. У Тунгус хонининг сарқити эди.

Махфий девон бошлиғи — соҳибхабар Ўгузхонга Чинг Пинг Луълу билан бор адодидаги хилватда учрашганини хабар қилгач, хоқон беҳад газабланди. Даставвал қалласига келган фикр ҳар иккаласини қиличдан ўтказиш бўлди. Лекин ғазабини ичига ютиб фикр юриттач, қароридан қайтди. Ҳозир ҳар икки хиёнаткорни маҳв этса, фитна тўлирича очилмайди, бошқа иштирокчилар сояда қолиб кетадилар ва пайт пойлаб яна бош кўтарадилар, ошига оғу соладилар.

Фитна арқонининг бир учи Лийубонг саройига бориб тақалиши ойдай равшан эди. Бу ёқда — Луълу, амакиваччалар ва эҳтимол... Ўгузхон бу фитнага Нинг ҳам қўшилиши мумкинми, деган саволни ўз-ўзига беришдан ҳам чўчирди. «Наҳот, дунеи дун аҳлида вафо йўқ?!» — даҳшат ила ўйларди хоқон.

У фитна нима билан туташини кутишга қарор қилди. Лекин у жимгина кутиб ўтирумайди, балки ўзига қарши ўйинларда ўзи ҳам иштирок этади. Қолгани Тангри таоллога таваккал! Бир бошга бир ўлим...

Фитначилар узоқ куттирумадилар. Луълу ўзининг роҳат-фароғатли тунларини ўғирлаган Нингни жуда ёмон кўрарди. Лекин шунга қарамай у билан оғизбурун ўпишишга киришди. Унинг отаси Ўгузхонга қайнота бўлса-да, улар ҳеч қачон келишишлари мумкин бўлмаган рақиблар. Ўртада тож-тахт гаровга тикилганда қариндошлиликка йўл бўлсин? Зора Нинг ҳуснининг сехр-жодуси туфайли мақсадга зришиш йўли топилса? Ахир ўзи бир кечада Байдинг қуршовининг, қолаверса, Лийубонг таҳтининг тақдирини ҳал эттан эди-ку! Чинг Пинг ваъдасига кўра агар Ўгузхонни маҳв этишга муваффақ бўлинса, Луълуни катта бойлик, мартаба кутади. Шу боис кундоши кўнглига кўл солиш фойдадан холи эмас.

Ҳар икки аёлнинг ўзаро яқинлашуви Ўгузхон назаридан четда қолмади, лекин у ўзини билмаганга соларди.

Тез орада Лужинг бошлиқ элчилар ўлпон тўлаш баҳонасида саройга келиб, Ўгузхонни Янци соҳиилларига кийик овига таклиф этдилар. Хоқон рад этганига қарамай, ҳол-жонига қўймай, бир амаллаб кўндирилар.

Хоқон бу ўша, ўзига қарши тўқилган фитна занжирининг охирги, ҳал қилювчи ҳалқаси эканини дархол англади. Шунга қарамай, аввал рад жавоби берган бўлса-да, охир-оқибат овга боришга кўнди. У довюрак жангчи эмасми, хавф-хатарга рўбарў бўлишдан чўчимасди. Аксинча, хавф-хатар унинг қонини жўшурдирар, ғайратини оширади.

Ҳар икки томон шикорга тайёргарлик кўра бошлилар. Бу орада Мушир хоқонни яна огоҳлантиришга улгурди: «Яқин икки-уч кунда ўт ва сув балосидан огоҳ бўлгайсан».

Муширнинг ўт ва сув балосидан огоҳ этиши хоқонни ўйга толдирди. Йўқ, у кўрқаёттан эмасди, кўп йиллик юришлару жангига жадаллар унинг юрагидаги қўрқув хиссини деярли маҳв этганди. Шунга қарамай, у эҳтиёткорликни ҳеч қачон унугтмасди. Луълу хиёнатидан сўнг хоқон юрагида шубҳа-гумонлар кўпайганди. «Эй инсон, сен ақл-заковатда қанчалар юксак бўлсанг, тубанлик, хиёнат, макр-ҳийлада ҳам шу қадар буюксан! — фикран хитоб қиласарди у. — Наҳот, Янци наҳангларига ем бўлиш қисматим бўлса! Шомон сув ва ўт балосидан огоҳ этмоқдадур. Сув балоси — бу Янци тўлқинлари бўлмоги мумкин. Ўт балоси не экан? Ов баҳона мени жизғанак этмоқчими душманларим? Ким кимни жизғанак этишини вақт кўрсаттай!..»

Албатта, юрагида шунча шубҳа-гумонлар бўлган хоқон овга борищдан бош тортиши ҳам мумкин эди. Лекин у чўрткесар, бир сўзли инсон эмасми, ваъдасидан қайтгандан кўра аждаҳо комига бош суқишини афзал биларди. У фитнани охиригача фош этмоқчи, Луълу аврашлари кичик хотинига таъсир этганми, йўқми, Нинг отани дейдими ё зриними, буларнинг ҳам ҳаммасини билмоқчи эди. Ҳаётида жуда кўп ноҳақлигу хиенатларга рўбарў бўлган Ўзузон негадир Нингга ишонгиси келар, шу синов орқали юрагидаги шубҳа-гумонларга барҳам бермоқчи эди.

Бу жуда қалтис ўйин эди. Ўзузон хонумони, тожтахти ва ниҳоят кўнглидаги ишончнинг энг сўнгги учқунлари гаровга тикилган эди.

Луълу кундоши билан такрор-такрор учрашувла-ридан унинг миясига шундай фикрни қуймоқчи бўларди: ҳозир етти иқлим хукмдори бўлиб турган Ўзузон

бу мартабага сира лойиқ змас. Бу тахтни эгаллашга лойиқ бирдан-бир одам — Лийубонг, Нингнинг падары бузруквори. Кейин у кичик хотин бўлса-да, Ўгузхон меҳр-вафосига ортиқча умид қиласвермасин. Хоқон бирор-бир хотинига вафо қилган змас ва бундан кейин ҳам қилмайди. Шундай экан, Ўгузхон душмани ҳисобланмиш Луйибонг қизи Нингга йўл бўлсин! Ҳозир меҳрибонлигининг сабаби эса боларининг шарбат тўла гулга интилишидай бир гап. Болари бир гул шарбатини сўриб бўлгач, бошқасига кўчади, хоқонимиз ҳам шундай. Сен эса ҳозир шарбат тўла гулга ўхшайсан, жоним! — Луълу кундоши биқинидан чимчилаб, унинг юрагига оғу солища давом этарди. Лийубонгдек улуг хоннинг Ўгузхонга ўлон тўлаши — бу ноҳақдикнинг олий кўринишидир.

Нинг кундошини тинглаб, жимгина ўтирап, Луълу Ўгузхонни ёмонлагани сайин, энг кенжя хотиннинг эрига бўлган муҳаббати ошиб бораради. Ўгузхон эркак сифатида шундай мафтункор кучга зга эдики, унинг орушида бир мартагина бўлган аёл хоқон қучорини яна қўмсамай иложи йўқ эди. Ҳозир унинг устидан мағзава тўкаётган Луълунинг ўзи ҳам ўша Байдинг этакларида сингари биргина ширин тун утун кўп нарсанинг баҳридан ўтган бўларди. Лекин энди бунинг иложи йўқ. У ва Ўгузхон ўртасида кўринмас дебор ҳосил бўлган. Бу — хиёнат девори...

Луълу хоқоннинг ўзига нисбатан совуклиги сабабини яхши билар, бу совукчилик охир-оқибат нималарга олиб келиши мумкинлигини тасаввур этар, шу боис вақт борида этагини йириштириб олишга интиларди. «Гадо бир эшиқдан ўтгунча...» дейишади. Тунгус хони оғушини жуда осонлик билан Ўгузхоннинг эҳтиросли бўсаларига алмаштирган Луълу хоқон тахтдан ағдариладиган бўлса, Лийубонг ҳарамига кириб жон сақлаб, сўнгра бир думалаб, унинг хотини ёки канизагига айланишини мўлжалларди. Лийубонг қари бўлса, ҳечқиси йўқ...

Луълу хоқонга қарши фитнанинг асосий иштирокчиларидан бири бўлса-да, айёр вазир Чинг Пинг Ўгузхондан уч олиш режасини у билан тўлиқ ўртоқлашмаганди. У аллақандай сирли иборалар билан гапирав, Луълу Ўгузхон боши узра фалокат булутлари

қуюқлашаёттанини сезиб турса-да, бу қачон, қаерда, қай тарзда содир бўлишини аниқ билмасди. Унинг бетоқатлик билан берган саволларидан Чинг Пинг исмли туллак қуюқ ваъда, совра-саломлар билан қуттуларди. Кейинги кунларда саройда хоқоннинг Янци соҳилларига кийик овига бориши тўғрисида миш-мислар тарқалгач «собиқ суюкли хотин» безовталаниб қолди. Ана шу шикор пайтида ўзи бош қўшган фитна амалга оширилиши мумкинлигини пайқади. Пайқади-ю юрагига ғулғула тушди. Олтин жилвасига тоб беролмай хиёнат қилган аёл иккиланар, тобора чувалашиб бораётган фитна ришталарини узиш энди амри маҳол эканини билганидан азоб чекарди. Ўзи қазиган чоҳга ўзи тушгани унга алам қиласди. Воқеалар ривожи дикқат билан тадқиқ қилинса, ҳақиқатан ҳам шундай бўлиб чиқарди. Байдинг сулҳи оқибатида Лийубонг ўлпон тўлашга мажбур бўлди ва унинг қизи хоқоннинг кенжা хотинига айланди, Луълу «суюкли» мақомидан ажралди, сулаҳ, сабабчиси сифатида шубҳа остига олинди. Ахир, у макр ишлатмаганида ва Лийубонг қўшини тор-мор этилаганида унинг қизи Ўзузхонга хотин бўлармиди, йўқми, буни тангри таоллодан бўлак ҳеч ким билмайди. Албатта, маглуб хон ҳарами голиб хоқон ихтиёрига ўтарди, буниси аниқ. Лекин тақдирни илоҳий қандай ўйинлар кўрсатмайди дэйсиз? Сирасини айтганда эса аёл кўнглида содир бўлаёттан ғалаёнларни ўзи яхши идрок этоимай қолганди. Уни ўзи тан олишни сира-сира истамаёттан бир туйғу безовта қиласди. Гарчанд тиллага сотилган, кўнглида Ўзузхонни ўлимга маҳкум этиб, Лийубонг ҳарамини кўзлаётган бўлса-да, буларнинг ҳаммаси энди аждаҳога айланган раشك илонининг вассасаси, аврашлари эди. У ҳамон Ўзузхон эркалашларини эслар, ундан сира кўнгил узолмасди. Луълу ўзининг ҳам, Ўзузхоннинг ҳам ҳаёти гаровга тикилган бир паллада севги нималигини билмаган. Хўш, нега у кўнглида илк бор ишқ оловини ёқдан одамга хиёнат қилишгача бориб етди?

Олтин, балойи нафс, раشك вассасаси сабаб бўлди. Энди ўйлаб қараса, ўзи қилган ҳамма ҳаракатлар муҳаббат олдида сариқ чақата ҳам арзимас экан. У кўнглида Нингни ҳам кечиришга тайёр эди. Тўғрида ахир, ўзинг яхши кўрган одаминг азиз билган кишини

ёмон кўриш мумкинми? Йўқ, асло! Лекин у ҳозир жуда иложсиз. Агар Ўзузонга кўнглини очса, у хиёнатни кечириши даргумон, севгилиси шу даражага тушишини тасаввур ҳам этолмаса керак. Чинг Пингта ўйиндан чиқишини билдирай деса, у туллак, ҳимоясиз аёлни шарманда этишнинг жуда кўп йўлларини билади.

Хуллас, Луълу шу тахлит ўз ёғига ўзи қовурилар экан, Нинг ҳам жуда безовта эди. Луълу сұхбатларидан маълум бўлдики, Ўзузон учун аллақандай хавф мавжуд. Луълу унга бирор гапни очиқ айтмас, нуқул нимагадир шама қилар, Чинг Пинг эса отасининг мактубларини тошириш ва қисқача ҳол-аҳвол сўрашдан нарига ўтмасди. Ҳатто фитна иштироқчиси бўлмиш Луълу ҳам аниқ бир нарсани билмаслигидан холоса чиқариладиган бўлса, Чинг Пинг жуда маҳфий иш олиб бормоқда эди.

Ўзузон Нингнинг кўз очиб кўргани, у ўзининг боқира меҳрини хоқонга бахшида эттан, шу боис унга қаттиқ боғланиб қолганди. Аёл шубҳаларини зрига айтганида, у индамай кулиб кўяқоларди. Нинг эри ўзини синаёттанини ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Нуқула Ўзузонни ёмонлаб, Лийубонгни кўкларга кўтаратидиган Луълу ҳам негадир кейинги кунларда анча камгап бўлиб қолган, келинчакка аллақандай меҳрҳавас билан тикилар, хўрсинганича чуқур хаёлга толарди.

Қўнгли биринчи қордек тоза келинчак атрофида содир бўлаёттан воқеа-ҳодисаларни ўзича мушоҳада этар, лекин барибир уларни тўлирича англаб етолмасди. Отаси саройида яхши тарбия олган малика аксарият ҳолларда мантиқан тўғри холосалар чиқарарди. Бироқ у сиёsat, тож-тахт, мол-дунё учун курашнинг омонсиз қонуниятлари кўпинча мантиққа зид бўлишини тасаввурига сидира олмасди. Унинг фикрича, отаси ва эри қайнота-куёв бўлиб, қариндош тутинди-ми, демак, ўртадаги адоват, душманчиликка барҳам берилиши лозим. Лекин шундай бўлмаяпти. Хусумат, кин-адоват давом этяпти. Отаси саройидан келиб кетувчилар келинчак орқали Ўзузон сир-асрорини билиб олишга интилардилар. Улар ҳатто майдада гаплар билан ҳам қизиқардилар, яъни хоқон қайси овқатни

хуш күради, қачон уйқута ётади, қачон уйғонади, уй-күсида сергакми ва ҳоказо...

Келинчак эрига зарари етиши мүмкін бўлган гапларни отаси саройи амалдорларига айтмасди. Лекин барибир маккор Чинг Пинг уни авраб, сўраб-сурингиришини канда қилмасди.

Шикорга чиқиш куни яқинлашгани сайин саройда тарафдуд кучаяр, ҳамма безовта, факат Ўзузон бир қарорга келган ва шу боис хотиржам эди. Луълу хиёнати аниқ бўлган, у хоқон учун ўлган эди. У энди зўр бериб Нингни кузатар, кенжа хотин табиатидаги ўзгаришлар сабабини билмоқчи бўларди.

Ҳақиқатан ҳам кенжа хотин жуда ғамгин тортиб қолган, унинг кўзларидаги мунг хоқонни ҳам ўйга толдиради.

Нинг азоб чекар, унинг қийналаёттанини Ўзузон юрак-юрақдан ҳис этиб туради. Чунки тақдир тақозоси билан бир вақтлар отасига қарши борганди, бу уни ҳамон қийнарди. Мана, энди бўлса, хотини уни ёки отасини дейиши керак. Бу жуда қийин, кўнгил мувозанатини бузиб, остин-устин қилиб юборадиган иш.

Ўзузон хотини барибир ўзини дейишини истарди ва Нинг кўнглида аллақачон уни танлаганини билмасди.

Ха, Нинг эрини дерди, лекин у отасига ҳам заррача хиёнат қилмаганди. У отасига ҳам, эрига ҳам бирдай вафо қилишни истарди, бунинг иложи борми, йўқми, билолмасди. Нинг Хан сулоласи айғоқчиларига сир бой бермас, бундан отаси кўнгли оғришини тахмин этса-да, эри юзига оёқ босмасди. У хоинлик билан отасига вафо қилишни истамасди. Нинг бир кун келиб икки ҳукмдор ўргасида яна уруш чиқишини биларди, лекин ана шу можарога ўзи сабабчи бўлишни хоҳдамасди.

Нингнинг ҳусн-латофати-ю, ақл-заковати хоқонни мафтун этган, жуда кўп гўзаллар илтифотига сазовор бўлган ҳукмдор бу ўзининг сўнгти муҳаббати дея ишонар, шу боис ундан вафо истарди. Вафо истарди-ю, «гўзалларда вафо кам бўлгай» деган ақида уни қийнарди. У ўзини омонсиз фитна домига тортаётган душманларидан хурсанд ҳам бўлиб қўярди. Шу фитна

сабаб кимнинг душман эканини узил-кесил аниқлаб оламан, кейин хотиржам яшайман, деб ўйларди. Ва охир-оқибат ўйлай-ўйлай кўнглида тан олардики, бу фикри ғалат, одам бор экан, тож-такт бор экан, курашлар, фитналар асло тутамайди. Юрт тутгувчи ҳукмдор хотиржам яшай олмагай.

Мана, ниҳоят, саройда зартага хоқон шикорга жўнайди деган хабар тарқалди. Бу хабар Луълу ва Нинг кўнглига руғула солди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам хоқонга юрак очмоқчи, шубҳа-гумонларини тўкиб солмоқчи эдилар-у, бунинг иложини тополмасдилар.

Шикор арафасидаги тун ниҳоятда сокин эди. Аёкин кўнгиллар, не-не кўнгиллар хотиржам эмасди. Сарой узра қандайдир сир, хавотир пардаси тортилган-ди гўё.

Нинг ўз кўшки очиқ айвонидан туриб, юлдузлар тужрон ўйнаётган ёз осмонини кузатар, қарама-қарши ҳислар озурда кўнглини ларзага соларди. «Наҳот, отам ўз куёвига қўл кўтарса? Наҳот, у менинг баҳтсиз бир бева бўлиб қолишимга йўл қўйса? Бу не бадбаҳтлик?! Тож-такт аталмиш евуз бир куч баҳтимга чанг солмиш. Мен эса томошабин бўлиб туравераман, қўлимдан бирор иш келмайди. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас, мен хоқонимни, кўнглим мулки султонини бу хавфдан огоҳ этгумдир. Усиз менга ҳаётнинг сира қизири қолмагай...»

Тоғ томондан эсган енгил шабада дараҳт учларини қимиirlатиб, гуллар майин ифорини димоқда урар, ойсиз тундаги юлдузлар жимири янада сирли, сеҳрли тус олганди. Нинг улардан кўз узолмас, энагасининг «ҳар инсоннинг ўз юлзузи бўлгувчидир» деган сўзларини эслар, тубсиз самодан тақдири юлдузини изларди. Отаси саройи шомонлари башоратича, у баҳтли юлдуз шуъласи остида турилганди. Энди эса... Энди ана шу баҳт омонат бўлиб турибди. Отаси туфайли... Наҳот, ота ўз қизи баҳтига зомин бўлса?

Сокин тун яримдан оққан эди. Ногоҳ йўлакда қадам товушлари эшлилди. Нингнинг юраги севинчдан ҳаприқиб кетди. О, не баҳт, хоқони у билан хайрлашгани келаётир! Оҳудек сергак ва зийрак Нинг Ўғузонни қадам товушидан танирди. У тез юриб хоқонга пешвоз чиқди-да, таъзим қилди:

— Хуш келдинг, хоқоним, сафо келдинг!

Ўгузхон хотинининг ҳозир яримлаб қолган ана шу ойсиз тун сингари қора сочларини силаб, самимият барқ уриб турган берубор кўзларига тикилди. «Йўқ, бу кўзларда хиёнат йўқ! Бу кўзлар хиёнат қиласмагай-лар!» фикран ўз-ўзига хитоб қилди хоқон ва Нингни оғушига тортиди. Суюкли хотин ўз хожаси қўйнида симобдек эриб кетди. Кўнглини қора кўланкадек бос-ган хавотирлар тарқади. Шу тун улар деярли гаплаш-мадилар. Гап-сўзсиз ҳаммаси аён эди. Улар бир-бир-ларига ташна эдилар, бир-бирларига ишонардилар! Қолгани эса Кунтангри иродасига боғлиқ.

Эрта тонгда хайрлашишар экан, Нинг уч кеча бу-рун кўрган тушини хоқонга айтди:

— Эҳтиёт бўлгайсан, хоқоним, тушимда аллақан-дай баҳайбат махлук билан олишмоқда здинг. Кўлинг-даги кескир шамширинг қонга бўялганди.

— Эҳ, жоним, наҳот билмайсан, мен ахир, бир умр махлуклар ила жанг қилдим. Сирасини айтганда, тожу таҳтнинг ўзи даҳшатли бир махлукдирки, у фа-қаттинга зару зевар ҳамда шамшир кучи билан кўлда тутиб турилгай. — Ўгузхон қаддини ғоз тутиб, мағрур қиёфада кўшкни тарқ этди.

Нинг унинг шаҳдам қадамлар билан кетиб бораёт-ганини кузатар экан, ҳам кўзлари, ҳам кўнгли йиф-ларди. Бутун сарой аҳли безовта, ёлғиз хоқон хотир-жам, хушчақчақ эди.

* * *

Уфқда аввал оппоқ қорли тоғ чўққилари, сўнгра кескир қиличдек ярқираб дарё кўринди. Бу манзарага тўймай боқаёттанинг кайфияти янада кўта-рилиб кетди. От бир маромда йўртиб борар, берубор ёз осмони тобора юксалар, жизғанак ўт-ўланлар ҳиди димоққа уриларди.

Кўп ўтмай Ўгузхон ва унинг мулоғимлари дарё ёйилиб, бўтана сувларга тўлиб оқаёттанинг ям-яшил во-дийга чиқиб олдилар. Соҳида вазир Чинг Пинг бир неча мулоғимлари билан уларга пешвоз чиқди.

— Хуш келдинг, хоқоним, қадамингга нур ёғил-гай! — таъзим этди у.

Ўгузхон нигоҳдари билан Лийубонгни излар экан, Чинг Пинг шошилиб изоҳ берди:

— Афу эттайсан, хоқоним, шикор режаси бир оз ўзгарди. Лийубонг ҳазрат, ҳув ана, нариги соҳилда, саропардада сенга мунтазир. Шикор амирининг хабар беришича, нариги соҳилда кийиклар беҳад кўп эмиш. Кийиклар, эшкакчилар муҳайё. Фақат, олис йўлдан ҳориб келдинг, бир оз тамадди қилиб, отларни яйловга қўйиб юборсак. Нариги соҳилда бизни совутилган отлар, шикор анжомлари кутиб турибди.


Ўгузхон Чинг Пинг таклифига жавобан ҳеч сўз демади-ю, секин отидан тушиб, мўйсафид чўққилар қоридан ҳосил бўлган дарёнинг муздек сувида қўлбетини чайди, қандайдир енгил тортиб, фикрлари тиниклашиди.

Чинг Пинг мулозимлари ўт-ўланлар устига юмшоқ гиламлар тўшаб, бир зумда шоҳона дастурхон туздилар. Дастурхонда етти иқдимда бўладиган жамики нознеъмат, ичимлигу газаклар муҳайё этилди.

Улкан ва теран дарё осмон ўпар чўққиларда қўёшнинг аёвсиз нурларидан зритан қор сувларини қандайдир викор ва маҳобат билан олис-олисларга ҳайдар, хоқон югурик тўлқинлардан кўз узмай, Лийубонг нариги соҳилда ўзига қандай кутилмаган совфа ҳозирлаши мумкинлиги ҳақида ўйлар, лекин кўнглида хавотир эмас, хотиржамлик ҳукмрон эди. Лийубонг ҳам, туллак Чинг ҳам очиқ яккама-якка жангда унга бас келишолмайди, бу аниқ. Улар фақат макрхийла билан мақсадга зришишлари мумкин. Макрхийла бобида улар ҳар қанча устомон бўлишмасин, Ўгузхон ҳам анойилардан эмас. У етти иқдимни ўзига тобе этолган экан, бунга фақатгина қилич кучи билан зришган эмас, балки ақл-заковат, кези келганда ҳийла-ю тадбир ҳам ишга солингган.

Ўгузхон ўзидан сал нарироқда унга сергаклик билан кўз-қулоқ бўлиб турган хос навкарларига зимдан нигоҳ ташлади-ю, дастурхонга кўл узатди. Худди шуни кутиб ўтирган Чинг Пинг тилга кириб, ташаббусни кўлга олди. Унинг ишораси билан аёқчилар қадаҳларни ўткир шаробга тўлдирадилар.

— Хоқоним, — тилёғламалик билан унга мурожаат этди вазир, — қўлларимиздаги ушбу қадаҳларни сенинг мартабанг бундан-да ошиши, кўл остингдаги



биз, содиқ қулларинг ва фуқароларинг баҳтиёрги
учун күтаришни истарман!

Турли-туман байрамлар, ғалабалар шарафига уюштирилган шароб мажлисларида Ўгузхоннинг олдига тушадиган топилмас, хоқон унча-мунчага маст бўлмасди. У қадаҳни бир күтаришда бўшатди-ю, Чинг Пинг кўзига тик боқиб тураверди.

Дастурхонга турли таомлар тортилиб, қадаҳлар даврани пайдар-пай айланди. Сархуш, енгил кайфият пайдо бўлиб, ҳазил-мутойиба авжига чиқди.

Давра ҳар қанча хушчақчақ бўлмасин, ўртада аллақандай хавотир, таранглик мавжудлигини Ўгузхон ҳам, Чинг Пинг ҳам сезиб туришарди. Хоқон Чинг Пингнинг қисиқ кўзларига тикилиб қарагани билан улардан бирор маъно, ифода англаёлмас, фақат Лийубонг вазирининг нигоҳдари бир нуқтада тўхтаб туролмаёттани унга ғалати туюларди, холос.

Ниҳоят, меҳмоннавозликнинг ҳамма қонуниятлари ўрнига кўйиб бўлингач, Чинг Пинг сўз котди:

— Зоти олийлари, қиблагоҳим Лийубонг ҳазратлари мунтазирдурлар.

Ўгузхон хос навкарлари ҳамроҳлигида ўзига ажраттилган қайиқда ўтирди. Эшкакчилар ишга киришдилар.

Шоҳона безатилган қайиқ Янцининг бўтана, оч тўлқинлари бағрини тилганича нариги соҳил томон суза кетди.

Ўткир шароб таъсиридан андак сархушланган Ўгузхон тўлқинларга тикилганича бир зум хаёл аргумогига минди.

Минди-ю, ўзини шармандали ўлимдан асраб қолган маъсума қиз Ражони эслади. Орадан шунчага йиллар ўтгани ва ўзи бу орада не-не гўзаллар севгисига мушарраф бўлганига қарамай, у ҳамон боғбон қизини ўтли бир ўртаниш билан эслар, уни асраб қололмагани учун ҳамон ўзини койирди. Ражо унинг армонли биринчи муҳаббати эди. Биринчи муҳаббатнинг юрақда қолдирадиган изини йиллар, орадан ўтиб кеттан жуда кўп йиллар ҳам ўчириши амримаҳол экан.

Қайиқлар дарёning қоқ ўртасига яқинлашганда шамол кучайиб, тўлқинлар том бўйи кўтарила бошлиди. Бутун умри юришлару жанту жадалларда кечган хо-

қон бунга парво қилмай, ҳамон ўз хаёллари билан банд эди. У тийрак нигоҳини тўлқинлардан узиб, олисдаги тоғларга назар солди. Булатларни ўпай-ўпай деб турган чўққилардаги қорлар олмосдек ярқирар, уларнинг салобати чор атрофга янада маҳобатли тус берганди.

Хоқон хаёлидаги Ражо билан видолашиб, яна Лийубонг ва Чинг Пинг унга қандай кутилмаган «совға» ҳозирлаёттани тўғрисида бош қотира бошлади. «Ҳа, — ўйларди у, — бу икки туллакдан ҳар қандай қабиҳликни кутиш мумкин. Лийубонг қизи бева бўлиб қолишига ҳам қараб ўтирумайди. Менинг салтанатим нуфузининг ортиб бориши уларга сира тинчлик бермайди.»

Лийубонг шоҳона саропарда да Ўгузхонни кутмоқда эди. Соҳилдаги қўриқчилар хоқон кемаси қирғоққа яқинлашаётганини билдиришгач, унинг юрагига гулгула тушди. Чунки бугун режалаштирган қабиҳ нияти амалга ошмай қолса, ҳолигавой бўлишини у жуда яхши биларди. Очиқ жангда Ўгузхонни мағлуб этолмайди, буниси кундай равшан.

Хоқон қайирининг тумшуги тошлоқ соҳилга тиради. Хос навкарлар қайиқдан сакраб тушиб, Ўгузхоннинг оёғи ерга тегишига кўмаклашдилар.

Лийубонг күёвини қучоқ очиб қаршилади. Лекин уларнинг ўзаро мулоқоти яқин қариндошлар муносабатига сира ўхшамасди. Ўгузхон ўзини шердек тутса, Лийубонг унинг олдида думини қисган тулқидек эди. У қизининг сорлигини куевидан нари-бери суриштиргач, дарҳол муддаога кўчди:

— Олис йўлдан ҳориб-толиб келдинг, боз устига Янцининг тўлқинлари кўнгилни беҳузур қилади. Агар йўқ демасанг, бу кеча азиз меҳмоним бўлгайсан. Кийик овини зрта тонгда бошлагаймиз.

Хоқон қайнотасининг олма-кесак тераёттан кўзларига тик боқди. Лийубонг унинг нигоҳларига тоб беролмай кўзларини яширишга мажбур бўлди.

— Йўл чарчори-ю, Янци тўлқинлари ҳам ҳаёт аталмиш уммон тўлқинлари олдида ҳеч гап эмас. Мен сенинг меҳмонингман, демак, ихтиёрим мезбон қўлиндадур. Сен не десанг, шу бўлгай, — деди Ўгузхон ва

кўнглидан шундай фикр кечди: демак, булар ўз қабиҳ ниятларини шу тунда амалга ошироқчи.

Лийубонг күёви осонликча шартга кўнағолганидан хурсанд бўлиб бидирлай кетди:

— Мана, кўряпсанми, ана шу шинам қўнағаларни сенинг муборак пойқадаминг шарафига бир кечада оқ ёғочдан барпо этдик. Унда сенинг роҳат-фарогатинг учун ҳамма шароит муҳайё. Хос навкарларинг, барча мулозимларинг учун-да жой бор.

Лийубонг шикор иштирокчиларига мўлжаллаған бири-биридан чиройли, бири-биридан шинам қўнағаларга қўли билан ишора этди.

Оқшом чўккач, яна чоғир базми бошланди. Қадаҳ сўзлари айтилди. Базм ярим тунгача давом этди. Сўнгра меҳмон ва мезбонлар бир-бирларига хайрли тун тилаб, ўз қўнағаларига равона бўлдилар.

Ўгузхонга ажратилган бошпана унинг хос соқчилари томонидан ўраб олинган, ичкарига сичқон ҳам ўтиши амримаҳол эди.

Ҳа, деганда хоқоннинг кўзига уйқу келмади. У чакмонини елкасига ташлаб, ташқарига чиқди. Шу ондаёқ маҳфий девон боплири унинг қаршисида пайдо бўлди.

— Мен бу диққинафас қутичада змас, хув, ана, шабнам қўнган майсалар устида ухлашни афзал билдим, — деди у ўзига савол назари билан қараётган маҳфий девон бошлиғига.

— Бош устига, хоқоним, — таъзим қилди у, — мен соқчиларга кўрсатма бераман. Бемалол ухлайвер.

Ўгузхон қўнағадан 50—60 қадамга узоқлашиб, чакмонини майсалар устига ёзди-ю, чўзилди.

Осмонда юлдузлар гужрон ўйнап, уларга тикилганича хаёл сурарди.

Худди шу дақиқаларда Лийубонг ҳам, Чинг Пинг ҳам бедор эдилар. Улар Ўгузхонни тузоқда тушириш жуда қийинлигини, иш ўнгидан келмаса, тожу тахтдан жудо бўлишлари мумкинлигини яхши билардилар.

Вақт алламаҳал бўлганида Ўгузхоннинг кўзи илингандай бўлди. Қанча ухлаганини билмайди, бир маҳал кий-чувдан уйғониб кетди.



Хоқон атрофини хос соқчилар ўраб олган, шикор иштирокчилари тунаётган қўналғалар ёрқин аланга билан ёнмоқда эди. Мехмонлар ва мезбонлар учун қурилган қўналғалар бараварига ёнар, ҳар икки томон навкар ва мулоғимлари тўрт томонга чопишар, бирорлар ерга ағанаб, уст-бошлигини ўчирмоқчи бўлишар, чор атрофни жизғанак, куйинди ҳиди босганди. Қўналға билан бирга ёнаётганларнинг даҳшатли чинқириғи кулоқни қоматта келтиради. Ўгузхон нигоҳлари билан маҳфий девон бошлигини қидириб топди.

— Сен валийсан, хоқоним, қўналғада тунашни истамаганингданоқ қўнглим бирор-бир нохушлик рўй берини сизганди. Чамаси, бу уйчалар олдиндан ёндиришга ҳозирлаб қўйилган бўлса керак.

Тез орада Ўгузхон қаршисида Лийубонг пайдо бўлди. Унинг башараси аянчли эди.

— Етказилган азият учун афу эттайсан, хоқоним! Қўналғага яшин тегди! Ўз кўзим билан кўрдим! — деди у митти кўзларини пирпиратиб.

— Менга ҳеч бир азият еттаний ўйқ. Чунки мен ҳар доим шоҳона тўшакдан кўра шудринг инган майса устини афзал билурман. Зоро, мен кўллар ва чўллар, кенг далалар фарзандидурман! — деди Ўгузхон ва қайнотасининг аянч башарасига қаттиқроқ тикилди. Қайнота кўзларини яширишга мажбур бўлди. Ўгузхон сўзида давом этди:

— Қўналғага яшин тегди, дейсанми, қариндош?!

— Ҳа, ҳа, яшин тегди! — деди Лийубонг ўз сўзига ўзи ҳам ишониб-ишонмай.

— Ҳа, яшин тегибди! — деди қатъий қилиб хоқон. — Лекин яшин сенинг ис босган миянгта теккан!

Лийубонг кўзлари мўлтираб, куёвига мутеларча тикилди. У ҳозир бутун хонумони гаровга тикилгани, агар Ўгузхон қўлини қиличига юборса, боши сапчадай узилишини сезиб турарди.

— Қара ахир, — ёлборди у, — менинг қўналғаларим ҳам ёнаяпти-ку!

— Эҳ, — деди афсус билан Ўгузхон, — сен менинг бундай фитналардан баланд туришимни ҳамон тушуниб етмабсан.

Шундан сўнг куёв ва қайнота ўртасида бошқа гапсўз бўлмади.



Құнапралар күйиб күл бүлгач, тонг оқара бошлади ва күп үтмай, ионуштадан сүңг шикор буриуси чалиниди. Шикор жуда күнгилли үтди. Үзүзхоннинг ўлжалари ҳамманикидан мүл зди. Шу билан хоқоннинг Янци соҳилларидағи саргузаштлари якун топди ва у янги юришлар орзусига түшди.

Бу орада сиёсат майдонида талай ўзгаришлар юз берди. Хан сулоласи подшоҳи Лийубонг бандаликни бажо келтирди. Унинг ўрнига етти яшар ўғли Хўйди подшоҳликка кўтарилиди. Ўз-ўзидан маълумки, етти яшар гўдак номигагина хукмдор бўлиб, аслида Хан сулоласини унинг онаси Лийуху бошқаради.

Гўдак подшоҳ Хўйди милоддан 188 йил аввал 13 ёшида вафот этди. Подшоҳлик таҳтига ворис ҳисобланган шаҳзода Лийухуга ўттай зди. Шу боис у сарой фитнаси оқибатида ўлдирилди ва сулоланинг бутун иони-иҳтиёри Лийуху қўлига үтди.

УЧИНЧИ ҚИСМ

Буюк Саҳронинг мард ўғлонлари. Қатилхон мадади. Қонжа саросимада

Йил сайин кенгайиб, кучта тўлиб бораётган салтанатини бошқариш жуда мушкул иш зди. Лекин Үзүзхон фақаттинга шавкатли саркарда змас, балки буюк давлат арбоби ҳам зди. У фатҳ этилган ўлкаларни ёлғиз қилич кучи билан змас, ақл-заковат, оқилона сиёсат билан идора қиласарди. У юрт фаровонлиги, ободончилигига алоҳида зътибор қиласарди ва шу билан маглуб этилган рақиб кўнглини оларди. Ҳар бир зафарли юришдан сүңг у солиқдарни бекор қиласарди, болиб лашкарни ҳам муносиб тақдирларди. Лекин омад бу — жуда гўзал, серитпява ва ишжик нозанинга ўхшайди. У ўз хожасидан юз ўтириши унчалик қийин змас. Үзүзхон итбороқ қавмини бўйсундириш учун қилган юришида худди шундай бўлди. Омад бирданига улут хоқондан юз ўтириди. Үзүзхон душман ҳийласига учиб, икки серсув дарё оралиғида қамалга тушиб қолди. Хоқон саркардалик салоҳиятини ҳар қанча ишга солма-

син, куршовнинг темирдай ҳалқасини ёриб ўтишнинг ҳеч имкони бўлмади.

Ўгузхон беҳад дилтанг бўлди. Лашкар бошлиқлари билан ўтказилиган неча-неча машваратларда ҳам бирор жўяли фикр чиқмади.

Ҳалокатли ҳалқа тобора тораяр, лашкар сафида тушкунлик, парокандалик аломатлари зоҳир бўла бошлаганди. Ўгузхон энди бундан буёғи муқаррар ҳалокат эканини тушуниб турарди. Тушуниб турарди-ю, бирор чора тополмай, жони ҳалак эди.

Ниҳоят, хоқон қароргоҳига улут шомон Муширни чорлади.

Улуғ шомон хоқон билан омонлашгач, узун соқолини тутамлаганича узоқ ўйга толди.

— Ҳа, — деди ниҳоят Мушир орадаги узоқ жимлиқдан сўнг, — бир қараща биз учун энди омонлик йўқдай. Ўтиб бўлмас баланд төвлар, серсув дарёлар, темирдай мустаҳкам қуршов ҳалқаси. Лекин сен ноумид бўлмагайсан, хоқоним!

Сұхбатдошлар яна сукутта чўмдилар.

Ўгузхон шу топда ўз салтанати тақдирни ҳақида зўр бериб ўйламоқда эди. «Наҳот ҳаммаси шу тахлит шармандали якун топса? Наҳот энди ҳеч нарсани ўзгартиромайман? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!»

Бирдан улуғ шомон жонланди, унинг тийрак кўзларида ўт чақнай бошлади.

— Хоқоним! — хитоб қилди у қўлларини осмонга кўтариб. — Биз учун нажот йўли Буюк Саҳро томондадур!

— Буюк Саҳро! — надомат ила хўрсиңди хоқон. — Буюк Саҳро бу ердан шунчалар йироқки, мен шу топда унинг шудринг инган ўт-ўлланларини кўзимта суртиш учун ярим, йўқ, йўқ, бутун салтанатимдан воз кечган бўлардим!

Ўгузхоннинг овозидан беҳад соғинч ҳисси сезилиб турарди. Шомон кўзларида ўша ўтли ёлқин билан сўзларини тақрорлади:

— Нажот йўли Буюк Саҳрода! Юлдузлар менга шундан сўзламишлар!

Ўгузхон яна хаёлга толди. У Муширга жуда ишонар, ихлоси баланд эди. «Мушир Буюк Саҳро демоқда. Демак, нажот йўли ҳақиқатан ҳам Буюк Саҳрода

бұлса керак. Лекин қандай қилиб? Ахир, Буюк Саҳрода етиш учун мен зәт аввало қуршов ҳалқасини ёриб үтишим керак-ку!»

Бирдан Үзүзхоннинг чехраси ёришиб кетди! «Эх, Қатилхон! Ахир, биродарим Қатилхон ҳозир Буюк Саҳрони маскан туттан-ку! Унинг қавми ҳозир гуллаб-яшнаган. Тутингган биродарим мендан ёрдамини аяма-гай!»

— Офарин, улур шомон! Қойил! Ҳақиқатан ҳам најжотимиз Буюк Саҳрода! — хоқон зудлик билан ҳузурига ўғли Кунхонни чақиришга амр қилди.

Кунхон Үзүзхон лашкарининг ўнг қанотига сар-кардалик қиласында. Үріллари орасыда довюракликда унга тенг келадигани йўқ эди. Үзүзхон ана шу үглини ёрдам сўраш учун Қатилхон ҳузурига жўнатишга қарор қилганди.

Кўп ўтмай Кунхон отаси ҳузурига келиб, таъзим қилди.

— Үглоним, йўл ҳозирлитини кўр! Тонгла Буюк Саҳро сари йўлга чиқасан! Мен биродарим Қатилхонга нома битгайман. Қатилхон ҳалоскоримиз бўлгай. Ана улур шомон најжот — Буюк Саҳрода, демоқда! — Үзүзхон қамални ёриб үтишга энди ишона бошлаганди.

— Бош устига, хоқоним, — яна таъзим қилди Кунхон.

У отасига торттан, кенг елкали, салобатли, гўзал йигит. Үзүзхон шундай ўғли борлигидан беҳад фахр этади.

Шу тун Үзүзхон ўзи тушиб қолган вазият нақадар қалтис ва нозиклигини баён этиб, нома битди. Агар Қатилхон вақтида етиб келиб душман ортидан қўққисдан зарба берса, қуршовни ёриб үтиш осонлашади.

Тонг қоронғисида Кунхон учқур отларни згарлаб, ўзига ўхшаган бир неча довюрак навкари ҳамроҳлигида душман қуршовининг зәт заиф жойидан билдири-май ўтиб, Қатилхон юрти сари йўл солди. У отасини қийин аҳволдан кутқазиш учун қилинаётган сафарни ўзи учун юксак шараф деб қабул қилганди.

Хоқон юрагида тунда умид учқунлари йилтираган бўлса, тонгта келиб бу учқун алнга олди. У тез ҳара-кат қила бошлади.

Хоқон нонуштадан сўнг саропардасига яровул^{*} бошлигини чақиртириди. Яровул бошлиғи Қавий унча-мунча паҳлавонни бир мушт билан ерга қапиштира оладиган довюрак йигит бўлиб, Ўғузхон унинг салоҳиятини юксак қадрлар, ўзига яқин оларди.

Қавий саропардага кириб, хоқонга таъзим қилгач, Ўғузхон сўз бошлади:

— Қавий, сор лочиним, маълумингки, ҳозир хийла қийин аҳволдамиз. Икки дарё оралигида қопқонга тушган сичқондай бўлиб ўтирибмиз. Лекин бу вақтинча, Тез орада Кунтандри иродаси ила ҳал қилувчи жангта киргаймиз. Бу биз учун ҳаёт-мамот жангиги. Ё галаба қозонамиз, ёки танимиз дарё наҳангларига ем бўлғусидир! Бошқа йўл йўқ. Сен энг илдам йигитларингни олиб, душман қуршов ҳалқасининг энг заиф, бир зарба билан ёриб ўтса бўладиган жойларини аниқлаб, менга тезда хабар бер. Бўлғуси ҳужумимиз муваффақияти кўп жиҳатдан сен олиб келадиган маълумотларга боғлиқ. Буни яхши биласан.

— Бош устига, хоқоним! — бурро жавоб қайтара Қавий.

Хоқон унга меҳр билан тикилди. «Шундай йиғитларим бор экан, мен сира мағлуб бўлмагайман...» — шукронга фикр кечди унинг кўнглидан.

— Қани, бор энди, сенга Кунтандри ёр бўлгай!

Ўғузхон Қавийга оқ йўл тилаб, хаёлларини жамлаб олишга ҳаракат қилди.

Жуда кўп жанг жадалларни ўз фойдасига ҳал қилган Ўғузхон яхши билардики, кўп сонли қўшин ҳамма вақт ҳам муваффақиятни таъминлаштига қодир эмас. Кўпинча устомоналик, ҳарбий ҳийла қўл келади. Хоқон ўзи ёшлигида ихтиро этган овозли ўқ-ёй рақибларини қанча ваҳимага согланини зслаб, мамнун жилмайди. Лекин ҳозир замон ҳам, вазият ҳам ўзгарди ва энди овозли ўқлару баргуствон отлар билан ҳеч кимни ҳайратга солиб, қўрқитиб бўлмайди. Хоқон Байдинг этакларида Лийубонг қўшинини қуршовга олганида, ҳозир ўзига қайнота бўлган туллак ҳийланайрангни ишга соглан, сўнг ҳадсиз ўлпон, қизини тортиқ қилиш эвазига салтанатини сақлаб қолган эди.

* Яровул — маҳсус ҳарбий разведка қисми.

Хоқон қайнотасининг олазарак кўзларини эслаб, кўнглида бехузурлик түйди, ижирғанди. «Менинг рақибга тортиқ этадиган қизим ҳам, мол-мулким ҳам йўқ! Мен душман олдида бунчалар паст тушишдан кўра жанг майдонида мардона ўлимни афзал билгайман. Токи, қизил қоним бўри бошли муқаддас байроғимни алвон рангта бўясин!» Бир қараганда қуёвига ўлоннин ўз вақтида тўлаб турган Лийубонг унга иттифоқчи, маслақдошдек туюлади. Лекин ширкорда юз берган воқеалар қари туллак қуёвига жеч қачон эл бўлмаслигини кўрсатиб турибди.

Қатилхон... Қатилхоннинг йўриғи бўлак. Қатилхон Буюк Саҳронинг буюк, мард ўлони. У ўз биродари учун жонини тикишга тайёр.

«О, Қатилхон, навқирон дўстим, бутун умидим сенда!» — фикран хитоб қиласади хоқон. Лекин ҳали Қатилхондан хабар келгунча неча-неча тунларни тонгта улашга тўғри келади.

Ўгузхон Кунхон қайтиб келгунча ўтадиган вақтдан унумли фойдаланишга ҳаракат қиласади. У қўшинининг ҳар бир қисми, ҳар бир дастаси чодирида бўлиб, сұҳбат қурди, уларнинг ружини кўтаришга интилди. Чунки қуршовда тинкаси курий бошлаган лашкар ружини кўтармай туриб, душман ҳалқасини ёриб ўтиш мушкул.

— Лочинларим, сор бургутларим! Бизга Кунтантри мададкор, биз албатта ғалаба шаробини сипкоргаймиз! — хитоб қиласади у лашкарига юраги жўшиб.

Бирин-кетин тун билан тонг алмашар, ҳалокатли ҳалқа, гўёки Ўгузхон бўйнига солинган сиртмоқ, тобора сиқилар, лекин Кунхондан ҳамон дарак йўқ эди.

Яровул бошлиги Қавий олиб келган маълумотлар ҳам кўнгилга сира таскин беролмасди. Қавий хабар беришича, итбороқлар қамал ҳалқасини янги-янги қисмлар билан кучайтириб, ҳал қилувчи жангта зўр бериб ҳозирлаништаги. Дарё томондан қуршовни ёриб ўтиш имкони бор. Лекин сал эҳтиётсизлик қилинса, душман бир зарб билан лашкарни дарёга улоқтириб ташлаши мумкин. Ўгузхонни яхши билмаганлар у тушкунликка туиди, деб ўйлаши мумкин эди. Аслида эса энди хоқонни тўхтатиб қолиш мумкин эмасди. Унинг кўнглига умид, қуршовни ёриб ўтиб, ғалабага эришиш

умиди оралаганди. Ахир, ҳамлана шайланган шерни тұхтатиб қоладиган күч борми бу ёрут жақонда?

«Душман ҳал қилувчи жангта шайланар экан, биз ҳам қараб турмаймыз!» Үгүзхон барча лашкар бошлиқтарини йиғиб, шошилинч күрсатмалар берди: «Қоровул, ҳировул, баронғор, жавонғор қисмлар жойла-рини тез-тез үзгартыриб, душманни қалғитсингелар, токи рақиб қайси томондан ёриб ўтишга ҳаракат қилиши-мизни сезмай қосын!»

Үгүзхоннинг амри билан итбороқлар лашкари қароргохига күп сонли хуфия-айроқчилар юборилди. Улар хоқон қайси томондан ёриб ўтишга интилиши, лашкар сафланиши, отлиқ ва пиёда қисмлар жойлашуви тұжрысында қалғитувчи, ёлғон-яшиқ маълумотлар тарқатдилар. Қайси томондан ҳужум қилинишини эса Үгүзхондан бўлак ҳеч ким билмас, ҳатто лашкар бошлиқлари ҳам ҳали буидан хабардор эмасдилар. Хоқон эса ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган режа тузган, ҳеч ким кутмайдиган томондан қўққисдан зарба бериш, шу зарба билан душманни эсанкиратиш, саросимага солиш ва сўнгра асосий кучлар ёрдамида куршовни бутунлай бошқа жойдан ёриб ўтиш пайида эди.

Үгүзхон қалғитувчи зарбани ҳеч ким хаёлига келтирмайдиган даре ва тор ёнбағри томондан бермоқчи эди. Чунки жанг санъетини сал-пал билувчи саркарда ҳам лашкар ҳаракати учун жуда ноқулай, тангу тор дарадан хавф кутмайди. Тезкор отлиқ аскарлар қисми худди ана шу жойдан душманга қўққис ҳужум қила-ди. Итбороқлар ҳужум йўналишини шу ёқда деб ўйлаб, бутун кучини шу дарага ташлашади. Ана ўшанда Үгүзхон лашкарининг водийда шай бўлиб турган асосий кучлари жангта ташланиб, куршов ҳалқасини ёриб ўтишади. Бу пайттача етиб келган Қатилхон лашкари душман ортидан зарба беради. Фақат ҳозир фурсатдан ютиш лозим. Унгача Қатилхон келади, ҳал қилувчи жанг режаси билан танишади.

Итбороқлар қароргоҳида ҳам, Үгүзхон лашкари қароргоҳида ҳам катта жонланиш, тараддузданиш зоҳир эди. Душман яровул қисмлари тез ҳаракат қиласар, итбороқлар айроқчилари тез орада бўладиган сўнити жанг хусусида вахимали овозалар тарқатишарди. Тун яримдан оқдан, хоқон уйғоқ эди ва биродари Қатил-

хондан күзлари түрт бўлиб хабар кутарди. Шу аснода хос навқари ўғли Кунхон қайтганини ва отаси ҳузурига киришга изн сўраёттанини билдири. Хоқоннинг кўнгли кундек ёришиб, ўғли истиқболига юрди.

— Отажон! Амри муборагингта мувофиқ Қатилхондан мужда келтирдим, — отасининг оёғига йиқилди ўғил.

Хоқон ўғлининг елкасидан қучиб, ўрнидан турғизди, унинг сафар таъсиридан қорайган пешонасидан ўпди.

— Офарин, асрлоним! Қани, сўйла, не мужда келтирдинг?

— Биродаринг Қатилхон сараланган отлиқ қўшини билан етиб келиб, бу ердан ярим кунлик йўлда қўналға қилди. Яровул қисмлар ишга киришди.

Ўгузхоннинг елкасидан тов ағдарилди гўё. У ўғлининг уйқусизликдан киртайган кўзларига меҳр билан тикилиб, шундай деди:

— Энди сен бир оз дамингни ол-да, сўнг Қатилхон ҳузурига отлан. Менинг жанг режамни унга етказгайсан. Ва ўзинг-да унинг байроқдор қисми сафида жангта кирасан! Сенинг ўнг қанотдаги ўрнингта уканг Ойхонни белгилайдурман! Оқ йўл, арслоним! Сенга Кунтандри мададкор бўлгай!

Ўгузхон лашкари мана, неча кундирки, ҳал қилувчи жангта шайланарди.

Кунхон Қатилхонни жанг режаси билан таништиргач, Ўгузхон лашкар бошлиқларига сўнгти кўрсатмаларни берди. Белгиланган муддатда — ёзнинг жуда бокира ва оромбажш тонгида Ўгузхон қўшини ҳаракатта келди. Бу гал хоқон ҳужумни кўйқисдан бошлаш учун ўзи пухта эгаллаган жанг санъатининг жуда кўп қонун-қоидаларини четлаб ўтишга қарор қилганди.

Энг аввало жанг ногоралари бир четта олиб қўйилди, юракка ваҳима солувчи карнайлар «рат-рат» и ҳам эшитилмади. Яровул ва ил xor қисмлар ўша ёлғондакам зарба йўналишига юборилиб, асосий кучлар водийга — ёриб ўтиш учун мўлжалланган ерта ташланди. Отлиқ ва пиёдалар бир-бирларини тўлдириб, ҳимоялаб ҳаракат қилдилар. Қатилхон эса Ўгузхон билан чопарлар орқали мунтазам алоқа қилиб, жангнинг ҳал қилувчи сониясини кутиш ва шундан сўнггина зарба йўналишини белгилашга қарор қилди. Нима

бўлганда ҳам, ортдан қўққисдан берилажак зарба душманни эсанкиратмай қўймайди, буниси аниқ.

Икки дарё оралиғидаги бу қонли жанг сўнгра кўплаб жангномаларга олтин ҳарфлар билан битиди. Шу куни итбороқларга қарши курашган икки ҳукмдор — Ўззхон ва Қатилхон жанг санъатида янгилик яратдилар. Ҳамланинг асосий йўналиши дарё ва төр оралиғи дея ишонган итбороқлар дастлабки соатларда Ўззхон лашкарини тўхтатиб, исканжага олдилар-да, уларни дарё томонга сиқа бошлидилар. Устунлик итбороқлар қўлига ўтди гўё. Итбороқлар назарида жанг тақдирни улар фойдасига ҳал бўлаётган, душманни дарёга иргитиб ташлаб, ғалаба шаробини сипқориш қолганди. Лекин бу айни Ўззхон режалаштирган иш эди. Ва худди шу сонияларда жанг карнай-ногоралари тилга кирди. Ҳоқоннинг ўзи бошлиқ байроқдор қисм, ўнг қанот, сўл қанот кучлар ям-яшил водийни тўлдириб, ҳужумга ташланди. Баланд қир тепасидаги чодиридан жангни маминун ҳолда кузатаётган итбороқлар ҳукмдори Қонжа нима қиларини билмай, бошини чанглаб қолди. У дарё томондаги кучларни зудлик билан водийга ташлашга кўрсатма бериб улгурмай, Ўззхон лашкари итбороқлар илғор қисмини мажақлашга муваффақ бўлди. Худди шу аснода итбороқлар қўшини ортида яна жанг ногоралари янгради: Қатилхон ҳамлани бошлаган эди.

Қонжа энди саросимага тушди. Маглубият, қолаверса, шармандали асирикка тушиб қолиши тайин бўлаёзди. «Бу қандайин кўргиликки, етти иқдим ҳукмдорини шунча вакт қуршовда тутиб, ҳолдан тойдирдим, ғалабага етдим деганда иш чаппасидан кетса?!» Қонжа чодир енида зир югурад, аллақандай кўрсатмалар берар, лекин тўфондай босиб келаёттан рақиб олдида унинг сўзларига ҳеч ким қулоқ солмасди.

«Ҳа, — бир қарорга келди Қонжа, — энди ўз жонимни қутқазиш пайти келди чорги.»

Қонжа отига илдам миниб, хос навкарлари қуршовида жант майдонини тарқ этишга шошилди. Ҳукмдорнинг кўрқоқдигини ўз кўзи билан кўрган лашкар ҳам саросимага тушиб, тирақайлаб қочишга тушди. Тушгача қолмай жанг тақдирни ҳал бўлди. Ўззхон қуршовни ёриб ўтишта муваффақ бўлибгина қолмай, душманнинг асосий кучларини ҳам қириб ташлади ва кўплаб ярог-аслача, ўлжаларни қўлга киритди.

Хоқон лашкари узоқ вақт қуршовда ёттан афтода-
хол қүшин эмас, балки ғолиб, сарафroz жамоа зди.

Қонжа эса қолган-қуттан лашкари билан амаллаб
жон сақлади ва минбаъд Үгүзхон билан жанг қил-
масликка онт ичди. У шармандали мағлубиятдан сўнг
ўзини сира ўнглаб ололмасди.

Үгүзхон ва Қатилхон жангдан сўнг дарё соҳилига
чодирлар тикиб, лашкарга дам бердилар ва икки ҳукм-
дор шоҳона саропардада бир неча кун шаробхўрлик
қилдилар. Итбороқўларнинг асирга тушган ҳарами сар-
кардалар кўнгилхушилигига баҳшида этилди. Ўз хожа-
ларини ўзгартирган кийик кўз, оқ юзли маҳбубалар
ғолибларга пайдар-пай қадаҳ сунишар, улар учун ҳаёт-
да ҳеч нарса ўзгармаган зди. Дастурхонларда кийик,
каклигу роз гўшти мўл, шаробу қимиз баҳор ёмири-
дай сероб зди.

Үгүзхон ғалаба шаробидан ҳар қанча сармаст бўлма-
син, ўзининг чексиз салтанати сарҳадларида рўй бера-
ёттан воқеа-ҳодисалардан воқиф, уларга бефарқ қараб
туролмасди. У ғолиб лашкар бошида ўз пойтакти сари
йўлга чиқар экан, чегара ҳудудларида рўй берган ай-
рим кўнгилсизликлар унга тинчлик бермасди.

Билгахоннинг ўзбошимчалиги.

Хан Вендига мактуб. Кўнгил изтироблари

Үгүзхон икки дарё оралиғида, қуршовда ғанимлари
 билан қонли жанглар олиб бораётган бир паллада
 унинг ўнг қўл bekларидан бири Билгахоннинг калта-
бинлиги, ўзбошимчалиги туфайли Хан сулоласи билан
 муносабатлар кескинлашди.

Бу пайтга келиб, яъни милоддан 180 йил аввал
Хан сулоласи подшоси, Үгүзхоннинг қайноаси Лийуху
ўлди. Хан Венди унинг ўрнига подшоҳ бўлди. Үгүзхон
 олис сафарда экан, Хан сулоласи чегара мудофаасида
 тургувчи амалдорлардан бири ўнг қўл bek Билгахон
 ҳам бу ҳақда хоконга маълум қилмай, у билан масла-
 ҳатлашмай, Фуйру сингари калтабинилар гапига ки-
 риб, Хан сулоласи амалдорлари билан ўчакишган.
 Оқибатда икки давлат ўртасидаги хужум қилмаслик,
 яхши қўшничилик тўғрисидаги аҳднома бузилган. Бу
 воқеа доимо ўз ваъдасига вафо қиладиган Үгүзхонни

қаттиқ ғазаблантириди. Хоқон ўзбошимча амалдорларини қаттиқ жазолашта қарор қилди. Лекин у ўзининг азалий одатича, ерига кўз олайтирган тажовузкорларни ҳам куруқ қўймайди. У можаро чиқдан четара ҳудудига бориб, ўша ерда амалий чоралар кўрмоқчи бўлди.

Хоқоннинг ташрифи хабарини эшиттан Билгахоннинг юраги така-пука бўлди. У хоқон ҳар қанча мarda олижаноб бўлмасин, сўзини қайтарганларга нисбатан шафқатсиз эканини яхши биларди. Шу боис бек ўзини нималар кутаётгани тўғрисида даҳшат ичра хаёл сурар, пайдар-пай шароб ичиб, қадақ ичидан юпанч қидирарди. Охири бўлмади, яна ҳузурига зинг яқин маслақдоши Фуйруни чақирди. Икковлон обдан шаробдан тўйишишга, Билгахон Фуйруга зутум қила бошлади:

— Қани, агар дўстим бўлсанг маслаҳат бер, не қиласай? Ўгузхон ғазаби нималарга қодир экани ўзингга маълум. Мен ахир, сенинг сўзингта кириб можарони бошлаб эдим. Энди эса бу яриб бошим кундага қўйилиши тайин бўлиб қолди.

Ўзига анчайин бино қўйган Фуйру ҳам хоқон ташрифи ҳақидаги овозаларни эшитиб, писиб қолганди. Шу боис талмовсираб жавоб қилди:

— Ҳали сенинг бошинг кундага қўйиладими, менекими, бу ёлғиз Кунтандрига маълум. Маслаҳатим шуки, рақиб томон қилган бедодликлар тўғрисида қанчалик кўп галирсанг, хоқон шунчалар юмшаса керак. Лекин сендан фарқли ўлароқ, хоқон мендан гап сўраб ўтирумай бошимни узса керак.

— Албатта, биз Шанси ўлкасида қилган уруш хоқон томонидан ўзбошимчалик деб баҳоланади. Биз Хан сулоласи сурбетлигига қарши қисқагина уруш қилган бўлсак-да, Ўгузхон ўзбошимчалигимизни асло кечирмайди. Начора, тақдирга тан беришдан ўзга чорамиз йўқ.

Ҳар икки амалдор хоқоннинг муқаррар жазосини юрак ҳовучлаб кутишар экан, Ўгузхон йўл-йўлакай уларнинг таъзирини беришнинг ажойиб йўлини ўллаб қуиганди. У ҳеч кимнинг хаёлига келмайдиган қарорлар қабул қила олиши билан ҳам юракларга гулгула соларди. Лекин манмансираган Билгахон баҳтига хоқон унга мўлжаллаган жазони Кунтандри марҳамати

деб қабул қилиш ҳам мумкин эди. Ниҳоят, чоларлар хоқон Билгахон қароргоҳига яқинлашиб келаёттанини хабар қилишди. Билгахон хоқонни дабдаба билан кутиб олишга кўпдан ҳозирланаётганди. Хабарни эшиггач, тез отига миниб мулоғимлари ҳамроҳлигига хоқон истиқболига юрди.

Ўузхон тўрт отли шоҳона аравада эмас, ўзи эгарда келарди. Хос навқар ва қўриқчилар уни яrim ой шаклида ўраб олишганди.

Қўриқчилар Билгахонни оддинга ўтказиши. Билгахон отидан тушиб, таъзим қилди ва Ўузхон узангисини ўпди. Хоқон ўзбошимча бекнинг мулоғаматига ортиқча зътибор қилмай, бош қимирлатди ва унинг олазарак кўзларига тикилди. У бекнинг юрагидан нима кечаяёттанини билмоқчи эди. Хоқоннинг ўткир нигоҳига унча-мунча одам тоб беролмасди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Кўпни кўрган Билгахон ҳам хоқон нигоҳидан кўзларини яширди. Худи шу сонияларда тақдирни ҳал бўлаёттанини юрак-юракдан ҳис қилган Билгахон мутеларча бош эгиб, бидирлай кетди:

— Хоқоним, бир қошиқ қонимдан кечсанг, содик кулинг ўз номаъкул қилмишидан беҳад пушаймонда-аур...

Ўузхон унга жавобан ҳеч нима демади. У ўнг қўл бекининг табиатини яхши биларди. Шу боис уни обдан тавбасига таянтириб, сўнгра ўз қарорини айтмоқчи бўлди. Билгахоннинг бўладигани бўлди. Хоқон сукут сақлагандан кўра юзига қамчи тортгани афзал эди. Лекин нима бўлганда ҳам этилган бошни қилич кесмас. Шу ақидага амал қиласиган Билгахон тилёрламаликда давом этди. Кутиб олиш расм-русумлари ўрнига қўйилгач, Ўузхон Билгахон ҳамроҳлигига кўшкка йўл олди. Йўлнинг икки томонини тўлдирган халойиқ унга таъзим қилиб, пойига гуллар сочишар, шаънига ҳамду санолар айтишарди. Ўузхоннинг чехраси андак ёришган, уни кўриб, Билгахон ҳам ўзини энди сал босиб олганди. Туллак бек яхши билардики, фуқаро шукроналиги, ҳамду саносидан кўнгли эримайдиган ҳукмдор йўқ. Шу боис у кутиб олиш тантаналарини ўрнига қўйишга бутун кучини сарфлаганди. Кўча ва майдонларни тўлдирган халойиқ Ўузхон баҳодирнинг, етти иқдим буюк султонининг икки дарё

оралиғидаги улур ғалабасини тинмай олқипшар, бундан хоқоннинг күнгли тоғдек ўсиб борарди.

Ўузхонга ажратылған күшкә чинакамига базми жамшид уюштирилған, ноз-неъматларга тұла дастурхон унга мунтазир зди. Тұхтовсиз жангы жадаллар чарчаттан хоқон дам олип, күнгилхушлик қилишта мөйил зди-ю, буни сиртига чиқармасди. У энг аввало буюк хоқон эмас, буюк саркарда зди, нимагаки зришган бұлса, фақатгина билаги ва қиличи кучи билан зришганди. Шу боис ортиқча күнгилхушлик, шароб базмлари саркардан түгри йўлдан адаштиради деб ҳисбларди. У тақдирини шароб кун-паякун қилған күплаб саркардаю султонларни билар, шунинг учун шароб мажлисларида четарадан чиқмасликка интиларди. Ёши анчага еттан бұлса-да, унча-мунчага маст бўлмас, зиёфатларда учиб қоладиганbekларини қаттиқ қалака қилар, уларни хос даврасидан четлаторди.

Билгахон Ўузхон шарафига уюштирган зиёфат жуда тўкин-сочин, дабдабали зди. Хоқонга қадаҳ туттган дилраболар нозу назокати юришлар беҳад чарчаттан ҳукмдор күнглига ором баҳш этар, у ҳозир қуршов азоблари, уйқусиз тунлар, дарё бўлиб оққан қонлар аламини уннитан, энди гўзал маҳбубалар баҳш этган сурур ва шароб дарёсида сузарди.

Хоқон масрурлигини кўраётган Билгахон энди боши узилмаслигига кўзи етиб бир оз тинчланған, ора-сира ҳукмдорига хушомад қилар ва шароб тұла қадаҳларни бўшатишни ҳам эсидан чиқармасди. У боши узилмаса-да, барибир жазоланишини билар, лекин энди бу жазо қаттиқ бўлмаслигини сезиб туради. Ўузхон ҳам ўзи Билгахонга беражак жазоси жазо эмас, балки Кунтантри марҳамати эканига ишонарди, шунинг учун бу марҳамат ҳақида маст-аласт базмда тап очишни ўзига эп кўрмади.

Базм узоқ вакт давом этди. Ўузхон базмдан сўнг борда бир оз сайр эттач, уйқуга ётди. Ҳа, деганда кўзига уйқу келмади. У Билгахон ўзбошимчалиги оқибатида Хан сулоласи билан вужудга келган тангликий бартараф этиш йўллари ҳақида ўйларди.

Эртасига Ўузхон ўз қарорини Билгахонга маълум қилди.

— Сен кўйган нотўри қадам Хан сулоласи билан ўртамиизда тузилган аҳднома бузилишига олиб келди.

Бу мендек хоқон ваъдасига вафо қилмади, деган гап. Иттифоқчиларимиз буни эшиггач, бизни бебурд хисоблаб, ишонмай қўйишади. Мен бунга сира тоқат қилолмайман. Энди мен Хан судоласи билан яхши қўшничилик алоқаларини тиклаш учун кўп азият чекишим керак. Сен, гумроҳ, мен Хан судоласига куёв эканлигимни ҳам ҳисобга олмагансан. — Хоқон бир муддат сукут сақлади. Билгахондан садо чиқматач, яна сўзида давом этди:

— Майли, бўлар иш бўлди. Мен жангчимаш, сен ҳам жангчисан. Шу боис гуноҳингни қон билан ювшингта бир карра имкон бераман. Улуғ Ёвчилар менинг қаттол душманим эканлигини яхши билурсан. Farb томондан уларга ҳужум қиласан, мен эсам шимоддан зарба бераман. Кунтандри мададкор, биз албатта ролиб бўлгаймиз.

— Амри фармонинг бош устига, марҳаматли хоқоним! — хитоб қилди Билгахон овози титраб. Унинг кўзларида ёш йилтиради. Бек хоқондан бунчалик марҳамат кутмаганди. Бу сухбатдан сўнг кўп ўтмай, Улуғ Ёвчиларга қарши уруш ҳаракатлари авж олиб кетди. Бу Ўғузхон ҳукмронлигига қарши исён қилган ёвчиларга қарши жазо юриши эди. Бу уруш Улуғ Ёвчилар учун ҳалокатли бўлди, улар қаттиқ мағлубиятта учрадилар, ўз юртлари Кангсуни тарк этиб, Или водийси сари йўл олиб, ўша ерни макон этдилар. Милоддан 177 йил бурун Farbga қилинган бу ролибона юришдан сўнг Ўғузхон Лулан, Уйсун хонликларини ва улар атрофидаги яна кўплаб хонликларни ўзига бўйсундирди. Лекин ҳар бир бошланган ишнинг охири бор. Шундай кун келдики, буюк саркарда, буюк хоқон Ўғузхон юришу урушлардан тамоман безди. Ёши бир жойга бориб қолган хоқон энди тинч-осуда ҳаёт кечиришни истар, шунга интиларди. Аммо улкан салтанатни валваларсиз бошқариш жуда қийин эди.

Ўғузхон ўғиллари, невараларини ёнига чорлаб, салтанат келажаги хақида режалар туза бошлади.

Ўғузхон милоддан 177 йил бурун Farbga қилган ролибона юришидан сўнг орадан бир йил ўтгач, Хан судоласи подшоси Хан Вендига мактуб ёзди. уни махсус топшириқлар бўйича элчи Шихужон орқали подшоҳга юборди. Мактуб қуйидаги мазмунда эди:



«Кунтандын тарафидан таҳтта чиқарылған Үғузхон Хан подшохининг саломатлигини эжтиром ила сүрайди. Илгари подшох олийлари мактубда қудачилик ҳақида сүз очган экан. Агар шундок зерса мен беҳад хушқол бўлардим. Аммо ҳар икки ўргада чегара можароси чиққанидан ғоят таассуфдаман. Биллахон, Гуйру сингариbekларим Хан подшоси чегара амалдорлари билан ўчакишган. Оқибатда икки давлат ҳукмдорлари ўртасида тузилган аҳднома бузилиб, қариндошлик муносабатларимизга араз тушган. Мен юборган элчи қайтмади. У ёқдан бирон элчи ҳам келмади. Хан подшоси бизга яхши қўшничилик, дўстона муносабат кўрсатмади. Мен аҳдномани бузганлиги учун ўнг қўл беки Биллахонни жазоладим. Унга одам юбориб, Фарбдан Улуг Ёвчиларга ҳужум қилишни буюрдим. Тангрининг менга кўрсатган инояти, қўмондон, жангчиларим рати, шижоати, отларимнинг кучлилиги туфайли Улуг Ёвчиларни енгдим. Баъзиларининг калласини олдим, баъзиларини тиз чўктирдим.

Лулан, Уйсун хонлиги, улар атрофидағи кўплаб хонликларни ўзимга тобе кидим. Ўқ-ёй кўтарган халқларининг ҳаммаси бир оила бўлиб бирлашди. Шимолдаги ўлкалар ҳам қўл остимга ўтди.

Мен шуни орзу қиласанки, қўшинларни уруш қилишдан тўхтатиб, ором олишга юбориб, уруш отларини яйловга қўйиб юбориб, гуноҳ-адоватларни эсдан чиқариб, аввалти аҳдномани аслига келтирсак, у чорда чегара атрофида яшаган аҳоли тинч, хотиржам, омон кун кўрса, гўдаклар хавотирсиз, ўйнаб-кулиб катта бўлса, қариганлар ғам-андухсиз яшаса, авлоддан-авлодга тинч, фаровон ўтсак яхши бўларди.

... Навкарим орқали мактуб йўлладим. Ўзингта атаб бир туға, тўрттадан от қўшилган шоҳона аравадан бир жуфт юбордим. Агар Хан подшоси бундан кейин чегараларимга келмаслигига кафолат берса, bekларимга, фуқароларимга чегарадан узоқлашишлари ҳақида фармон туширгайман».

Үғузхон мактубида калондимоғлик сезилса-да, у энди тинчлик тарафдори эканлиги кўриниб турибди. Үғузхон мактубини ўқиган Хан Венди чуқур ўйга толди. Мактубнинг мағурона руҳи уни бир оз таҳқирланган бўлса-да, у эътибор қилмади. Сабаби, Үғузхон сал-

танатининг қудрати подшога маълум, у билан ўчакишган барака топмайди.

Хан Венди ўрда амалдорларини машваратта чорлади. Ўрта амалдорлари ҳаммаси бирдек Ўғузхон билан душманлашишдан ҳеч қандай фойда чиқмаслигини эътироф этишди, қудачиликдан яхши тадбир йўқлигини айтишди. Бу маслаҳатни маъқул кўрган Хан Венди Ўғузхонга қўйидагича жавоб хати йўллади:

«Хан подшоси улут хоқон саломатлигини эҳтиром ила сўрайди. Ҳазрати олийлари элчи Шихужон орқали факирга юборган мактубларида: «Қўшинларни уруш қилишдан тўхтатиб, ором олишга чақириб, уруши отларини яйловга қўйиб юбориб, гуноҳ-адоватларни эсдан чиқариб, бурунги аҳдномани аслига келтирсак, аҳоли хотиржам кун кўрса, авлоддан-авлодга тинч, фаровон ўтсак яхши бўларди». дейилган. Мен бундан анчагина хушхол бўлдим. Бундоқ қилиш қадимги чөвларда ўтган донишманд подшоларнинг ҳам умиди зди. Давлатларимиз ўртасида илгари тузилган қариндошлик аҳдномаси бор. Аҳдномадан юз буриб, қардошлик муносабатини бузганлар доимо хоқонлик томонидан чиқди.

Маъқул кўрилса, борлик бекларга бундан кейин аҳдномага вафосизлик қиласлик тўғрисида фармони олий юборилса, фармони олий ҳурмат қилиниб, иnobатта олинса. Элчилар орқали факирга маълум бўлишича, хоқонлик қудратли, бирлашган ҳолга келиши учун фуқаро қонли урушларнинг кўп жафо, машаккатларини тортди».

Хан Венди юқорида мактубига қўшиб, Ўғузхонга асл тўнлар, олтин тўқа, кимхоб, турли-туман шоҳиатласдан иборат шоҳона совғалар юборди. Шу тахлит икки давлат ўртасида алоқалар изга тушди.

Буюк хоқонликни фақатгина қаттиқўлигу қилич кучи билан бошқариб бўлмаслигини Ўғузхон жуда яхши биларди. Бунинг учун кўпчилик қўллаб-куватлайдиган кучли миллий тоя, оқилона ва узоқни кўзлаган сиёсат ҳамиша устувор бўлмоғи даркор. Қилич ушлаган қўллари толиб қолаёттанини сезган хоқон баъзан узоқ хаёлга чўмар, ўзи тузган улут салтанат келажаги тўғрисида хаёл сурар ва ўз хаёлларидан ўзи чўчиб тушарди. Ақлли ҳукмдор сифатида у яхши идрок этардики, инсон умрининг поёни бўлгани каби ҳар бир

салтанатнинг-да ибтидо ва интиҳоси бор. Шундай экан, у тузган хоқонлик ҳам бир кун келиб инқирозга юз туттусидир... Хўш, ақл-идрок ила йўл тутилса ана шу инқирознинг оддини олип, ёки бартараф этиш мумкинми? Ўгузхоннинг бири-биридан эпчил, гўзал ва давюрак олти ўғли бор. Улар ота ишининг давомчилари бўлишлари муқаррар, бунга шубҳа йўқ. Лекин тириклик, ҳаёт қонуниятлари шафқатсиз, андаккина янгилиши, хатоликларни ҳам кечирмайди. Содик фарзандлар юрт тутишда хато қиласликлари ва янада даҳшаталиси, тож-тахт талашиб ёқа бўғишимасликларига кафолат борми? Йўқ, ҳеч қандай кафолат йўқ ва бўлиши мумкин ҳам змас! Зеро, бу ёлииз Тангри иродасига боғлиқ. Ва яна ўша ҳамма қўллаб-қувватлайдиган миллий юя устувор бўлса. Лекин ана шу юяни татбиқ этиш учун фидойилар ҳам керак. Қани, менинг ёнимда шундай фидойилар борми? — ўз-ўзига савол берарди хоқон. У сафдошларини, вазиру уламо ва фарзандларини бирма-бир кўз ўнгидан ўтказар, кунгли бир оз таскин топгандек бўлар, лекин кўп ўтмай яна миясига сон-саноқсиз саволлар кела бошларди.

У катта ўғли Кунхонни валинаҳд шаҳзода — тахт вориси деб зълон қилган, унинг келажагига ишонарди. Хоқон Кунхонни доимо ўзи билан олиб юрар, лашкарнинг ўнг қанотига бошчиллик қилиш ана шу катта ўғил зиммасида эди. Кунхон ҳам ота ишончидан сарафроз, сермулоҳаза, тадбиркор йигит эди. Отa ўғлининг кенг елкалари, пахлавон келбатига заяқланиб боқар, унда ўзининг нақирионлик йиллари шижоати, шаън-шукуҳини кўради. Жуда кўп сарой фитналарини бошдан кечириб, уларнинг жабрини ҳамон тортаётган ота ўғанини ҳам шу тавролар кутаётганини ўйлаганида жуда дилтант бўлар, шундай пайтларда у Кунхонни енига чақириб, юрт тутиш одоби ҳақида сўз очар, панд-насиҳат қиласади. Ўғил отаси ўтитларини сабр-тоқат ила тингларди.

— Ўлоним! — дерди Ўгузхон меҳри жўшиб, — сени улур ишлар кутмоқдадур. Лекин маълумингким, улур ишлар улур қурбонликларни, улур сабр-матонатни талаб қиласади. Сен шунга ҳамиша тайёр турмогинг керак!

— Мен ҳамиша тайёрман, ҳазрат ота! — таъзим бажо айларди фарзанди қобил.

— Сен нафақат тайёр, балки фидо бўлмогинг кепрак, уғлоним!

— Фидо бўлишга-да тайёрман, хоқоним! — тақрорларди Кунхон.

Ота-үрил шу тариқа узоқ сұхбатлашишар, сўнгра содик дўстлардек хайрлашардилар. Улар ҳақиқатан ҳам жуда яқин дўст эдилар.

Ўгузхон тузган салтанат сарҳадлари жуда кең, унинг хазишларида олтину жавоқирлар жуда мўл, бепоён яйловлар молу йилқига тўла, бир сўз билан айтганда, хоқонлик иқтисодиёти мустаҳкам эди. Ана шу иқтисодиётни янада мустаҳкамлаш учун эса Ўгузхон тахтини эгаллайдиган шаҳзода бағоят тадбиркор бўлиши керак. Акс ҳолда бор молу давлат кўкка совурилиши ҳам ҳеч гап эмас. Шу боис хоқон валиаҳд шаҳзодага ҳукмронликнинг мана шу нозик томонларини ҳам ўргатишга ҳаракат қиласди. Ақл-идрок, тадбиркорлик юрт тутишда катта аҳамиятта эта.

Ўгузхоннинг Эрқилхўжа деган доно ва ишбилармон вазири бор эди. Бу вазири аъзам кўп йиллардан буён хоқон билан елкама-елка туриб, ҳаётнинг барча аччиқ-чучутини тортиб келмоқда. Ўгузхон уни жуда хурмат қиласди. Эрқилхўжа жанг жадалда ҳам, базми жамишид-у тонготар зиёфатларда ҳам хоқоннинг ўтиг қўл томонида турар, бу билан унинг салтанатдаги юксак мавқеи таъкид этиларди. Шаҳзодалар тарбияси билан асосан оталиқлар шуғуллансалар-да, уларга Эрқилхўжанинг таъсири ҳам кучли эди.

Салтанат келажаги ҳақидағи хоқон ва вазири аъзам ўртасидаги хос сұхбатларда сохиби тадбир Эрқилхўжа Ўгузхонга кўп доно маслаҳатлар берарди. Унинг фикрича, оқилона сиёсат, кучли лашкар ва мустаҳкам иқтисод хоқонлик келажагини белгилайди. Бас, шундай экан, олти ўғил, олти шаҳзода ўртасида ер, сув, мол-мулк тақсимотида ғоят устомонлик зарур. Токи, ўзаро низолар мустаҳкам иқтисодиётни барбод этолмасин. Ва кичик шаҳзодалар энг катта ўғилга сўзсиз бўйсунишсин. Ўз навбатида валиаҳд отаси азиз билган барча нарсаларни у сингари азиз тута билсин, бу билан биродарларига ўрнак бўла олсин.

Ўгузхон доно вазири юз карра ҳақ эканини ҳар бир сұхбатда эътироф этар ва Кунхонга ҳам шуни уқтиради.

Салтанатни ушлаб тургувчи устуналардан яна бири — адолатдир. Ўгузхон ва Эрқилхўжа адолат устуворлиги га қаттиқ риоя этишарди ва табиийки, бу Кунхон учун ўрнак эди.

Хоқон ўрлининг, тўғрироғи, салтанатининг эртани куни ҳақида ўйлар экан, кўнглиниң туб-тубида шу нарсага иқрор бўлардики, ҳукмдор учун омад, омадлилик ҳам катта аҳамият касб этади. Ўзи ёшлик пайтида. Улур Ёвчилар саройида гаровда турганида омади юришмаса, Ражо исмли фидойи қизни учратмасди. Боз устига, у омади йигит бўлмаганида, Тангри қумликларида озгина хатога йўл қўйса, ҳалок бўларди. Шу боис ҳукмдор баҳтли юлдуз шуъласи остида туғилган бўлса, айни муддао. Зеро, улур ишлар кишидан улкан куч-қудрат талаб этади. Лекин омад аталмиш мўъжизани бирдай кўлда ушлаб туриш жуда мушкул. У жуда гўзал, инжиқ, серзарда нозанинга ўхшайди ва сендан тезда юз ўтириши мумкин. Омад сендан юз ўтириди, тамом, тақдири илоҳий оддида бир ўйинчоқ бўлиб қоласан. Ўгузхон икки дарё оралиғида итбороқлар қуршовида ўтказтан таҳликали кунларни эслади. Ҳа, ўшандা омад хоқондан юз ўтирганида, буюк салтанат инқирозга юз тутган бўлур эди. Маглуб хоқонни нималар кутиши эса кундай равшан.

Ўгузхон омад қуши ҳақида фалсафий мушоҳада юритар экан, бир нарсани тан олмай иложи йўқ эди. Омад — факат кучлиларгагина кулиб боқади. Бу ҳаётнинг оддий, лекин шафқатсиз ҳақиқати. Заифларни ҳаёт уммонининг тўлқинлари бир ҳасдек оқизиб кетади. Кучсиз, иродасиз киши тақдири илоҳий зарбаларига дош беролмайди.

Ўгузхон Кунхонни валиаҳд этиб тайинлагач, уни зидан кузатиб юрди. Қани, болалақир ўз бошига кўнган баҳт қушига қандай муносабатда бўлади? Марурланадими ёинки бунга эртами-кечми содир бўлиши мумкин бўлган бир воқеа деб қарайдими?

Албатта, Кунхон отасининг қароридан жуда хурсанд бўлди, лекин талтайиб кетмади. Буни англаган Ўгузхон ўзи қабул қиласан қарор тўғрилигига амин бўлди.

Жуда кўп воқеа-ҳодисалар хоқонга ҳаётининг олтин кузи ўтиб, қаҳратон қиши қилич яланроchlаб кела-

еттанини эслатиб турар, лекин у ҳамон мард-ўқтам, кўнгли шавқ-завқ, муҳаббатта лиммо-лим эди. У ҳис-сиётларига эрк берган пайтларда ҳарамига дунёning турли мамлакатларидан келтирилган гўзал қанизаклар билан сұхбат қиласар, лекин ҳамон боғон қизи Ражони унуголмасди. Ҳа, Ражо унинг илк севгиси эди ва хоқон бу муҳаббатни ҳар доим юрагида аллақандай аламли бир оғриқ билан зсларди. Қанчадан-қанча одамларга меҳр-муруваттан кўрсаттан ҳукмдор ўз ҳалоскорига яхшилик қилолмагани, унинг хунига зомин бўлганидан беҳад изтироб чекарди. «Қани энди, югурик вақтни ортта қайтариш имкони бўлса-ю, Ражони топсан, унинг оёғига бош қўйсам, зар-у зеварга ўрасам...»

Хоқон юрагидаги яна бир аламли оғриқ — отаси билан бўлган биринчи ва сўнгги жанг эди. Ҳа, бу Ўғузхон учун биринчи, отаси учун эса сўнгти жанг эди. Отаси кўксига қадалган ёй ўқи энди орадан шунча йиллар ўтиб ўғил юрагини ўртамоқда эди. У ҳозир ўзи ота ва бобо бўлгач, ота ва фарзандлар муносабати тўғрисида кўп ўйларди. У фикран ўзини отаси ўрнига кўйиб кўрар, лекин бу ҳам юрак изтиробларига барҳам беролмасди. «Начора, отам ҳукмдор эди. Ҳукмдорлар ҳаёти эса кўпгина ҳолларда гаровга тикилган бўлади, — ҳаёл дарёсида сузишда давом этарди хоқон. — Мана, энди ўзим хоқонман. Ҳаётнинг гул фасли ёз тунидаги ширин уйқудек ўтди-ю кетди. Мен ўзим қандай ўлим топаман, бу — Кунтандридан ўзгага маълум эмас.»

Оламда ҳеч бир олишув киши ўзи билан ўзи олиштанчалик қийин кечмаса керак. Ўғузхон ўзи билан ўзи олишаётган оғир кезларда ҳамон гўзал ва оқила Нинг унинг кўнглига таскин бера оларди. У ўзининг кучли мантиқда бўйсундирилган мулоҳазалари билан хоқон юрагидаги шубҳаларни тарқатиб юборарди.

— Хоқоним, — дерди оқила хотин хуш такаллуф ила, — сен дунёда энг баҳтли ҳукмдорсан, бунга шакшубҳа йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас! Сенинг олти паҳлавон ўғлинг, йигирмата неварант бор. Ҳўш, энди ўзинг ўйлаб қара, яна қайси подшоҳнинг шунча зурриёди бор? Ҳеч қайсисининг! Бас, шундай экан, сенинг ишинг доимо бардавом бўлгай!

Ўғузхон вафодор хотинининг кўзларига меҳр билан боқар, кўнглида қониқиш ҳисси пайдо бўларди.

Шундан сўнг ҳукмдор яна давлат ишларига шўниб кетар, тинч-осуда кунлар бир-бирини қувиб ўтаверади.

Ёмғирли тонг. Сирли дарвиш ҳикояси

Эрта тонгда бошланган ёмғир хоқон борини ҳафсала билан ювар, дов-дараҳтлар чўмилаёттан соҳибжамол янглиғ ороланар, барглар учидаги билур томчилар киприқдаги кўз ёшлиаридан дириллаб туради.

Ўгузхон кўшкнинг очиқ айвонида айиқ териси ёпинтирилган юмшоқ оромкурсида ястаниб, ёмғир шивирига қулоқ тутар, кўнгли гард-ғубордан фориғ бўлиб бораради. Ўгузхон жангут жадал одами бўлса-да, юраги шоир юраги эди. У табиат, табиат ҳодисаларини жуда яхши кўрар, ҳозиргидек ёмғир шивирига соатлаб қулоқ тутиб ўтириши мумкин эди. «Ёмғир, эҳтимол самонинг кўз ёшлиари!» — сон-саноқсиз томчилардан кўз узмай хаёл сурарди хоқон. Бундай пайтларда уни безовта қилишга ҳеч кимнинг ҳадди сигмасди. Лекин бугал қоидадан бир оз чекинишга тўғри келди. Эшик ораси соҳибхабар киришга изн сўраётганини билдириди. Хоқон норози қимиrlади-ю, лекин рухсат берди. Соҳибхабар уни бекорга безовта қилимайди.

Соҳибхабар хоқонга таъзим эттач, сўз бошлади:

— Пойтахтда бир сирли дарвиш пайдо бўлган эди. Хуфиялар уни бир неча кун кузатдилар, айрим қилиқлари бизга шубҳали туюлгани учун ҳибс отдик. Шахсан ўзим сўроқ этдим. Лекин у нобакор: «Мен улур хоқондан бўлак ҳеч ким билан сўзлашмайман!», деб туриб олмиш. Бунда бир сир бормикан, дея ҳузури муборакингга келиб, сени безовта қилишга журъат этдим. Дарвиш билағ ўзинг рўбарў бўлсанг...

Хоқон соҳибхабарга бир сўз ҳам демай, «Маъқул» ишорасини қилди.

Кўп ўтмай хос соқчилар қўл-оёғи кишанбанд этилган, соchlари қордай оппоқ дарвишни бошлаб киришди.

Дарвишни бир муддат сўзсиз кузаттап Ўгузхон унинг нуроний чеҳрасига маҳлиё бўлиб қолди. Дарвишнинг ёши саксондан ошган бўлса-да, қомати тик, нигоҳлари ўткир, самимий эди. Ажинлар чуқур из

қолдирған юзини илохий бир нур ёритиб турарди.

Дарвиш кишанларини шилдиратиб, таъзим қилди:

— Мартабанг бундан-да зиёда бўлгай, улуғ хоқон!

— Умринг зиёда бўлгай, дарвиш! — деди унга жавобан ҳукмдор.

Унинг ишораси билан дарвишни кишандан озод этишди. Дарвиш қўлларидағи кишан изларига бепарво назар ташлади.

— Мулозимларинг гумроҳ, ожиз бандалардур! Кунтангри озод яраттан инсонни ҳеч бир кимса банди этолмагай! Аччик сўзларим учун афу эттайсан, улуғ хоқон!

Дарвишнинг ўзига ишонч ва хотиржамлик билан айтган сўзлари хоқонга таъсир қилди. У мулозимларидан ўзларини ёлриз қолдиришни сўради. Ҳамма чиқиб кетди. Хоқон ва дарвиш бир-бирларига тикилиб, жим қолдилар. Сўнгра Ўгузхон кутилмаган меҳмонига сўз қотди:

— Сени қайлардан сўрайин, дарвиш? Менда не юмушинг бор?

— Кунтангри иродаси ила бир умр жаҳон кезган бандадурман. Дарвища ватан на қилсин? Мен Бутун Дунё Фуқаросидурман. Сендаги юмушим шуки, етти иқдимни кезиб, қаламравингдаги кўп юртларни кўрдим, фуқароларинг нон-тузидан баҳраманд бўлдим, кўпдан-кўп таърифингни эшилдим. Сени дунёда энг одил, ақлли ҳукмдор дейишиди ва ўзинг ила ҳаёт мазмуни, фалсафаси ҳакида андак баҳслашгим келди. Пойтахтингта келганимдан сўнг уч кун ўттак, мени зинданбанд этдилар. Навкарларинг мен Озод Рух одами эканимни, мени сира банди этиш мумкин эмаслигини билмасдилар. Менинг Озодлиқдан бўлак ҳеч вақоим йўқ, ахир! Бор-будим эгнимдаги ана шу жулдур кийимларим-у, кўрган кечиргандарим. Кўрган-кечиргандарим эса катта бойлик. Агар эшишишга тоқатинг етса, хизматингдаман, улуғ хоқон! — дарвиш яна таъзим қилди.

Ёмғир ҳамон эзib ёқар, бу дилдан сұхбат қилишга мойиллик туғдирарди.

— Қулогим сенда, дарвиш, — деди Ўгузхон меҳмонини ўтиришта таклиф этаркан.

Дарвиш чуқур тин олиб, миннатдорчилик изҳор этди-да, ҳикоясини бошлади:



— Эй улут хоқон! Мен жуда бадавлат кишининг ўғли эдим. Отамнинг минг-минглаб қўй-йилқилари, серўт яйловлари, хуллас, ҳад-ҳисобсиз мол-мулки бор эди. У вафот эттач, ака-укаларим, отамнинг хотинлари унинг мол-мулкига худди оч қашқир ўлжага ташлангандек ташландилар. Кўп ўтмай мол-дунё бир ёқда қолиб, ўзаро ёқа бўғишга киришдилар. Улар наинки ёқа бўтиш, балки бир-бирларининг кекирдагини узишга тайёр эдилар. Бу ҳол мени ларзага содди, кўзларимдан уйқуни олди. Дильтанг, дилгир юрган кунларимнинг бирида, кўк юзини булат қоплаб, момоқаъдироқ гумбурлади, яшин чақнаб худди ҳозиргилик ёмирир қуя бошлади. Худди шу аснода яшин-чақинлар аро гулдиракдек бир товуш зшлилди: «Ҳой ўғлон, сен нафс бандалари макон туттан ерни тезда тарқ эт! Йўқса, сен-да алар сингари нафс ботқогига ботиб, ҳалок бўлгайсан! Сен озод инсонсан, ҳирсу ҳавасдан озод одамсан. Сен дунё кезишга, ғофил бандаларнинг кўзини очишга, уларга баҳт улашишга маҳкумсан! Сенинг кўнглинг фақаттина менинг ишқим-ла лиммо-лимдур!»

Мен аввалига жуда қўрқиб кетдим. Сўнгра оиласизнинг эски дўсти қари шомон билан маслаҳатлашгач, гап нимадалигини англадим. Кекса шомон гапни чўзиб ўтирумади.

— Бу Кунтандри ваҳийси, тақдирни илоҳийнинг сенга марҳамати, бўтам! Бахтингни қўлдан берма, Тандри сенга ёр бўлгай!

Ўшанда авжи кучга тўлган, 20 яшар йигит эдим. Эртасига тонг қоронгисида пойи-пиёда йўлга чиқдим. Мана, ўшанга ҳам роппа-роса олтмиш йил бўлибди... Дарвиш бир оз тин олиб, косадаги қимиздан ҳўпла-ди-ю, ҳикоясини давом эттириди.

Шу йиллар давомида инсон даҳосининг тубанлашуви мумкинлигини ҳам ўз кўзим билан қўрдим, кулагим билан эшитдим, қабиҳликлар-у қабоҳатни ўз таним, ўз тақдиримда кўрдим. Ва амин бўлдимки, бу дунёни дунда энг баҳти, бадавлат одам мен сингари ҳеч вақоси бўлмаган кишидир. Ҳа, худди шундай! Ажабланма, улут хоқон, ҳаётнинг аччиқ сабоқлари шундай дейди.

Мана, менинг уст бошимда ўзимники, танамдаги ширин жон эса Кунтандри ихтиёрида. Тамом, менинг

бошқа мажбуриятим йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Шу туфайли мен энг бой-бадавлат ва озод одамман! Ҳа, дунёниг жамики неъматидан ҳам, иллатидан ҳам озоддурман! Етти иқлим менинг қаламравимдадур! — дарвиш илжом ила жўшиб гапирав, у айтаётган фикрларнинг айримлари хоқон учун унчалик мақбул бўлмас-да, сўйлагувчининг ширали овозидаги ажиб оҳанг тингловчини ром этмоқда эди. Дарвиш овози инсон руҳиятига қаңдай таъсир қилишини яхши билар ва хоқонни секин-аста баҳс-мунозара га ҳозирларди.

— Улуғ хоқон! Сен мени телба деб ўйлама, гапларим маргини чақишга ҳаракат қил. Менинг бу дунёда ҳеч илинжим йўқ ва шу сабаб фақат тўғри сўзни сўзлакайман. Сен эса бу дунё ҳою-ҳавасларига боғланниб қолгансан ва тўғри сўзни ҳамма вақт ҳам айта олмассан! — дарвиш шу сўзларни айтар экан, хоқонга синчков разм солди. Авзори ҳали ўзгарганича йўқ. Демак, тўғри сўзни ҳазм эта олса керак. Дарвиш аччиқ сўзлар салмолини ошира бошлади:

— Сен, улуғ хоқон, ўзинг тузган буюк салтанатнинг буюк қурбонисан! Ҳа, сен ўз салтанатнинг қулисан, қурбонисан!

Ўғузхон ҳам ўз навбатида дарвишнинг сўзлари қанчалар самимий эканини синаш учун унинг кўзларига тик боқиб, шундай деди:

— Ҳой, дунё кезган дарвиш, шу гапларинг учун бошинг кундага қўйилишидан қўрқмайсанми? Ахир, менинг бир ишорам кифоя-ку!

— Эҳ, улуғ хоқон, наҳот тушунмайсан, мен айтдим-ку, ширин жонимнинг олиш-олинмаслиги фақатгина Кунтандри иродасига борлиқ. Сен-да мен сингари ожиз баңдасан, Тандри иродасига қарши боролмайсан.

Хоқон яна кутимаган меҳмонининг кўзларига тикилди. Бу кўзларда қўрқув эмас, хотиржамлик аломатлари зоҳир эди.

— Офарин, дарвиш! Сен нафақат танантда, балки руҳингда ҳам қўрқув аталмиш кулни маҳв этмишсан! Мен довюрак одамларни хуш кўрадурман! Давом эт, жон қулогим бирла тинглайман.

Дарвиш энди ўзи учун хатар йўқлигига ишонч ҳосил қилганди. У ҳикоясини давом эттирди:



— Кунтантри марҳамати ила умр басар этадурғон ҳар бир ожиз банда ёруғ дунёда ўзига ўшаш бир неча мавжудот яратади. Ва билмайдики, вақт-соати келиб, шу мавжудотлар қандайдир маънода ўзларини яратувчининг ҳаётига зомин бўладилар, фалсафий тилда айтадиган бўлсак, уни инкор этадурлар. Ахир, ҳаётнинг бу шафқатсиз қонуниятиниadolatли деб бўлурми? Йўқ, асло! Бу бир қарагандаadolatсизлик бўлиб туолади. Лекин аслида агар шу қонуният бўлмас экан, ҳаёт давомийлиги бўлмайди. Ўзинг ўйлаб кўр, дунёда энг буок,adolatли инсон бўлмиш дехқон ерга уруғ сочар экан, ззгулик уруғларини сочади. Ернинг илиқ сийнасига тушган уруғ, куни келиб ниш уради, яъни дон бағридан униб чиқдан ям-яшил майса чириб бораётган донни инкор этади. Кўраяпсанми, шу биргина мисолда қанчаликadolatсизлик ва бир вақтнинг ўзида олий бир ҳақиқат яшириндур! Хўш, сен, етти иқлим ҳукмдори, шу қонуниятни инкор этаолармисан? Йўқ! Ҳеч қачон! Ҳаёт қонуниятлари кимгadir бўйсунганида, тобе бўлганида Ер юзида тириклик мавжуд бўлиши даргумон эди.

Дарвиш қаршисида турган улур ҳукмдорни ҳам унуби, жўшиб сўзлар, Ўғузхон унинг пурмаъно сўзлари нақадар тўғрилигини ўйлаб, даҳшатта тушар, лекин буни сиртига чиқармасликка ҳаракат қиласди. Дарвиш ҳам ўзининг шафқатсиз фалсафаси билан хоқон юрагига ғулгула согланини яхши биларди. У Ўғузхон ва отаси ўртасидаги тож-такт талашишлари, унинг оқибатларидан яхши хабардор эди. Ҳар икки сухбатдош энди гап-сўзсиз ҳам бир-бирларини яхши тушуна бошлаган эдилар. Дарвишнинг ёдига бир воқеа тушди. Ўшанда у эндинини дунё кеза бошлаганди. Бу воқеа уни жуда ларзага соглан ва кейинги ҳаётига катта таъсир ўтказганди. Ҳозир шу воқеани хоқонга сўзлаб бермоқчи бўлди.

— Улуғ хоқон, — деди у салмоқлаб, — дунёнинг жамики неъмати битта ҳақиқий дўст ўрнини босолмайди, деган нақлга қандай қарайсан?

Хоқон ҳеч ўйлаб ўтирумай, саволга савол билан жавоб қайтарди:

— Жуда яхши қарайдурман. Лекин қани ўша ҳақиқий дўст?..

— Офарин, улуг хоқон! Бундай дүстни топиш жуда мушкул. Лекин мен узундан-узок ҳәётим мобайнида шундай ҳақиқий дүстни күриш бахтига мұяссар бўлдим. Лекин афсус, у менинг дүстим эмас, бирор нинг вафодор дўсти эди. Агар бардошинг тутамаган бўлса, шу ҳақда сўзласам.

— Сўйлайвер, дарвиш, сени тинглаш мен учун жуда мароқли! — деди хоқон.

Дарвиш навбатдаги ҳикоясини бошлиди:

— Ҳали жуда еш эдим. Ҳинд мамлакатини кезиб юрардим. Ўшанда бу мамлакатда вабо тарқаган, шаҳар-қишлоқлар ҳувиллаб қолган, ҳар ер-ҳар ерда қалашиб ёттан мурдалар киши юрагига беҳад вахм соларди.

Дарё соҳилидаги мўъжазгина бир қишлоққа кириб борганимда, чошгоҳ маҳали эди. Кимсасиз қишлоқ кўчаларини узок кездим. Бирор тирик жон йўқ, ҳатто ит, мушук сингари жониворлар ҳам кўринмас эди. Ҳароб бир кулба ёнидан ўтар эканман, заиф бир товуш дикқатимни тортди. «Хайрият, тирик жон бор зкан-ку!» дея ҳовлига кирдим. Қамиш айвон тагида 17—18 ёшлар чамасидаги ўспирин мук тушиб ўтирас, унинг қаршисидағи увадалар тагидан инграган товуш зшитиларди. Ўспирин мени кўргач, ўринидан туриб салом берди. Унинг лаблари тарам-тарам ёрилган, эти устихонига ёлишган, дир-дир титрарди. Афтидан, унга ҳам ўлат текканди.

— Ҳамма қишлоқни тарқ этибди, сен нега кетмадинг? Бу инграёттан ким, аканг ёки укангми?

Йигитча бошини сарак-сарак қилди.

— Йўқ. Бу менинг дўстим. Уни ташлаб кетолмадим.

Бошимга бирор гурзи билан ургандек бўлди. Мен ахир, нафс бандалари бўлмиш ака-укаларим жабридан қочиб дунё кезишга чоғланган одам эдим. Касал, қалтираб турган бу йигитча эса дўстини деб тангри қарғаган қишлоқда қолиб, ўзини муқаррар ўлимга маҳкум этибди! Эй марҳаматли Кунтандри, — хитоб қилдим мен, — сен агар инсон юрагига меҳр ато этар бўлсанг, унинг адоси, чеки-чегараси бўлмагай!

Мен дунё кезиб, одаму одамгарчилик маъносини энди англай бошлагандим. Қишлоқда қолиб, ўша икки дўстни даволашга ҳаракат қилдим. Лекин ожиз банда,

қўлимдан ҳеч нима келмади. Икки дўст бир-бирлари-га термулганларича бирин-кетин вафот этишди. Уларни кўмиб, қабрлари тепасида аччиқ-аччиқ кўз ёши тўқдим. Улуғ ҳоқон, шуни афсус ила қайд этаманки, шундан сўнг узоқ умрим мобайнида бундайин садоқатли дўстларни ҳам, бундайин дўстликни ҳам кўришга мусассар бўлмадим. Хўш, айтчи, сенинг садоқатли дўстинг борми?

Ўгузхон бу саволга қандай жавоб беришни билмай, узоқ ўйланди. Яхши дўстларини бирма-бир кўз ўнгидан ўтказди. Энг аввало Йитик ва Қатилхонни эслади. Ҳа, улар фидойи дўст эдилар. Лекин ҳоқон жавоб қайтаришга шошилмасди. Дўсти учун қурбон бўлган йигит воқеаси унинг қалбини ларзага солганди. Шу аснода яна ёдига Ражо келди. Борбон қизи ҳам ажо-йиб дўст эди. У ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, уни қутқазишга муваффақ бўлди. Агар ўшаңда у Улуғ Ёвчилар саройида озгина ушланиб қолганида, боши сапчадек узиларди ва ҳозирги салтанат, тожу таҳт, мартаба йўқ эди. Шуларни хаёлидан ўтказган ҳоқов дарвишга жавоб қилди:

— Ҳа, Ражо исмли содик дўстим бор эди. Лекин афсус, мен унга муносиб бўлолмадим. У мени тутқунлиқдан озод эттан ҳалоскорим эди. Мен унинг яхшилигига жавоб қайтаролмадим. Шу армон мени ҳалихануз қийноққа соладур.

Яна орага жимлик чўқди. Дарвиш ўзи билиб-бilmай ҳоқоннинг кўп йиллик қалб ярасини тирнаб қўйганди. Сирасини айтганда, Ражо қалб яраси эмас, балки ҳоқоннинг бир умрлик армони эди.

Зукко дарвиш Ражо номини эшиттач, сұхбатни муҳаббат мавзуига буришта имкон туғилганидан мамнун бўлиб, ҳоқоннинг ғамгин чехрасини бир муддат кузаттач, ўзининг узундан-узоқ ҳикоясини давом этиришга қарор қилди. Күёш тикка келиб қолганди, лекин мулоғимлар ҳоқон ва дарвиш сұхбатини бузишга журъат этишолмас, улар ўз ҳукмдорлари ёмғир ёғаётган кезлар хаёлчан, сұхбатга мойил бўлиб қолишини яхши билардилар. Дарвишнинг қизиқарли сұхбати эса давом этарди:

— Улуғ ҳоқон, гарчанд, мени бу фоний дунёга қаттиқ боғлайдиган нимарсалар йўқ эса-да, қалбим ар-

монларга тўлиқдир. Ҳа, мен дунё ҳою ҳавасига берилмаган бўлсам-да, юрагимни армондан холи қиломадим. Ирода кучи бирла муҳаббатни маҳв этаолдим, лекин юрагимдан у қодирган ғамнок изни йўқотишнинг сира имкони бўлмади.

Хоқоннинг чехраси ҳамон ғамгин эса-да, кўнгли еришмоқда эди. Зоро, муҳаббат шундайин улуғ бир кучки, унинг изи, ҳатто армони ҳам юракка ойдинлик олиб кириши мумкин экан. Хоқон Ражо ҳақида юракни ёндирувчи бир армон ила ўйлар экан, кўнглининг зинг олис, зулумот бурчаклари ҳам секин-аста ёришиб борарди. Ражо армони — бу эришилмаган орзу, баҳтсиз орзу, баҳтсиз муҳаббат бўлса-да, тама, илинжисиз туйғу эди ва шу боис кўнгилга ёрут ҳислар олиб киради.

Ўғузхон дарвишнинг Хонтангри қорлари янглиғ оппоқ соқоли, нуроний чехрасига меҳр билан боқиб, хитоб қилди:

— Эй дарвиш, юрагимга оғриқ олиб кирдинг, лекин бу оғриқ қалбимни янгилагандек бўлди! Бундок ўйлаб қарасак, сен билан мен бир-бири миздан жуда йироқ одамлармиз. Мен — етти иқлим ҳукмдори, сонсаноқсиз бойликлар згаси. Сен — этнидаги кийимидан бўлак ҳеч вақоси бўлмаган, ўз сўзинг билан айтганда, дунё ҳою ҳавасига берилмаган инсон. Лекин бу сиртдан шундай. Аслидачи? Аслида сен ҳам, мен ҳам бир одаммиз. Бизни бирлаштирадиган нимарса армонидур! Мен кўнгил кўчаларига юрдим, нимани истасам, ўшанга эришдим. Лекин барибир армоним бор, армон қулидурман. Сен ҳамма нарсадан мосувосан, шунга қарамай, кўнглингни ҳамон армон кемиради. Энди, сену менинг баҳсимизда ким ҳақ эканини Кунтангридан бошқа ҳеч ким ажрим қиломагай! — Ўғузхон ушбу сўзлари ила дарвишни мот этдим, дегандай унга ғолибона назар ташлади. Зоро, у, бир умр ғолиб бўлиб келган инсон, буни табиий бир ҳол деб ҳисоблар, тўё ғолиблик унинг қисмати эди. Ҳолбуки, бу фикр ғалат эди ва буни дарвиш яхши биларди. Шу боис дарвиш мийигида қулди, бошини сарак-сарак қилди. У мағлуб одамга ўхшамасди. Дарвиш тантанавор оҳангда шундай деди:

— Фикринг ғалат, улур хоқон! Агар рухсат этсанг, мен буни исботглайман!

— Рухсат, дарвиш, сўз уммонида сен жуда яхши сузувицайдурсан!

Лекин кекса, кўпни кўрган дарвиш сўз уммонида ҳар қанча яхши сузгувчи бўлмасин, ақлли одамлар баҳс-мунозара га берилиб кетишлари яхши эмаслиги ни тушунарди. Шу боис одоб доираларидан чиқмай, ўз фикрини илгари суришга ҳаракат қилди.

— Ҳа, — деди у. — армон иккимизни бирлаштирадур. Лекин ана шу армон туфайли иккимиз бир-бirimizdan фарқ этадурмиз. Сабаби — менинг армонларим ойдин, тамасиз армонлар. Сенинг армонларинг — деярли барча орзу-умидлари рўёбга чиққан, етти иқдимни қаламравига олган одамнинг армонлари дири ва сирасини айтганда, уларни армон ҳам деб бўлмас.

Дарвишнинг бу сўзлари хоқоннинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Лекин у тишини тишига қўйиб чидади. Кўнглида: «Эй Кунтангри! Менга ҳатто армонни ҳам раво кўрмасалар-а!» дея хитоб эттан бўлса-да, буни сиртига чиқармади.

Дарвиш сўзлари хоқонни чақиб олаёттанини тушуниб турарди. Лекин кўнглида ўзини ҳақ ҳисобларди. Тўғри-да, ахир бутун умри роҳат-фароғатда ўтган хоқон ва қашшоқ дарвиш армонлари шаклан бир хил бўлса-да, мазмунан бошқа-бошқа нарсадир. Ахир, хоқон минглаб гўзаллар марҳаматига сазовор бўлган, бечора дарвиш эса эътиқод дея ёлиз суюклиси висолига етолмаган, тўғрироғи, унинг васлини ўзи инкор этган.

Бу ўринда ҳар икки баҳслашувчига эътиroz билдирмаган ҳолда шуни эътироф этиш жоиздирки, армон ойдин бўладими, қора бўладими, бу барибир армондир ва у ҳар икки ҳолатда ҳам юракни ўртайди.

Дарвишнинг сўзлари фақатгина хоқонни ўртамаётганди. Армон ҳақида фалсафий фикр юритар экан, дарвишнинг чап кўкси жизиллаб турарди.

У овозида ададсиз бир андуҳ билан навбатдаги хикоясини бошлади:

— Ўшанда 35 ёшда эдим. 15 йилдирки, дунё кезардим ва тақдир тақозоси ила Улур уммон соҳилида

балиқчилик ва овчилик билан кун кечирадиган уруғ
қўналрасида меҳмонда эдим.

Бу уруғ одамлари жуда бақувват, жасур, ёш боладек содда ва қувноқ эдилар. Табиат қўйнида эмин-эркин яшаш ва тирикчилик учун ҳар куни у билан баҳсга киришиш уларда эпчиллик, мардлик ва довюраклик хусусиятларини тарбияларди. Бу уруғ аёллари ҳам жуда гўзал бўлиш билан бирга, кучли, эпчил эдилар. Мен бу ажойиб одамларни яхши кўриб қолдим-у. Улур уммон соҳилида бир муддат қолиб кетдим. Уларнинг жуда оддий ҳаёт тарзи мени мафтун этганди.

Мен эрта тонгда туриб, уфқда тикилганимча қуёш чиқишини томоша қиласдим. Улур уммоннинг ўркач-ўркач тўлқинлари қуёш нурларидан алвон рангга бўялар, оппоқ чағалайлар сувга тўш уриб учишар, соҳил ажабтовур оҳангларга тўларди. Олис-олисларда балиқчиларнинг улуғвор қўшиғи бўрондек гувилларди. Бу қўшиқ бир умр Улур уммон билан курашиб чарчамаган мард ва матонатли кишилар қўшири зди. Балиқчилар ризқ-рўз учун улур ва қудратли сув уммони билан кун сайин баҳсга киришар, бу баҳсда дам гала-ба қилар, дам маълубият аламини чекардилар. Улур уммон вақт-вақти билан балиқчиларнинг кимсасиз қайирини қирвоқда чиқариб ташлар, шунда уруғ мотам либосини киярди. Лекин яна зартасигаёқ балиқчилар ўзларини Улур уммон тўлқинларига урадилар. Ҳаёт конуниятлари ана шундай шафқатсиз зди.

Табиатнинг ана шу гўзал гўшасида илк бора юрагимга ишқ меҳмон бўлди. Бу муҳаббатнинг пайдо бўлганини ўзимдан бўлак ҳеч ким билмасди. Ҳатто ўша, мен шайдо бўлган қизнинг ўзи ҳам билмасди. Эҳтимол, қиз кўз қарашларимдан нимадир сезган бўлиши мумкин. Лекин мен изҳори ишқ этмадим. Мен, дунё кезишини ихтиёр эттан инсон, муҳаббатдек буюк туйгу масъулиятини зиммамга оло ламасдим. Шундай гўзал қизни дарбадар ҳаётимга шерик қилишни истамасдим. Дарвоқе, қиз мени севадими, йўқми, буни ҳам билмасдим.

Шу тахлит бутун вужудимни кўйдираётган илк муҳаббатимни қалбим қаърига кўмдим-да, қўналгани ҳеч

кимга билдирмай тарк этдим. Мени шунчалар хурматлаб, меҳмондўстлик кўрсатган жамоа билан ҳатто хайрлашолмадим. Гап хайр-хўшга тақалса, иродасизлик қилиб, шу ерда қолиб кетаман, деб қўрқдим.

Ахир, мен нафақат ўша қизни, балки бутун жамоани, Улур уммон соҳилидаги тонготару кунботарларни севиб ултурғандим. Ана шу севги мени яна мол-дунёга, ҳирсу ҳавасга боғлаб қўйишидан чўчишим. Зоро, кўнгилнинг ҳали-ҳамон биз билмаган қоронги кўчала-ри кўпdir ва инсон ўзи билмаган ҳолда кўнгил қулига айлангусидир!..

Орага оғир сукунат чўқди ва шу тариқа хоқон ва дарвиш мунозараси якун топди.

Ўрузхон ўзининг кутилмаган меҳмонига катта иззат-икром кўрсатди. Орадан бир неча кун ўтиб, у билан яна ҳамсұҳбат бўлиш истагини изҳор этди. Лекин мулоғимлар бу сирли дарвишнинг ўзи тутул, ҳатто изини ҳам тополмадилар. Хоқон юрагига гулгула со-лувчи, аксарият жавобсиз саволларни ўртага ташлаган дарвиш сирли тарзда ғойиб бўлганди. Энди Ўрузхон ўзи ёлғиз қолган дилгир оқшомларда дарвиш ила ғойи-бона сұҳбат қуарди.

Нажот фариштаси. Тазарру

Одатда, ҳаётининг олтин кузи ўтиб, қиши мавсумига қадам қўйган инсонлар фалсафий фикрлашга, мушоҳадага мойил бўлиб қоладилар. Интиҳо яқинлиги, ҳаёт қонуниятларининг ўта шафқатсизлиги шунга ундаса, не ажаб? Ўрузхон ҳам бундан мустасно эмасди. Ва айниқса, ўша, сирли дарвиш билан бўлган сұҳбатдан сўнг унинг кўнглида ҳаётдаги ўз ўрни тўғрисида шубҳа-гумонлар янада кўпайиб кеттанди.

Хоқон ўтиллари, невараларининг оналари билан муносабатларини кўриб, уларга ҳавас қиласди. Онадан жуда эрта ажралиб, унинг меҳрига қонмаган Ўрузхон ўзи неваралик бўлганида ҳам онасини тез-тез қўмсади.

Шаҳзодалар асосан оталиқ ва знагалар тарбиясида эдилар. Ўрузхон онаси билан кам учрашса-да, уни бе-

ҳад яхши кўрарди. Онаси жуда кўҳлик аёл эди. Лекин у жуда камтар, камсуқум бўлганидан, хоқон Туманнинг бошқа хотинларидан кескин фарқ қиласди ва улар билан унчалик чиқишмасди.

Хоқон Туман голибона юришларининг биридан қайтганидан сўнг, орадан уч кун ўттач, Ўзузхоннинг онаси саройдан сирли тарзда тойиб бўлди. Буни бирор билди, бирор билмади. Билганлар-да хоқон ғазабидан қўрқиб, лом-мим демадилар. Ўшанда Ботур номида бўлган Ўзузхон етти ёшда эди. Ўша тонг иссиқ езниңг бошқа тонгларидан сира фарқ қиласди, лекин у ўзи-нинг аллақандай дилгир ва мотамсаролиги билан бола хотирасида қолди.

Энага уни негадир барвақт уйроғди. Янги, оҳорли кийимларини кийдирди. Икковлон бафуржга нонушта қилдилар. Энага жуда юмгин эди, кўзларини шаҳзо-дадан яширади. Сўнгра у бирдан пиқиллаб йирлаб юборди. Елкалари силкиниб-силкиниб, жуда гариб, но-тавон одамларга ўхшаб йирлади. Энагасини жуда яхши кўрадиган шаҳзода ҳайрон, уни қандай юпатишни бил-масди. Энага эса ўзининг ҳозирги хатти-ҳаракатлари хоқон Туман қулогига етса, боши танасидан жудо бўли-шини билса-да, ўзини тўхтатолмас, кун бўлиб йирлар-ди.

— Йирла, сен ҳам йирла, болам, енгил тортасан, — деди энага шаҳзодани бағрига босиб. — Йирла, бўлма-са юрагингда бир умрлик армон бўлади!..

Шаҳзода энага нега бундай деяпти, нега хун бўлиб йирлаяпти, сира тушунолмасди. Энагасига раҳми кел-ганидан йирламоқчи бўларди-ю, лекин йирлаёлмасди. Охири, энага ҳаётини беҳад хавф остига қўйиб бўлса-да ёриди:

— Болам, сен бугун йирлашинг керак! Сен бугун ўзингнинг энг меҳрибон одаминг ила видолашасан. Ўша меҳрибонинг бугун жуда олис сафарга чиқмиш. Бу сафардан у қачон қайтишини Кунтангридан ўзга ҳеч ким билолмайдур, қўзичогим! — деди энага шашқатор ёшларини енги билан артар экан.

Боланинг мургак қалби қандайдир ёмон бир нар-санни туйди. Лекин у меҳрибон кишиси-ла видола-шиш — ўлим эканини қайдан билсин?

Шаҳзода зиңга хун бўлиб йиглаган ўша машъум тонгда онаизоридан жудо бўлганини орадан кўп йиллар ўтиб, эр етгачгина англади.

Шундан сўнг у қачонки оғир, умидсиз вазиятта тушиб қолса, кўз ўнгида онаси сиймосини гавдалантирас ва шу туфайли қандайдир мўъжиза юз бериб, у мушкул аҳволдан қутулиб кетарди.

Шаҳзода Улур Ёвчилар саройидан қочиб, Тангри қумликлари сари йўл соганида худди шундай бўлди. Ҳали чексиз қум уммонининг охири кўринимас, шаҳзоданинг оти ҳолдан тойган, ўзининг эса ташналиқдан тили танглайита ёпишганди. Ана шунда у энг аввало Кунтангрига илтижо қилди. Худди шу аснода кўз ўнгида онасининг мастьум чеҳраси намоён бўлди. «Она, она жон, ёрдам бер! Акс ҳолда мен ҳалок бўлгайман. Қумликлар мени ютиб юборади!» — ўз-ўзидан пичирлади унинг лаблари. Унинг кўз олдини кўкимтир туман қоплаган, алаҳларди. Чуз ўз ҳолича секин йўртиб борарди. Жонивор бирдан сергак тортди, у шу яқин орада сувнинг салқин нафасини сезган эди.

Орадан кўп ўтмай аргумоқ ўзининг янги хожасини чучук сувли қудук тепасига олиб келди ва беихтиёр кишина, ер тепина бошлиди. Шаҳзода сесканиб кўзларини очди. Нигоҳдари олдини тўсиб турган кўкиш парда йўқолди, у ўзини қудук тепасида кўриб, Кунтангри ва онасиша шукроналар қилганича бошини от ёлига босди. У муқаррар ўлим чангалидан халос бўлган эди.

Шундан сўнг у бутун ҳаёти давомида яна нечанечка мушкулотлардан шу тахлит халос бўлди. Бу қандай мўъжиза эканини хоқон изоҳдаёлмас, бу сир унинг юраги қат-қатига яширин, ундан ҳеч кимса воқиф эмасди. Она сиймоси ўғил учун барча бало-қазолардан халос этувчи нажот фариштаси бўлиб хизмат қиласди. Үгузхон ўзининг салтанат тахтига чиқарилиши Кунтангри иноятидан, доимо боши омоналиги эса онаизорининг руҳи қўллашидан деб биларди ва ўғиллари шаҳзодалар ҳам шундай бахтта мұяссар бўлишларини жуда-жуда истарди.

Үгузхон ўз саройида бир муддат меҳмон бўлган сейистонлик машҳур кўшиқчи куйлаган сатрларни тез-тез ёдга оларди.

Бу дунёда икки буюк зот бордир — буларнинг бири она, иккинчиси деҳқондур.

Шул икки зот хоки-пойини кўзингизга суртинг. одамлар. Зоро, шулар туфайлигина дунёда тириклик, ҳаёт мавжуддир!.. — куйланарди бу қўшиқда.

Бу қўшиқ сўзлари одамга шундай таъсир қиласди-ки, шунча жанг жадал, қон кўриб дийдалари қотган Ўгузхон тоб беролмай, кўзлари намланарди. Хаёлида Хонтангри чўққилари ларзага келар, дараларда шов-кин солиб оқаётган дарё ҳам бир зум тўхтаб, қўшиқда кулоқ тутарди гўё.

«Она, онажон, — фикран хитоб қиласди улур хо-кон, — хоки пойингни кўзимга суртмакка тайёрдурман. Лекин хокинг қайдалигини билмайдурман-ку! Сен мурғак тасаввуримда Йўқлик, Мавҳумот диёрига кет-ган эдинг. Меҳрибон знага сени жуда олис сафарга кетташ, қачон келишини Кунтандридан ўзга ҳеч ким билмайдур деганди. Энага сенинг бир кун эмас, бир кун Йўқлик ва Мавҳумот диёридан қайтиб келишинг-га мени ишонтиrolгаңди.

Мен сени узоқ кутдим, лекин сен Йўқлик ва Мав-ҳумот диёридан қайтмадинг. Сенинг қайтишингга бўлган умид ва соринч мени сақлаб қолган бўлса не ажаб?..»

Хоқон ҳаётি шомида ўзига ҳаёт баҳш этган онаси ҳақида ўйлар экан, кўнгли гард-губордан форир бўлиб бораёттанини ҳис этарди.

Сирасини айттанди, сирли дарвиш билан юзма-юз, онаси билан ғойибона сұхбатлар шавкатли хоқоннинг ҳаёт билан секин-аста видолашуви эди. У яхши биллардики, дунёдаги жамики тирик мавжудот эртами, кечми ўлим шаробини сипқоргусидир. Ўгузхон ўша машъум ўлим шароби тўла жомни қўлга олишдан олдин еруғ дунёда қилган яхши-ёмон амаллари учун Кунтандри олдида тазарру қилмоқда эди...

Улур кишиларнинг гуноҳлари-да улуғдир ва уларнинг тазарруси ҳам ҳаминқадар.

Хоқон ҳаёт йўлларининг паст-балац кўчаларига бирма-бир кириб чиқар, савоб ишлари кўпми, гуноҳ ишларими, билолмай ҳайрон эди. У энг аввало улкан салтанат бунёд этиш учун тўкилган қонлар учун та-

зарру қиагиси келарди. Йўқ, у ўз қаламравидаги юрт келажаги учун қилинган ғолибона юришлардан пушаймон эмасди. Аксинча, бу юришларга Кунтандри фатвоси, унинг номидан амала оширилган улур ишлар сифатида қаради. У бекордан-бекорга, кимнингдир қайсарлиги, кимнингдир гумроҳдиги оқибатида тўкилган қонлар учун тавба-тазарру қиларди, холос.

Хоқон аксарият ҳукмдорлар сингари шикорни хуш кўрарди. Лекин ўзининг бу севимли машруоти табиатга, унинг ажралмас қисми бўлган ўсимлигу ҳайвонот дунёсига қанчалар зарар келтириши ҳақида ёшлигига сира ўйлаб кўрмаганди. Энди эса у сон-саноқсиз мулоzиму ов амирлари билан бир ҳафталик шикори табиат учун қанчалар қимматга тушишини яхши биларди. «Эҳ, хом сут змган банда, сен оқшомлари ой ёруғида ётиб, шабнам қўнган гул-кўкатлар, майсалар ҳидига сармаст бўлишни яхши кўрардинг, ҳозир ҳам жон-дилинг билан шунга интиласан. Лекин бутун умринг давомида жангу жадаллар, шикорлар давомида отларинг туёқлари остида топталган алвон лолалар, яшил майсалар ҳақида ҳеч ўйлаганимидинг? Йўқ, албатта! Ҳолбуки, сенинг 400—500 минг кишилик отлиқ қўшининг ғорат қилган олтин водийлар, серўт яйловлар, боя-роғларнинг сон-саноги йўқ. Яхшиям, кеч бўлса-да эсинг кирди ва ғоратли шикорларни бас қилдинг, уруш отларини яйловларга қўйиб юбординг. Начора, Кунтандри марҳаматли, зора гуноҳларингни ке-чирса?..

Ўгузхон зукко ва салоҳиятли ҳукмдор, ўз аҳволи-руҳиясидаги ўзгаришларни сезиб турарди. Ёш ўтаверган сайин кўнгли нозиклашиб, гўзал, нафис нимарсларга қизиқиши тағин ҳам ортиб борарди. Хос табибининг айтишича, унинг ёшида, бу табиий бир ҳол, қартаяётган киши табиатан яна ёш болага ўхшаб қолармиш. Бола кўнглида эса ҳайрат жуда мўл бўлади.

Кейинги кунларда унинг пушаймон, тазаруга тўла кўнглининг жуда олис бир бурчагида аллақандай ёруғ бир туйғу жимириламоқда эди. Бу туйғу унга тинчлик бермас, хоқон ўзини сархушдек ҳис этарди.

Бу ҳолат ўша, йигитлик чорида ошиқ бўлган пайтдаги ҳолаттага ўхшаб кетар, лекин ошиқлик эмасди. Хо-

қон ёшлигіда күнгли тусаган ҳамма нарсага осонлік билан зришар, хоұлаган тоясини ҳаётта татбиқ эта оларди. Энди эса кун сайин бунинг иложи ҳам, имко-ни ҳам камайиб бораётір. Қани энди, имкони бұл-са-ю. Гүзәллік — қаламравимдаги змас, балки бутун Дунёнинг, Инсонияттың бебақо бойлиги дея өзтироф этилишига зришсам. Эхтимол, қаламравимдаги үлка-ларда бунинг имкони топылар, лекин Дунё бўйлаб амал-га ошириб бўлмайди. Ҳа, Дунёни ззгулик сари фақат-гина Гүзәллік элтиши мумкин! Мен бир умр қилич кучига таяниб, сон-саноқсиз мамлакатларни фатҳ, эт-дим. Лекин инсониятни яхшилик сари бир баҳя ҳам олға силжитолмадим. Демак, уруш қилиб, ззгуликни тарбиялаб бўлмагай. Мен инсонни ззгулик сари фа-қатгина гүзәллік етаклашини жуда кеч тушуниб ет-дим. Шу боис Гүзәллік — жаҳоннинг энг катта бой-лиги дея бонг ургим келади!

Бу гүзәллік совуд ва шафқатсиз змас, балки меҳ-рибон ва адолатли, ёлрон, риё аралашмаган бўлиши лозим. Маълумингизким, инсон зоти аралашган ни-марсалар бунчалар соғ бўлолмагай. Ҳўш, қани ўша меҳрибон ва адолатли Гүзәллік?! Менимча бундай гүзәллік фақатгина Кунтандри иродаси ила, фақат-гина Табиат марҳамати ила содир бўлмоги мумкин-дир. Ҳа, фақатгина содир бўлиши мумкин! Зоро, мен айттан Илоҳий Гүзәллік яралмагай, балки содир бўл-гай!..

Кўк бағрини чок-чок этиб чақмоқ чақди. Бу юрат қилувчи куч, лекин у ҳеч бир бандага бўйсунмагай. У ёлиз Кунтандри ва она табиат иродасигагина борлиқ. Табиатнинг ана шу ҳодисаси биз, гумроҳ бандаларга тобе бўлганида борми. Дунёда қабоҳат ҳукмрон бўли-ши ҳеч гап змасди.

Хоқон яна ўша сирли дарвиш билан бўлган сұхба-тини эслади. «Эх, зукко дарвиш, сен ҳамма нарса ҳақида гапирдингү, лекин энг асосий ва энг шафқат-сиз нарса ҳақида эса ҳатто оғиз ҳам очмадинг?.. Нега шундай қиадинг, ҳамон тушунолмайман. Ахир, бу ёруғ оламда энг адолатли, айни пайтда энг шафқатсиз нар-са бу — вакт-ку! Вакт ҳеч бир салтанату ҳукмдорни, ҳеч бир мавжудотни ва ҳатто мен сажда қилмоқчи

бўлган Гўзалликни-да аямагай. Ким буюк, ким ночор киши эканини ҳам фақатгина вақт аталмиш ҳукмдор белгилайдур. Ҳа, бутун Борлиқ, Мавжудот вақт измидадур! Вақтнинг ўта шафқатсизлигида ҳам ўзига хос адолат тағтанаси мавжуд!

Зеро, ҳар бир ишнинг, у зэгуликми, қабоҳатми, барибир аввали ва охири бўлиши зарур. Ва ана шу аввал-охирни-да вақт белгилайди. Эсимда, йигитлигимда қиличимни бир сермасам, ундан ўт чақнар эди. Энди эса ана шу ўт кўзларимда ҳам, қиличимда ҳам кўринмайдур. Шул эмасми, Вақтнинг шафқатсиз нафаси?..»

* * *

Ўрузхон — номи рақиблари юрагига руғула соладиган ҳукмдор умрининг охирида фақатгина фалсафий хаёллар орушида бўлди, десак ҳақиқатга хилоф иш қилган бўламиз. Чунки улкан салтанатни бошқариш хоқондан катта куч, салоҳият ва вақт талаб этиши табиий. Хоқон таҳт вориси этиб катта ўғил Кунхонни тайинлаган бўлса-да, қолган беш ўғли ва невараларнинг давлатни бошқаришдаги ўрни уни кўп ўйлашга мажбур этарди. Чунки инсоният тарихида отаси ўлимидан сўнг тож-таҳт талашиб салтанатни барбод этган сулолалар кўп учрайди. Хоқон ўғилларига бундай қисматни сира-сира истамасди. Унинг шерсифат олти ўлони салтанатни кенгайтириш, бўйсунмаган мамлакатларни фатҳ этишда оталарига ҳамсафар, ҳамкор бўлиб, баланд қалъалар, осмон кенглигидаги кўрроивларни олган эди. Ота уларниң ҳар бирининг ҳурматини жойига қўйишни истарди. Бир тасодиф бўлиб, отани узоқ ўйлашга мажбур этган муаммо ҳал бўлди-қолди.

Олти шаҳзода шўх-шодон бир кайфиятда шикордан қайтар эдилар. Иттифоқо, йўлдан олтин суви юритилган учта камон ўқи ва зардан ишланган камон топиб олдилар. Ҳофиз Таниш Бухорий таъбири билан айтадиган бўлсак, камон янги ой ва маҳбубалар қошидай қийроқ эди. Ўқлар фитна қўзролишидан хабар бериб, дилбарлар туфайли қон тўкилишини кўрсатиб турарди.

Шаҳзодалар йўлдан топиб олган нарсаларини оталиари ҳузурига олиб келиб, «қандай қилиб тақсимлаб оламиз?» деб сўрадилар.

Хоқоннинг чеҳраси ёришиб кетди. У ўғиллари топиб келган нарсада рамзий маъно кўриб, ёруғ табасум қилди. Камонни учала катта ўғлига берди ва уларнинг наслидан бўлган қавмларга «бузуқ» деб ном берди. Бу ўринда «бузуқ»нинг маъноси бузиш, парчалаш демакдир. Яъни, камонни тақсимлаш учун албатта бузиш зарур бўларди. Уларга «бузуқ» деб ном қўйилишининг яна бир сабаби, катта ўғиллари наслидан бўлган қавмларни емон кўзлардан асраш нияти эди. Бу қавмларнинг ўрни лашкарнинг ўнг қанотида муқаррар қилинди. Камоннинг табиатидан ҳукмдорликдан бошқа нарса йўқ. Ўқлар ҳам злчига ўхшаб, ҳамиша тўғри келиб, тўғри кетади. Шу боис олтин суви юритилган учта камон ўқи учала кичик ўғилга тақдим этилди, улар катта ўғилларга тобе эканликлари алоҳида уқтирилди. Кичик ўғиллар наслидан бўлган қавмларга «учуқ» номи берилди. «Учуқ», яъни уч ўқ. Уларга лашкарнинг сўл қаноти насиб этди.

Хоқон ўғилларининг пошшоликдаги ўринларини шу тахалит муқаррар қилгач, катта базм уюштириди. Бу базм ҳақида кўпгина қасида, достонлар битилдики, уларнинг айримларига назар ташланса, фойдадан холи бўлмас. Ҳофиз Таниш Бухорий бу базмда тўқсон минг кўй, тўққиз минг бия сўйилди, деб езади. Бир шоир: «Фамдан бошқа ейиладиган ҳамма нарса бор эди» деса, яна бирори: «Фам чекишга ҳам рози бўлган эдим, лекин у йўқ эди», дейди. Базмнинг заъфар қўшиб пиширилган қиймалик палови, нозанин аёқчилар узатган май кўп таърифланади. Агар ўша базм дастурхони ушоқлари бир жойга жамланса, то қиёмат қойим бўлгунча муҳтож насибахўрлар қорни ўшандан тўярди, дея маҳобат қилинади. Низомий биттан шеърда таъкидланишича, етти фалак дастурхони ноз-неъмати ушбу базм дастурхонидан бир луқмагина, холос. Кайхусрав жоми эса Ўгузхоннинг бир пиёласига ҳам teng бўлмас.

Ўрзхон базм охирида юқори мартабали кишиларни олтин тож, кулоқ ва зар камарлар билан сийлади.

* * *

Улур ва саодатли хоқон Ўрзхон руҳининг куши тан қафасида парвоз этиб, «Иржайъ» қунгураси устига кўнгач, Кунхон салтанат тепасига келди. Янги ҳукмдорнинг бахт куши юксакларга парвоз этиб, мамлакат аҳлини ўз паноҳи қаноти остига олди. Етмиш йил мобайнида раъият Кунхон ва Кунтандри ҳимояти ва иноятининг доимий паноҳида бўлди. Бу даврда ҳеч бир ҳушёр қулоқ зулм овозасини эшитмади ва ҳеч кимнинг кўзи бедодлик юзини кўрмади.

Ўрзхон давлатининг инқирозидан минг йил ўттач, турк ва мўғул қабилалари ўртасида низо, ғанимлик содир бўлди. Ҳа, Буюк Ўрзхон айтганидек, содир бўлди! Чунки Бахт ҳам, Бахтсизлик ва Бахтиқаролик ҳам содир бўлади!

Хоқонлик Элхон ибн Денгизхон қўлита ўттач, у Мовароуннаҳрда подшоҳ бўлган Фариудуннинг ўти Тур устидан ғалаба қозонди ва жангда мўгулларнинг кўпчилигини қириб ташлади. Неча минглаб мўгулдан ҳамроҳлари ва хотинлари билан қочоқлар кемасига тушиб жон сақлаган Қаён ва Нукузгина омон қолдилар.

Б а й т:

У водийда урушувчилардан ҳеч ким қалмади,
Гарчи қолган бўлса ҳам, каргас^{*} таомидан бошқа
нарса эмас.

ХОТИМА

Бепоён кентликлар, тоғ, саҳролар фарзандлари бўлмиш турклар тутқунлик ва мутеликка сира тоқат қилолмасдилар. Улар тиз чўкиб яшацдан тик туриб ўлишни афзал билдилар.

^{*} Каргас — мурда ейдитан афсонавий қуш.



Олижаноб Бўрилар авлодидан бўлган Қутлуғ ва унинг укаси Қапағон ҳамма нарсадан мосуво бўлган ўз уруғларини Олтой чўлларига олиб келдилар.

Қутлуғнинг ўғли Қултегин ва икки дўсти Тунюқуқ ва Қуличур ўз миллатлари озодлиги, буюк саҳрода бир қарич ерга — ўз Ватанларига зга бўлиш учун бутун умрларини фидо қилдилар. 40 йил давомида истилолар, ўзаро жанжалларга қарамай, озодлик учун курашдилар. Улар тинчликни асраб қолиш, давлатлари рамзи бўлмиш бўри боши тасвири туширилган байроқни янада баланд кўтариш учун жон олиб, жон бердилар. Лекин, барибир, орадан 20 йил ўтиб, ҳаммаси барбод бўлди. Миллат фахри ҳисобланмиш Тунюқуқнинг қизи Қочқинхон халқ орасига низо уруғларини соғди, давлат шаъни, ор-номусини ўйнаши оёқдари остига ташлади. Оқибатда Буюк Саҳро қонга ботирилди, миллатнинг йўқолиб кетиш хавфи туғилди.

Кўк турклар давлати, Қутлуғ асос солган давлат жуда заифлашиб қолганини кўрган қарлуқлар тўрт томондан ҳужум қилишарди.

Қутлуғ, Тунюқуқ ва Қултегин сингари дўст ва сафдошларидан ажраб бир ўзи қолган 80 яшар Қуличур бу хўрлаш ва бедорликларга қарши нима қилишини билмайди. У, кўп жанг кўрган мард лашкарбоши душманга ташланиш учун ўзидан бошқа одам тополмайди. Ўз миллатининг арслони Қуличур не қилсин, ўрилларини ўлдиришди, келинларини хўрлашди... Бўри бошли байроқни кўтарадиган қўл қолмади.

Қария Қуличур мард одам эди, мардларча ўлишни афзал билди. У отига миниб, қиличини ялангочлади, қўлига байроқни олиб, душман устига шердек ташланди. У бир неча қарлуқни чопиб ташлади, сўнгра яраланиб, отдан қулади. Бутун умри давомида бирор марта енгилмаган, мағлубиятнинг аччиқ шаробини ҳеч totиб кўрмаган саркарда бўри бошининг олтин ҳалли тасвири туширилган байроқни кўксига бостанча жанг майдонида сарнигун ётар, сон-саноқсиз отлиқлар унинг танасини босиб, мажақлаб ўтардилар. Кекса Қулигур ўзи бутун умрини баҳшида этган иш — халқи озодигининг ўлимита гувоҳ, бўлгандан кўра от туёқлари остида топталишни афзал билганди.

* * *

Үрхундаре соҳилларида изгирин шамоллар эсади, бу шамоллар таъсирида тошлар тилга кириб, ўзларининг сўнгсиз достонларини бошлайдилар. Кутлурнинг набираси Йўллиқ Үрхун тошларига биттан Олижаноб Бўрилар — кўктурклар ҳақидаги қайгули тарих шу тариқа жонланади, төр даралари, водийларда, бутун Борлик ва Коинотда акс садо бера бошлиди.

Бухоро томонларда эса қарлуқлар наслидан бўлмиш яғмо қизлари ғамгин, дил ўртар қўшиқ куйладилар:

*Давлатли халқ эдим, давлатим қани?
Хоқонли халқ эдим, хоқоним қани?..*

*1998 йил сентябрь — 2004 йил декабрь.
Ромитан—Тошкент—Дўрмон.*

БУХОРОЙИ ШАРИФ ЭЛЧИЛАРИ

Tарихий қисса

БИРИНЧИ ҚИСМ

Петербургдаги сұхбат

1714 йил. Савр ойининг ўрталари. Санкт-Петербург. Баҳор анча қарыб қолған бұлса-да, ҳаво совук, осмонда күргөшинранг оғир булатлар сузиб юрибди. Дарё томондан намчил шамол әсади. Оқшом чүқаётір.

Сохиддеги икки қаватал уй хоналарида бирин-кетин шамлар ёқылди. Чоңроққина, жиһозлари унча сер-хашам бұлмаган хонада рус подшоси Пётр I ором-курсига чүкканича хаёл суриб ўтирибди. Унинг ўткір нигоҳлари дераза ортида қуюқдашиб бораёттан қоронғыллік қаъридан ниманидір излайди. Қуюқ соч, күркем мүйлов, катта-катта ёрқин күзлар 42 яшар подшоқни янада салобатлироқ күрсатади.

Әшиқда мулозим күринди. У подшоҳга таъзим этиб, шундай деди:

— Князь Александр Бекович-Черкасский^{**} келди. Ҳузурингизга киришга изн сүрайди.

— Айт, кираверсин, — деди подшоҳ ва ўридан құзғалди.

Преображенск лейб-гвардия полки капитан-поручики либосидеги кенг елкали, хушқомат, 35—36 ёшлар чамасидеги киши хонага шаҳдам одимлар билан ки-

¹ Буюк Пётр I — 1682 йил 27 апреддан рус подшоси, 1721 йил 22 октябрдан Россия императори. Дағлат арбоби, саркарда әдип-жазықшы. У Россия мунтазам армиясы ва әдәрбий-дәңгиз флотига асос солған. Маориф ва маданият соҳасында катта ислоҳоттар қылған. Ләкин шу билін бирға қызынқон, радмисиз, ұта золим бұлған, әтті 1718 йылда үз ұрлы шаңзода Алексейни ўлымга ҳукм эттән. Россия Пётр I дағрида империя деб зылден килинген.

² Александр Бекович-Черкасский — христиан диниге киргүнча асл номи Дағлат Мирзо бұлған. Рус подшоси хизматидеги кабардайлик князь. Пётр I 1707 йылда уни чет зяға үқишиңа юборған. Үқишидан қайттың, зачилик топшириқтарини балжарған.

риб келди-да, ғоят боодоблик билан бош згиб саломлашди. Унинг оқиши юзида ҳаяжонланиш аломатлари сезилиб турарди.

Подшоҳ унинг истиқболига юрди, ўзининг азамат гавдасини сал олдинга ташлаб, елкасидан секин қучди.

— Князь, азизим Саша! Эсон-омон юрибсанми? Ишлар қалай? Сени дўстларингнингми ёки шимол гўзалларинингми сұхбатидан бенасиб эттанимдан ғоят таассуф чекаман. Лекин начора, подшолик ишларини кечиктириб бўлмайди.

Князь бу қадар илик, дўстона муомаладан бир оз шошиб қолди, лекин тезда ўзини қўлга олиб, хиёл қизаринқираб жавоб қайтарди:

— Ҳаэррати олийлари! Ишларим жуда яхши, ҳеч қанақа сұхбатта халал берганингиз йўқ. Китоб мутолааси билан машғул эдим.

Пётр икки қадам ортга чекиниб, ҳамсұхбатига янада диққат билан разм солди.

— Тузук, тузук, ҳамонки мутолаа билан машғул экансан, нима ҳам дердим, — қувлик билан қош учирди у. — Дарвоқе, янада тиниқлашибсан, кучта тўлибсан. Сирасини айтганда, ҳозир тоғни талқон қиладиган пайтинг-да.

Подшоҳ мәҳмонни дераза ёнидаги курсилар томонга бошлади. Князь бу қадар илтифотдан ўнгайсизланар, ўзини қўярга жой тополмасди. Ғоят синчков Пётр буни сезиб турарди, шу боисдан сұхбатни шундай йўналтирдики, четдан қараган киши жуда апоқчапоқ оғайнилар ёки ака-укалар чақчақлашашапти деб ўйлаши мумкин эди.

— Биласанми, Саша, ёшлигимда мен ҳам жуда кўп мутолаа қилдим, голланд, инглиз, француз тилларини ўргандим. Кёнигсбергда артиллерия илмларини згалладим. Амстердам кемасозлик корхоналарида ярим йил дурадгорлик қилдим, Англияда кемасозлик бўйича назарий курсни туталладим. Ҳамон қўлимдан китобни қўймасам дейман. Лекин энди бунга вақт йўқ, вақтни қизғанаман. Биз учун, навқирон Россия учун амалий ишлар вақти аллақачон келган. Бирдан-бир армоним, орзуим — Россияни жаҳон майдонида зинг буюк дав-

лат сифатида кўриш. Кіязъ, дўстим, бу кунлар яқин, жуда яқин. Мана, лаънати шведлар билан ўн тўрт йилдан бўён улар босиб олган ерларимизни қайтариш учун курашяпмиз. Урушни ғалаба билан якунлаши-мизга ишончим комил. Мен, азизим, ғалабадан сўнгти базм тараддудини ҳам кўряпман. Петербургни пойтахт деб зълон қилганимизга икки йилдан ошди. Нева со-ҳилида бир неча мустаҳкам қалъалар қурганимиз қўли-мизни анча баланд қилди. Петергофда катта сарой ва Монплезир саройлари қурилишини бошлаб юбордик. Насиб этса, ғалаба базмини ўша ерда ўтказиб, бутун Европадан меҳмонлар таклиф этамиз. Шоир айттанидек, «Мен шу базмда бор эдим, бўза ичдим, бол едим, сал ҳўлманди мўйлабим...»

Пётр қўлларини кўкрагида чалиштирганча хонада у ёқдан бу ёққа юрар, ишонч билан жўшиб гапирав, кіязъ уни жон қулоги билан тингларди.

Улар узоқ сухбатлашдилар. Бекович-Черкасский подшохнинг жуда кўп саволларига жавоб қайтарди. Ниҳоят, Петр мақсадга кўчди.

— Гап шундаки, — деди у кўзлари чақнаб, — ҳозир Россия ўсиб келаёттан ёш паҳдавонга ўхшайди, унга аввалги либослар торлик қиляпти. У жануб, шарқда қараб кенгайиши керак. Биз энг аввало Ўрта Осиё хонликларига ўз таъсиrimизни ўтказишимиз, агар таъбир жоиз бўлса, улардан ҳар бирининг томир уришини сезиб туришимиз лозим. Хонликлар билан эзчилик савдо алоқалари бошланганига юз йилдан ошган бўлса-да, улар тўррисида ҳали кўп нарсаларни билмаймиз. Подшоҳ Фёдор Иванович замонасини бир зслагин-а, кіязъ, сен давлатимиз тарихини яхши би-ласан-ку. Ўшанда Русь давлати Сибирь сари юрим бошламоқчи бўлганида Бухоро хони Абдуллахон Кучумхон билан тил бириктириб, савдо баҳонасида биздан олинган яроғ-аслаҳаларни унга етказиб турди. Борис Годуновнинг доно сиёсати бўлмаганида, иш пачава эди.

Подшоҳ гапиришдан тўхтаб, сўзлари сухбатдошига қандай таъсир қилаёттанини билмоқчи бўлди.

Хонага оғир жимлик чўқди. Бу сукунат бир неча дақиқа давом этди. Ташқарида эса ёмғир ботшантан,

шамол совуқ томчиларни дераза ойнасига шитирлатиб урар, олис-олисдан улуттар бир гувиллаш эшитиларди. Бу гувиллаш ҳар иккала сұхбатдош юрагида ҳам акс садо берарди гүё. Жимликни яна Пётр бузди:

— Бухоро ва Хива хонларни ўзаро тез-тез уришиб турадилар. Хон авлодлари ўртасида тоғ-тахт учун кураш авжига чиққан. Субхонқулихон томонидан тахтга чиқарылган Хива хони Шоқниәз бизга тобе бўлишини истаб бир неча маротаба залчилар юборди¹. У нима мақсадни кўзлаб бундай қылгани менга қоронғи. Лекин ҳар икки хонлик жуда қулай карвон йўллари ёқасида жойлашган, кўплаб мамлакатлар, жумладан, биз билан ҳам савдо, залчилик алоқалари ўрнатишган.

— Ҳазрати олийлари, Буюк Ипак йўли деб бежиз айтишмаган ахир, — журъат этиб қўшимча қилди князъ.

— Баракалла, Саша, тарих ва жуғрофияни яхши билганингдан сен билан сұхбатлашиш жуда мароқли, — уни рағбатлантирган бўлди Пётр. — Бундан ташқари уларда турли маъданлар, қоракўл, жун, пахта жуда беҳисоб. Амударё ўзанида катта олтин захиралари мавжуд деган тахминлар бор. Бу масаланинг бир томони. Иккинчидан, бу хонларнинг Турк султонлиги билан алоқалари жуда мустаҳкамланиб кетишига йўл қўйиш — Россия буюклигига путур етказиш демақдир. Гал нимадалигини туптунаёттандирсан?

— Тўлиярингча тушунмаган бўлсам-да, тасаввур этяпман, ҳазрати олийлари.

Князъ подшоҳ, уни ғоят муҳим иш юзасидан ча-қиртирганини аллақачон тушуниб еттанди.

— Мен анчадан бўён Хивага, Амударё ва Хазар Денгизининг шарқий соҳилига экспедиция жўнатишни ўйлаб юрардим. Лекин катта кичик урушлар, боз устига подшолик ишларининг ғоят мураккаблиги кўп вақтимни оларди. Айниқса, армия жанговарлигини таъ-

¹ 1698 йили Бухоро хони Субхонқулихон Хива хонлигини заллаб, ўз иойби Шоқниәзни хон этиб тайинлади. Лекин Шоқниәз ва боптқа иойблар Бухоро хонига қарам бўлишдан қутилиш, ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш учун Россия ҳукуматига Хива хонлиги ҳалқини ўз тобелигига олишни илатимос қилиб, 1700, 1703, 1714 йилларда маҳфий залчилар юборганлар.

минлаш, ҳарбий-денгиз флотини ташкил этиш учун наинки вақт, балки юрак қонимни сарфладим. Яна подшоҳ мақтанчоқлик қиляпти, деб йўлама, худо ҳақди! Мен бор гапни айтяпман, холос. Куруқ сафсатадан амалий Ишни афзал кўришимни ўзинг ҳам яхти биласан.

Хуллас, яқинда хазина имкониятларини чамалаб курсам экспедицияни ташкил этиш вақти етибди. Ҳозир зарур ҳужжатлар тайёрланаяпти. Масала сенатда кўриб чиқилгач, экспедицияни ташкил этиш тўғрисида махсус фармонга имзо чекаман.¹ Ана шу экспедицияга сени бошлиқ қилиб тайинлашга қарор қилдим, сарой аъёнлари ҳам рози бўлишди. Пётр деграза ёнига янада яқинроқ бориб шамол, ёмғир ҳукмрон қоронгилик қаърига тикилди. У сұхбатдошига фикрларини бир оз йигиб олиш учун имкон бермоқчи бўлди.

Князь бу тақдир марҳаматими ёинки тасодиф, дея бир муддат ўйлади, холос. У кавказлиқ эмасми, саргузашт, ҳавф-хатар, охирида эса шон-шуҳрат олиб келиши мумкин бўлган топшириқларни хуш кўради. Йўқ, у ҳавойи, хаёлпаст эмасди, бу топшириқлар охири баъзанвой бўлишига ҳам фахми етар, лекин барибир доим ҳавф-хатарга рўбарў бўлишга тайёр эди. Боз устига кимсан, буюк Пётр унга шахсан раҳнамолик қилаётган бўлса, фахр этмаслик мумкинми ахир?

Бекович-Черкасский энди ўзига хайриҳоҳ назар ташлаб турган кўзларга тик бокди:

— Россияга хизмат қилиш — мен учун юксак шарраф. Ишончингизни оқлашга ҳаракат қиласман, — бу ҳарбийларга хос қисқа, аниқ жавоб эди.

— Баракалла, Россия ҳам сенинг хизматларингни унутмайди. Биз ҳаммамиз она Россия хизматкорларимиз, — деди Пётр ва хона ўртасига қараб юрди.

¹ Петр I ўзбек хонликларида рус давлати таъсирини ўринтиш, Амударё ўзанидаги олтин захираларини аниқлаш, Каспий денгизи шарқий соҳилини каритага тушириш, Амударёнинг бир вақтлар Каспийга кўйилган ўзани ҳакида маълумот тўплаш мақсадида А. Бекович-Черкасский бопчилигидаги экспедиция ташкил этиш учун 1714 йил 29 майда махсус фирмон чиқарди

— Ўйлайманки, экспедицияга тайёргарлик күриш учун уч ой вақт етади. Тайёргарлик ишига ҳам ўзинг бошчиллик қиласан. Зарур күрсатма, ҳужжат ва маблагни саройдан олиб турасан. Озиқ-овқат, анжомлар, қурол-яров, кемалар билан таъминлаш юзасидан шахсан менга мурожаат қиласан ва вақт-вақти билан ахборот берип турасан.

— Ҳазрати олийлари! Ҳаммаси айттанингиздай амалга оширилади! — деди Бекович-Черкасский гавасини роз тутиб.

— Энди сенга рұксат. Худо ёр бўлсиян — деди Пётр ва шу билан оқшомги сұхбатта якун ясалди.

... Князь ўзининг қўш отли яп-янги файтонига ўтириши билан извошли тизгинни қўйиб юборди. Рутубатли баҳор ҳавоси, ёмғир шивири, файтоннинг бир маромда тебраниши бамайлихотир хаёл суришга даъват этарди. Уйига етиб олгунча анча йўл босилади. Шу орада подшоҳнинг ногаҳоний чақирувидан остинустин бўлиб кеттан хаёлларини бир ерга тўплаши керак.

Александр ғалати бир ҳолатда, уни шод ҳам, ғамгин ҳам деб бўлмас, қандайдир паришон эди. Яқиндагина кўрган туши хаёлига келди.

... У кўм-кўк сув тўлиб оқаёттган дарё соҳилида эди ва ўзи мана, бир йилдан бери кўрмаган онаси нариги қирюқда туриб, ўғлини ёнига чақиравди: «Давлат Мирзо, Давлат Мирзо! Бу ёққа сузиб ўтсангчи, болам, сени жуда соғиндим-ку!»

У ўзини сувга ташлади-да, нариги қирюқقا қараб қулоч кериб суза бошлади. Қирюққа етай-етай дегандада уйғониб кетди. Ҳар доим шундай бўлади, тушингда нимагадир етай деганингда уйғониб кетасан, роса алам қиласди. У онасини беҳад соғинган, тущда бўлса-да, дийдорига тўйишга рози эди. Афсус... Энди подшоҳнинг топшириги билан экспедицияга жўнайдиган бўлса, онасини қачон кўради, худо билади.

Неча йиллардан бўён она юртидан олисда яшаши туфайли Александр вужудида уйғонадиган соғинч ҳисларини енгишга ўргангандан, у табиатан ғусса чекишта унчалик мойил эмас эди. Лекин шундай пайтлар бўлардики, аллақандай ўтли бир туйғу юрагини ке-

мира бошлар, ўзини құярга жой тона олмай қоларди. Энди Кабардага жұнайман, онам билан дийдор күришаман, деб турған бир паллада подшоқ шахсан қақириб, экспедиция тузиши топширгандан сүнг худди шундай бўлди. Тўтри, у подшоқ фармойишини ўзи учун шараф деб билди ва ҳеч иккиланмай қабул қилди. Унинг ўрнида бўлган ҳар бир рус офицери худди шундай қилган бўлур эди. Чунки Пётр I топширири ҳам шараф, ҳам қонун. Князъ подшоқ саройини тарк этиб, файтонга ўтиргани ҳамоно, юрагидаги соғинич ҳислари янги куч билан алангаланди. Энди онаси билан яқин орада учрашолмаслиги аниқ-равшан бўлганди.

Сўнгти учрашувларида онаси зорланиб шундай деганди: «Урлим, биламан, подшолик хизмати оғир, лекин менга ҳам осон тутма, кейинги йилларда нукул сенинг соғинчинг билан тирикман. Бирдан-бир орзуим, мени тупроққа ўз қўлинг билан қўйсанг, Давлат Мирзо...»

— Кўйсангизчи, онажон, бунақа совук гапларингизни, — деганди у ўшанда онасини секин қучиб, — сиз ҳали кўп йил яшайсиз, мен тез орада шу яқин ўртага хизматта тайинлашларига эришаман.

Энди эса онаизор яна йўлларига кўз тикиб ўтираверади.

... Файтон кескин силкиниб, юришини бир оз сеқинлатди, извошли бўралаб сўкинди, отларнинг сағрисига аччиқ қамчилар ёғилди ва яна йўлда давом этдилар. Тун тобора қуюқлашар, шамол ва ёмғир баҳси ҳамон тинмасди.

Князъ чуқур тин олди, пешанасини файтоннинг мўъжазгина даричаси совук ойнасига босиб, қоронгилик қаърига бир зум тикилди, зулмат аро ниманидир илғамоқчи бўлди. Лекин унинг тийрак кўзлари у ер бу ерда милтираб турған фонарлардан бўлак ҳеч нимани кўролмасди, от туёқлари дупури, ғиддираклар тичирлаши ва шамол саси қулоққа чалинарди. У хаёлан яна саройдаги сұхбатта қайтди.

«Ха, ўз юртингта элчи сифатида бориб, озми-кўпми шуҳрат топдинг, ишонч қозондинг. Бу яхши. Энди Шарқда йўл оляпсан. Жангарилиқда улар ҳам кан-

каззиклардан қолишмайдилар, доимо бир-бировларини талаб юрадилар, күшниларига ҳам күз олайтирадилар. Улар билан тиl топишиш осон бўлмайди, албатта. Начора, сен аскарсан, аскарнинг вазифаси итоат ва буйруқни адо этмоқ. Ё шуҳрат тожини киясан, ёнки азиз бошгинанг найзага илинади...»

* * *

Александр Бекович-Черкасский бошчилигидаги экспедиция 1714 йил 7 ноябрда Астрахандан Гурьев шаҳарчасига қараб йўлга чиқди. Экспедицияда 27 та кема, 1744 та пиёда аскар, 19 та тўп, 33 та тўпчи, 19 та офицер ва 100 нафар дengизчи бор эди. Объяво нокулай келиб, экспедиция Гурьевга етолмай, Астрахань шаҳрига қайтиб келиб, шу ерда қишини ўтказишга мажбур бўлди.

Бекович-Черкасский қиши давомида баҳорда босиб ўтиши лозим бўлган йўллар, қумликлар, соҳиллар тўғрисида иложи борича муфассал маълумот тўплашга ҳаракат қилди, хариталарни мукаммал ўрганди. Айниқса, разведка маълумотларига кенг таянди.

Астрахань бандаргоҳи, бозорлари я ва карюонсаройларида Хива ва Бухородан келган савдогарлар жуда кўп эди. Бекович-Черкасский хуфиялари улар билан савдо-сотиқ баҳона танишиб, қўйинларига қўл солиб, кўп нарсаларни билиб олдилар.

Хонқули тўпчибоши

1714 йил, сунбула. Чошгоҳ, Кузак қуёши гавжум бозору расталар, тимлар, тоқу гумбазлар узра нур сочади, нилий қошинлар ёғусидан товланаётган Бухоройи шарифни яхшироқ томоша қилиш учун тобора баландлайди. Қайроқтош ётқизилган кўчаларни тўлдирган одамлар қаёққадир шошиладилар, ҳаммоллар, аравакашлар тинмай бақириб-чакирадилар, баққоллар молмарини мақтаб харидор чорлайдилар.

Ғала-ғовур Регистон узра юксалган хон саройи — арк жуда сокин, сержилва тирамоҳ, пурвиқор иморатлар аро ўзини йўқотиб қўйгандай туюлади.

Бухоронинг ёш ҳукмдори, аштархонийлар сулоласидан бўлган Абулфайзхон^{*} шифти ниҳоят баланд, ганчкори, салқингина ўн бир болор хонада парёстиқларга ёнбошлиб ётибди. Эгнида енгил зарбоф яктак, бошида симобий салла, қошлари чимирилган, қора куркам соқоли ўзига ярашган. У онда-сонда нақшинкор эшикка кўз ташлаб қўярди.

Остонада эшик оғаси пайдо бўлди. У хонга таъзим бажо келтириб, деди:

— Амри муборакингизга мувофиқ Хонқули тўпчибоши ҳазратлари келдилар, киришга изн сўрайдилар.

Хон «маъкул» маъносида бош қимирлатди. Сўнг ўрнидан туриб, эшикка қаратиб қўйилган серҳашам курсига бориб ўтирди.

Эшик оғаси яна таъзим қилиб, орқаси билан юриб чиқиб кетди. Хонага қизғиши соқолли, барваста, 30—35 ёшлар чамасидаги киши қадам ташлади ва хонга таъзим қилди. У зарбоф тўн устидан тўқали камар тақиб олган, оқиш юзи иссикдан анча бўтариқдан эди. Хон унинг саломига алик олди-да, рўпарасидаги курсига ишора қилди.

— Хўш, тўпчибоши жаноблари, тану жонингиз сиҳатми? Лашкарнинг кайфияти қандоқ?

— Ташаккур, аълоҳазрат! Мехрибонлигингиздан са-рафроздурман. Лашкарнинг кайфияти жойида, ҳарбу зарб сирларини яхши ўрганмоқда, тўпчиларимиз тайёргарлиги давом этаётир. Янги милтиқлардан отишни машқ қилдирадурмиз, — тўпчибоши туркийда анча равон гапиравди.

— Боракалло, Хонқули жаноблари! Биз сизни тўпчибоши, яъни вазири ҳарб кўтариб янглишмаган зеркан-

* Абулфайзхон — 1680—1702 йилларда Бухоро хони бўлган Субхонқулихоннинг ўли. Акаси Убайдуллохон 1711 йилда фитна ордали ўлдирилгач, таҳтта ўтириб, 1747 йилгача Бухорода хон бўлган. Бу даврда ҳам ўзаро урушлар тўхтамаган, хоннинг ўзи эса амирлар кўлида қўтиричоқса айланган. Бундан фойдаланган Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Булорога қақшатқич зарба беради. 1740 йилда Нодиршоҳ Бухородан катта ўлпон олиб, мангитлар уруғидан бўлган оталик Муҳаммад Ҳакимни хонликда биринчи ўринга чиқариб, унга улуғ амир узвонини беради. Шу йилдан Абулфайзхон Бухорода номига хон бўлиб қолади.

миз. Мана, неча йилдирки ўз одамимиз бўлиб қолдингиз, — хон ҳамсұхбатига синчков бир назар ташлагач, сўзида давом этди:

— Хизмат важхиндан бизга истаклар борми?

Хонқули тўпчибоши — асли рус йигити Пётр Родиков ҳушёр тортди. У ғоят ақлли, вазиятни тезда англаб олиб, шунга қараб иш кўрадиган, жасоратли киши эди. Шу боисдан хоннинг мұдим иш билан чақиртирганини дарҳол фаҳмлади. Лекин сұхбат маромини бузмаслик учун шундай жавоб қилди:

— Хизмат важхиндан деярли камчилик йўқ, фақат лашкарнинг қалъя ташқарисинда, чўлда ўтказадиган ҳарбу зарблар вақтини бир оз узайтирсамми, деб ўйла-моқдаман. Чунки янги қуроллар...

Хоннинг чеҳраси ёришди:

— Бу хусусда ихтиёр ўзингизди. Мен лашкар эҳтиёжларини билиб, айрим имтиёзлар бермоқчи эрдим. Замон нотинч. Лашкар тўқ бўлгани маъқул. Маълумингизки, бу йил бож-хироҷлар, ҳосил ёмон бўлмади. Агар рози бўлсангиз, ҳазиначига лашкар сарф-харажатига ажратилатурон пулни 1,5 ҳисса ошириш юзасидан фармон берадурман.

Абулфайзхон ёшлигидан урушлар, фитналар, исёнлар орасида ўсган, отаси Субҳонқулихоннинг Хива хони Анушахон билан қаттиқ жанглар олиб боргани, Бухоро кўл марталар босқинчилардан жафо чеканини яхши билар, ҳатто акаси, Балх ҳокими Сидик Мұхаммад падари бузрукворига қарши қўшин тортгани уни даҳшатга соларди. Шу боисдан барча исену босқинларга қарши қалқон бўлган лашкарга алоҳида зътибор қиласарди. Лекин ҳозир у тўпчибошини бутунлай бошқа мақсадда чақиртирган эди.

Хонқули тўпчибоши марҳамати учун миннатдорчиллик билдиригач, хон мақсадга кўчди:

— Ҳожитархондаги¹ одамимиздан хабар келди: Ҳаж сафариндан қайтатурон фуқароларимиздан иккى савдогар бандаргоҳда кишанбанд этилиб, Урусия пой-

¹ Ҳожитархон — Астрахань.

тахтидаги зинданга жүннатилибдурлар. Уларга Рум^{*} мамлакати фойдасига хуфиялик (жосуслик) қилиш айбы күйилибдур. Қаҳри қаттиқ оқ пошшо — Пиетур уларни осиб ўлдирувга ҳукм этибдур. Бу икки ҳожи гуноҳкорми, гуноҳсизми, бизга қоронги, буни аниқла-моқда фурсатимиз йўқ. Агар шошилинч тадбир белгиламасак, ҳар икки муслим қони тўкилур ва бу Бухорий шарифнинг мусулмон дунёсидағи обрў-эътиборига путур етказадур. Биз қандай бўлмасуи, ўз фуқароларимизни ҳимоя қилишимиз даркор. Сиз шошилинч сафарга ҳозирлик кўринг. Урустия пойтахтига менинг элчим бўлиб борурсиз. Пиётурдан ҳар иккала бандининг гуноҳдарини сўраб оласиз. Мен оқ пошшога нома битдим. Уни татар мирзолар ёрдамида рус тилига ўтириш. Ўзингизга яхши ҳамроҳлар ташланг. Совға-саломни мўлроқ олинг. Урус боёнлари Бухоро тўнларини хуш кўрадурлар. Пиётур ҳарбу зарб одами. Унга олтин сопли бир шамшир, яхши ариумоқ пешкаш қилинг. Пошшонинг аҳлу аёли, сарой аъёнларига алоҳида-алоҳида тортиқлар беринг. Токи илтимосимиз ерда қолмасун. Икки кундан сўнг савдогарлар карвони йўлга тушади. Ўз одамларингиз билан ўшаларга қўшилсангиз яхши бўладур.

— Бандиларнинг жазосини енгиллатиш учун кўлимдан келган ҳамма ишни қиласман. Петербургдаги, саройдаги таниш-билишларни ишга соламан. Ҳақиқатан ҳам рус амадорларининг қулфи-дилини очадиган энг яхши калит — қимматбаҳо совға. Улар айниқса моможуртоги тиллосига жуда ўч, — деди Хонқули тўпчибоши.

— Хазиначига кўрсатма бердим. У ҳамма талабистагингизни бажо келтиради, — деди Абулфайзхон сұхбатга якун ясар экан. — Худо ёр бўлсин!

Хонқули саройни тарк этди. У зиммасига юкланган вазифа роят оғирлигини, золим ва ўжар Пётрдан ўлимга ҳукм этилганлар учун авфнома олиш — аждарҳо комига бош суқиши билан баробар эканини яхши биларди. «Начора, — деди у, — ҳамонки номинг Хонқули ва у сенга ишонар экан, бу ишни бажаришинг керак.»

* Рум — Туркия.

Хонқули совра-салом, озиқ-овқатларни от-туяларга юклаб, мулозимлари ва соқчилари билан савдогарлар карвонига қүшилди.

Илиқ куз тонгларининг бирида Бухоройи шарифни тарк этган карвон Амудан кечиб, Хива, Урганчни ортда қолдириб, Устюрт саҳроси қумликларидан узоқ йўл босиб, Хазар бўйига чиқди. Хонқули ва унинг шериклари юкларини елканли кемага ортиб, дengиз орқали Ҳожитархон бандаргоҳига етиб келдилар. Карвонсаройда икки кун дам олиб, яна озиқ-овқат, сув ўамлаб, энди эшқакли кемаларга тушиб. Волга дарёси орқали Москва сари йўл олдилар. Сўнг яна от-улов, араваларда йўл босилди. Москвада бир оз дам олиб, сўнгра Петербург томон йўлга тушдилар.

Россиянинг бепоён кенгликларида жонга тегувчи шилта намгарчилигу лойгарчилик бошланган, карвон йўлда жуда қийналар, кеча-кундуз кўз очирмас совук ёмғирлар иссиқ ўлка фарзандлари бўлган савдогарларнинг тинкасини қуритганди. Улкан қора булатта монанд қалин ўрмонлар ваҳимали шовуллар, йўл ёқаларидаги яккам-дуккам ғариб қишлоқчалар кўнгилга ададсиз бир андуҳ олиб киради. Ҳамманинг бирдан-бир истаги тезроқ пойтахтта етиб олиб, бир оз кўнгилга хуморини ёзиш эди.

Об-ҳаво нақадар расво, йўлда учраётган қишлоқчалар қанчалар ғариб бўлмасин, подшоҳ билан бўлаҗак учрашув қандай кечаркин деган ўй миясини қанчалик кемирмасин, Хонқули — Пётр Родиков юрагидаги ғам шериклариникидан фарқли қандайдир ойдин андуҳ эди. Ўзи бир неча йилдан бўён кўрмаган Ватани Айдори уни тўлқинлантиради. Йўл ёқасидаги ёмғир ювган оқ қайнилар ҳўл соchlарини тараётган қизларга ўҳшаб кетар, зальфарон хазонлар ўз новдаларидан ажралиб, оёқ остида хор бўлганликларидан нолиб, норозиғи чирлардилар.

Нижоят, изғирин кунларнинг бирида кўчалари кенг, шилта ҳўл ва асосан кул ранг тус ҳукмрон бўлган Санкт-Петербургга етиб келдилар.

Хонқули шериклари билан подшоҳ, саройига яқин уйларнинг бирини ижарага олди. Ювишиб тарангач,

йўл чарчогига ҳам қарамай, тезда элчилик маҳкамасига жўнади.

У шошиларди. Чунки ўлим ҳукми ижро этилган бўлиши ҳам, исталган дақиқада ижро этилиши ҳам мумкин. Бирор Ҳонқули келишини кутиб туринглар, демайди-ку.

Элчилик маҳкамасида эшик оғасидан тортиб, катта-кичик тўраларга сажийлик билан совға-салом улашган бўлса-да, унга подшоҳ билан учрашиш учун анча кутиш лозимлигини айтишди. Бу «анча» неча кун эканини ёлғиз худонинг ўзи биларди.

Рус амалдорлари сансалорликда Шарқ тўраларидан қолишмасдилар. Шу боисдан Ҳонқули эски таниши, подшоҳ саройида катта нуфузга эга бўлган граф Апраксин ҳузурига йўл олди.

У графга совға сифатида зарбоф тўн, ҳидидан киши сархуш бўлгулик катта-катта қовунлар олиб борди.

Апраксиннинг аралашувидан сўнг элчилик маҳкамасидагилар римирлаб қолишли ва орадан икки кун ўттач Пётр I Бухоро хонининг элчисини қабул қилишга рози бўлди.

...Ҳонқули извоида Қишки анзор соҳилидаги «Қишки уй» аталмиш саройга етиб келганида эрталаб соат ўн бўлган эди.

Подшоҳ девони мулоzимлари уни чоғроққина хонага бошлаб кириб, Пётр тез орада қабул қилажагини маълум қиддилар.

Мулоzимлар «тезда» дейишган бўлсалар-да, у узоқ кутди. Санкт-Питер-Бурх қалъаси томондан тўп гумбурлагани эшитилди; соат 12 бўлган эди. Орадан бир неча дақиқа ўттач, Ҳонқулини Пётр I ҳузурига таклиф этдилар.

У кенг, ёргу хонага қадам қўяр экан, бениҳоя ҳаяжонланарди. Чунки Пётр I номи юракларда ҳам ҳурмат, ҳам қўрқув уйғотарди. Унинг қаҳри қаттиқлиги тилларда достон бўлган эди. Шундай одам Россияга қарши жосуслик қилганларни афв этармикан?

— Бухоро хони Абулфайзхон ҳазратларининг элчиси Пётр Родиков жаноблари! — мулоzимнинг ўз номини дона-дона қилиб айтганини эшиттач, у фикрларини жамлаб, аъёнлар қуршовидаги подшога рўбарў

бўлди ва таъзим қилди. Сўнгра хоннинг ишонч ёрлиги ҳамда мактубини топшириди.

Пётр I ёрлиқ ва мактубни тезда кўздан кечириб чиқди. Мактубда Рус подпосининг барча унвону мартаబалари бирма-бир саналиб, унинг давлат арбоби, саркарда ва дипломат сифатидаги ишларига юксак баҳо берилган, икки давлат ўртасидаги дўстлик ришталари мустаҳкамланишига ишонч билдирилиб, икки гуноҳкор бандининг жазосини енгиллатиш сўралганди.

Сарой мулозими Бухоро хонининг Рус подпосига юборган совғаларини бирма-бир санай бошлади:

— Зарбоф тўн, асл пўлатдан ишланган, сопи олтин шамшир, бир жуфт қорабайир зотли от, аҳли аёллари учун асл матолардан ўн либос, иккита олтин узук...

Совғалар рўйхати узундан-узоқ эди. Саройнинг барча нуфузли амалдорлари ҳам куруқ қолмадилар.

Жосусларни афв этиш тўғрисидаги илтимоснома Пётрнинг қаҳрини келтирган бўлса-да, у сиртига чиқармади. «Ҳа, — ўйлади у, — бу шарқдиклар хушомад қилишни, кўнгил овлашни жойига қўядилар. Элчи танлашни ҳам биладилар.»

— Хўш, элчи жаноблари, Бухоройи шарифда қандоқ янгиликлар бор? Дўстимиз Абулфайзхоннинг совмиқлари яхшими? — сўради подшоҳ.

— Бухоройи шарифда янгиликлар кўп, ҳазрати олийлари. Хон ҳазратлари бардам-бақувват. Сизга кўпдан-кўп салом етказишимни сўрадилар, — деди элчи.

— Саломат бўлсинлар. Хонлик сарҳадларида тинчлик барқарорлашдими? Абулфайзхоннинг падари бузрукворлари Субҳонқулихон Хива хони Анушахон билан узоқ вақт жант қилганларидан хабарим бор...

— Худога шукур, ҳозир хонликда осойишталиқ қарор топди. Хон ҳазратлари одилона сиесат юргизмоқдалар, — деди Хонқули. У номи дилларда даҳшат ўйғотадиган Пётр билан сұхбат қовуша қолганидан курсанд эди.

— Қалъя ҳар қанча мустаҳкам бўлмасин, уни ичкаридан олиш осон кечади. Агар шаҳзодаларингиз биродаркушликини бас қиласалар, осойишталиқ барқарор бўлади. Темур империяси тарихини эсланг. Шаҳзода-

лар ўзаро ёқа бўришмаганларида, ўрил отага қўл кўтармаганида шундай буюк давлат парчаланиб кетмасди,— подшо салмоқлаб гапирав, атрофдаги аъёнлар унинг айтганларини маъқуллаб турардилар. Шу топда Темур империяси тарихидан сўзлаётган Пётр орадан тўрт йил ўтиб, исен кўтарган ўли шаҳзода Алексейни ўзи қатл эттиришини ўйлаб кўрганмикан?

Хонқули подшохнинг сўзларини диққат билан тинглар, ҳаракатлари, юз ифодасини кузатар ва у қандай қарор қабул қиласар экан дей ҳаяжонланар эди. Элчилик маъқамаси амалдорлари, граф Апраксиннинг тахминларига кўра жавоб ижобий бўлиши керак. Лекин подшохнинг ўжар ва чўрткесарлиги, душманларига ниҳоят шафқатсизлиги ҳақида кўп эшилтган элчи юрагини шубҳалар тўхтовсиз кемириб турарди. Чунки у топшириқни бажарса, Абулфайзхон саройида нуфузи янада ортади, йўқса... Ана шуварнинг ҳаммаси Пётрнинг бир оғиз сўзига борлиқ бўлиб турибди.

Жуда кўп мамлакатларнинг зачилари билан кун сайин музокаралар олиб борадиган подшоҳ бу борада катта тажриба тўплаган, рақибини доғда қолдиришнинг йўлларини яхши биларди. Шу боисдан гапни узоқдан бошлаган Пётр зачини обдан сўроққа тутиб, ҳузурлангач, мақсадга кўчди:

— Абулфайзхон ўз номаларида Туркия фойдасига жосуслик қилган икки фуқаро хунидан кечишимни сўрабдилар.

— Ҳа, ҳазрати олийлари, мен шу ваколат билан ҳузурингизга бош уриб келдим. Биз шу икки осий баnda жазосини енгиллатишингизни сўраймиз. Лозим кўрсангиз, уларни ўзимиз ҳам жазолашимиз мумкин.

— Элчи жаноблари, улар Россияга қарши нақадар оғир жиноят қилганликларини биласиз-ку! Биз уларга ўз ҳудудимиз орқали ҳажга бориб-келишлари учун хавф-хатарсиз йўл очиб берсагу, бу кўрнамаклар тузлиққа тупуришса?! Уларни кечиришга ҳақлиманим мен?! Ватанимнинг ҳар бир душмани менинг шахсий душманимдир! — подшонинг овози баландлади. Хонага сукут чўқди. Хонқули ҳамма иш чаппасига кетмасайди, дей жуда безонталанди. У гапиришга оғиз жуфтлаган ҳам эдики, подшо сужбатга якун ясади:

— Майли, ҳамонки, Абулфайзхон Бухоройи шариф номидан шахсан илтимос қилган эканлар, биз сенатда атъёнлар билан маслаҳатлашиб кўрамиз. Натижасини сизга элчилик маҳкамасида маълум қилишади.

Элчи Пётрга миннатдорчилик билдириб, эгилиб таъзим қилди-да, хонадан чиқди.

Уч кундан сўнг бандиларни осиб ўлдириш тўғриси-даги ҳукм Сибирь каторгасига алмаштирилганини унга маълум қилиши ва Санкт-Питер-Бурх қалъасида сақланавтган маҳбуслар билан учрашишга руҳсат бериши-ди.

Ўша оқшом Хонқули ижарага олган уйининг энг катта хонасида сарой атъёнлари, элчилик маҳкамаси амалдорлари ва Петербургдаги энг яқин дўстлари учун зиёфат уюштириди. Дастурхонга Шарқнинг анвойи неъматлари — қора майизу ҳандон писта, ширин анорлару шакар қовунлар, неча йиллар хумларда куч тўплаган қаҳрабо янглиғ мусалласлар тортилди. Шу билан бирга Шимол ўлкасининг тансиқ овқатлари ҳам эсдан чиқарилмади.

Шимол ва Шарқ дўстлиги шарафига кўтарилиган бир неча қадаҳдан сўнг қизғин сұхбат бошланди. Лекин Хонқули ҳар бир сўзини ўйлаб гапирав, шерикларига ҳам шуни тайинлаганди. Чунки меҳмонлар орасида подшо маҳфий девони ходими борлигини, зиёфат тафсилоти Пётрга албатта етказилишини биларди. Шу боисдан қадаҳ сўзида асосан подшоҳнинг саркардалик ва дипломатлик маҳоратларини мақтади. Афв учун такрор-такрор миннатдорчилик билдириди.

Эртасига у сарой ва элчилик маҳкамаси амалдорлари ҳамроҳлигида извошга тушиб, афв этилган бандилар билан учрашиш учун Санкт-Питер-Бурх қалъаси томон равона бўлди.

Қалъа Заячье оролида жойлашган бўлиб, жануби-шарқ томондан серсув Нева, шимол томондан Нева ирмоги ва баланд тупроқ қўрғонлар билан ўралганди. Ўз навбатида тупроқ қўрғонлар ҳам сув тўла хандақлар билан ҳимояланган, уларнинг тепасига замбараклар ўрнатилганди.

Хонқули оппоқ елканли кемалар сузиб юрган Нева бўйида туриб, қалъанинг баланд деворларини, даҳшат

солиб турган замбарақхоналарини томоша қилди. У ҳарбий одам эмасми, қалъанинг ҳимоя воситаларига алоҳида эътибор қилди, уларни Бухоро арки билан хаёлан таққослади.

Сўнгра Хонқули ва унинг ҳамроҳлари қалъанинг шарқий томонидаги кўприқдан ўтиб, шаҳзода Иоанн Алексеевич шарафига номланган дарвозага йўналдилар. Уларни бу ерда сарой амалдорлари томонидан огоҳлантириб қўйилган қалъа коменданти ва соқчилар кутиб олдилар. Қисқача расмиятчиликдан сўнг улар комендант ҳамроҳлигида қалъанинг нариги томонида жойлашган Трубецкой бастиони ҳибсхонаси томон жўнадилар.

Икки томондан сув билан ўралган бу ҳибсхона йўлакларидан рутубат иси келар, темир панжарали яккам-дуккам туйнуклар орқали Нева тўлқинлари саси эшитиларди.

... Соқчилар соч-соқоллари ўсиб, ориқлаб, бир аҳволга тушиб қолган икки маҳбусни ҳибсхона бошлигининг чоғроққина хонасига олиб кирдилар. Бандилар кишанларини шиддираттанча хона ўртасида гангиг қолдилар. Айниқса, шарқона кийимдаги уруслашара кишининг уларга тикилиб туриши бечораларни тамоман довдиратди.

Бир неча ойлардан бери заҳ ҳужраларда кун саин, соат сайин ўлимини кутиб ётиш уларни ҳоддан тойдирган, этлари устихонларига ёпишиб қолган, ҳатто неча ёшдаликларини билиш амри маҳдол эди. Шундай бўлса-да, Хонқулининг тийрак нигоҳи анча нарсани илғаб олди: узун бўйли, елкалари сал буқчайган, соқоли мумдай қора, катта-катта қўй кўзларида қўрқув излари қотиб қолгани ҳали анча ёш кўриниади, 35—36 лар нари-берисида. Ўрта бўй, бақбақалари осилиб, юз териси сарғайган, кўзлари ич-ичига ботиб, соқолига оқ оралагани эса эллик ёшлар атрофида бўлса керак. «Лекин ана шуниси кўўл ҳароб бўлибди, кўзларида хунук бир ёлқин бор, юзи сарғайган-у, ёноқлари қизил. Сибирга етгунча жон таслим қилмаса гўрга эди». Ўйлади Хонқули ва маҳбусларга мурожаат этди:

— Ассалому алайкум, мен ҳамюртларингиз Хонқули тўпчибоши бўламан! Аҳволларингиз қалай?

Гангиб турган маҳбуслар она тилларида калом эшиштгач, бараварига йирлаб юбордилар.

— Ваал... Вааллайкум...

Йиғининг зўридан улар гапиролмасдилар, йирик ёмғир томчилариdek кўз ёшлини салқи ёноқлардан сизиб тушиб, пахмоқ соқол-мўйловларига осилиб қолар, бу аянчли манзарани кузатиш жуда оғир эди.

Маҳбуслар шу таҳлит бир муддат обидийда қилгач, сал ўзларига келдилар ва Хонқулининг саволларига жавоб қайтара бошладилар.

Ёшробининг исми Шамсиёдин ҳожи, ўрта яшариники Юсуф ҳожи экан. Улар заргарлик буюмлари, турли матолар билан савдогарчилик қилишаркан. Юсуф ҳожининг Боритуркоңда каттагина ер-мулки бор экан.

— Ҳожитархондан баҳри Хазар орқали юргимизга кетмоқчи бўлиб турюнимизда бизни кишанбанд этиб, бу ерга олиб келдилар. Биз нима гуноҳ қилганимизни ҳам билмайдурмиз, — дейишиди улар.

Маҳбусларни тинглаб ўтирган Хонқули ҳибсона бошлиғига, милтиқли соқчиларга бирма-бир назар солди ва деди:

— Абулфайзхон ҳазратларининг шахсан илтимосларига кўра улур Россия подшоси Пётр I ҳазрати олийлари гуноҳдарингизни афв этдилар: осув ҳукми Сибирь каторгаси билан алмаштирилди.

Тантанавор оҳангда сўзлаёттан Хонқули афв хабаридан сўнг маҳбусларниң кувончдан эслари оғиб қолса керак, деб ўйлаганди. Йўқ, ундай бўлмади, хабар яшашга қандайдир умид уйғотган бўлса-да, тутқунлар уни маъюс бош эгиб қаршиладилар, ҳеч қандай шукроналик сўзлари ҳам бўлмади. Сирасини айттанда, улар тўғри қиласдилар, ахир дорга тортилганларида, бир зумда укубатлардан халос бўлардилар, энди эса минг азоб билан секин-аста маҳв этиладилар. Бу йиртқич ўз ўлжасини чалажон қилиб, ямлаб ютишини кейинга қолдиргандай бир гап эди.

Хонқули кўрксиз, роят хафақон хонада беҳад сиқилаёттанини ҳис этиб, бу ердан тез кеттиси келди. У маҳбуслардан оиласларига етказиш учун қисқа-қисқа мактублар ёздириб олди-да, ҳамроҳлари билан хонадан чиқиб кетди.

У сон-саноқсиз йўлак, йўлкалар, пиллапоялар ва осма кўприклар орқали ўтиб борар экан, битта-яримга ёмғир томчилар, қора-кўкимтири булувлар шундоқ-қина қалъа кунгурадари тепасида осилиб турарди.

Неванинг югурик тўлқинлари соҳидалги харсангтозшларга бош уриб, шалоплашар, дарё ўртасида катта-кичик оққушлардай елканли кемалар сузиб боришиарди. Хонқули дарёдан эстган шамолга кўксини тутиб, кемаларни бир муддат кузатди. Шу топда исталган кемага чиқиб олиб, узок-узоқларга кеттиси келарди.

Шервозихоннинг «туҳфа»си

1715 йил баҳори серёмғир бўлса-да, илиқ эди. Александр Бекович-Черкасский экспедицияси яна йўлга чиқди ва 25 апрелда Гурьев шаҳарчасига, сўнгра Хазар дengизининг шарқий қирғоидаги Тўпқўрғонга етиб келди.

Экспедиция бошлиги туркманларнинг қабила бошлиқдари билан Амударёнинг эски ўзани ҳақида сухбатлар ўтказиб, маълумот тўплади. Хариташунослар Шарқий қирғоқни харитага туширдилар. Экспедиция 1715 йил октябрда Астраханга қайтиб келди. Тўпланган маълумотлар ва Хазар дengизи Шарқий қирғоғи харитаси Пётр I га юборилди.

Маълумотлар подшоҳда катта қизиқиш уйғотди ва у Бекович-Черкасский бошчилигига янги катта ҳарбий экспедиция ташкил этишга фармон берди. Экспедиция аъзолари сони 5 минг кишига етказилиб, кема ва замбараклар сони ҳам оширилди.

Экспедиция 1716 йил 20 сентябрда йўлга чиқиб, 9 октябрда Тўпқўрғонга етиб келди. Аскарлар Амударёнинг эски ўзани — Ўзбўйда қалъа қуришга киришдилар.

Қурилиш авжи қизиган паллада экспедиция разведкаси Хива хони русларга зарба бериш учун катта ҳарбий куч тўплаётганини маълум қилди.

Бекович-Черкасский ташвишга тушиб қолди. «Нима қилиш керак? Фурсатни кўлдан бой бериш — экспедицияни ҳалокатга олиб келиши мумкин.»

Экспедиция бошлиғи офицерларни маслаңат кен-
гашига түпләди. Бирөвләр такроран, янада аникроқ
разведка ўтказиш, кейин вазиятта қараб иш тушиш
керак дейишса, бирөвләр Хива қўшинини шу ерда
қарши олиб, қақшатқич зарба беришни таклиф этиш-
ди, яна бирөвләр вакиллар юбориб, музокаралар ўтка-
зиш лозим дейишиди. Бекович-Черкасский ва бир гурӯҳ
офицерлар эса фурсатни бой бермай йўлга тушиш,
хиваликлар билан тезроқ рўбарў бўлиш керак, деган
фикрни илгари суришда ва охир-оқибат улар айтган-
дай қилинди.

Экспедиция Гурьев орқали қуруқлик билан Хива
томонга юра бошлади. Замбараклар, аслаҳа-анжом-
лар, озиқ-овқат ва сув захиралари билан йўл босиши
жуда мушкул, боз устига казаклар, пиёда аскарлар
қумликлар шароитида ҳаракат қилишга ўрганмаган-
дилар. Улар Қараюч дарёси яқинидаги нафас ростлаш
учун тўхтаб, 60 нафар отлиқ казакни балиқ овлашта
юбордилар.

Дарё ёқасидаги тўқайда пистирмада турган хива-
ликлар казакларни рафлатда қолдириб асирга олдилар
ва экспедицияга қўққисдан ҳужум қилиб, анча тала-
фот етказдилар. Шунга қарамай рус қўшини Хивани
ўраб олиб, шаҳарни замбараклардан ўққа тутди. Ша-
ҳарнинг вайрон бўлиш, тинч аҳолининг қирилиш хав-
фи тувилиди.

Шунда Хива хони Шерғозихон Бекович-Черкас-
ский билан музокаралар олиб боришга қарор қилди.
У ҳарбий ҳийла ишлатиб, рус қўшинини гўё шаҳарга
жойлаштириш учун кичик-кичик бўлакларга бўлиб
юборди ва осонлик билан қириб ташлади. Шерғози-
хоннинг шаҳар ташқарисидаги чорбогида дам олиб
ётган Бекович-Черкасский асирга олинди.

* * *

Князь тўнтарилган қозонга монанд, зах ва қўланса
ҳид анқиган қоронги ҳужрада кўл-оёқларидағи ки-
шанларни шилдиратганча хаёл сурини ўтирад, бу ерга
келганига неча кун бўлгани, ҳозир тунми, тонгми бил-
масди.

«Мени худди ёш боладек лақиллатиб, қопқонга туширдилар. Шунча бегуноқ одам қирилиб кетди, яргаслаҳалар қўлдан берилди. Бу ҳам майлига, лекин шармандағарчилликни айтмайсизми?! Подшоқ оддида нима деган одам бўладим? Мана энди шу қўланса лаҳадда ўлим топаман, номимга абадий лаънат тамғаси босилади. Чунки ҳамма ишни барбод қилган менман. Ўзимга ҳаддан ташқари ишондим, бино қўйдим, шекилли. Аслида ўшанда, разведка маълумотларини олгач шошилмаслигим, ўйлаб иш қилишим керак эди. Экспедицияни ўзбўйда қолдириб, оз сонли гурӯҳ билан музокарага келганимда, ўзим ҳалок бўлсанмада, асосий кучлар омон қоларди. Энди эса...»

Аҳён-аҳёнда эшик ортидаги соқчининг яроқлари шақирлагани, аллакимларнинг ғўнғир-ғўнғир гапиргани эшитилар, лекин маҳбус ҳеч нимани англаёлмасди.

«Буни сиёsat дейдилар. Сиёsatда тўғрилик, ҳалолликка ўрин йўқ. Мен эсам «музокара», «сулҳ» деган сўзларга чиппа-чин ишонибман. Боз устига Рус давлатига тобе бўламан деб қайта-қайта маҳфий тарзда элчилар юборган Шоҳниёзхон таҳтдан ағдарилган. Ҳозирги хон Шерғозихон биз учун синалмаган отдай бир гап эди. Унинг дўст ёки душманлигини олдиндан кўра билишим керак эди. Нафси замонига у агар дўст бўлса, бизга қарши қўшин тўпламасди-ку! Демак, разведка маълумотини олганимдан сўнг бутун фикрни бир ерга жамлаб, қаттиқ жангта шайланишим лозим эди... Шерғозихон ҳийла ишилатмаганида ва мен попукқанд ваъда қилинган ёш гўдақдек лаққа тушмаганимда, кўп сонли қўшину, замбаракларга хиваликларнинг фақат қилич, милтиқ билан қуролланган навкарлари сираям дош беролмасди.»

Князь чукур «уф» торти, кўзи тиниб, боши айланди. У кишанбанд этилганидан буён туз тоттани йўқ, ҳар куни соқчилар хужрасига олиб кириб қўядиган кичик сопол кўзачадаги сув ва тарашадек қоттан нонларга қиё ҳам боқмас, бу ерда оғзига ушоқ солишни ўзицек аслзода учун ўлим ҳисобларди. «Тўғрида, — дерди у, — очлиқдан жон таслим этдинг нима-ю, бўғзингта тортилган пичоқдан ўлдинг нима, барибир эмасми?»

Маҳбус бу ердан тирик чиқолмаслигини яхши билар, тақдирга тан берәэзган, факат ўзини кутаёттан қийинокларга дош бера оламанми, йўқми, дея ташвишланарди. У Ўрта Осиё хонликларида асиirlарни қандай қийнашлари ҳақида кўп эшитганди. Лекин офицер сифатида яхши билардикি, Кавказда ҳам, Россияда ҳам асиirlар билан пачакилашиб ўтиришмайди.

«Начора, тақдир азал деганилари шу бўлса керакда, — ўйлади у. Негадир шу топда подшоҳ Пётр I билан бўлиб ўтган сұхбатдан кейинги ҳолати ёдига тушди. Ўшанда подшоҳ ҳузуридан чиқиб, извошга ўтираёттанида ғалати бир ҳолатта тушганди. Бу ҳолатни саросима ҳам, карахтлик ҳам деб бўлmas, аллақандай саркүшдек эди. Тўғри, у подшоҳ топширигини тақдир марҳамати, деб қабул қилган, лекин бир неча сония иккиланиб, хаелидан шундай фикр кечганди: Ё номинг шон-шуҳратга бурканади, ёки бошинг найзага илинади. Наҳотки, ўшанда бошига тушажак бу мусибатларни шармандаликларни олдиндан кўра билди экан? Йўқ, у кароматчи змас, ҳеч нимани олдиндан кўра билгани йўқ. Факат ўшанда юргини, онсини соғинганидан шундай ғамгин хаёллар калласига келганди. Энди эса... Онасидан, мунис, меҳрибон дўстидан нақадар йироқда у. Энди дийдор қиёматта қолиб кетади. Бечора она ўғлидан бир энлик хабар ололмай тупроқ бўлади...

Кунлар тунлар билан, тунлар саҳарлар билан алмашинаверди. Туткун уларнинг ҳисобини аллақачон йўқотган, ҳолдан тойган, кўзачадаги илиқ сув билан онда-сонда томорини хўллаб кўяр ва яна шифтга тиқилганича хаёл дарёсида сузишда давом этарди.

Бир кун саҳар маҳали эди чамаси, фикри равшанлашиб, кўксида ширин оғриқ аралаш бир нима илиб келаёттандек бўлди. «Тўйиб ухлаганимдан бўлса кепрак», деб ўйлади князъ ва шу онда кўз ўнгидага гўзал манзара намоён бўлди: Петербург. Мойка. Сунбула охирлаёзган, анҳорда қора кўкимтири сув сим-сим оқиб ётибди, осмонда кулранг қояларга монанд булувлар сузиб юрибдилар...

Александр (ўшанда Давлат Мирзо эндиғина князъ Александр бўлган эди) анҳор соҳили ёқалаб тез одим-

лайди. Құлида хивичдан түқилған улкан сават, сават тұла оқ, қызил, қирмизи атиргуллар.

Князь бирдан юришини секинлатди, оёқларидан дармон қуригандек бұлды. Лекин тезда үзини құлга олиб, узун, қора ёмғирпүш, укпарлы қора қалпоқ кийиб, юзига ҳарир түр туттан қыз истиқболига ошиқди.

— Нина! Жонгинам!

— Саша, азизим! — оловли, әхтиросли нидолар ҳар иккаласининг күксидан бир вақтда узилди ва сохидалғы улкан ҳарсанглар мудорини учирғандай бўлди.

Қыз оқ құлқопларини ечиб, юзидағи ҳарир парданни күтарди: оқ-қирмизи чеҳра, майнин, қайрилма қоплар, беғубор, зангори күзлар, юракни сув қилиб юборгудек куладиргичлар...

Уни бир муддат сўзсиз кузаттан йигит юрагида ҳислар мўллигидан каловланиб қолди, сўнг қўлидаги гул тұла саватни сохидалғы силлиқ ҳарсангта қўйди.

— Бу гуллар сенга, Нина!

— Вой-бў, ҳаммаси менгами? Ахир бу жуда кўпку!..

— Ҳаммаси, ҳаммаси сенга, жонгинам! Мен Петербургнинг, Кавказнинг, йўқ, йўқ, бутун дунёning жамики гул-чечакларини сенинг пойингта тўкаман!

— Сен шунчалар сахийсанки, Саша!..

— Йўқ, бу сахийликдан эмас, гуллар сенинг юзингни кўриб уялсинглар деб шундай қиласман!..

— Тентагим, тентаккинам, талтайиб кетишимдан қўрқмайсанми?

— Ёнимда сен бор экансан, мен ҳеч нарсадан қўрқмайман...

... Петербург. Мойка. Сунбула охирлаёзган, анҳорда қора кўкимтири сув сим-сим оқиб етибди... Қора ёмғирпүш, укпарлы қора қалпоқ кийиб, юзига ҳарир парда туттан паричеҳра қыз... — бирдан буларнинг ҳаммаси кўздан ғойиб бўлиб, Александр Бекович-Черкасский кўз олдини кўкимтири туман қоплади ва у лабларида шўртанд бир таъм сезди, кўксидаги илиқлик йўқолиб, юраги жизиллаб оррий бошлади. Нигоҳлари гўзал манзарага эмас, захдан яшил тусга кирган шифтта қадалди. У зўр бериб сиёҳлўш гўзал қизга

саватда гул тутаёттан барваста йигит ва афтодаҳол
банди ўртасида ўхшашлик излар, бу ўхшашликни дам
топар, дам йўқотарди.

Бир неча сония муқаддам унга тасалли бериб тур-
ган ёруғ туйғулар зинданнинг рутубат ҳиди анқиган
машғум деворлариға сингиб кетдилар ва у қора кўлан-
кадек хаёлларига қайтди.

— Ҳа, — ўйлади у, — сен бутун ўзгалар юртида
зору ҳақирсан, сабаби бировлар тупроғига сўроқсиз
қадам кўйдинг. Ниятларим яхши эди, дўст бўлиш, ўлка-
ни ўрганиш учун келгандим, дея ҳар қанча айтма,
ишонмайдилар, сен улар учун босқинчисан. Тушуняп-
санми, босқинчи!

* * *

Хиванинг Иchan қалъа-ю Дишан қалъасида ҳаёт қай-
найди. 1717 йил, асад ойининг окирги кунлари. Эрта
саҳарлаб муаззинлар ширали товушда аzon айтишар,
бозорлар олағовур, жарчилар томоқ йиртишар, тур-
ли-туман моллар ортилган карвон қўнғироқлари да-
ранг-дурунги қулоққа чалинар, карвоңсаройлар ниҳо-
ят гавжумлашиб қолганди.

... Зиндан эшиги шарақлаб очилиб, остоңада эгри
қилич тақиб, наиза ушлаган икки соқчи кўринди.

— Қани урус дўғон, дур ўрнингдан! Алингни бо-
шинг остина қўйиб ухлаганинг етар энди! — деди
соқчиларнинг бўйчанрови ўдарайлаб.

Бекович-Черкасский «урус»дан бўлак сўзни ту-
шунмаган бўлса-да, гап оҳангига ва соқчилар ишорала-
ридан ўзини қаёққадир олиб кетишимоқчи эканлари-
ни, эҳтимолки, паймонаси тўлиб, куни биттанини юрак-
юракдан ҳис этиб, секин ўрнидан қўзгаради. У қўйкўз
бўлса-да, соч-соқоли сариқ бўлганидан русларга
ўхшарди.

Бекович-Черкасский соқчилар қуршовида узун,
нимқоронги йўлақдан кетиб борар, оёқларидағи ки-
шанлар силлиқ, чорқирра ғишталар устида судралиб,
ғалати товуш чиқарар, баданига майда бир титроқ ора-
лаганди. Усти берк салқин йўлақнинг ҳар ер-ҳар ерида
қурол ушлаган соқчилар туришар, маҳбусни қизи-
кувчан нигоҳлар билан кузатиб қолишарди.

Ниҳоят, узундан-узоқ йўлак тутаб, маҳбус ва соқчилар кенг саҳига чиқдилар. Бекович-Черкасский неча кунлардан бери қорониликка ўрганиб қолган кўзларини бир муддат юмиб турди, мўл ёргулек, тоза, илиқ ҳаводан боши гир-гир айланди. Кўп ўтмай уни соқчилар, аъёнлари қуршовида таҳтда савлат тўкиб ўтирган норгул, икки юзи қип-қизил, қошлири ўсиқ Шерозихонга рўбарў этиди.

Хон маҳбусни бир муддат кузатиб турди, сўнг аъёnlарига қараб олгач, хотиржам товуш билан сўз бошлади:

— Дим ҳароб бўлибсан-ку, Давлат Мирзо? Сен Хивонинг чўлида нишатиб юрибсан ўзи, бу юртни ёшумлисиз деб ўйладингми?

Бекович-Черкасский хоннинг тилидан ўзининг ҳақиқий иомини эшишиб, ҳушёр торти. Демак, Шерозихон ўз маҳбуси тўғрисида анча-мунча нарсани билади. Тилмоч хоннинг сўзларини таржима қилди. Бекович-Черкасский бир хонга, бир тилмочга назар ташлаб олгач, жавоб берди:

— Мен аскарман, ҳудди сизга ўхшаган подшоҳнинг фармонини бажардим. Бу юртга ёмон ният билан эмас, балки дўст бўлиш учун келганман.

Хон заҳарханда қилди:

— Дўстнинг уйина алингта қилич ушлаб, черик тортиб келдингми? Дўст уйина замбаракдан ўқ ёғдирадиларми?

— Биз Ўзбўйда қалъа қураётган эдик. Сизга таҳдид эттанимиз йўқ, агар пистирма бизга талафот етказмаганида, замбаракларни ишга солмасдик. — деди Бекович-Черкасский хотиржамлик билан. У энди ўзини қийнаётган ички титроғини босиб олган эди.

— Ўзбўй катта энангни маҳрина тушғанмидики, қалъа қурасан?

— Хивадан подшоҳимиз Пётр хузурига бир неча маротаба элчилар бориб, дўст бўлиш, савдо алоқаларини кенгайтиришни таклиф этган эдилар.

— Ул замонларни-да, ул ёшулларни-да аллақачон сув олиб кетди. Ўкуздарё ютиб Йиборди. — деди Шерозихон салмоқлаб.

Бекович-Черкасский жимиб қолди. У хон билан баҳслашиш фойдасизлигини яхши биларди.

Сукунатни Шерозихон бузди:

— Сен аслэодасан, томирингда мусулмон қони оқаёттир, алинга кишин ярашмайдур. Динингни сотмаюнингда, Оқпошшога малайлик қилмағонингда дим бахтли бўлардинг, Кавказда сендан бой киши бўлмасди.

Шифти ниҳоятда баланд, кенг-мўл боргоҳда яна сукунат ҳукмронлик қила бошлади. Бу ерда атьёлар, мулоzиму соқчилар кўп бўлса-да, пашша пар урса эшитилгудек эди. Хон ва маҳбус ўртасидаги сужбат шутариқа тутади.

Хива ҳукмдори Шерозихоннинг буйруғига биноан 1717 йил 29 августда Александр Бекович-Черкасский қата этиди. Жаллод князнинг бошини танасидан жудо эттач, хон маҳсус вазифалар бўйича элчи ва хос навкарларидан энг этчи, чаққонларини ҳузурига чорлаб буюрди:

— Бул бенамоз кофирнинг бошини Бухоро хони, дўстимиз Абулфайзхонга етказингиз. Хива хонлари тортиқ этишни хуш кўрадурлар.

Хон амри вожиб. Элчи-ю хос навкарлар отларини згарладилар, учкур бедовлар Хива ва Бухоро оралиғидаги чексиз қуммиклар танобини торта бошлади.

* * *

Абулфайзхоннинг хуфиялари Бухоро, Хива, Ҳожитархон оралиғидаги карвон йўлларида мунтазам қатнаб, унга Бекович-Черкасский экспедицияси ҳаракати тўғрисида ахборот бериб турардилар. Хон экспедиция қириб ташланганидан хабардор эди. Россия билан элчилик, савдо алоқалари давом этаётган бўлса-да, Абулфайзхон Хивага қўшин юборган Пётр Бухорога ҳам кўз олайтириши мумкинлигини тахмин этарди. Айниқса, Бекович-Черкасский экспедицияси қириб ташлангач, хон бениҳоя ташвишланиб қолди. «Лаънати Шерози, шундай қудратли Оқпошшо билан ўчакишиб бўладими, у ахир бундан юз чандон зиёд черик юборса нима қиласан? Бухоро ҳам сен ваҳшийнинг касрингта қолмаса гўрга эди.»

Хон вужудга келган вазиятни таҳдил қилиб, хонлик сарҳадларини мустаҳкамлаш масаласини мухокама этиш учун машварат чакирди. Машваратта қушбеги, тўпчибоши ва бир неча нуфузли аъёнлар тақлиф этилган эди. Ҳамма жамулжам бўлгач, Абулфайзхон сўз бошлади:

— Бахри Ҳазар бўйларинда, давлатимиз сарҳадига яқин ерларда урусларнинг пайдо бўлиши, Ҳивага юриши, Шерғозихоннинг уларни қириб ташлаши хонлик яхлитлигига таҳдид соладур. Ҳозир эҳтиёт чораларини кўрмасак, кейин кеч бўлиши мумкин.

Машварат узоқ давом этди. Қушбеги, Ҳонқули тўпчибоши ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини бирма-бир баён этдилар. Москва, Петербург, Ҳожитархон ва бошқа шаҳарлардаги ишончли кишилар, хуфиялар билан алоқани янада мустаҳкамлаш, уларга яхшироқ ҳақ тўлаш, карвон йўлларидан мунтазам кўзқулоқ бўлиб туриш, айниқса, савдогарлар орасида таъсирни кучайтиришга қарор қилинди. Лашкар доимо тўқ, ва шай бўлиши даркор.

Эшиқда мулоҳизм пайдо бўлди ва хонга буки иб таъзим бажо келтиргач: «Ҳивадан, Шерғозихон ҳазратларидан пошилинич элчи бор», — деди.

«Ҳива... Шерғози... Элчи... Бу саҳройи яна нима балони бошлади эркан?» Абулфайзхоннинг пешонаси тирищди, кўнгли ёмон бир нарсанни туйиб, аъёнларга савол назари билан қаради, улар жим эдилар.

— Не юмуш билан келибдур? — сўради хон норози оҳангда.

— Фақат хонга топширатурон бир амонатим бор деб айтадур, — изоҳ берди мулоҳизм.

Ҳоннинг пешонаси баттарроқ тирищди. «Эй худо, бирор осуда кун йўқ, бу қандоқ кўргилик?» — ўйлади у ва мулоҳизмга:

— Айт, кирсун! — деди.

Кўп ўтмай улкан чўтирма кийиб, тўнининг устидан камар таққан, баланд пошна этикли Ҳива залчиси хонга рўбарў бўлиб, таъзим бажо келтирди-да, ишонч ёрлигини топширди. Элчи уккикўз, қоқчакак, соқол-мўйлови текис қирқилган, нигоҳлари жуда бесаранжом киши эди. У Шерғозихон ўзига юклаган вазифа юят қалтис

ва хатарли эканини, иш чаппасидан кетса, бошидан ажралиши ҳеч гап эмаслигини яхши билар, «бош олиб келиб, бошдан ажралиб қолмасам эди», деган ўй миясини тўхтосиз кемирарди.

У Абулфайз Мұхаммад Баҳодурхоннинг жуда кўп сифатларини санаб, унинг олло-таолонинг заминдаги зличиси эканини яна бир карра таъкидлаб, Шерғозиҳоннинг кўпдан-кўп дуои саломини топширгач, шундай деди:

— Хон ҳазратлари бир қошиқ қонимдан кечсалар, Шерғозиҳон ҳазратларининг тортиқларини ва амонатларини топширап эрдим.

Абулфайзхон сергакланди. «Тортиғи майли, лекин амонати нима бало экан?»

— Амонатинг не эркан?

Элчи ҳаёт-мамоти худди шу дақиқада ҳал этилишини билиб, бадани жунжиқди, фикрларини бир ерга жамлаб, жавоб берди:

— Хивага босқин қилмоқчи бўлрон, кофириларга сотилғон Давлат Мирзонинг боши!

Хонага қабристон сукунатидек жимлик чўқди. Абулфайзхон Хива хонидан элчи келди, деганларидаёқ, саҳрайи туркманлар бир шумлик бошлаганини сезган бўлса-да, бу қадар сурбетликни кутмаганди. Нима қилиш керак? Элчини дарҳол зиндонга солайин деса, бўлмайди. Элчига ўлим йўқ. Боз устига у: «Бир қошиқ қонимдан кечинг», деб турибди.

Хон элчига ёмон қараш қилди, сўнг аъёнларига бирма-бир нигоҳ ташлади. Ҳамма жим эди.

Абулфайзхон салмоқлаб гап бошлади:

— Бу адабсизлигинг учун сени зиндонга солсам-да, бошингни олсам-да, ҳақим кетадур. Бироқ машойихлар «Этилган бошни қилич кесмайдур» демишлар. Қонингдан кечдим, айт, келтирсунлар ўша амонатингни!

Хон аъёнларига мурожаат этди:

— Ана кўрдингизми, жаноблар, биз машваратта айни вақтида йирилон эрканмиз. Бу нобакор Шерғозининг Урусия подшоси бирла душманлашуви яхшиликка олиб келмайдур.

Аъёнлар бирлари олиб, бирлари қўйиб, Шерғозиҳонни ёмонлай кетдилар.

Орадан вақт ўтиб, хонада яна шериклари ҳамроҳлигида Хива злечиси пайдо бўлди. Шериклари совғасалом солинган баркашлар кўтариб олишган, злечининг қўлидаги чоқроққина баркашда эса матога ўроғлик думалоқ бир нарса бор эди. У хонга рўбарў бўлди ва думалоқ нарса устидаги матони кўтарди.

Сариқ соchlар, сариқ соқол, юмуқ кўзлар, заъфарон юз, салқи ёноқлар... Гарданда қотиб қолган қон...

Абулфайзхон сесканиб кетди, кўнгли беҳузур бўлди. Йўқ, уни кўнгли бўш деб бўлмасди, ахир акасини ўлдирирган, қанча-қанча бошларни кестирган, қанчадан-қанча кесилган бопиларни кўрган одамга бир дин-фурушининг калласи нима деган гап? Фақат шу чоққача ҳеч бир зот унга кесилган бош пешкаш қилмаган эди.

Хон ўзини куч билан қўлга олиб, злечига сўз қотди:

— Шерозихон ҳазратларига менинг дуойи саломимни топширинг ва айтингки, юборган пешкашларидан беҳад сарафроз бўлдум. Худо ҳофиз, биз ҳам қарздор бўлиб қолмагаймиз.

Элчи ва ҳамроҳлари хонга таъзим бажо айлаб, ортлари билан юриб, чиқиб кетдилар.

Абулфайзхоннинг кайфияти бузилди. У аъёнларга жавоб бериб, Хонқули тўпчибошига бир муддат қолишини буюрди. Аъёнлар чиқиб кетгач, тўпчибошига юзланди:

— Тўпчибоши жаноблари, юмушларингизни саранжомлаб хузуримга келинг, маслаҳатли иш бор.

Хонқули чиқиб кеттач, Абулфайзхон хаёлга чўмди.

«Лаънати Шерози, Давлат Мирзонинг бошини менга юбориб, бу билан нима демоқчи? Хивага кўз олайтироғоннинг ҳоли шундай бўлади демоқчими? Ахир мен Хивага таҳдид қилғоним йўқ-ку. Ёинки падари бузрукворимнинг Хивани босқин қилғонига ишорами? Бунга кўп йиллар бўлди-ку. Бўлмаса, урусларга қарши черик тортайлуқ деганимикин? Бу густоҳлик-ку! Шусиз ҳам душманларим, этимни бурда-бурда қилишга тайёр турғон итлар кўп...»

Хон Шерозихоннинг антиқа тортиғи, Давлат Мирзо ва Пётр ҳақида узоқ ўйлади. «Давлат Мирзо Пётр-

нинг ишонган одами. Унинг бошини хор этсам Пётр менга раҳмат айтмас. Бу қабоҳатда менинг гуноҳим йўқдигини билиб қўйсун.»

Тушдан сўнг Хонкули ҳузурига кирганда Абулфайзхон бир қарорга келган эди.

— Тўлчибоши жаноблари, яна Урусияга сафар қилишингизга тўғри келадур. Оқ пошшо одамининг азиз бошини ҳурмат айламак даркор. Давлат Мирзонинг бошини Урусияга элтасиз. Токи иззат-икром бирла туфроққа топширсунлар. Фуқароларимиз бошита оир кун тушганда Пётр сўзимизни ерда қолдирмаюн эрди-ку, шундай эмасми?

— Шундай, аъло ҳазрат! — деди Хонкули, — Бекович-Черкасский Пётр наздида катта нуфузга эга одам эди. Биз уни иззат-икром этсак, подшоҳ бу неклигимизни унутмайди.

— Бўлмаса сафар тадоригини кўринг, ўтган талгидек пешкашлар олишни унутманг, — деди Абулфайзхон. — Мен Пётр ҳазратларига нома битгадурман.

Орадан бир неча кун ўтиб, қўнгироқ садолари Бухородан яна бир карвон Петербург сари йўлга чиққанидан оғоҳ этди.

Буюк Пётр жосуси

1717 йил. Кеч куз. Петергоф. Денгиз томондан эстган сарсари шамоллар 13—14 яшар қизлардек энди бўй чўзаётган ниҳоллар қаддини эзмоқчи бўлади, заъфарон япроқлар уларнинг қанотида узок-узоқларга учб кетади.

Қурилиши тез суръатлар билан давом этаётган Монплезир саройи. Қурилишни кўздан кечириш учун келган Пётр I рутубат ҳиди анқиб турган хиёбонда танҳо кезиб юрибди. Унинг чехраси куз осмонидан-да тундроқ. Бекович-Черкасский экспедициясининг муваффақиятсизлиги уни ниҳоят ғазаблантирган. «Бу нима деган гап? Лаънати осиёликлар! Ёввойи Шерюзи менинг энг ишонган одамларимдан бирининг бошини танасидан жудо қилиб, Абулфайзга юборса, Абулфайз аталмиш тулки: «Мен ҳеч нарсадан хабарсизман, бу ишда заррача гуноҳим йўқ», дея бояқиш Сашанинг

бошини олтин баркашда менга жұнатса?! Мен, улутткы Россия подшоси, бунга тоқат қилишим мүмкінми? Бу юзимга тупуриш билан баробар змасми? Қачондан бері рус подшолари бундай ҳақоратларға күниги қолдилар? Ганимларим буни зшиппет, нима деб үйладилар?»

Пётрнинг ўз-ўзига берадиган саволлари күп зди. Лекин у йирик сиёсатчи ва саркарда сифатида билардикі, ҳозир Шерюзихоннинг бу сурбетлигига қарши шошмашошарлик билан жавоб қайтариш мүмкін змас. «Куч билан змас, ақл билан иш күришта түгри келади. Сенлар менинг совунимга кир յөмабсанлар ҳали. Бұттар Оврупо мен билан ҳисоблашишта мажбур бўлганда, Бухоро ва Хива нима деган гап?

Бу икки хонлиқда ўз одамларим бўлади, улар мени барча сиёсий воқеалардан хабардор қилиб турадилар. Ҳамма нарсадан хабардор одамнинг бир қарорга келиши унчалик қийин змас. Энг муҳими ҳар иккала хонлик бир-бирига қайраб турилса, у ёғи осон кечади. Бу ёвойилар тож-тахт йўлида жондан ҳам, оға-инидан ҳам кечадилар», — ўйларди у.

Энди шакланаётган боғ, фаввора ва хиёбонлар булутлар йиртиридан қараган куз қуёши нурларидан янада гўзалроқ кўринар, лекин подшоҳ буларга эътибор қилмай, ўзининг режаларини зўр бериб калласида пишиштарди. Бирдан зсига Петербургда яшаётган, ташқи ишлар коллегияси ходими, италиялик Флорио Беневини келди. «О, ажойиб фикр. Флорио Бухородаги кўз-қулогим бўлади. У жуда кўп Шарқ мамлакатларида бўлган, маданияти, урф-одатлари, жуғрофиясини яхши билади. Флориони Бухорода дипломатик миссия раҳбари этиб тайинлайди!»

Подшоҳ амри вожиб. Кўп ўтмай Флорио Беневини ва миссия аъзолари наубатдаги савдоғарлар карвонига кўшилиб, Бухорога келдилар.

Бухоройи шарифда тирамоҳ охирлаёзган бўлса-да, ҳаво илиқ, Шоҳрудда энди тиник сувлар оқади. Лаби-ҳовуз сатҳида Девонбеги мадрасаси акси ўйнайди, заъ-фарон тут барглари сузиб юради. Куз неъматлари бозорларга сирмайди.

Флорио Беневини ҳақиқатан ҳам кўп Шарқ мамлакатларида бўлганди. Лекин Бухоро бетакрорлиги би-

лан уни лол қолдирди. Сон-саноқсиз бозору тимлар, расталар, ҳовузлар ва тош ётқизилган сокин күчалар, камсукум, чехраси очиқ одамлар... Күм-күк осмон, нилий гумбазлар, эрта тонгда ширавли овоз билан азон айттан муazzинлар... Бухоро Шарқнинг бошқа шаҳарларига ҳам ўхшар, ҳам ўхшамасди. Шаҳарни ўраб турган баланд деворлар, улкан дарвозалар, келиб-кетиб турган карвон қўнғироқлари жарангига унга аллақандай улутвор, афсонавий тус берар, Флорис олаговур кўчаларни кезиб чарчамасди. «Бухоро Венецияга жисман ўхшамаса-да, руҳан ўхшар экан», — ўзича қайта-қайта имон келтиради у.

Флорио Беневини 45—46 ёплардаги ўрта бўй, бурдойранг киши бўлиб, қиёфаси ерлик аҳолига ўхшаб кетар, Шарқ тилларини мукаммал биларди. Шу боисдан қўнғир-қора соchlарини устарада олдириб, симобий салла ўраб, эгнига енгил яктак кийганида уни Бухоро уламоларидан фарқлаш мумкин бўлмай қолди. «Бухородай шаҳарда Оврупоча кийиниб, оқ қарғадек бўлиб юриш хаяфли», — деди у ўз-ўзига. Зиммасидаги вазифани бажариш учун у кўча-бозорларни тўлдирган оломондан фарқ қиласлиги керак. Саройда эса энг синалган усул — ришватни ишга солиш даркор. Энг жоҳил хон, амалдор, уламолар ҳам унга тоб беролмайдилар. Флорио кўп йиллик тажрибасидан буни яхши биларди.

Абулфайзхон Россия ва Ҳиндистон элчилари шарафига аркда қабул маросими уюштириди.

...Шоҳона безатилган кенг, танобий хона. Хона ўртасида осилган улкан қандилнинг ҳамма шамлари порлаб турибди. Бу ерда Бухоронинг казо-казолари, Россия ва Ҳиндистон элчилари тўпланишган. Тўрда Абулфайзхон, элчилар Фарҳод оталиқ, Ҳонқули тўпчибoshi, Ҳакимбий иноқ, Иброҳим иноқ, қозикалон, нуфузли бек ва муллалар дастурхон атрофидан жой олишган. Дастурхонга оби наявоту пашмак ҳолвалар, хандон пистаю қора майиз, вақш олмаю ёқутдек анорлар, қаҳрабодек товланиб турган узумлар тортилган.

Хос хизматчилар қуюқ-суюқ овқатлар, оҳу, бедана гўштидан қилинган кабобларни пешма-пеш олиб келардилар. Ўткир чорири жонон пиёлалар пайдар-лай айланиб турибди.

Пойгакда икки танбурчи, бир рубобчи, найчи ва доираги тебрана-тебрана «Шашмақом»дан куй чала-дилар. Заррин либос кийиб, тиллақош тақдан, автиф қомат, өюят гўзал раққоса кабутардек енгил хиром этади. Унинг шаънига сархушона ҳамду санолар айт-тилади.

Бир неча пиёла ўткир чорир ичтанидан сўнг кўнгли юят ёришиб кеттан Флорио оқ юз, эзма қош рақдо-садан кўз узмас, у шарқликларнинг кўп базмларида иштирок этган бўлса-да, бундай чиройли қизни кўрмаганди.

Сиртдан қараганда гўзал раққосадан кўз узмаёттан бўлса-да, аслида у сарой аъёнлари хоннинг қайси томонида, қай тартибда ўтирганига қараб, уларнинг ну-фузини аниқламоқда эди. У ўзини ишга баришлай олар, шу боисдан ҳам Пётрнинг назарига тупиганди. «Кўнтил-хушликдан таним яйраса-да, руҳим асосий мақсад учун ишилаб туради. Бошқача бўлиши мумкин ҳам змас. Акс ҳолда Бекович-Черкасскийга ўхшаб, бошимни олтин товоқда Пётрга пешкаш қилишлари ҳеч гап змас. Бу ёввойилар негадир бош кесишни жуда хуш кўради-лар. Мана, тўрда савлат тўкиб ўтирган Абулфайзхон ҳам тахтта чиқиши учун акаси Убайдуллохонни ўлдир-ган, сўнгра бу ишга кўмаклашган ҳамфирларни битта-битта қиличдан ўтказган. Мен унинг ана шу йиртқичлик хусусиятини ҳисобга олишим керак. Лекин сирасини айтганда қайси ҳукмдор йиртқич змас? Йиртқичлиқда Пётрнинг олдига тудиадиган кимса йўқ-ку!»— Флорионинг калласида ана шу хаёллар чарх уради.

Унинг хаёлларини Абулфайзхон бузди.

— Хўш, элчи жаноблари, шаҳримиз Бухоройи шариф сизга матьқул бўлдими?

— Бухоройи шарифдек шаҳарга элчи бўлиб келгандан юят баҳтиёрман, хон ҳазратлари, — деди Флорио. — Айниқса, кўжлик, чеҳраси очик фуқароларингиз, тадбиркор, илмли аъёиларингиз менга матьқул бўлди. Бизга кўрсатилаётган иззат-икром учун ташаккур. Буларнинг ҳаммасини улуғ Пётрга нома билан маълум қиласман.

Хон элчининг сўзларига жавобан мамнун бош қимирлатиб кўйди. Дастурхонга барқапларда чиройли қилиб кесилган қовун тортилади.

Хон мулозамат қилди:

— Олинг, злчи жаноблари, Бухоро қовунидай ширин қовунни етти иқлимдан да тополмажаисиз.

Флорио бир тилим қовунни қўлига олиб, аввал унинг хуш бўйида маст бўлиб, бош қимирлатди, сўнг мақтаб-мақтаб ейишга тутинди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилди. Россия ва Хиндистон злчиларининг Абулфайзхонга олиб келган совғалари санаб ўтилди. Сўнгра хизматкорлар ҳар бир злчининг олдига совға-саломларни қўйиб чиқдилар.

Флорио Беневинита зарбоф тўн, камар-ханжар, бир ҳамён моможурроти олтин танглар берилди.

Бу совғалар хоннинг Россия злчисига хайрикоҳ эканини билдиради.

Буюк Пётр жосуси Флорио Беневини ишга киришди. Бир неча ой мобайнида хон саройининг, Бухоронинг паст-баландини ўрганди, чоғир базмлари уюштириб, Фарҳод оталиқ, Ҳакимбий иноқ, Раҳим қурчи ва бошқа хон яқинларининг қўйнига қўл солди, бой савдогарлар, руҳонийлар орасидан дўстлар орттириди. Лекин у кетидан айғоқчилар қўйилиши мумкинлигини билар, ҳар доим ўткир пичоқ дамида юргандек ҳис қиласади ўзини.

Яккана-якка сұхбатларнинг бирида Хонқули тўпчибоши Беневинининг Пётрнинг жосуси эканини Абулфайзхонга очиқ айтди. Лекин хон бу хабарга унчалик эътибор қилмади, «Хонлик ишини ҳазил билмангиз, тўпчибоши жаноблари, — деди ва қўшиб қўйди: — Яхши бўлса ошини ер, ёмон бўлса бошини».

Хонқули хоннинг илмоқли гапларидан сездики, жуда кўп бошларни иккиланмай кестирган хон кези келганда рус злчисини ҳам аяб ўтирмаса керак.

— Начора, — хўрсинди Хонқули, — мен бурчими ни бажардим, бу ёғини хоннинг ўзи билади.

Флорио Бухорода икки йил яшаб, бу ердаги сиёсий ва иқтисодий вазият, хон, унинг аъёнларининг кучли ва заиф томонлари, нималарга учлиги ҳақида ишончли одамлари орқали Пётрга ўта маҳфий маълумотларни юбориб турди. У Хива хонлигидағи вазиятни ҳам имкон қадар ўрганишга ҳаракат қилди. Флорио бухоролик савдогар қиёфасида шаҳар карвонсаройларига келиб-кетиб турган хивалик савдогар-

лар билан оғиз-бурун ўпишиб, Шерюзихон ҳақида маълумотлар тўплади, саройнинг нуфузли аъёнлари кимлар эканини аниқлади. Тажрибали жосус вазият чигаллашса, Хивага ўтиб кетишни режалаштирган, бунинг учун содик одамлар ҳам, от-улов ҳам бор эди. Мабодо Шерюзихон ҳам хайрикоҳлик билдириласа, унда Эронга ўтиб кетиш мумкин. Лекин тўплаган маълумотларига қараганда, ҳозир Шерюзихон анча шаштидан тушган, у агар доно сиёсатчи бўлса, Пётр билан бўлган душманчилигини янада чуқурлаштиришга ҳаракат килмайди. Флорио бошига қора кун тушганда, Бухоро учун «номақбул шахс» бўлиб қолганда қандай ҳаракат қилишни ана шундай режалаштириб қўйганди. Бу қора кун эса узоқ куттирмади.

Эрта баҳорнинг хийла изифирин, ойсиз туни эди. Флорио кайфи чор, чогир базмидан қайтарди. Зимистон паст кўчага бурилгани ҳамоне қора шарпадай икки киши унга ташланди. Флорио мункиди, лекин йиқиласади. Ҳужум қилувчиларнинг бири унинг қўлларини қайирди, иккинчиси эса бўғзига мушукдек чанг солиб, бўға бошлади.

Флорио бир зум гангиб қолди, сўнгра нафаси қиси-либ, кўзларидан ўт чақнаганига қарамай ёввойи бир наъра билан силтаниб, рақиблари қўлидан бўшалди ва сокин кўча сукунатини бузган ҳайқириқдан саросимага тушган йўлтўсарлардан бирининг чотига бор қучи билан тепди. Йўлтўсар «воҳ» деб этилиб қолгач, унинг шериги пишқириб Флориога ташланди. Элачи кўкрагининг унг томони «жаз» этди. У қизиқ устида оғриқни ҳам сезмай, ўзини сал орқага ташлади-да, йўлтўсарнинг оғзи-бурни аралаш мушт туширди. Сўнгра бор кучини оёқларига бериб, қоча бошлади. Кўча бошига еттганда сездики, уни ҳеч ким таъқиб этмаяпти. Лекин у югуришдан тўхтамади. Йўлтўсарлар унинг муштидан қўрқидиларми ёинки ҳайқириқиданми, буни билмас, кўксига пичоқ текканини ҳам лайқамаганди. Факат югуришдан тўхтаб, нафасини ростлаганди. Кўкси ачишиб оғриётгашини, кийимлари қонга беланганини сезди.

Ётогида унинг ярасини боғлаётган шериги, ўзи билан бирга Петербургдан келган Михаил Никифоров сўз қотди:

— Яранг хавфли змас, пичоқ чуқур ботмаган, тезда битиб кетади. Лекин унинг асоратидан қўрқаман. Асорати ёмон.

— Гапингда мантиқ йўқ, азизим Миша, — елкаси ни қисди Флорио. — Ўзи хавфли бўлмаган яранинг асорати нима бўларди.

— Асорати ёмонлиги шундаки, энди Бухорода қоломаймиз. Сенга ҳужум қилганлар шунчаки йўлтўсарлар эмас.

— Буниси ойдай равшан. Ўзим ҳам шубҳамни сенга айтмоқчи эдим. Яхшиям мен қўл жанги машқини обдан олганман. Бўлмаса, лаънатилар бўғиб ўлдиришарди. Энди Абулфайзхоннинг ниқоби йиртилди. Омон қолганимни эшитса, иш янада чигаллашади, заҳар берибми, зинданга ташлатибми, барибир ўлдиради. Тонг оттунча Бухорони тарк этмасак, ҳолимизга маймунлар йиглайди. Хива сари йўл тутамиз, дўстим, — деди Флорио.

— Ҳа, яна дарбадарлик, — хўрсииди Михаил. — Ўзи бизнинг қисматимиз шу экан. Кечагина эди, хон сенга тўнлар инъом этиб, ҳамён-ҳамён олтинлар берганди. Бугун унга бошинг керак бўлибди. Начора, Хивага бўлса, Хивага-да.

— Шерқозига ҳам унчалик ишониб бўлмайди-ю, ҳарҳолда чорамиз йўқ. Иш чаппасидан кетса, у ерда бизни яшириб, Эронга ўтиб кетишимиизга кўмаклашадиган дўстларимиз бор. Буни биласан-ку!

— Ҳа, биламан. Майли, йўл тадоригини кўрайлик бўлмаса, — деди Михаил. — Сен енгил бўлса-да, ярадорсан. Шунга қараб иш тутишимиз лозим.

Ҳали кўкда Зухро юлдузи шуъласи ўчмай, тўрт отлиқ Бухорони тарк этди. Ипончли одамлар ва зинг ишончли усул — ришват шаҳарнинг тақа-тақ берк дарвозаларини очиб берди.

Ҳақиқатан ҳам Шерқозихон сиёsat бобида анча пижини ёрганлардан экан. Флорио Беневинининг Бухорода охир-оқибат хурмат топмаганини эшитиб, уни иззат-икром билан қабул қилди, бу билан Пётрга «мен қаҳрли ҳам, меҳрли ҳам бўла оламан, билиб қўй!» демокчи бўлди.

Флорио ва шериклари Хивага энди кўника бошланларида Эрондаги ялабаси шарафига ўз номига

қурилаёттган мадрасани қўришга келган Шерюзихонни машҳадлик асиirlар ўлдиридилар. Воқеаларнинг бундай тус олиши Буюк Пётр жосуси режаларини тамоман ўзгартириб юборди. У Эрон орқали Россияга қайтишга мажбур бўлди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Эрназар Мақсуд

1747 йилда Бухоро хони Абулфайзхон Муҳаммад Ҳаким оталиқнинг ўғли Муҳаммад Раҳим томонидан ўлдирилди. Абулфайзхоннинг ўғли Абдулмўмин хон этиб кўтарилди. 1748 йилда у қатта этилиб, ўрнига укаси Абдулла (Убайдуллахон III) тахтта чиқди. Лекин Бухоронинг ионн-иҳтиёри улут амир Муҳаммад Раҳим кўлида эди.

Орадан кўп ўтмай Убайдуллахон III ҳам Муҳаммад Раҳим томонидан ўлдирилди ва шу билан Бухорода аштархонийлар сулоласи хукмронлиги тутади. 1753 йилга келиб Муҳаммад Раҳимхон Бухоронинг қонуний хукмдори бўлиб олди, манғит амирлари сулоласига асос солинди. Хонлик амирлик деб юритила бошлиди.

Хонлар, амирлар тож-тахт учун ҳар қанча қон тўкмасинлар, ҳаёт ўз йўналипни билан давом этар, турли мамлакатлар билан савдо, иқтисодий ва элчилик алоқалари ривожланиб бораради. Россия ва Сибирь томон савдо карвонларининг кети узилмасди.

Бу пайтда Россия империяси таҳтида Елизавета Петровна ўтиради. Елизавета Петровна ақдли ва хушкўнгил, лекин шу билан бирга пала-партиш, чўртке-сар аёл эди. Тарихчи В. О. Ключевскийнинг фикрича, у «Европанинг янги нафасини ўз Ватанининг кўхна қадриятлари билан бирлаштира олганди».

Елизавета Петровна — Пётр I нинг қизи, кичик ёшдаги Иван VI Антоновиини таҳтдан ағдариб, уни қалъага қамаб, сарой тўнтириши натижасида 1741 йилда ҳокимиятин згаллаган. Украинан казакларидан бўлиб, сунг граф умволи берилган А. Г. Разумовский билан 1744 йилда никоҳдан ўтган. Елизавета подшоҳлиги даврида 1755 йилда М. В. Ломоносов томонидан Москва доримфунуни ташкил этилган.

Елизавета хүкмронлиги даври Россия иқтисодий ҳаётининг ривожланиш палласига түгри келди. Рус заводлари армия ва флотни қурол-яроғ билан түлигича таъминлай бошладилар. Саноат ва ҳунармандларга ҳукумат яхши ёрдам кўрсатарди. Ишчиларга яхши меҳнатлари учун поручик унвонлари берилар, қоғоз ишлаб чиқарувчи фабриканлар майор даражасига кўтариладилар. Оғир саноатни ривожлантиришга қўшган ҳиссалари учун ҳунарманд-мужикларга олий насл-насаб унвонлари берилар, рус нефтини Европага сотиш бошланганди.

Башанг кийинишини хуш кўрадиган Елизавета Россияда ишлаб чиқарилган аёллар кийим-кечаги ва бе заллари Европаникidan аълороқ бўлишини истарди.

Россия ва Бухоро ўртасида савдо алоқалари авжиди, ҳамон шаҳар бозорларида олис совуқ ўлқадан келтирилган тулки териси, кумуш ва қалайи буюмлар, қоғоз, игна, болта каби моллар харидоргир, ўз навбатида бухоролик савдогарларни кўплаб рус шаҳарларида учратиш мумкин эди. Рус боёнлари баҳмал, туркман ғиламлари, латъ, ёқут, шойи-атлас, қуруқ мевалар, заргарлик буюмларини бажону дил харид қилишар, шунингдек, бухоролик савдогарлар уларга хориждан олинган асл моллар етказиб берардилар.

Бухоро савдогарлари ёшликтан шу касбга йўналтирилишлари туфайли, улар бир неча тилни билишар, яроғ ишлата олар, неча ойлаб чўлма-чўл, саҳрома-саҳро юришдек мاشаққатта чидаш беришарди. Улар тантни, ўз сўзининг устидан чиқадиган одамлар бўлиб, андаккина шарқона қувликлари ҳам йўқ, эмасди.

Бой савдогар Мақсудбий хонадонида тувилиб, тарбия олган Эрназар ҳам бадавлат, кўп юртларни кўрган, обрў-эътиборли тижоратчилардан эди. Эрназар Мақсуд 35—36 ёшлардаги, кенг елкали, буғдойранг, қопқора соқол-мўйлови ўзига ярашган, хушхуқ, коят ақдли ва тадбиркор одам эди. У Москва, Хурросон, Ҳиндистон ва бошқа кўплаб ўлкаларга карвон билан сафар қилиб, Бухоронинг ноёб атласу кимхоблари, зару зеварлари, ажойиб мевалари, ҳар қандай аёл ақлини шоширувчи тақинчоқлари шуҳратини оламга ёйган, шу билан бирга ўз мол-давлатини ҳам оширган эди.

Эрназар Мақсұд Россияга күп марталаб сафар қылған, рус тилини анча яхши ўрганиб олған, боён, амалдорлар, подшоқ саройи атёнлари, вилоятлар ва үлкалар губернаторлари билан дүст тутинганди. Улар бу дилкаш, ватъасига доим вафо қылувчи, қўли очиқ савдогарни ҳурмат қилар ва яхши кўрадилар. Бухоронинг янги ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон уни ҳузурига чақириб, Москвага ўз элчиси бўлиб боришни таклиф этди.

* * *

Бухорода бодом гуллади. Деконлар ерга уруғ сочиш ташвишига тушиб қолдилар, савдогарлар сафар тараадудини кўра бошладилар, бозорлар қизигандан қизиди. Эрназар Мақсұд ҳам яна Москва сафарига тайёрлана бошлади. У укалари ва хизматкорларига 40 түя асл мол тайёрлашни буюриб, карвонни ҳозирлаш учун икки ҳафта вақт ажратди ва бозордан у-бу ҳарид қиласа, саман йўргасини миниб, Ромитандағи мулкига жўнади.

Бу мулк Зарағишон дарёсига яқин жойлашган бўлиб, сув йўллари жуда қулай, ерлар унумдор эди. Йигирма танобча узумзор ва ўрикзор, бошқа дарахтлар, қолгани экиладиган майдон. Ҳасан корфармонинг^{*} ҳалоллиги, тадбиркорлиги туфайли мулк ҳар йили яхшигина фойда берар, боғонлар ҳам, ижарага ер олиб ишловчилару хизматкорлар ҳам мамнун эдилар. Эрназарбек улар билан ҳисоб-китобда қитмирилик қиласас, яхши ишлаганиларга доимо муруват кўрсатар, тўй, маъракасига қарашар, кези келганда совға-саломларни аямасди.

Боғ жуда сўлим, чор-атрофини адл чинни тераклар қуршаб турар, турфа гуллар, олма, ўрик, беҳи, анор, анжир, бодом, ёнроқлар раста-растада қилиб экилған, ариқларда шарқираб сувлар оқар, ҳаво иссиқ кунларда улкан толлар соясидаги салқин сардовуз ҳавоси жонга ором баҳш этарди. Ҳаво беҳад қизиган ёз ойларида Эрназарбек оиласи билан шу чорбогда дам

* Корфарма — иш юритувчи.

оларди. Бөгөд болалар жуда қувнашар, энг хилват түшада сақданаёттан оқулар уларнинг эркатойлари эди.

Эрназар Мақсуд салқин сарховузда ёнбошлаб, ўзининг ҳисоб-китоб ишларини бажарар, баъзи-баъзида Бухоронинг казо-казолари бу ерда меҳмон бўлиб, кўнгилхушлик қилишар, ҳамма яқдиллик билан боғни, бекнинг дидини мақтарди.

— Эрназарбек борига етиб келганида кун чошгоҳ бўлиб қолганди. У отдан тутиб, жиловни хизматкорга тутқазган ҳам эдикি, қўлида гулқайчи, Ҳасан корфармо пешвуз чиқди.

— Ассалому алайкум, ҳуш келдингиз, бек, қадамнингизга ҳасанот!

— Ваалайкум салом, хушвақт бўлингиз! — жилмайди бек қўлидаги совға-саломларни узатар экан. — Хўш, Ромитанда не янгиликлар?

— Хўб янгиликлар бор, ўша, Қоракўз атаган оҳунгиз болалабдур, мана, пойиқадамингизга бодом гуллабдур. — деди Ҳасан корфармо хўжайнини қийрос туллаган дараҳт остидаги сўри томон бошлаб. У 55—56 ёшлилардаги, соқоли мошгуруч, қорамайиз, кўркам киши зди.

Улар сўрига ўтириб фотиҳа ўқидилар. Бек бир мудат суқланиб бодом гулларига тикилди, муаттар ҳиддан боши айланди. Сўнг энди уйғонаёттан бошқа дараҳтларга нигоҳ ташлади. Ҳут қуёшининг илиқ нурларига тўла боғ илоҳий манзара кашф эттанди.

— Эҳ-ҳ,— деди бек чуқур тин олиб,— агар тижорат ишларим бўлмағонида, бир умр шу ерда яшар эрдим.

— Кошки эрди, бизни шу бахтга мұяссар этсангиз... — деди Ҳасан корфармо.

— Йўқ, бу мен учун бир армон, холос. Яқинда яна Масков сари жўнайдурман. Сизнинг-ла маслаҳатлашгани келдим.

Ҳасан корфармо илдам ўрнидан турди. Хизматкорлар дастурхон олиб келишганди. Дастурхонга иссиқ нон, катта қашқари косада қаймоқ, қорамайиз, писта, бодом қўйилди. Корфармо чой қуйиб узатди.

Бек чойдан бир ҳўплаб, сўз қотди:

— Ўртанча ўғлингиз Ҳалимжон неча ёшта кирди?

— Худо ҳоҳласа, шу бу йил савр ойида Йигирма учга кирадур, бек, — деди Ҳасан корфармо жиддий бир гап борлигини сезиб.

Эрназарбек гапни чўзиб ўтирумади.

— Шу Ҳалимжонни иктиёrimга берсангиз. Масков сафаринда ўзимга ҳамроҳ этсам. Менга ишончли одамлар керак. Ўрлингиз зурса юрт кўрадур, кўзи пишадур, 4—5 танга ишлайдур.

— Ўғил-ку ўғил, сиздан жонимиэни да аямаймиз! — деди Ҳасан корфармо хўжайнинг илтифотидан хурсанд бўлиб.

Эрназарбек иштаҳа билан иссиқ нон, қаймоқ еди, қорамайиздан тотинди ва бир нимани эслагандай деди:

— Карвон учун уч қоп бодом, ўн қоп майиз ҳозирлангиз. Уруслар, айниқса, урус аёллари бу неъматларни бағоят хуш кўрадурлар, Масковда жуда бозори чақон.

Дастурхонга фотиҳа ўқилди. Бек сўридан тушиб, шундай деди:

— Энди мени Қоракўз ҳузурига бошлангиз. Янги меҳмонни кўрайликчи.

Қоракўз «қароргоҳи» бое адогидаги хилват гўшада эди. Боласини эмизиб турган жонивор салла-чопонли кишиларни кўриб безовталанди, қулоқларини диккайтириб, сурмасо кўзларини олазарак қилди, ҳавони ҳидлади. Бир оз фурсат ўттач, ўз хўжаларини таниб, хотиржамланди, жигаргўшасининг юмшоқ танини ялай бошлади. Лекин бечоранинг кўзлари ҳамон жовдирарди. Янги турилган оҳучча жуда чиройли, мунҷоқдеккина эди.

Эрназар оҳучанинг кўзларига тикилди. Кўзлар етилиб пишган олудек, четларига усталик билан сурма тортилган эди гўё. Бу кўзлар ҳам жовдираб боқардилар.

Бек негадир ғамгин тортди. «Оҳучанинг кўзлари. Ё, худо, кўзлари ҳам шунчалар ғамгин бўладурми? Люба, Лўъбат, Любовь... Худди Лўъбатнинг кўзлари... Лўъбати Масков...»

Эрназарбек ёмон туш кўриб уйғонгандек бирдан сесканиб, оҳуларнинг ғамгин кўзларидан нигоҳини олиб қочиб, Ҳасан корфармога юзланди:

— Энди бу жониворларни тузукроқ боқингиз...
Охуча тезроқ катта бўлсун...

Бекнинг кайфияти бузилганди, тўрт мучаси соғ бўлса-да, худди юраги симиллаб оғриётгандек тууларди. У шунчалар юрт кеэзган, дунёнинг кўп мамлакатларини кўрган савдогар бўлатуриб, ҳар доим узок сафар олдидан қандайдир тушкун ҳислар оғушида қолар, Бухоро, онаизори, суюкли хотини, бири-биридан ширин ўтилчаларидан олисга кетишини эслаб қийналади. Дарё-ю денгизлар, дашту саҳролар оша карвонни манзилга элтиб, муродини ҳосил этиш ва она шаҳарга эсон-омон қайтиш осон иш эмасди.

Эски савдогар оиласи бекаси бўлмиш онаси бу касбнинг паст-баландини яхши билганидан ўғлига ортиқча харҳаша қилмас, сафар олдидан унга оқ фотиха бериб, кўнглини кўтарарди.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Ромитандан қайтган Эрназарбек онасининг ҳузурига кириб, Москов сафарига ҳозирлик кўраёттанини, икки ҳафтадан сўнг йўлга чиқишини айтди.

— Илоё бошинг тошдан бўлсин, Худо ишингта күшойиш берсин, оллоҳу акбар! — дуо қилади она.

Орадан роппа-роса икки ҳафта ўттач. Эрназарбек карвони зерта тонгда Ҳазрати имом дарвозасидан чиқиб, Бухорони тарк этди. Савдогарлар от-туяларда, яхши қуролланган соқчилар эса отлиқ эдилар.

Эрназарбек ўзи билан уч хизматкори ва Ҳасан кор-фармонинг ўғли Ҳалимжонни бирга олиб кетаёттанди.

Карвон бир неча ҳафта оғир йўл босиб, Урганч чўли, Устюорт саҳроси, Ҳазар денгизини ортда қолдириб, Ҳожитархон шаҳрига етиб келди. Бож-хирож расм-руссумлари бажо келтирилгач, карвонсаройга жойлашиб, дам олдилар, сув, озиқ-овқат захираларини тўлдирилар, ҳаммомга кириб, соч-соқолларини тартибга келтирилар.

Карвон Ҳожитархонда уч кун дам олди. Эрназарбек бир неча рус дўстлари хонадонини совға-салом билан зиёрат қилади. Сўнгра Волга дарёси, Нижний шахри орқали савр ойининг ўрталарида Москвага етиб келдилар.

Москва ҳар галгидай гавжум, олаговур, от-арава, извош-файтонлар, ёроч йўлкалар, тош ётқизилган шов-қин-суронли майдонлар, маст-аласт қийқириқларга тўла майхоналар, қувноқ ашуалар билан кутиб оди.

Эрназарбек хизматкорлари ва шериклари билан «Бухоро кўраси»га жойлашди. Ювениб-тараниб, охорли кийимларини кийгач, ўзининг ҳар галги шинам, яхши жиҳозланган хонасини згаллади. Хизматкор келтирган квасни ҳузур қилиб симирди ва қиласжак ишлари режасини туза бошлади. Молни сотиш, саранжомлаш, янги мол харид қилиш учун кўп вақт керак ва бу борада шошилишнинг кераги йўқ. Энг аввало подшоҳ қабулига кириш, сўнгра меҳмонга бориши лозим бўлган хонадонлар ҳақида ўйлаш даркор. Энг аввало... Граф Дмитрий Иванович Кислинский хонадони... Графиня Кислинская... Любовь. Лўъбати Масков...

Эрназар узоқ йўл, уйқусиз тунлар чарчатган тана-сида қандайдир бир ҳузурбахш илиқлик гўйди. Юрагининг аллақаери жизиллаб кетди.

Графиня Любовь Дмитриевна Кислинская... 25—26 ёшлар чамасидаги оқ юз, қош-кўзлари Шарқ аёлла-риникидек қоп-қора, қадди-қомати юят латиф бу аёл билан у аллақайси ошнасининг уйида берилган зиёфат пайтида танишган, улар бир неча учрашув ва сук-батдан сўнг дўст, маслақдош бўлиб қолишганди.

Любовь Дмитриевнанинг эри, ёш офицер бундан бир неча йил бурун пойга вақтида ҳалок бўлган, у қари отаси ва онаси билан Москванинг гавжум, сер-қатнов кўчаларидан биридаги икки қаватли ҳашаматли уйда яшарди.

«Учрашмаганимизга ҳам анча бўлиб қолди. У қандай кабул қилар экан бу учрашувимизни?» — ўйларди бек.

У ўрнидан туриб дераза қаршисига борди ва сер-қатнов кўчани кузатди. Турли кийим-бош, ҳар хил турқ-тароват, ёшдаги одамлар, от-аравалар дарёси тўхтовсиз оқиб турибди. Об-ҳаво ҳам ҳамин қадар, дам яшин чақнаб, момақалдироқ гулдираиди, дам ём-ғир қуяди. Бир вақт қарабисизки, чарақлаб офтоб чи-қади. Шундай пайтлар бўладики, гупиллатиб қор ёғиб беради.

Эрназар Мақсуд ва шериклари бир кечакундуз яхшилаб дам олиб, йўл чарчогини чиқаришгач, ишга

киришдилар. Москвалик харидорлар, савдогарлар билан мол айирбошлаш авжига чиқиб кетди. Бек барча ишни зийраклик билан кузатиб, хизматкор ва ёрдамчилари күмагида йўналтириб турар, ҳисоб-китоб ишларини шахсан ўзи юритарди.

Орадан уч кун ўттач, унинг Москвага келганидан хабар топган дўст-ёрлари меҳмондорчиликка таклиф эта бошладилар.

Кислинскийлар биринчи бўлиб, чоршанба куни тушлик зиёфатга чақиришли.

Эрназар икки хизматкори ҳамроҳлигида қўйни-кўнжини совға-саломга тўлдириб, Кислинскийларни-кига борди.

Юрагида аллақандай ҳаяжон билан эшик қўнғироғи тутмасини босди. Зум ўтмай эшик очилиб, осто-нада баҳайбат зар ҳошияли қалпоқ кийган, соч-соқоли, қош-киприкларигача оппоқ эшик оғаси кўринди. Бек саломлашиб, хизматкор қўлига ташрифномасини тутқазди. Эшик оғаси эгилиб таъзим қилди-да, унга йўл бўшатди.

— Марҳамат қилинг, жаноб, Дмитрий Иванович сизни кутмоқдалар.

Эрназарбек эшик оғасининг қўлига бир сўлкавой тутқазиб, қўллари банд хизматкорларини ичкарига имлади. Эшик оғаси чаққон ҳаракатлар билан уларга кўмаклаша бошлади.

Бу орада эшик олдидағи ғўнғир-ғўнғирни эшитиб, хонадон соҳиби зинадан тушиб кедди. Бошида шоки-лали қалпоқ, згида пахмоқ ҳалат, оёғига юмшоқ бошмоқлар кийган, хийла семиз, бағбагалари осилган, қизгиш юзли бу киши 70 ларни қоралаб қолганди.

У бағрини кенг ёзиб, Эрназарбекни қаттиқ қучди, уч маротаба чўлпиллатиб ўпди ва ўзидан сал узоқлаштириб бир оз тикилиб турди-да, елкасига секин шапатилади:

— Улгаяяпсан, азизим Эрназарбек, улгаяяпсан! Лекин айт-чи, нега бизни бунчалар соғинтирасан? Боякиш Люба сени суриштиравериб эси кетди. Завжай муҳтарамамиз Надежда Аркадьевна ҳам келганингни эшитиб роса суюнди. Сени тушликка таклиф этишга ундаган ҳам ўша.

— Раҳмат, Дмитрий Иванович, илтифотингиздан бағоят сарафрозман, — деди бек юзлари яшнаб.

«Лўъбати Масков»

Кенг, деразалари катта-катта, анвойи гул ва ўсимликлар билан безатилган шифти баланд хонада биллур қандиллар порлаган, деворда чўгдек Эрон гилами, гиламда иккита милтиқ ва қилич осиёлиқ. Хона ўртасида барқут ва атласларга бурканган, зару зевар тақинчоқлари кўзни қамаштирадиган, чехраси бир-бировига ғоят монанд икки аёл туришибди. Аёллардан бири 60 ларга бориб қолган бўлса-да, ҳали анча хушрўй, қора барқут кўйлаги ўзига ярашиб тушган, иккинчиси 25—26 ёшларда, қомати ғоят нафис, чиккабел, хуллас, уни таърифлашда биз шарқликларга анча-мунча ёрқин бўёқлар керак бўлади.

Дмитрий Иванович Эрназарбекни хонага етаклаб кирди-ю, тантанали оҳангда хитоб қилди:

— Мана, азизларим, Надежда Аркадьевна, Любовь Дмитриевна! Лаънати осиёлик қочоқни тутиб келтирдим!

— Ассалому алайкум! Кунингиз хайрли бўлсин! — Эрназар Мақсуд ҳар икки аёлга таъзим бажо келтириб, аввал Надежда Аркадьевнанинг, сўнг Любовь Дмитриевнанинг қўлларини ўпди.

Унинг назокатли ҳаракатларидан Надежда Аркадьевна ийиб кетди. Савдогарнинг симобий салласи, зарбоф чопонига завқданиб боқди ва шундай деди:

— Бундай қочоқни лаънати деб бўлмайди, бек жуда ёқимтой қочоқ. Ҳўш, жаноби бек, Бухоройи шарифда нима янгиликлар бор? Об-ҳаво, нарх-наво қандай?

— Бухоройи шараф гуллаб-яшнаётир, нарх-наво ҳар қачонгидан арzon. Ҳаво энди анча исиб қолган бўлиши керак. Мен йўлга чиққанимда тунлар хийла салқин эди. Ҳўш, ўзларингизнинг азиз жонларингиз сорми?

Табиатан чаққон ва серҳаракат Дмитрий Ивановичнинг тоқати тоқ бўлди:

— Дўйстлар, маъзур тутгайсизлар, мен тушлик олдидан кийиниб олишим керак.

— Бир дақиқа сабр этсангиз, — деди Эрназарбек ва хонадан тез чиқиб, зум ўтмай қўлида тутун билан қайтиб кирди.

— Дмитрий Иванович, рухсат этинг, қайта кийинишингизга ҳеч бир ҳожат қолмайди. Ҳатто Бухоро амири ҳам шу либосда тушлик қиласди, — деди бек ва чаққон ҳаракат билан зарбоф тўнни мезбоннинг елкасига ташлади. — Буюрсин, бу тўнни волидаи мухтара-мамиз ўз қўллари билан тикканлар.

— Ҳа, ҳа, Бухоро амири дегин? Яхши, ташаккур, азизим, илтифотингдан баюят миннатдорман. Лекин шунчалар азият чекишга ҳожат бормиди? Сен пошшолик ишлари билан юргувчи одамсан, ташвишинг ўзингта етади, — деди қари граф қизаринқираб. У меҳмоннинг мурувватидан тўлқинланиб кетганди. Надежда Аркадьевна, Любовь Дмитриевна бирлари қўйиб, бирлари олиб, тўнни мактай кетдилар.

— Дада, — деди Любовь Дмитриевна, — сен Бухоро амирига эмас, балки турк султонига ўхшаб кетдинг.

— Йўқ, — деди граф, — мен шахсан Бухоро амирига ўхшасам дейман. Турк султонига тўнриз ўхшасин. Нега мени аллақандай ваҳшийларга тенглаштирасан?

— Дада-а, — лабларини чўччайтирди эрка қиз, — ҳазилни ҳам тушунмайсан-а?

— Даданг қарияпти, шу боисдан ҳазил-мутойибага иштиёқи сўнган. — Эрини «узиб» олди Надежда Аркадьевна ва вазиятни юмшатиш учун меҳмонга лутф қилди:

— Волидаи мухтарамангиз, аслзода аёл, бичиштишишта вақт топа оладиларми?

— У киши энг яқин одамларимиз учун тўнни ўз қўллари билан тикишни хуш кўрадилар. Келинлари, набираларига ҳам бу ҳунарни ўргатгандар, — деди Эрназарбек.

— Вой қандай яхши-я, — деди Любовь Дмитриевна. — Мен ҳам тўн тикишни жон-жон деб ўрганган бўлардим.

— Бунинг ҳеч қийин ери йўқ, Эрназарбекнинг карвонига қўшилиб Бухорога борсанг, ўрганиб қайтасан, — деди Дмитрий Иванович ва қўлинин шахт билан сермади.

— Бўлди зиди, қолган гапни емакхонада гаплашамиз. Меҳмон йўлда толиқдан ахир, у уй шароитида ором олиб, овқатланиши керак.

Кислинскийларнинг емакхонаси қадим рус услубида жиҳозланган бўлиб, жуда шинам зди. Орасга кийинган одсоч қизлар сассиз юриб хизмат қилишарди. Эрназарбек олиб келган узум, анор, қовун, майиз ва писта-бодомлар ҳам дастурхонга қўйилганди.

Оппоқ дастурхон, оҳори ошхўраклар кўзни қувнатади, тилла ҳалли тақсимча ва чинноворларда, кумуш қошиқ ва санҷқиларда шам нури ўйнайди. Ҳамма нарса тинч, осуда ва бадавлат ҳаётдан далолат беради. Меҳмон ва мезбонлар стол атрофига ўтиридилар.

Хизматкор билур қадаҳларга ўткир рус ароғидан кўйди. Граф Кислинский қадаҳни қўлига олиб, меҳмонга кўз қисди:

— Қани ол, азизим, соғ-саломат Москваага етиб келганинг, яна дийдор кўришганимиз учун аччиқ бода сипқорайлик!

Қадаҳлар жаранглади. Қари граф қадаҳни бир кўтаришда бўшатдию, афтини бужмайтириб, шўр бодрингдан газак қилди. Сўнг яна меҳмонни ичишга унадди:

— Ҳар галгидай «худо ўзинг кечиргайсан» дегину ичиб юбор-да! Парвардигор кечиримли, — жилмайди Дмитрий Иванович ва хотинига юзланди:

— Хўш, онаси, бутун азиз меҳмонимизни нима билан сийлаймиз?

— Биринчига қўзиқорин шўрва, кейин қовурилган юз, биқин гўшти, — жавоб берди уй бекаси.

Эрназарбек Любовь Дмитриевнага кўз қирини ташлади. Аёл жилмайди, кўзи билан қадаҳга ишора қилди. Бек оққўнгил мезбонларини хафа қиласлик учун ичишга мажбур бўлди.

Бир неча қадаҳдан сўнг граф Кислинский анча сергап бўлиб қолди. Бухордаги вазият, амир, унинг амалдорлари ҳақида суриштириди, подшо Елизавета Петровна ҳузурига нима юмуш билан келгани тўғрисида сўради. Шу тахлит сухбат сиёсат бобига кўчди.

— Ҳозир Россиянинг бутун ички сиёсати Шуваловнинг қўлида. Лекин ўзиям жуда ақдли одам. Ўзинг ўйла, у яқинда ички божхоналарни олиб ташлаб,

ташқи савдони йўлга қўйди. Бу Россия келажаги учун жуда катта аҳамиятта эга. Яна канцлер Бестужев-Рюмин, обер-прокурор Шаховскийлар ҳам саройда катта нуфузга эга. Ака-ука Воронцовларнинг сўзларини подшоҳ ерда қолдирмайди, — дерди арақ тилини бурро қилган граф.

Ниҳоят, Надежда Аркадьевна норози оҳанга деди:

— Дима, сен меҳмонга мулозамат қилиш ўрнига, унинг миссини нуқул сиёсат билан қотиряпсан. Бек, биқин гўштидан татиб кўринг, жуда мазали бўлиби!

— Хўп майли, — норози чимирилди граф. — мулозамат қилганим бўлсин! Айт, бизга мадера^{*} олиб келишсин!

Тушлиқдан сўнг граф Эрназарбекни ўз бўлмасига таклиф қилар экан қизига юзланди:

— Бир соатдан сўнг ҳузурингда бўламиз, бизга роъяль чалиб берасан.

— Бажонудил, — деди Любовь Дмитриевна.

Графнинг бўлмасида иккала эркак юмшоқ оромкурсиларга ўрнашиб олдилар. Дмитрий Иванович трубкасини ўт олдириди.

— Агар жонингга тегмаган бўлсам, хилватда сухбатлашайлик. Аёллар одамни гапиришга қўйишмайди.

— Кўйсангизчи, Дмитрий Иванович, гапларингизни жон деб эшитяпман.

У чолнинг беозор валақлашидан ўзи учун жуда зарур маълумотлар олаётганди. Ўзини ҳурмат қиладиган элчи подшоҳ ҳузурига киришдан олдин у ҳақда анча-мунча нарса билиши керак.

Рус ароғи мадера билан қўшилиб, чолнинг қулфи дилини очиб юборга, у тўхтовсиз гапиради.

— Елизавета Петровна жуда қизиқ аёл. Уни подшоҳ ҳам деб ўйламайсан киши. Бир қарасанг, жуда меҳрибон, бир қарасанг, шак урғочи йўлбарснинг ўзи. Саройда модабозлик авжига чиқиб кетган. Подшоҳ қўлга тушган зинокорларнинг сочини қирқтиради, тиззаси билан қуруқ нўхатта ўтиризигб қўяди. Бу яхши. Лекин подшоҳ онамиз (43 яшар аёл) ўзларини тўртта айғир билан ўраб олганларига нима дейсан?

* Мадера — вино тури.

— Кимлар экан бу айғирлар? — қизиқсінди Эрназарбек.

— Кимлар дейсанми? — айёrona күз қисди чол. — Ким бұларди, бириңчиси — эри граф Андрей Разумовский. Ҳафталаb ароқхұрлықдан бошқа иш қилмайды, подшоқ онамиз эса уни бу йүлдан қайтармоқчи бўлладилар. Иккинчиси ақлли ва камтарин йигит — Ванечка Шувалов. Учинчиси — черков хонандаси Каченовский. Тұртингчиси хушсурат, хушовоз йигитча Никита Бекетов. Энди ўзинг ўйлаб кўр, эридан бўлак уч ўйнаш туттан киши Россия төжу таҳтига обрў келтира оладими?! Ватанинг ичим ачиганидан, алам қилганидан айтаманда бу гапларни. Худо ҳақи, яна гийбат қиласпти деб ўйлама. Граф Дмитрий Иванович ҳали у даражага боргани йўқ ва бормайди ҳам.

Чол қўнғироқ чалди. Остонада хизматкор пайдо бўлди.

— Бизга қаҳва олиб кел, — буюорди граф ва дўстона сұхбат яна давом этди.

— Нега бундай десиз, Дмитрий Иванович? Мен ахир Москва янгиликларига жуда муштоқман, гапираверинг.

— Ҳа, майли, — беозор жилмайди граф. — гапирам гапирақолай. Анна Петровнанинг ўғли герцог Карл Пётр Ульрих (у Пётр I нинг набираси, Елизавета Петровнага жиян бўлади) ҳақида эшиттандирсан? Ана шу болани Елизавета Россияга олиб келиб, таҳт вориси — валиаҳд шаҳзода деб зълон қилди. Лекин чёт элдан олиб келинган жиянчаси билан бириңчи учрашуваёқ подшоқ онамиз валиаҳд ақдан заиф ва тентак эканини билиб қолди. Елизавета Петровна сўзидан қайтадиганлардан змас, сиёсат бобида эса шайтонга ҳам дарс бера олади. У валиаҳдни уйлангириш ва янги таҳт ворисига зга бўлиш пайига тушди. Насли-насабининг тайини йўқ, қашшоқ немис герцоги Христиан Цербсткийнинг қизи Софья Фредерика Августа — Анхальт Цербсткаяни (лаънатининг номини айтишга ҳам тилинг айланмайди) толиб, уни Екатерина Алексеевна^{*} деб номлади-да, ярим вос-вос валиаҳд билан никоҳлаб қўйди. Бу никоҳ туфайли шаҳзода эретилади, Россия таҳтига янги даъвогар инъом этади

* Бўлажак Екатерина II.

деб ўйлади Елизавета Петровна. Лекин бандаси ҳар қанча бичиб тұқымасын, барибир Оллоқ иродаси олдида бир пул экан. Никохдан сүнг үн ийл ўтса-да валиаҳд түрілмади. Айтишларича, меров шаҳзода ҳатто зерлар хотинлари билан нима иш қилишларини ҳам билмасмиш. Ана шунда подшо онамиз қандай йўл тутди, биласанми?

— Йўқ, билмайман, билишим мумкин ҳам эмас, — жилмайди бек.

— Ҳа, ҳа, — тантана қилди граф, — ҳамма гап шунда! Сен ҳали биз, русларнинг табиатимизни тушуниб етгунингча анча вақт керак! Елизавета Петровна Екатерина Алексеевнанинг «кичик» сарой амалдорлари рўйхатига янги камер-юнкерлик лавозимини гўё ҳеч нарса билмагандай тиркаб қўйди. Сўнгра шу лавозимга бориб турган гўзал ва паҳлавон йигит Сергей Салтиковни тайинлади. Ва қарабсизки, орадан икки ийл ҳам ўтмай валиаҳд шаҳзода масаласи ҳал бўлди-қолди. Қандай қилиб дейсанми? Буниси ёлиз худога маълум, фақат ҳозир бутун Москвада «Екатерина Алексеевнанинг бўйида бўп қопти», — дея миш-миш тарқалган. Елизавета Петровна бўлса ҳамманинг олдида Сергей Салтиковни «мишиқи» дея ҳақоратлади ва имижимида чет элга ишга жўнатиб юборди.

Хонага бир муддат жимлик чўқди. «Ҳай дарир, Москвага келганимдан буён подшоҳ ва унинг аъёнлари тўғрисида фақат чиркин гаплар эшитаман, ҳамма ёқ фаҳш, разолат. Муҳаммад Раҳимхон саройи бунданда баттар. Ўзи подшоҳ ва хонларда адолат, тўғрилик бўлмас экан-да», — ҳаёл сурарди бек.

Қаҳва ичиб бир нафас жим қолган Дмитрий Иванович яна тилга кирди:

— Энди ўзинг ўйлаб кўр: бир келгинди немис қанжигининг аллақайси ўйнашидан орттирган арзандасини Рус толжу таҳти ворислигига мўлжалласалар, мен бунга тоқат қила оламанми? Йўқ, асло!

Кўшни хонадан кишини аллаловчи мусиқа садолари эшитила бошлади. Хуноби ошиб турган чол кўзларини юмиб, бир муддат мусиқа тинглаган бўлди. Сўнг шахт билан ўринидан турди.

— Ҳаммасининг падарига лаънат! Юр, мусиқа тинглаймиз. Любуша концертини бошляяпти.

Анвал Любовь Дмитриевна, сўнг Надежда Аркадьевна рояль чалишди. Эркаклар мириқиб тинглаши. Сўнгра Дмитрий Иванович хотинини қўлтиқлаб, меҳмонхонадан чиқар экан, шундай деди:

— Сиз, ёшлилар, бемалол чақчаклашаверинглар, биз чол-кампир кечки овқат хусусида кўрсатмалар беришимиз керак. Ахир сени, азизим Эрназарбек, факат гапу мусиқа билан сийлаб бўлмайди-ку!

Эр-хотин эшик ортида йойиб бўлишлари биланоқ Любовь Дмитриевна ўпкалай кетди:

— Дўст деган ҳам шунака бўладими? Нега келишинг ҳақида бир энлик хабар йўлламадинг?

— Йўлда нималар бўлмайди дейсан, азизим. Йўллар ҳозир жуда хатарли. Айниқса, қозоқ даштларида бизни ҳар қадамда хавф-хатар кутади. Шу боисдан сени хавотирга қўймай дедим-да.

— Баҳона қилмай қўяқол, сен барибир саҳройилингга тортасан! — ноз-карашма аралаш инжиқланди Любовь Дмитриевна.

— Албатта-да! Аждодларим чорвадор ўзбеклардан эканини унуддингми?

Сурмасо хумор кўзлар сузилдилар, ақиқдай лаблар бурилдилар, оплок чиройли юзларга билинар-билинмас қизиллик югурди.

— Инжиқлик қиласпти деб ўйлама. Яқинда туш кўрган эдим, шу боис бир оз хавотирландим. Тушимда жуда чиройли оқ от минган экансану, ҳар қанча чорламайин, от бошини қўйиб мендан узоқлашиб кетибсан. Уйрониб кўнгламига вахима тушди, бу тушнинг таъбири нима бўлди экан, деб.

— Таъбири ўз-ўзидан аён-ку! Мана, ёнингга келиб турибман. Ўзи аёлларнинг туши тескари чиқади, деганлари рост экан. Энди сени ўша оқ отда Бухорога олиб кетаман.

Любовь Дмитриевна Эрназарбекка узоқ тикилди, сўнгра кўрсинди:

— Бухорои шарифга бориш менинг бир умрлик армоним бўлиб қолса керак...

— Нега энди армон бўлар экан, мен сени онам, хотиним, укаларим билан таништириб қўяман, деб ваъда берганман-ку. Наҳотки менга ишонмасанг?

— Йўқ, азизим, сенга ишонман. Фақат бу дунёда бирор орзуим ушалишига умидим қолмади.

— Ноумид шайтон деганлар, Любуша.

— Гап ноумидликда эмас, дўстим. Мен чамаси бир умр эришиб бўлмас нарсаларга интилиб яшадим ва хозир ҳам аминманки, интилганим — сароб.

— Юксакликка интилиш — инсонни юксалтиради. Қани энди сенга ўхшаб юксакликка интилувчилар кўпроқ бўлса...

— Мен энг тоза, бокира туйғу, чиркинлик аралашмаган ҳиссиётлар изладим. Ўзинг айт, бу дунёй дунда шундай туйгуларни топиш мумкинми?

— Мумкин, азизим, мумкин! Сен излаганларингни топгансан ҳам. Лекин топганингни ўзинг билмай турбисан. Ахир покизалик, юксакликка интиқ қалбнинг ўзи инсон учун улур давлат эмасми? — Эрназарбек аёлга меҳр билан боқди ва ўз-ўзига деди: «Разолат ва қабоҳат уммонида шундай нурли оролчалар бўлгани қандай яхши!»

Любовь Дмитриевна дераза ёнита борди. Баҳор ёмтири деразаларни аёвсиз савалар, тарновлардан шариллаб сув оқарди. «Мента нима бўляпти ўзи? Нега олис йўлдан толиқиб келган одамнинг кўнглини кўтариш ўрнига обидийда қиляпман? У ахир бизнинг сиймомизда ўзига маслақдош, дўст излайди, бизга суюнади», ўйлади у ва Эрназарбекнинг ёнига бориб беғубор жилмайди. Аёлнинг ҳозиргина изтироб ҳукмрон бўлган юзи ёриша бошлаган, шаррос баҳор ёмтири унинг чехрасини янада тиникдаштирганди гўё.

— Кел, азизим, бу фоний дунё ситамларидан эмас, эзгулик ҳақида гаплашайлик, — деди у.

— Ҳалиям эзгулик ҳақида гаплашаяпмиз-ку. Ўзи яхшилигу ёмонлик ёнма-ён юрса, инсоннинг бир елкасида шайтону, бир елкасида раҳмон бўлса, сен ва менда нима айб? — деди Эрназарбек. — Мен гап билан бўлиб, Лўъбати Масковга дўстимнинг саломини етказишини унугаёзибман-ку!

— Лўъбати Масковинг ким, қанақа дўст, кимнинг саломи, — ҳайрон бўлди Любовь Дмитриевна.

— Лўъбати Масков — бу сен. Любовь — бизнингча Лўъбат деса ҳам бўлаверади. Лўъбат сўзи дилбар дегани. Маъноси тўғри келмаса-да, шаклан ҳамоҳанг.

— Ҳеч нарса тушунмаяпман? — елкасини қисди Любовь Дмитриевна.

— Одинги сафарги учрашувимизда менга ҳамроҳ бўлган, сұхбати ширин мулла Нуриддин ёдингдами?

— Ҳа, ҳа, яхши эслайман, тилимизни биладиган, дилкаш одам эди.

— Баракалла. Ана ўша мулла Нуриддин йўлда кетакеттунча: «Ажойиб дўстингиз бор экан, аёллар орасида бунақаси камдан-кам учрайди, рухсат этсангиз, унга ўзимизча бир ном қўйай», — деди. «Рухсат», — дедим. Мулла Нуриддин: «Дўстингизнинг номи ўзимизча Лўъбат, Лўъбати Москов бўлақолсин», — деди. Бу ном менга ҳам маъқул бўлди ва биз сени ўзаро шундай атай бошладик. Яқинда мулла Нуриддин Москвага жўнаётганимни эшитиб, сенга салом етказишими сўради ва қўлимга бир тутун тутқазиб, «Москвада Лўъбат билан бирга очасизлар», деди. Мен ҳозир...

Эрназарбек меҳмонхонадан чиқиб кетди ва орадан кўп ўтмай қўлида бир тутун билан Любовь Дмитриевнанинг қаршисида пайдо бўлди.

— Мана, ўзинг оч-чи, Нуриддин сенга нима ҳикмат қилиби экан?

Любовь Дмитриевна авайлаб тутунни очди. Очди-ю ҳайронликдан қийқириб юборди:

— Вой, онажоним-ей, қўғирчоқ... Росмана қўғирчоқ!

Тутунда ҳақиқатан ҳам бир яшар боладек келадиган қўғирчоқ бор эди. Унга зар дўппи-ю, зар кўйлак кийдирилган, соchlари майда ўрилган, қош-кўзлари қопқора, бурни мунчоқдек.

Эрназарбек дўстининг ҳазилидан таъсиrlаниб кулиб юборди.

— Оббо мулла Нуриддин-ей, бу зот мулла эмас, бориб турган дарвиш. Топган совғасини қаранг-а. Агар тутундан тирик тошбақа чиқсандаям бунчалик ажабланмасдим.

— Ажабланадиган ери йўқ. Дўстинг оққўнгил одам экан ва аёл қалбини чуқур англай оларкан. Лекин мен қайси хизматларим эвазига бундай эътиборга мушарраф бўлдим?

— Хизматларинг катта, бу менга таянч, дўст бўлга-

нинг. Нуриддин салом етказишимни сўраб шундай деди: «Дўстимнинг дўсти — менинг ҳам дўстим».

— Ташаккур сизларга, минг бор ташаккур... Биласанми, Сережа иккимиз худди шундай қизалогимиз бўлишини қанчалар орзу қилгаңдик. Афсус...

— Афсус чекма, Любуша, сенинг баҳоринг ҳали олдинда.

— Йўқ, азизим, олдинда менинг ҳазоним, ҳа, ҳазонрез, олдинда қишиш. Қишиш келар, ёху!..

— Бундай дейиш гуноҳи азим. Сен қалбингда доим ошиқлик ҳиссини сақлаб қолишинг керак. Кимгадир ошиқ бўлишинг ҳам мумкин, бўлмаслигинг ҳам. Факат юрагингда ошиқлик ҳисси тирик бўлса бас. Бу жисман эмас, қалб ошиқлиги. Ана ўшанда ҳаёт гўзаллигини янада чуқурроқ ҳис этсан. Мана, шайх Саъдийдан бир байт тинглагинчи:

*Диле дорам, ки аз султон натарсад,
Зи банди кундан зиндан натарсад.
Дили ошиқ бамисли гурги гушна.
Ки гурги гушна зи чўпон натарсад.*

Маъноси: «Юрагим на султон қаҳридан ва на бандилигу зиндан кундасидан кўрқади. Ошиқ юраги бамисли оч бўри, оч бўри эса чўпондан асло кўрқматгай». Қалай, маъқулми?

— О-о, баюят гўзал байт! Нақадар пурмаъно, нақадар мусиқий... «Ошиқ юраги бамисли оч бўри...» Бундай мисраларни ёзиш учун қанчалар улкан қалб соҳиби бўлиш керак! Азизим, сен элчилигу тижоратдан ортиб, шундай гўзал шеърлар ёдлаганинг учун катта мукофотларга лойиқсан Кўнглимга чироқ ёқдандай бўлдинг.

— Сенинг ширин каломинг менга ҳар қандай олий мукофотдан-да зиёда. Биз мусофиричиликда баъзан бир оғиз ширин сўзга зор бўламиз, оила даврасини, бир пиёла аччиқ, чойни кўмсаб қоламиз. Ана шундай пайларда сенга ўхшаган дўст далласини сезиб туриш мен учун ноёб ҳазинадек гап. Аслида сен эмас, мен сенга миннатдорчилик билдиришим керак.

— Қўй, Эрназарбек, ҳеч қандай миннатдорчиликнинг ҳожати йўқ. Факат сенинг борлигингга шукур.—

Любовь Дмитриевна қўлидаги қўтирчоқни авайлаб рояль тепасига қўйди ва унга яна бир муддат завқла-ниб тикилиб тургач сўради:

— Сизда қизлар шундай кийинишадими, соchlари-ни шундай ўришадими?

— Қизлар бундан-да зўрроқ кийинишади, соchlарини қирқ қокил қилиб ўришади, кулоқларига олтин исирға, қўлларига билагузуклар тақишиади. Айниқса, тўй кечасида ясантирилган келинчакларни кўрсанг, кў-зинг кувнайди.

Меҳмон ва мезбон бир неча сония жим қолдилар. Хонада улкан соатнинг «чиқ-чиқ» ишлаб тургани эши-тиларди. Худди шу аснода шовқин-сурон билан Дмит-рий Иванович кириб келди.

— Хўш, азиз ёшлар, нета жимгина ўтирибсизлар? Сен Любуша, наҳотки азиз меҳмонимизни зерикти-риб кўйган бўлсанг? Ахир, бу уйда меҳмон бир дақиқа бўлсин, зерикиши мумкин эмаслигини биласан-ку! — деди у.

— Шовқин солма, дада! Биз шакаргуфторлик қиляп-миз. Ширин сухбатда баъзи-баъзида сукут сакласанг, янада яхши.

— Хўп, яхши, яхши, — таслим бўлди граф. — сен билан баҳслашишнинг иложи йўқ. Бўпти, роппа-роса яrim соатдан сўнг енгилгина кечки овқатта марҳамат қиласизлар.

— Ташаккур, мен қароргоҳимга қайтишим керак, — эътиroz билдириди Эрназарбек.

— Қароргоҳингта овқатдан кейин ўзим файтонда олиб бориб қўйман, дўстим.

— Ахир, яқиндагина овқатландик-ку!

— У тушлик эди, энди кечки овқат вақти бўлди. Русларнинг нон-тузи чала-яrim бўлмаслигини биласан-ку. Хотиринг жам бўлсин, энди сиёsat билан бо-шингни қотирмайман.

Ҳақиқатан ҳам кечки овқат маҳали чол сиёsatдан оғиз очмади. Нуқул аёллар ва ичимликлару газаклар, сайру саёҳатлар ҳақида талирди. У меҳмоннинг кўнгли-ни олишни истар ва бунга эришаёттанди ҳам.

Эрназарбек Бухоро чоғирлари ва мусалласларини мақтади.

— Ҳа, ҳа, — тасдиқлади граф. — Бухоро чогири мазасини яхши биламан. Ўтган гал келганингда менга бир кўзача совға қилган эдинг-ку, ана ўша кўзачани бўшаттапимдан сўнг уч кун ўзимга келолмай юрганман.

Надежда Аркадьевна кулиб юборди.

Граф унга ўқрайиб кўйди-ю, ароқ ва аёл ҳақидаги фалсафасини давом эттира бошлади:

— Лекин, дўстим, рус ароги, бу барибир рус арогида! Уни ҳеч нима билан алмаштириб бўлмайди. Унда русларнинг елавагайлигимиз, оққўнгиллигу ва яна жиннилигимиз ҳам мужассамлашган. Ҳатто биласанми, рус гўзаллари ҳам шу арогимизга ўҳшаб кетади. Нега дейсанми? Нега бўларди, ароқни қанча ичсанг, шунчалик ичгинг келади ва бошинг чирпирак бўлиб айланаверади, рус гўзалини ҳам қанча севсанг, шунчалар севмоқ истайсан. Охир-оқибат ароқ ҳам, гўзал ҳам савдойи, девона қиласди.

— Дада, — норози чимиirlади Любовь Дмитриевна, — ўҳшатишларинг жуда кўпол-ку!

— Ташвишланма, қизим, мен нафис ўҳшатишлар ҳам тайёрлаб қўйибман. Ташқи ишлар коллегиясида ишлаганим боис кўпгина Шарқ мамлакатларида бўлганман, жумладаи, Бухоройи шарифда ҳам. Шунинг учун бемалол таъкидлашим мумкинки, Шарқ гўзали севгиси шампанскоега ўҳшаб кетади — шампанское секин-аста таъсир этади. лекин қаттиқ масти қиласди. Шарқ гўзаллари севгиси ҳам ортиқча гал-сўзсиз, нафис, иболи ва ҳаёли, секин-аста домига тортади, ундан кутулиш амримаҳол.

— Қойил, офарин сенга! Бундан нафисроқ ўҳшатишни ҳеч ким тополмайди! — деди Надежда Аркадьевна. У кесатяптими, чиндан қойил қоляптими, билиб бўлмасди.

Дмитрий Иванович хотинига ёвқараш қиласди-ю, узун билурин қадаҳларга шампанское қўйди. У масти бўлиб қолаёзганди, чайқалиб ўрнидан турди.

— Шарқ гўзаллари учун қадаҳ кўтаришни таклиф этаман. Яшасин Шарқ дилбарлари! Салламно!!

— Шарқ гўзаллари учун бўлса, мен ҳам ичаман! — деди Любовь Дмитриевна.

— Мен ҳам, — кўшилди Надежда Аркадьевна. — Салламно!

Қадаҳлар жарангни уйини соғиниб дилгир бўлган бекнинг кўнглини тўлдирди.

— Ташаккур, азиз дўстларим! Бизнинг юртга бўлган шунчалар ҳурматларингиздан бошим осмонга етди, — деди Эрназарбек ва қадаҳдан озгина шампанское симирди.

Сўнгра у буюк Россия учун қадаҳ таклиф этди.

Ҳазрати олиялари — Елизавета Петровна

Орадан бир ҳафта ўтгач, Эрназар Мақсуд дўсти Дмитрий Иванович ва бошқа нуфузли киборлар, саҳийлик билан берилган қимматбаҳо совғалар ердамида Россия императрицаси Елизавета Петровна қабулига киришга муваффақ бўлди.

Елизавета Петровна Бухоро элчиларини Кремлининг Грановитая палатасида қабул қилди.

Олтин, мармару барқутларга бурканган кенг ва ғоят серҳашам боргоҳ сарой аъёнлари, мулозиму соқчилар, турли мамлакатларнинг элчилари билан гавжум.

Олтин, кумуш, қимматбаҳо тошлар билан безатилган таҳтда узун қора барқут кўйлакли, 42—43 ёшлар чамасидаги, оқ, лўппи юзли, тўлагина аёл — подшоҳ Елизавета Петровна ўтирибди. Унинг баланд турмакланган соchlарини ёқут кўзли олтин тўғоногич безаб турибди. Нигоҳдаридан қатъиятли, чўрткесар одам эканлиги билинади.

Таҳтнинг ўнг ва чап томонларидан саройнинг энг нуфузли аъёнлари саф тортиб туришибди.

Элчилик маҳкамаси бошлиғи ҳар бир сўзига алоҳида ургу бериб, эълон қилди:

— Бухоро амири Мухаммад Раҳимхон ҳазрати олийларининг элчиси Эрназар Мақсуд жаноблари!

Эрназарбек подшога таъзим қилиб, амирнинг ишонч ёрлигини топширди.

Грановитая палата сув қўйгандек жимиб қолди. Элчилик маҳкамаси бошлиғи Бухоро амири элчилари олиб келган совғаларни номма-ном айтиб, намойиш эта бош-

лади. Елизавета совғаларни мамнуният билан қабул қилиб, элчига мулоэмамат қилган бўлди:

— Яхши жойлашиб олдингизми, сиздан хабар олиб туришибдими?

— Ташаккур, элчилик маҳкамаси бизни бир дақиқа ҳам эътибордан четда қолдиргани йўқ, — деди Эрна-зарбек.

— Муҳаммад Раҳимхон ҳазратларининг соғлиқла-ри яхшими? Эшитишумча, Бухорода арzonчилик ҳукм-рон эмиш.

— Ташаккур, ҳазрати олиялари. Улуғ амиримиз Му-ҳаммад Раҳимон ҳазратларининг соғлиқлари жуда яхши, Сизга кўпдан-кўп салом айтдилар. Дарҳақиқат, мамлакатимизда осойишталик ва фаровонлиқdir.

Муҳаммад Раҳимхоннинг шоҳона соғға-саломла-риданми ёинки Россия тож-тахти валиахд шаҳзодаси умиди энди ҳақиқатта айланаётганиданми, ҳарқалай Елизавета Петровнанинг кайфияти чоғ зди, ҳазиллаши-гиси келарди. У тахтнинг ўнг ва чап томонларида саф тортиб турган аъёнларига назар ташлаб олгач, элчига юзланди:

— Жаноб Эрназарбек, Москва гўзаллари сұҳбати сизни чарчатиб қўймадими? Негадир бу жин ургур-лар сизни мақтаб тилларидан бол томади-я. Нима бало, Бухоро йигитлари шунчалар ўқтамми?

Одатда, подшоҳлар ва элчилар ўртасида бундай очиқ-оидин сұҳбат камдан-кам бўлади. Шу боисдан Эрназарбек қандай жавоб қайтаришни ўйлаб, бир муддат жим қолди, подшоҳга тикилди. Елизаветанинг ку-либ турган кўзлари хайрикоҳлигини билдиради. Унинг нитоҳдаридан дадилланган Эрназарбек жилмайиб жа-воб берди:

— Нафақат Москва гўзаллари, балки барча мос-кваликлар сұҳбати биз учун табаррук. Бухоро йигит-ларига келсак, улар ҳеч бир юрт йигитларидан кам змас, ҳазрати олиялари!

Элчининг жавоби подшоҳга ҳам, аъёнларга ҳам маъ-кул бўлди чамаси, боргоҳда шивир-шивир бошланди, айримлар маъкуллаб бош қимирлатдилар.

— Маъқул, — деди Елизавета ҳамон кўзлари ку-либ, — хўш, бухоролик ўқтам йигитнинг, Муҳаммад

Раҳимхон элчисининг бизга қандай арзи бор экан? — бу ҳазил-мутойиба тугаб, сұхбат яна расмий тус олғанини билдиради.

Эрназарбек фикрларини бир ерга жамлаб, сүз бошлади:

— Ҳазрат отангиз Буюк Пётр I замонларида Ҳожитархон орқали ҳажга борган савдогарларимиз бирнома түзу иш қилишган ва Бухоро фуқароларининг Россия орқали Маккатуллого сафар қилишлари тақиқланган эди. Нобакорлар жазосини олди, орадан кўп йиллар ўтиб кетди, лекин ўша тақиқ ҳамон давом этяпти. Ҳазрати олиялари, шу тақиқни бекор қилсангиз, Бухоройи шариф мусулмонларининг жуда кўп дуосини олган бўлур эдингиз.

Елизавета ёнида турган Шувалов билан пичирлашиб гаплашди, сўнг бош қимирилатди:

— Яхши. Биз бу масалани сенатда муҳокама қилиб, Сизга жавобини айтамиз. Ўйлайманки, илтимосингиз ижобий ҳал этилади. Яна нима илтимосингиз бор?

— Бу ҳам ўша илтимосимнинг давоми. Ҳамонки Ҳожитархон орқали ҳаж йўли очилар экан, шу шаҳарда мусулмонлар учун бир масжид қуришимизга руҳсат этсангиз. Ҳожитархондан кўплаб карвонларимиз ўтади, тижорат аҳди учун намоз ўқишга бир аниқ жой бўлса, хўл савоб иш-да.

— Биринчи илтимосингиз сенатда ижобий ҳал бўлса, бунисини ҳам қабул этдик, деб ҳисоблайверинг, — деди Елизавета.

Ҳақиқатан ҳам подшоҳнинг кайфияти бугун жуда яхши, кўплаб одамларни хурсанд қиласи бор эди чамаси. Эрназарбек ўзи бажариши лозим бўлган иш ниҳоятда қийин ва нозик эканини яхши билар, шу боисдан бу учрашувга пухта ҳозирланганди. Ишининг бу қадар осон кўчганидан у беҳад хурсанд бўлди, лекин сиртига чиқармади. У ҳис-ҳаяжонини дарҳол жиловлай оладиган киши эди. Елизаветага миннатдорчилик билдириб, сиполик билан таъзим этди.

— Эртага Бухоро элчилари шарафига қабул маросими уюштирамиз. Улуғ амир Муҳаммад Раҳимхон ва Сизларга атаганларимиз бор, — деди Елизавета ва элчилик маҳкамаси бошлиғига юзланди: — Шундайми?



— Шундай, ҳазрати олиялари! — жавоб берди маҳкамама бошлиғи таъзим этиб.

— Энди элчи жаноблари бизнинг илтимосларга кулоқ тутсинашлар, — деди Елизавета Эрназарбекнинг эътиборини ўзига тортиб. — Сиз Ҳиндистон ва Хурсонга тез-тез сафар қиласар экансиз. Мен бу юртлардан келтириладиган асл молларни хушлайман. Айника, аёлларбоп нарсалар кўп бўлармиш у юртларда. Мени нималар қизиқтиришини элчилик маҳкамаси берадиган рўйхатдан билиб оласиз.

Елизавета сухбат тамом, дегандай оппоқ, дўмбоқ кўлини узатди. Эрназарбек эгилиб, бармоқларига қиматбаҳо узуклар тақилган, атир ҳиди анқиб турган юмшоққина қўлга назокат билан лаб теккизиди.

* * *

Бухоро элчилари шарафига уюштирилган қабул маросимидан сўнг Эрназарбек яна тижорат ишларига шўнгигиб кетди. Бухородан олиб келинган асл моллар сотилиб, ўрнига харидоргир ашёлар харид қилинди. Карвон аҳли, бекнинг гумашталари Москва бозорлари, карвонсаройларида елиб-югуриб мол айирбошлилар. Бу молларга наинки Бухоро, балки хориж бозорларида ҳам талаб катта эди.

... Москвада илиқ ёз ёмғирлари бошлианди. Эрназар Мақсад савдо ишларини туталлаб, Бухорога жўнаб кетиш учун элчилик маҳкамасидан изн сўради. Элчиларни тантана билан кузатишга маҳкамада тайёргарлик кўра бошлидилар. Эрназарбек фурсатдан фойдаланиб дўст-биродарлари билан бирма-бир хайрлашди.

У Дмитрий Ивановичнинг уйига кириб борганда, қари граф ва хотини меҳмонга кетишган, Любовь Дмитриевна ёлғиз ўзи китоб ўқиб ўтиради. Эшик оғаси Эрназар Мақсад келганини билдирганда чехраси ёришиб кетди, китобни ёпиб тез ўрнидан турди ва меҳмон истиқболига юрди.

— Марҳабо, азизим! Нега бизни йўқламай қўйдинг? Ахир тез-тез келиб туришга ваъда бергаңдинг-ку! — Любовь Дмитриевна дўстини ноз аралаш ўпкаланиш билан қаршилади.

Бек аёлнинг бежирим ва нозик қўлини секин ўпди, янги узилган атиргул ҳиди диморига «гуп» этиб урилди, боши айланди. У ўзини куч билан қўлга олиб, тавозе қилди:

— Уэр, дўстим, пошшолик ва тижорат ишлари билан бўлиб, сени бошқа йўқлай олмадим. Лекин ваттамда событ турибман. Сени Бухорога олиб кетиш учун ажойиб оқ аргумоқ сотиб олдим.

— Оқ аргумоқ? Нахот яна жўнаб кетасан? Бунчалар тез! Мен яна айрилиқ шаробини ичишга маҳкумманми, эй худо!

— Ким сенга айрилиқ шаробини ич деяпти? Ахир бирга жўнаб кетамиз-ку!

— Қўйсангчи, бу гапларингта ўзинг ҳам ишонмаслигинги кўзларинг айтиб туриби. Мен қайда-ю Бухоройи шариф қайда! Бу мен учун бир умрлик армон эканини биласан-ку. Онам мени асло сафарга юбормайди, йўлда ўлиб қолади ёки қароқчилар ўтиrlаб кетади, деб ўйлади.

— Ёнингда Бухоройи шариф элчиси турганда қароқчи нима деган гап? — кулди Эрназарбек.

— Бу гапларни онамга тушунтириб бўпсан, — деди Любовь Дмитриевна надомат билан. Унинг сурмасо кўзларида ёш ҳалқаланган, бу оддий инжиқлик, тантриқлик ёшлари эмас, балки кенглиқ, фаолият, баҳт излаган, таъби нозик аёлнинг аччик тақдирни азалга исёни эди.

Бек уни қандай юпатишни билмас, оқ аргумоқда Бухорога олиб кетиш ширин хаёлдан ўзга нарса змаслигини, бу нозик хилқат йўл азобларига бардош бера олмаслигини яхши биларди. Боз устига унинг карвони бу гал Бухорога Оренбург орқали бориши лозим.

Орага ғамгин сукунат чўкди. Любовь Дмитриевнанинг қирмизи ёнокларидан инжудек ёшлар оқар, у сассиз йиглар, бу билан зўр бериб ниманидир ўзгартироқчи, сақлаб қолмоқчи бўлар, лекин ҳеч нимани ўзгартириб, сақлаб қолиб бўлмаслигини билганидан тагин кўз ёшларига эрк берарди.

Нихоят, у ўзини қўлга олди, синик, хаста товуш билан сўзлади:

— Кечир мени, азизим, кейинги пайтда хис-туй-гуларимни ҳеч жиловлай олмаяпман. Сен кетсант шунчалар гавжум Москва ҳувиллаб қолади, ҳаёт мен учун ўз мазмунини йўқотади. Наҳотки, мен бир умр нимагадир зор бўлиб яшасам?

— Айрилиқсиз учрашув, ҳижронсиз висол йўқ. Бу-хородан сенга тез-тез мактуб езиб тураман. Имкон туғилди дегунча, яна карвон билан Москвага келишга ҳаракат қиласман, — уни юпатган бўлди бек.

— Ташаккур, сенинг бу дунёда борлигинг, баъзи-баъзида мени йўқлаб туришинг учун оллоҳга шукроналар қиласман, — деди Любовь Дмитриевна. — Сен қачон жўнаб кетасан?

— Худо хоҳласа зартага, — деди Эрназарбек.

— Сенга оқ йўл! Сафаринг бехатар бўлсин, худо ўз паноҳида асрасин! — деди овози титраб Любовь Дмитриевна. — Кел, одатта кўра йўл олдидан бир-пастина ўтирайлик.

Улар бир-бирларидан кўз узмай бир муддат ўтирилар. Сўнгра бек кетишга чоғланди.

— Дмитрий Иванович ва Надежда Аркадьевнага менинг дуои саломим, таъзимимни топширасан, афсус улар билан хўшлашолмадим.

— Албатта, дадам сени кузаттани чиқади. Лекин мен кузатолмайман, юрагим дош беролмайди. Алвидо, азиз дўст, алвидо!.. — деди Любовь Дмитриевна ўша ҳазин товушда. — Яна қачон учрашамиз, худо билади.

— Алвидо дема, Любуша, кўришгунча, яна учрашгунча хайр! — Эрназарбек кўнгли беҳад бузилиб, дўст уйини тарк этди.

У муолишига етгунча бир неча марта ўтирилиб қарди. Любовь Дмитриевна афтодаҳол бир қиёфада унга қўл силкиб туради. Бекнинг кўнгли баттар сиқилади. «Эй худо, шу гўзал қалбли аёлни баҳтли этишнинг иложи борми? Иложи бўлса айт, не экан у илож? Наҳот, гўзал қалбли одамлар баҳтсизликка, танҳоликка маҳкум бўлсалар? Ёзуғи недур бу бечоранинг?!» деган фикр кечди хаёлидан.

* * *

Сарой аъёнлари, ташқи ишлар коллегияси, элчилик маҳкамаси амалдорлари Москва сарҳадида Бухоро элчиларини иззат-икром, дабдабаю асьаса билан кузатиб қолдилар. Елизавета Петровна Бухоро амири Муҳаммад Раҳимхонга шоҳона совғалар жўннатгаиди. Ташқи ишлар коллегияси Оренбург губернатори И. Рейнедорфга Эрназар Мақсуд Елизавета Петровнанинг махсус топширигини бажараёттани, унга ҳар жиҳатдан ёрдам ва иззат-икром кўрсатиш тўррисида шошилинч нома юборди.

Эрназар Мақсуднинг карвони Оренбург шаҳрига етиб келганда губернатор Рейнедорф бошлиқ амалдорлар уларни шоҳона иззат-икром билан кутиб олдилар. Бухоро зичилари шарафига тўплардан ўқ узилиб, зиёфатлар уюштирилди.

Губернатор Рейнедорф Эрназар Мақсудни меҳмонга таклиф этди, оила аъзолари билан таништирди. Элчи губернатор ва хотинига қимматбаҳо совғалар топшириди.

Рейнедорф хонимнинг илтимоси

Губернаторнинг улкан дарахтлар тангадек офтоб туширмайдиган соя-салқин боғи. Бор ўртасидаги шинамгина шийпончада тушлиқдан кейинги дўстона сужбат давом этяпти. Губернатор, унинг рафиқаси Рейнедорф хоним ва Бухоро зичиси об-ҳаво, нарх-наво, сиёсат, Москва янгиликлари, саройнинг нуфузли аъёнлари ҳақида батафсил гаплашиб бўлишгач, аниқ иш ва мажбуриятлар хусусида тўхтадилар.

— Маълумингизким, Бухоро ва Хивада кўплаб рус фуқаролари қуллик азобини тортяптилар. Россиядек буюк империя шаънига бу мутлақо ярашмайди. Биз бу қулларни озод этиш учун барча чораларни кўряпмиз. Ҳазрати олиялари Елизавета Петровна сиз тўғрингиздаги мактубларида бу ҳақда тўғридан-тўғри кўрсатма берганлар. Истардимки, саройдаги нуфузингиздан фойдаланиб, қулларни озод қилишда кўмаклашсангиз. Ўз навбатида биз вилоятимиз ҳудудида ўн минг сўмгача



бўлган молингиздан бож тўламай савдо қилишингизга рухсат берардик, — деди Рейнедорф салмоқлаб.

— Машқул. — деди Эрназарбек, — бу борада қўлимдан келган ҳамма ишни қиласман. Менга бир қатор молларни харид қилишга рухсат этсангиз бўлгани.

— Рухсатнома қўлга кирди, деб ҳисоблайверинг, — дея Рейнедорф узр сўраб ўрнидан турди. — Мени маъзур тутасизлар, айрим кечиктириб бўлмайдиган ишлар бор, сизлар бемалол сухбатлашиб ўтиргинглар. Тезда қайтаман...

Губернатор оппоқ камзулиниң олтинранг тугмаларини бошқатдан ўтказиб, шийпончадан чиқиб кетди. Рейнедорф хоним ва Эрназарбек бир муддат жим қолдилар. Рейнедорф хоним 36—37 ёшлилар чамасидағи, соchlари қўнғир-қора, тўлагина, оқ юэли, кўхлик жувон эди. У элчи сиймосида маданиятли, ўзига тент сухбатдоши кўра билади.

— Элчи жаноблари, сиз қандали чойни хуш кўрасизми ё қандисизиними? — сўради у нозу назокат билан орадаги жимликни бузиб.

— Мен фақат аччиқ чой ичаман, — жилмайди Эрназарбек.

— Дарвоқе, мени афу эттасиз, шарқда аччиқ чойни хуш кўришларини фаромуш этибман, — хоним хизматкорга хитойи кўк чой олиб келишни буюрди.

Мехмон ва мезбон рус табиати, губернаторнинг юят гўзал боғи, ундаги анвойи гул ва дарахтлар тўғрисида сухбатлаша бошладилар.

— Мана бу оқ қайинни, — деди Рейнедорф хоним шийпончага соя ташлаб турган дарахтни кўрсатиб, — ўз қўлим билан ўтқазганман. Жуда гўзал-а, шундай эмасми?

— Багоят зебо, худди соч юваётган гўзалга ўхшайди, — жавоб берди Эрназарбек ва мезбонга зимдан назар ташлади.

Рейнедорф хоним истигно билан кўзларини сузди:

— Нозик татьби назмингиз борга ўхшайди, элчи жаноблари. Чиройли ташбех, келтирдингиз.

Сухбат мавзуи ўз-ўзидан адабиётта тақалди. Рейнедорф хоним шарқ шеъриятидан анча боҳабар эканини намойиш этди.

Сўнгра Эрназарбек ўзи карвон билан борган Чину Мочин, Рум, Хурносону Ҳиндистон тўғрисида ҳикоя қилди. Рейнедорф хоним уни жон қулоги билан тинглар, онда-сонда саволлар бериб кўярди.

Губернатордан ҳамон дарак йўқ, узок эллар, гаройиб урф-одатлар, ажойиб одамлар ҳақидаги сұхбат эса қизигандан қизиб борар, меҳмон ўз ҳикоялари билан мезбонни тамоман мафтун этиб кўйганди. У ниманидир меҳмонга айтмоқчи-ю, айттолмай қийналаёттани билиниб тураг, зукко Эрназарбек буни аллақачон фаҳмлаган, хонимнинг ўзи тилга келишини кутиб, сұхбатни бамайлихотир давом эттиради.

Ниҳоят, Рейнедорф хоним ёноқлари қизаринқираб сўз бошлади:

— Сиз кўп маротаба сафар қилган Ҳиндистонда сенги илми жуда кучли деб зшитаман. Бу тўрида гаройиб китоблар ҳам бор эмиш. Шу ростми?

Эрназарбек хоним нимани кўзда тутаёттанини дарҳол фаҳмлаган бўлса-да, ўзини билмасликка солди.

— Севги илми кучли-кучсизлиги фақаттина икки юракка боғлик, улар қаерда эканлигининг сира аҳамияти йўқ. Севги тўғрисидаги гаройиб китоблар эса ҳамма юртда ҳам сероб.

— Йўқ, — баттар қизарди Рейнедорф хоним. — Мен жуда ноёб китоблар ҳақида гапиряпман.

— Ҳа, ноёб китобларми? Агар астойдил қидирсак, ноёб китобларни ҳам топиш мумкин. Сиз учун, хоним, албатта, топаман! — деди Эрназарбек.

— Сизга олдиндан миннатдорчилик билдиришга рухсат эттайсиз, — мамнун жилмайди мезбон. — Агар вақтингиз бўлса, сизга шахсий кутубхонамни кўрсатаман. Унда дунёning жуда кўп мамлакатларидан келтирилган китоблар бор, ҳатто «Бобурнома» ҳам.

— Агар ўша ноёб хазинангиздан баҳраманд этсантиз, жуда сарафroz бўлардим, — бек «хазина» сўзига алоҳида ургу берди.

— Губернатор жаноблари келгандлари ҳамоно бу ишни бошлаймиз. У киши китобни жон-диллари билан севадилар, — деди Рейнедорф хоним ғуур билан. У заржал гулли стаканга қарабодек товланиб турган кўк чой қуийб, меҳмонга узатди, дастурхонга қаранг, дея илтифот қилди.



Эрназарбек аччиқ чойни хузурланиб ҳўплар экан, яна хонимни кузатди. Унинг чироили кўзлари ҳамон жовдирар, тараддулданарди. Меҳмон уни қийин вазијатдан кутқазмоқчи бўлди:

— Хурматли хоним, китоблар ўз йўлига, ўзингиз учун зарур нарсалар бўлса, торти nmай айтаверинг. Истаган нарсангизни муҳайё этиш — бу оила дўсти сифатидаги бурчимdir.

— Элчи жаноблари, азиз меҳмонимизсиз, илтимосларим билан жонингизга тегищдан қўрқаман. Кошкйди менинг илтимосларимни бажариш осон бўлса...

— Бухоройи шариф тужжорлари учун бажариб бўлмайдиган илтимос йўқ. Азиз жонингиз соғ бўлса, ҳамма нарса топилади!

Рейнедорф хонимнинг гўзал чекраси яшнаб кетди.

— Ундей бўлса, — деди у ҳаяжонини яширомай, — менга оби ҳаёт аталмиш ичимлиқдан топиб келасиз. Айтишларича, аёл уни истеъмол қиласа, бир умр ёш ва гўзаллигича, чекраси тиниклигича қолармиш. Хурсондан топса бўлади, деб эшиттанман.

Эрназарбек бир зум Хурсоннинг сершовқин бозорларини, мушк-анбар сотиладиган расталарни эслади. «Эх, сиз, аёллар, доимо ёш ва гўзал бўлиб қолишни ўйлайсиз. Майли, бу сизнинг табиатингизга хос нарса. Лекин наҳот билмайсизки, бу дунёда инсон умри ҳам, гўзаллик ҳам абадий эмас...» ўйлади у ва жавоб қилди:

— Хоним, Хурсон тутул дунёнинг чеккасида бўлсада, сиз учун муҳайё этаман. Токи, борингиздаги ана шу қирмизи атиргулдек яшнаб тургайсиз!

— Миннатдорман, бек. Сиз ҳақиқий рицар эканси! — хоним гул-гул очилиб кеттанди.

— Сизнинг истагингиз мен учун қонун. Лекин ўзимга қолса, сизга ҳеч қачон оби ҳаёт тавсия этмасдим, — деди Эрназарбек.

— Нега энди? — қизиқсинди Рейнедорф хоним.

— Шунинг учунки, ҳар қандай оби ҳаётсиз ҳам сиз ёш оҳудек гўзал ва баркамолсиз.

Рейнедорф хонимнинг кўзлари яна сузилиди.

— Элчи жаноблари, сиз ҳамма аёлларга ҳам шундай хушомад қиласизми ё бу фақат мен учунми?

- Хоним, бу хушомад эмас, бор ҳақиқат.
— Майли, ҳақиқат бўлса, ҳақиқат бўла қолсин.
Лекин мен барибир «оби ҳаёт»ни олай дейман.
— Оби ҳаёт сиздан айлансин. Илтимосингиз мен
учун қонун, деб айтдим-ку, — деди Эрназарбек.

* * *

Эрназар Мақсад Бухорога қайтиб келгач, Муҳаммад Раҳимхонга Москва сафари, подшо Елизавета Петровна билан сұхбат тағсилотлари ҳақида ҳикоя қилиб берди, совға-саломларни топширди ва яна тижорат ишларига шўнгигиб кетди. У серрайрат одам бўлганидан бир дақиқа ҳам бекор ўтиромасди. Унинг карвонлари тўхтовсиз қатнарди, савдо гарларнинг ҳаёт тарзи шуни тақозо этарди.

Сиёсатчилар ҳам доимо ҳаракатда здилар. Муҳаммад Раҳимхон қанчадан-қанча қон тўкиб ҳокимиятни кўлга киритган эди. 1758 йилга келиб унинг ҳам сиёсат осмонидаги қуёши сўнди ва невараси Фозил Тўра амир деб эълон қилинди. Кўп ўтмай Фозил Тўрани Қаршига кўчиритириб юборишидни ва Абулози исмли киши амирликка кўтарилди. Лекин Бухоро амирлигининг инон-ихтиёри Муҳаммад Раҳимхоннинг амакиси Дониёлбий қўлида эди.

Орадан кўп ўтмай Россияда ҳам ҳокимият ўзгарди. Подшоҳ Елизавета Петровна оғир касаллик оқибатида 1761 йил 25 декабрда вафот эттач, Россия таҳтига валиаҳд шаҳзода Карл Пётр Ульрих — Пётр III ўтиради.

Буюк Пётрнинг набираси бўлмиш Пётр III бобосига тортмаганди. У аламзада, сарой кўнгилхушликларидан қўли бўшамас, сиёсатда ниҳоят калтабин эди. Шу билан бирга прусс тартиб-қоидаларини хуш кўрарди, рус урф-одатларини менсимасди.

1762 йил қишида Эрназар Мақсад Пётр III га мактуб йўллади. У ўз мактубида мархума Елизавета Петровна подшолик учун буюргирган барча нарсаларни Бухоро, Хурросон ва Ҳиндистондан топганини маълум қилди. Лекин унинг мактуби жавобсиз қолди.

Пётр III томонидан рус армиясида Пруссия тартиб-қоидаларининг жорий этилиши гвардиячи полклар-

нинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Подшоҳга қарши мухолифатчилар вужудга келди. Дворянлар ҳам подшодан норози эдилар. Мухолифатчиларга Пётр III нинг хотини, тарихга Екатерина II номи билан кирган, қизлиқдаги исми Софья Фредерика Августа Цербстская бўлган, Елизавета Петровна томонидан Екатерина Алексеевна деб аталган аёл бошлилк қиласди. У гвардиячи полклар ҳамда ўйнашларига таяниб, эри Пётр III ни ҳокимиятдан маҳрум этди ва 1762 йил 28 июнда Россия таҳтини эгаллади. Пётр III нинг подшолиги бор-йўги ярим йил давом этди.

Екатерина II 33 йил мобайнида Россия таҳтини эгаллаб турди. У дворянлар манфаатини тиш-тирноги билан ҳимоя қиласани, жуда меҳнатсевар, қобилиятлилиги, сиёсатда узокни кўра олиши, айёргилиги, айни вактда сахийлиги туфайли шунча йил давру даврон сурди.

Екатерина II билан сұхбат

Бухоро ҳукмдори Дониёлбий 1774 йилда махсус фармон билан Эрназар Мақсудни амирликнинг Россиядаги залчиси этиб тайинлади ва унинг номига ишонч ёрлиги ёздирилди.

1774 йил кузининг бошларида Бухоро залчиси 64 кишилик карвонга бош бўлиб, 40 тонна юк билан Ҳожитархон шаҳрига этиб келди. Бу пайтда Россия ўз тарихининг энг мураккаб давларидан бирини бошдан кечирмоқда, унинг бепоён кенгликлари Екатерина II нинг собиқ эри ўзини Пётр III деб зълон қиласа Емельян Пугачев бошчилигидаги дехқонлар қўзғолони алантаси оғушида эди. Ёнгинлар давом этар, ҳар ер-ҳар ерда қурилган дорлар киши юрагига даҳшат соларди. Гарчанд Емельян Пугачев фитначилар томонидан банд этилиб, подшолик ихтиёрига топширилган бўлса-да, дехқонлар уруши давом этар, ҳукумат қўшинлари қўзғолонни бостиришга ҳаракат қиласа, лекин халқнинг норозилиги кучайиб бораради. Мол-мулкидан ажралиб, дорга осилган, боплари кесилган дворянлар, офицерлар ҳақидаги даҳшатли ҳикоялар бутун Россияни ларзага солган, Ҳожитархон уруш гирдобидан

анча олисда бўлса-да, унинг ваҳимаси бу ерда ҳам сезилиб турарди.

Бу шароитда катта карвон билан Россияга келиш учун довюраклик ва ботирлик талаб қилинар. Эрназар Мақсуд айнан ана шундай жасур одам эди. У карвон билан Ҳожитархонда қолиб, энг ишончли одамлари орқали Екатеринага қимматбаҳо совғалар ва сархил олма, анор юборди. Ишончли кишилар ёнғин ва ваҳималар оғушидаги шаҳар, қишлоқлардан ўтиб, эзчининг совға-саломини Петербургга, Екатерина саройига етказдилар.

Эрназар Мақсуд эса Ҳожитархон губернатори хонадонида меҳмон бўлиб, у орқали Бухорога минг пудга яқин қўрғошин, пўлат ва мис жўнатди. Бу ўша пайтда амирлик мудофааси, унинг куролли кучлари учун зарур ашё эди.

1774 йил 30 октябрда Екатерина II махсус чопар билан Астрахань губернаторига хат йўллаб, Бухоро элчиси ва унинг карвонидан бож олмай, иззат-икром кўрсатиб, соқчилар билан Петербургга юборишни сўради.

1775 йил апрель ойининг бошида Эрназар Мақсуд Петербургга етиб келди. У ташки ишлар коллегияси раҳбари граф Никита Иванович Панин ва унинг муовини Остерман билан учрашди. Улар ўзбек дипломати билан сұхбатдан сўнг унинг шахсига юксак баҳо бердилар.

Эрназар Мақсуд бу сұхбатда савдоғарлар карвонларининг қозоқ даштларидан ўтиш пайтидаги хавфсизлиги масаласини кўтарди. Панин ва Остерман бу масалани император кенгаши мұхокамасига киритишга ваъда бердилар ва кўп ўтмай бу ваъдаларига вафо қилдилар.

1775 йил 5 апрель куни Россия императрицаси Екатерина II Бухоро элчиси Эрназар Мақсудни Қишки сарой хос хоналарининг бирида қабул қилди. Булутли, хафақон кун бўлса-да, хонада ҳудди қуёш чараклаб тургандек, олтин ҳал билан ишлов берилган шифт ва деворлар ана шундай ажойиб манзара касб этганди.

46 яшар Екатерина деңгиз тўлқини рангидағи узуун барқут кўйлакда, бўйнида нафис марварид шодаси,

бошига оқиши, калта ясама соч кийгап. Юзи узунчок, ияги бир оз бүрттан, оғзи кичкинагина, қомати хийла тұлишганди. У виқор ва назокат билан злчи истиқболыга қадам ташлади, оппок, мармардек қўлини узатди. Бухоро злчиси ўз қадрини йўқотмаган ҳолда Екатерина га таъзим бажо этиб, унинг қўлини ўпди.

Россия ҳукмдори уни турли ноз-неъматлар, егулик-ичгуликлар тўла пастак стол ёнидаги оромкурсига таклиф этди.

Хонада уларнинг икковидан бўлак ҳеч ким йўқ, бу — сұхбат дўстона, айни пайтда махфий бўлишидан далолат берарди. Жуда камдан-кам злчилар бундай марҳаматта сазовор бўлардилар.

Оромкурсиларга ўрнашиб олишгач, Екатерина бека сифатида мулозамат қилиб, сўз бошлади:

— Янглишмасам, шарқда «Аввал таом, баъдаз қалом» дейдилар. Бизда эса «Ёқимли машғулотларни, фойдалиси билан қўшиб олиб борса ҳам бўлади», дея зътироф этишади. Агар рози бўлсангиз, сұхбат ва ноңуттани бирлаштирсак?

— Ҳазрати олиялари, Сизга қандай маъқул бўлса, шундай қиласиз, — деди злчи.

— Ташаккур, дўсти азиз, анчадан бери ғойибона ошна здик, мана энди сизни Қишки саройда кутиб олаёттанимдан бехад баҳтиёрман.

— Мен ҳам сиздек бутун дунёга машқур давлат арбоби билан шахсан учрашиб, сұхбатлашаёттанимдан сарафразман, — илтифот қилди Эрназарбек.

Екатерина кези келганда оддий ҳам, камтар ҳам бўла оларди. Ҳозир ҳам шундай қилди.

— Бу стол атрофида давлат арбоби ва злчи эмас, икки дўст ўтириби, деб ҳисоблайверинг. Ахир, биз бир-биirimизни йигирма йилдан бери биламиш-ку! Мен сизни марқума Елизавета Петровна саройига злчи бўлиб келган пайтингиздан эслаб қолганман.

— Миннатдорман, сиз менга катта илтифот кўрсат-япсиз.

— Аксинча, мен сизга миннатдорчилик билдириш им керак. Астрахандан туриб юборган совғаларингиз, айниқса олма-ю анор учун. Анорингиз ҳақиқатан ҳам жанинатнинг меваси экан. Қани, ионуштага марҳамат!

Дўстона сұхбат — нонушта бир маромда давом эта бошлади. Екатерина ўз кўли билан қаҳва тайёрлади.

— Баъзи-баъзида ўзим қаҳва тайёрлаб ичмасам кўнглим жойига тушмайди. Мақтанипти деб ўйламангу, лекин бу ишни жуда ўрнига қўяман. Ичиб кўринг-а, ўзингиз холис баҳо берасиз.

Эрназарбек лаблари кўйиб қаҳва ҳўплади, «ҳақиқатан ҳам жуда ажойиб!» дей мақтади. Аёл, боз устига улур бир мамлакат қўхмдори ўзини уй бекаси сифатида мақтаганида уни қувватламаслик мумкин эмасди. Екатерина элчининг эътирофига жавобан миннатдор жилмайиб қўйди.

У сұхбат тизгинини қўлида ушлиб турар, кези келганды зарур йўналишга буриб юборарди. Екатерина Шарқу Farbdagi воқеа ва янтиликлардан хабардорлиги, кўп ўқигани ва кўпни кўргани учун дилкаш сұхбатдош эди. Бу борада Эрназарбек ҳам ундан қолишмас, шу боисдан сұхбат авжига чиққанди.

Деразадан чехраси тунд осмон кўриниб турар, як-кам-дуккам ёмғир томчилари ойнага шитирлаб урилар, рутубат ҳиди келар, бу баҳор сувларига тўлиб оқаётган Неванинг нафаси эди.

Деразага бир муддат сўёсиз тикилиб турган Екатерина сўз қотди:

— Жаноби Эрназарбек, тўғрисини айтинг, бу тунд осмон, шилта намгарчилик жонингизга тегмадими? Мен ўзим шунча йилдан бери бу рутубатта сира кўниколмайман. Сиз, ҳароратли ўлка фарзанди, бунга кўнишингиз янада қийинроқ бўлса керак?

Ҳақиқатан ҳам шилта об-ҳаво унинг жонига тегиб кетар, «қуёшли кўрадиган кун борми бу ерда», дей хуноб бўларди. Лекин элчи ўзи меҳмон бўлиб турган мамлакат табиатидан нолиса, буни ҳар хил талқин этишлари мумкин, шу боисдан у саволга мавҳумроқ жавоб қилди:

— Баъзан ортиқча ҳарорат ҳам жонга тегади, шунинг учун Россиянинг салқин, майин, барқутдек ҳавоси жонга ором баҳш этади. Жазирама авжига чиққан маҳалларда, мен рус ўрмонларини қўмсаб қоламан.

«О, Эрназарбек, сен ҳақиқий дипломатсан!» ўйлади Екатерина ва сұхбатни давом эттириди:

— Мен эсам қүёшли күнларни шу қадар интизорлик билан кутаманки...

— Қүёш ҳам, ёмғир ҳам мавриди билан бўлгани яхши. Нимаики кўп бўлса, у бекадр бўлғусидир.

Екатеринанинг ўйноқи кўзлари қувлик билан ялтираб кетди.

— Жаноби Эрназарбек, мен сўзга ёпишиб олишни хуш кўрмайман, лекин бир мартагина бу қоидадан чекинишга ижозат этсангиз.

Эрназарбек подшоҳнинг кулиб турган кўзларига қараб, у нимадир шумлик қилмоқчи бўлаётганини дарҳол сезди, «бу аёл билан сўзлашаётгаңда жуда эҳтиёткорлик шарт», — хаёлидан ўтказди у ва «руҳсат» дегандай жилмайди.

Екатерина ҳар бир сўзга алоҳида ургу бериб сўради:

— «Нимаики кўп бўлса, у бекадр бўлғусидир...» — шу сўзингизда событ турасизми?

— Наинки шу сўзларим, мен ҳамма сўз, ҳаракатларимда ҳар доим событман. Сиз бунга ишонч ҳосил қилган бўлишингиз керак.

— Кўнглингиз оғримасин, бек, мен ҳозир ҳаммасини тушунтираман, — деди Екатерина ҳамон кўзлари кулиб. — Аёллар, чиройли аёллар кўп бўлсалар, улар ҳам бекадр бўладиларми?

Екатерина нозик савол берганди.

Ҳеч бир аёл ўзини хунук санамайди. Жумладан, Екатерина ҳам. Ҳозир Эрназарбек: «Ҳа, бекадр бўлади», деса бу Екатеринага ҳам тегиб кетиши мумкин.

— Ҳазрати олиялари, — қувлик қилди Эрназарбек, — менга ҳам қоидадан бир мартагина чекинишга руҳсат этсангиз?.. Гап аёллар ҳақида, боз устига чиройли аёллар хусусида кетаётган бўлса, улар ҳеч қачон бекадр бўлмайдилар. Чунки ҳар гулнинг ўз ҳиди бор!

— Офарин, салламно, бек! Мен ўйлагандан-да зиёда жавоб қилдингиз. Сиздек элчи менинг мамлакатимга хизмат қилганида жуда баҳтиёр бўлардим. — уни раббатлантириди Екатерина завқ-шавқ билан. — Лекин айтингчи, бир эрнинг тўрт хотини бўлса, уларнинг қадри баб-баравар деб бўладими?

«Э, ҳа, ҳазрати олиялари тапни қаёқта бурялтилар десам... Бир аёлнинг тўрт ўйнаши бўлгандачи? Унда нима бўлади? Йўқ, тўрт эмас, олтига ўйнаш. Григорий Александрович Потёмкин, айтишларича, Екатеринанинг олтинчи жазмани эмиш», — ўйлади Эрназарбек ва сўради:

— Ҳазрати олиялари, биз мусулмонлардаги кўп хотинлиликни назарда тутяпсизми?

— Ҳа!

— Бу хусусда Қуръони каримда шундай изоҳ берилади: Мусулмон фарзанди ҳар тўртала хотин ва улардан бўлган фарзандларга баб-баравар одил бўлаолгандагина бундай никоҳ мақбулдир.

— Қарант, нақадар одилона изоҳ. Биласизми, ислом менга юксак мантиғи, кечиримлилиги билан жуда ёқади. Ундаги чуқур фалсафани мен ҳам ақлан, ҳам қалбан ҳис этаман. Биргина ана шу кўп хотинлиликни олиб кўринг. Бу ахир, ўз қавмларининг келажагини ўйлаб, улар буюк ва қудратли ҳалқ бўлишини ўйлаб қилинган. Чунки ўз-ўзидан кўпайган ҳалқ қудратли бўлиб бораверади. Кўпчилик орасидан кўп иқтидорли одамлар етишиб чиқади. Бизнинг динимиз ҳам кўп хотинлика рухсат берганда борми, эҳ-хе... Мен Россияништ бўм-бўш, хувиллаб қолган қишлоқларини кўриб даҳшатта тушаман, лекин қўлимдан бирор ёрдам бериш келмайди. Бу йигитлар қирилиб, нуқул қариялар, аёллар қолган. Шу аёллар орасида зрга теголмай, она бўлолмай юрганлар сон-саноқсиз. Ана шулар ўз жуфтини топса, бу миллат келажаги, сорломлиги учун ноёб хазина-ку! — Екатерина жўшиб галирар, баъзан сұхбатдошига зимдан назар ташлаб қўярди. Ҳазил-мутойибадан бошланган сұхбат жиiddий тус олмокда эди.

Эрназар Мақсад Екатеринанинг мулоҳазаларини диққат билан тинглар, уларнинг мағзини чақарди. Чунки бу аёл қўққисдан нозик савол бериб қўйиши мумкинлигини у тезда англааб олганди. Россия ҳукмдорининг ислом дини ҳақидағи фикрлари ўринли ва улар элчига маъқул эди.

Екатерина сўзида давом этди:

— Истаймизми, йўқми, кўп хотинлилик — бу давлат аҳамиятига молик масала. Лекин буни Россиядек



мамлакатда жорий этаман, деган диндорнинг ҳам, ҳукмдорнинг ҳам бўйни синиши аниқ. Агар шу фикрларни мен император кенгашида айтсан, устимдан қулишлари, мени эрсираганга чиқаришлари ҳеч гап эмас. Бу улур мамлакатни қалбан тушуниш мумкин, лекин ақдан тушуниб бўлмайди.

Екатерина бир муддат жим қолди, сўнгра меҳмонни дастурхондаги ноз-неъматлардан олишга унади-да, тиллодек товланиб турган нокларни мақтай бошлади:

— Мана бу нокдан татиб кўринг, буларни мента Эрондан маҳсус олиб келишади.

Эрназарбек илтифот учун миннатдорчилик билдириб, хуш бўй таратиб турган бир дона нокни қўлига олди, унга сукланиб бокди:

— Бирор-бир санъат асари табиатнинг ана шу неъматидек мукаммал ва бежирим бўлолмаса керак.

— Ҳақ гапни айтдингиз, бек, табиатдан буюкроқ рассом ҳам, нақдош ҳам йўқ, — деди Екатерина. Сужбат тизгини ҳамон унинг қўлида, у мавзуни тез-тез ўзгартирганидан элчи асосий муддаони айтолмай қолмасам гўрга эди, дея ташвишга туша бошлади. Зукко Екатерина буни сезмай қолмади ва сұхбатдоши кўнглидагини айтиши учун имконият яратди:

— Хўш, элчи жаноблари, энди Бухоройи шариф янгиликларидан гапириング, амирингиз Дониёлбий соғлиқларидан гапириинг. Бизга қандай арзларингиз бор, шундаи гапириинг.

— Бухоройи шариф юксалаётир, биз бундан беҳад сарафроздиз. Улур амиримиз Дониёлбий фуқаро ташвиши, юрт ташвишида. Бизнинг арзларимиз сизнинг марҳаматингизга боғлиқ.

— Тортинмай айтаверинг, элчи жаноблари, Сиз учун қўлимдан келган ҳамма ишни қиласман. Мен ахир, Сиздан қанчалар қарздорман...

— Россиядек улур мамлакат подшоси биздек факирлардан қарздор бўлиши сира мумкин эмас, ҳазрати олиялари.

— Бу телба дунёда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Айтинг, Россия Бухоро учун нима қиласин?

— Ҳамонки, шунчалар илтифот қилаётган экансиз, юртимиз мудофаасини мустаҳкамлашга ёрдам беринг.

Жафокаш халқымиз босқылару истилолардан жуда безиб қолган.

Екатерина сүхбатдошига диктат билан тикилди.

— Мудофаага нима билан ердам беришим керак?

— Бухоро қўшини қурол-аслаҳаларини янгилаш учун пўлат, мис, қўрошин ва шунга ўхшаган маъданлар зарур. Замбаракларсиз қўшин ҳеч нимага ярамаслигини сиз олий бош кўмондан сифатида яхши биласиз.

Россия ҳукмдори бир зум ўйланиб қолди. Стратегик аҳамиятта эта бўлган маъданларни сотиш — бу осон ҳал бўладиган иш эмас. Шу боисдан Екатерина мавқумроқ жаюб қилди:

— Яхши, мен ҳарбий коллегия раҳбарлари билан маслаҳатлашиб кўраман, сўнг сизга жавобини етказамиз.

— Ҳазрати олиялари, бу масала Бухоро учун ҳам, мен учун ҳам ҳаёт-мамот масаласи, уни орқага сурмай, шахсан ҳал этишингизни илтимос қиласман. Бу иш орқага сурилса, ундан қанча кўп одамлар хабардор бўлса, амалга ошиши шунчалик қийинлашади. Мен маъдансиз Бухорога қайтмайман, қайтишга ҳаққим ҳам йўқ! — деди қатъият билан элчи. У агар ҳозир қатъият кўрсатмаси, иш пачава бўлишини дарҳол сезди.

Екатерина ўйланиб қолди. «Ҳа» деса, ташки ишлар коллегияси раҳбари Никита Панин ва ҳарбий коллегия вице-президенти Григорий Потёмкин тихирилик қилишлари мумкин, «йўқ» деса, Бухоронинг дилкаш, нимаси биландир таниш-нотаниш, дўст-душманни ўзига ром этувчи элчисини хафа қилиб қўйиши мумкин. Екатерина жуда дўстона ўтаётган сүхбат давомида сездики, кўркам соқолига яккам-дуккам оқ оралаган, чехрасидан аллақандай хотиржамлик, ўзига ишонч ва улуғворлик уфуриб турган бу кишининг бирор илтимосини рад этолмайди. Эрназар Мақсаддининг қандайдир кўзга кўринмас сеҳр ва жозибаси уни мафтун эттанди. Тўғри, у анча-мунчада ўз фикридан қайтадиган одам эмасди, ҳар қандай йўл билан, хоҳ макрҳийла-ю ноз-карашма бўлсин, хоҳ совға-салом билан ўз сўзини ўтказмай қўймасди. Лекин бугун Екатерина бутунлай бошқача ҳолатда эди. Эрта тонгда кайфи

чор, элчи билан дўстона сұхбат қураман, илтимосла-
рининг ҳаммасини қабул қиласман ва шоҳона совга-
лар бераман, дея аҳд қилган, ўзини шунга тайёрла-
ганди. Бунга сабаб фақаттина Эрназар Мақсуддинг
қимматбаҳо совға-саломлари эмасди. Бутун дунёга донг
таратган бу аёлни фақаттина совға билан мойил қилиш
мумкин эмасди. У жуда кўп совға олган, совға берган,
шу боисдан бунаقا ишларда устаси фаранг эди.

Россия таҳтини эталлаб турган бу аёлни ўтқир ақл,
кучли мантиқ, билим ва фаросат билангина қойил
қилиш мумкин эди.

Сұхбат давомида у Эрназар Мақсуд ўтқир ақл-
заковат соҳиби, ўз юртининг ватанпарвари эканини
юрақдан ҳис этди ва шу боисдан унинг илтимосини
бажаришга маънавий асосим бор, деган қарорга кел-
ди.

«Никита Панин норози бўлса бўлар, у ҳўқиз бар-
бир вафо қилмайди. У қандай бўлмасин менинг ўрним-
га ўғлим Павелни ўтқазишдан бошқа нарсани ўйла-
майди. Шундай бўлгач, бу муттаҳамнинг фикри билан
ҳисоблашиб ўтиришим шартми экан?

Гришка Потёмкин бўлак. Гришкада юрак бор, ик-
ки оғиз ширин сўз билан кўнглидан чиқарса бўла-
ди... Тўхта, мен императорманни ёки... Нега кимлар-
нингдир олдида қизариб-бўзаришм, ўз ҳаракатларим
учун ҳисоб беришим керак? Даркор бўлса, импе-
тор кенгашида ҳаммасини исботлаб бераман, васса-
лом!»

Екатерина элчининг илтимосини кўнглида қабул
қилди, лекин ўзининг азалий одатича буни дарҳол сир-
тига чиқармади ва сұхбатдошига мурожаат этди:

— Айтингчи, менинг ҳеч бўлмаса Панин ва Потем-
кин билан маслаҳатлашишга ҳаққим борми, йўқми?

— Мен бир нарса дейишга ожизман. Фақат шу
маслаҳатдан кейин менинг илтимосим рад этилмаса
бўлгани, — жавоб берди Эрназарбек. Унинг ўз сўзи-
дан сира қайтмаслиги билиниб туради.

— Оббо сиз-еїй, — жилмайди Екатерина овозида
аллақандай меҳрибонлик билан, — қани энди менинг
ҳамма аъёнларим ҳам Ватанлари учун сизчалик қай-
турсалар эди! Бўпти, ватанпарварлигингиз, қуюнчак-

лигингиз ҳаққи-хурмати, Сизга карвонингиз кўтара олгунча маъдан бераман. Келишдикми?

— Келишдик! — элчининг чеҳраси ёришиб кетди.

У жуда курсанд дуч келган одамни қучиб, ўпгиси келарди. Екатерина уни бир зум жилмайиб кузатиб турди-да, сўнг яна сўз қотди:

— Дўсти азиз, Петербургга келишингиздан олдин Оренбург ва Астрахань вилоятлари губернаторлари менга сиз ҳаққингизда тавсияномалар йўллаб, Бухоро ва Хивада куалликда бўлган рус фуқароларини озод қилиб, Ватанга жўнатишдаги хизматингизга юксак баҳо берган эдилар. Сизнинг бу хизматингиз икки мамлакат ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди, бир-биринига бўлган ишончни оширади. Боя сиздан қанчалар қарзларим бор, деганда шуни назарда туттандим. Тилаңг тилагингизни, кўнглингиз нима истайди, нима қиласам сизни курсанд этман?

— Ҳазрати олиялари, сизнинг лутфу карамингиз менга ҳар қандай мукофотдан зиёда.

— Майли, шундай бўлақолсин, ишонаман. Лекин мени совға бериш баҳтидан бенасиб этманг-да. Билиб қўйинг, менинг подшоҳ сифатидаги энг заиф томоним шуки, совға улашишни яхши кўраман. Эшлишишмча, сизнинг улуғ амирингиз Темур ҳам тортиқ қилишни хуш кўраркан. Бухорода 200 дан ортиқ мадраса бор. Шуларнинг қаторига яна битта, сизнинг номингиз билан аталадиган мадраса қўшилса нима қипти? Сизга мадраса қуришига етадиган пул бераман, фақат битта шарт билан, бу мадрасада бўлажак элчиларни ўқиттирасиз. Авлодлар сиз билан мени эслаб, раҳмат айтиб юради. Ахир, бунга нима етсин!

— Ҳазрати олиялари, Екатерина Алексеевна! Мен бунчалар илтифотта лойиқ иш қилганим йўқ.

— Дўстлик ҳақидағи рисолада «Совға олиш ва совға бериш» деган банд ҳам бор. Эрназарбек, Сизнинг Россия фуқаролари учун қилган яхшиликларингиз шунчалар кўпки, уларни совға билан ўлчаб бўлмайди. Ахир, оиласига қайтган биргина одам ҳам қанчалар кишининг курсандчилигига сабаб бўлади-ку, шундай эмасми? Дарвоҷе, мен ҳали ўзингизни шахсан тақдирлага-

ним йўқ-ку. Мадраса — Бухоройи шарифга совға. Сизга эса баҳри Хазардаги елканли кемани тақдим эта-ман, токи савдо ишингизга ривож берсин. Яна сизга шундай ёрлиқ бераманки, 5 йилгача ўн минг сўмгача бўлган молингиздан Россия ҳудудида бож олмайдилар.

Екатерина ҳанг-манг бўлиб қолган элчига жилма-йиб қараб турарди.

— Ташаккур, ҳазрати олиялари, — деди Эрназар-бек. — Мента бўлган юксак ишончингизни оқлашга ҳаракат қиласман.

Совғалар ҳақиқатан ҳам шоҳона эди. Лекин Эрназар Мақсад совғаларнинг қимматбаҳолигидан беҳад хурсанд, дейиш қийин. Чунки унинг мол-давлати ҳад-дан зиёда, ўзига ва авлодларига ҳам етиб ортарди. Уни Екатеринанинг беҳад иззат-икроми, хайриҳоҳлиги шод этган, айниқса, маъдан харид қилиш масаласи ижо-бий ҳал этилганидан мамнун эди. У сафарининг му-ваффақиятига ишонган бўлса-да, бунчалар марҳамат кутмаганди.

Шу тариқа сұхбат аста-секин якун топди. Хайрла-шишар экан, Екатерина шундай деди:

— Бухоро ҳукмдори Дониёлбий ҳазрати олийлари-га совғаларимиз алоҳида бўлади. Қабул маросимида учрашгунча, элчи жаноблари!

Эрназарбек Екатеринага таъзим бажо этиб, хона-дан чиқиб кетди.

«Бухоройи шариф» кемаси

Эрназар Мақсадни Бухоронинг энг бадавлат ва пешқадам савдогарлари сафига олиб чиқсан хусусияти — бу унинг ишга қаттиқ берилиши, бошлаган юму-шини охирига етказмай қўймаслигида эди. Екатерина II ҳузуридан беҳад руҳланиб чиқсан бек ўз қўнағасита келиб, шериклари ва хизматкорларини йириб, Петербургдаги юмушларини тезроқ тугаллаш, йўл ҳозирлигини кўриш юзасидан кўрсатмалар берди. Ўзи эса Ека-терина ваъда қилган маъданни тезроқ қўлга киритиш пайида бўлди. Ширинкомага ўрганиб қолган рус амал-дор тўралари билан бу ишни бажариш осон эмасди.



Тез орада у 15 минг пуд темир, 5 минг пуд пулат ва 3 минг пуд мис харид қилишта муваффақ бўлди. Бу жуда хавфли юк, уни маҳфий тарзда Бухорога етказиш лозим.

Карвонни Ҳожитархонгача рус соқчилари қўриқлаб борадилар, ҳамма епиқ сарҳаду божхоналардан Екатеринанинг махсус рухсатномаси олиб ўтади. Ҳазардан кечиб ўттач, уларни соҳилда кутиб ётган Бухоро амири соқчилари ҳимояларига оладилар. Йўлнинг ана шу қисмida, қозоқ даштларида, соқчилар ҳар қанча куролланган ва жанг кўрган бўлмасин, карвонни катта хавф-хатар кутади. Даشت шароитини яхши билган қароқчилар карвонларга қўқисдан ҳужум қилиб, соқчиларни қириб ташлаб, молларни талайдилар. Не-не бадавлат савдогарлар ана шу даштларда ўлим топганлар, этлари қузунларга ем бўлган.

Шуларни ўйлаган Эрназарбекнинг бадани жунжикиб кетар, қандай бўлмасин карвонни манзилга бехатар етказиш режаларини тузарди. Йўқ, табиатан жасур бу одам ўлимдан эмас, балки Бухоро учун жуда зарур юк энди қўлга киритилганда ундан айрилиб, шарманда бўлишдан қўрқарди. Савдогарлар суоласидан бўлган Эрназарбек жангари эмасди, карвондаги ҳарбий мақсадларга мўлжалланган юк билан у бировлар қониши тўкиш ҳақида ўйламас, аксинча, ўзи жонидан ортиқ кўрган Бухорони сон-саноқсиз босқин-у талашлардан халос этиш тўйрисида қайгуарди.

Унинг елиб-югуриши туфайли карвон белгиланган муддатда Санкт-Петербургдан жўнаб кетди. Неча-неча қуёшли кунлар, серёмғир тунлар ортда қолиб, Москвага етиб келдилар.

Эрназарбек шерикларини қўналрада қолдириб, граф Дмитрий Иванович хонадонига йўл олди.

Бир вақтлар жуда серҳашам кўринган икки қаватли иморат ҳам, озода кийинган хизматкорлар ҳам бекнинг кўзига аллақаңдай афтодаҳол, гамгин кўринардилар.

Эрназарбекни яхши таниган эшик оғаси индамайгина уни иккинчи қаватта бошлиди. Надежда Аркадьевна билан Любовь Дмитриевна уни кўзларида ёш билан қарши олдилар. Дмитрий Иванович қазо қилгани-

ни йиглай-йиглай айтиб бердилар. Эрназарбек она-болага ҳамдардлик билдириб, уларга түзим, бардош тилади. Надежда Аркадьевна жуда қариб қолган, овози титраб гапирав, Любовь Дмитриевна анча түлишгән бўлсада, 45—46 яшар аёл учун уни ҳамон баюят гўзал дейиш мумкин эди. Лекин бир вақтлар жон олрувчи кўзлари ич-ичига ботиб кетган, уларда зам излари яқдол сезилиб туради.

Эски дўстлар узоқ сұхбатлаштилар. Она-бала Пугачев қўзғолони, деҳқонлар уруши билан боғлиқ бирбиридан даҳшатли воқеаларни ҳикоя қилиб бердилар. Эрназарбекка йўлда жуда эҳтиёт бўлиш лозимлигини қайта-қайта тайинладилар. Бек йўлга ҳозирланиши лозимлигини айтиб, узр сўради-да, мезбонлар билан хайрлашди. Уни кечки овқатга қолиш учун ҳар қанча ундумасинлар, кўнмади.

— Дмитрий Ивановичсиз уйимиз ҳувиллаб қолди. Бизни фаромуш этмай, тез-тез йўқлаб туринг, азизим, — деди Надежда Аркадьевна.

Эрназарбек она-боланинг кўлларига галма-гал лаб босиб, эшик томонта йўпайди. Аёллар унга қайта-қайта кўл силкиб қолдилар.

Граф Дмитрий Иванович Кислинский ёшини яшаб, ошини ошаб вафот этган бўлса-да, бу қувноқ одам ораларида йўқлигига оила аъзолари ҳам, хизматкору ёру биродарлари ҳам сира кўниколмасдилар. Эрназарбек ҳам қўналасига етганча қари дўстининг мулоим жилмайиб турувчи чехраси кўз ўнгидан кетмади, унинг сўзлари, қилиқлари хаёлига келди. «Начора,— хўрсили у. — биз келиб-кетаверамиз, дунёи дун эса қолаверади, чархпалак айланаверади.»

Эрназарбекнинг карвони Москвада дам олаёттан бир вақтда Екатерина II Ҳожитархон губернаторига пошшолик мухри босилган мактуб юбориб, бандаргоҳдаги елканли кемалардан бирини савдо ишига мослаб жихозлаштириб, Рус подшоси тортиги сифатида Бухоро элчиси Эрназар Мақсудга топшириш ва зарур ҳужжатларни расмийлаштиришни буюрди.

Бухоро злечилари карвони рус аскарлари соқчилигига Ҳожитархон шаҳрига кириб келди. Ҳожитархон губернатори Екатерина II топшириғига асосан злечи-

ларни барча расм-руссумларни ўрнига қўйган ҳолда кутиб олди. Эрназарбекнинг қадрдан дўсти бўлган губернатор ҳар гал пошшолик буйруғи бўлса-бўлмаса унга илтифот кўрсатарди, лекин бу сафар император фатвоси билан тантана жуда маромига етказилди.

Карвон аҳди карвонсаройга жойлашгач, Эрназар Мақсуд хизматкори Ҳалимжон ва бир неча нуфузли шериклари — Бухоронинг казо-казо савдогарлари ҳамроҳлигида губернатор тақлифига биноан Ҳожитархон бандаргоҳи томон йўл олди.

... Бандаргоҳ жуда гавжум, денгиздан енгилгина шабада эсар, сон-саноқсиз кемалар тўлқинлар узра енгил чайқалиб турадилар.

— Ҳув ана у кема, — елканлари туширилган чорроқцина кемага ишора қилди губернатор, — Россия ҳукмдори Екатерина II ҳазрати олияларининг амри муборакларига биноан сизга тортиқ этилади ва шу кундан эътиборан мулкингизга айланади. Сиз ундан истаган тартибингизда фойдаланишингиз мумкин. Мана бу васиқа номингизга расмийлаштирилган.

Губернатор Эрназарбекнинг қўлига имзо ва мужрлар билан мустаҳкамланган зарҳал қороз тутқазди.

Эрназарбек миннатдорчиллик билдириб, ҳужжатни қўлга олди. Шериклари, губернатор ҳамроҳлари ва бошқа амадорлар бекни бу ажойиб совра билан муборакбод этдилар. Бу совра савдо аҳди учун жуда қимматли, керакли ва азиз эди.

— Энди, азиз дўстлар, — деди губернатор тантанавор оҳангда, — ҳаммамиз кемага жўнаймиз, дарга янги хўжайин ва унинг ҳамроҳларини меҳмонга тақлиф этяпти. Айтишларича кок¹ қулинг ўргилсин балиқ шўрва пишираётганмиш. Қаранг, жаноблар, кема қанча узоқда бўлмасин, шўрва ҳиди димоқни қитиқлайди-я.

Ҳамма қулиб юборди. Енгил кайфият билан қайиқларга чиқиб, кема томонга сузиб кетдилар.

Орадан кўп ўтмай, Эрназарбек дарга кўмагида ўз мулки бўлмиш кема саҳнига илк бор қадам босди.

¹ Кок — кема ошпази.

— Хуш келибсиз, Эрназар Мақсуд жаноблари! Қадамингизга ҳасанот! — деди дарға.

— Хушвақт бўлинг, илтифотингиз учун ташаккур! — мамнун жилмайди Эрназарбек.

Кема командаси бир сафга тизилиб, губернатор ва элчи билан саломлашдилар.

Эрназарбек тўлқинларда енгил чайқалиб турган кемаси саҳнида ҳур-хур эсаётган шамолга кўкрак тутиб, бир муддат атрофга назар ташлади. Осмон ложувард, у ер-бу ерида оппоқ булатлар сузид юрибди, денгиз оҳиста чайқалади, чағалайлар кўм-кўк сувга тўш уриб «чаҳ-чаҳ»лашади.

Мехмонлар кеманинг барча устки ва пастки хоналарини кўздан кечирдилар. Дарға кеманинг юк кўташибириш қобилияти, тезлиги, чидамлилиги ҳақида гапириб берди. Эрназар Мақсуд дарға ва айрим денигизчиларга ўз номидан эсадалик соввалари топшириди. Сўнгра мезбонлар ва мехмонлар дарғанинг кенг-мўл бўлмаси — кают-компанияда ясатирилик дастурхон атрофига тўпландилар.

Оппоқ, оҳори дастурхон ниҳоятда дид билан безатилган, унда денигиз ва қуруқлиқда бўладиган жуда кўп ноз-неъматлар кўйилганди. Айниқса, камёб балиқ турларидан ҳар хил тансиқ таомлар тайёрланганди. Энг аввало дастурхонга ҳали бандаргоҳда губернатор таърифини келтирган балиқ шўрва тортилди. Дарға биллурин қадаҳларга қип-қизил ёқутдай товланиб турган ичимлиқдан қўйди.

— Биз, денигизчилар, ўткир ҳиссиёту саргузаштарни қанчалик хуш кўрсак, ўткир ичимликларга ҳам шунчалик ихлос қўйганмиз. Таомилга кўра энг азиз меҳмонларни ром билан сийлашга одатланганмиз. Қани, марҳабо, жаноблар!

Губернатор Россия империяси ва Бухоро амирлиги ўртасидаги дўстлик, савдо-тижорат ишларининг ривожи, кеманинг янги хўжайини шарафига қадаҳ сўз таклиф этди. Биллур қадаҳлар жаранглади. Дастурхон атрофида қизгин, дўстона сухбат бошланди. Савдо-гарлар нарх-наво, денигизчилар об-ҳаво, амалдорлар сиёsat ҳақида гапирадилар.

Губернатор яна қадаҳларга қўйилсин ва Бухоронинг муҳтарам элчиси Эрназар Мақсуд жаноблари қадаҳ сўз айтсии, дея таклиф киритди.

— Аэиз дўстлар, муҳтарам жаноблар! Энг аввало Сиздек оқкўнгил ва меҳмондўст одамлар даврасида эканлигимиздан бениҳоя шод ва сарафрозман. Мен ва дўстларим икки давлат ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ишига камтарин ҳисса қўшаётганимиздан баҳтиёрик ҳиссини туямиз. Боз устига жаҳондаги энг йирик давлат арбобларидан бири, Буюк Россия ҳукмдори Екатерина II ҳазрати олияларининг марҳаматларига сазовор бўлганим мени мамнун этади. Бу марҳаматни шахсан ўзимга эмас, балки улуғ амиримиз Дониёлбий ҳазрати олийларига, Бухоро ҳалқига билдирилган юксак ишонч ва ҳурмат деб биламан. Мен ва дўстларим икки буюк ҳалқ ўртасида ҳокисор кўприк бўлишда давом этамиз. Дўстлигимиз абадий ва бузилмаслиги учун қадаҳ таклиф этаман!— деди элчи.

Зиёфат қуюқ-суюқ, овқатлар, шампанское, мева ва шарбатлар, ширинликлар тортиш билан давом этди.

Эрназарбек ичкиликбозлилка хуши йўқлигидан қадаҳларга лабини теккизиб кўярди, холос. Хурсандчилик қизигандай қизиб борар, бек эса ўзишининг юят маҳфий юки тўғрисида қайғуриб, безовталанар, лекин у ҳақиқий дипломат бўлганидан ташвишини биронга сездирмасди. «Соқчилар ҳар қанча кучли ва ҳушёр бўлишмасин, эҳтиёт шарт. Ахир бекорга айтишмаганки, омад юз ўғирса, атала тишини синдирад», деб ўйларди бек. Ҳожитархонга келганларидаи буён карвон атрофида ўралашиб юрган шубҳали одамлар унинг дикатини ўзита торттан, юрагида шубҳа уйғоттанди. Айниқса, ўзларини Ҳожитархонда касал бўлиб, карвондан қолиб кетган хивалик савдогарлар деб таништирган, бирга олиб кетишини илтимос қилган, икки ўрта яшар, мулланамо кишилар тўғрисида ўйлаб юраги баттар фашланди.

Улар йиғлаб-сиқтаб, оҳ-воҳ қилиб, карвонга қўшиб олишини илтимос қилдилар. Эрназарбек жуда ноқулай аҳволда қолди. У ўттиз йилдан ошикроқ, вақт карвон билан чўлу саҳро кезиб, бу йўлларда айрим инсонлар

пулу мол дея бир-бирига қылган қабиҳдикларни күп күрган, бир-икки хоин ёки жосус туфайли қирилиб кеттән карвонлар, дарбадар бўлиб қолган савдо гарлар ҳақида эшигтан, ўзи ҳам неча маротаба биқинидан пичоқ ейишига оз қолганди. Эрназарбек шу икки бегонани карвонга олиб, ўзини ҳам, юкини ҳам катта хавф-хатарга қўяёттанини яхши биларди. Лекин у мусулмончиликни, одамийликни ва виждан талабларини ҳар нарсадан, ҳатто ўз молу жонидан-да устун қўя оладиган, имони бутун одам бўлганидан бегона юртда пулу молсиз, оч-юпун юрган икки савдо гардан марҳматини аямади. Фақат ўзининг энг яқин одамларидан бири, карвон хавфсизлигини таъминлашга масъул мулла Нуриддинга улардан кўз қулоқ бўлиб юришни тайинләди.

Шуларни ўйлаб ўтирган бек бу ердан тез кеттиси, юклардан хабар олгиси келарди. Кают-компанияда эса пайдар-пай ичилган қадаҳлардан сўнг дўстона бир вазият вужудга келган, сұжбат авжида, меҳмонлар тетик ва хотиржам, мезбонлар эса сархуш здилар. Зиёфатнинг якунланиш арафасида қадаҳ сўз навбати даррага етди. У кеманинг янги хўжайини учун ичишни таклиф этди ва негадир ғамгин тортиб шундай деди:

— Кемамиз шу кунгача Россия байрори остида сузди. У «Бистрий» деб аталади. Исми жисмига монанд, тезюарар, чакқон кема. Энди Эрназарбек жаноблари, у сизнинг мулкингиз, қандай ном билан аташ ҳоҳиш истакларингизга боғлиқ. Бу биз учун бир қадар ғамгинлик туғдиради, лекин биз хизматдаги одамлармиз. Подшоҳ амри — вожиб.

Дарға 48—50 ешлар чамасидаги, қизғиши соқоли ўзига ярашган, кўзлари кўм-кўк, кенг елкали, паҳдавон-келбат одам эди. У ўз кемасига жуда ўрганиб қолгани ва юракдан гапираёттанини Эрназарбек дарҳол ҳис этди.

— Азиз дўстим, кеманинг номи ҳақиқатан ҳам чиройли экан. Лекин бундан-да чиройли бир ном тилим учида турмаганида, эҳтимол, кема аввалгидек аталаверарди. Тилим учида турган ном мен учун юят қадрли ва ўйлайманки, сиз ҳам уни маъқуллайсиз.

Даврада: «Қани, айтингчи, қандай ном экан?» деган хитоблар янгради.

— «Бухоройи шариф» деб атамоқчиман кемани. Чунки бу буюк шаҳар не-не аллома-ю олимларга, шоирларга, саркардаларга олтин бешик бўлган, — деди Эрназарбек ҳар бир сўзига алоҳида ургу бериб.

— О-о-о, браво! Салламно! Офарин! — хитоблари янгради. Даръанинг мовий кўзларида ёш йилтиради.

— Ҳамонки кемамиз шу қадар буюк шаҳар номини олар экан, мен шодман, энди хотиржам қирғоққа тушив кетишим мумкин, — деди у овози титраб.

— Йўқ, азизим, қирғоққа тушмайсиз, кемага ўзингиз бошлиқ команда хизмат қиласди. Мен сиз билан қисқа вақт ҳамсухбат бўлган эсамда шундай қарорга келдим. Мана, жаноб губернатор ҳам фикримни қувватляяптилар, — деди Эрназарбек ва кўшиб кўйди: — Сиз Бухоройи шарифнинг доңғини оламга ёйган молларни ташийсиз, бизнинг иқтисодий қудратимизни мустаҳкамлайсиз ва табиийки, ўзингиз ҳам қуруқ қолмайсиз.

Яна пўраккларни пақиллатиб шампанское шишаляри очилди, узун қадаҳларга вижирлаб турган ичимликдан қўйилди:

— Яшасин «Бухоройи шариф», Виват «Бухоройи шариф»!

Зиёфат тутаб, хайрлашишар экан, Эрназарбек дарғани огоҳлантириди:

— Уч кундан сўнг юкларни ортиб, йўлга чиқамиз.

— Сиздек олижаноб одам билан уч кун эмас, уч дақиқадан сўнг йўлга чиқишга ҳам тайёрман, — деди дарға.

Уч кун ичида Ҳожитархондаги ишлар туталланиб, озиқ-овқат, сув захиралари тўлдирилди. Юклар «Бухоройи шариф» кемасига ортилди.

Эрта тонгда қуёш хобгоҳидан бош кўтариб, майдада тўлқинлар бағрини хун қилди, ёқимли, мўътадил ёз шамоли эса бошлади. Кўтарилган елканлар баловат ёшига етган қизлар кўксидек тўлишдилар.

Губернатор бошлиқ казо-казолар бухороликларни кузатиш учун бандаргоҳга келдилар.

Эрназарбек ва дўстлари ҳожитархонлик амалдорлар, савдогар ва боёнлар билан хайр-хўшлашиб, кемага чиқдилар. «Бухоройи шариф» лангарни кўтарди.

Эрназарбек дарға күрсаттан шинам ва озода хона-
га хизматкори Ҳалимжон билан жойлашди.

Кун бўйи ҳаво очик, ентил шамол эсар, денгиз тинч эди. «Бухорий шариф» майда, югурик тўлқинларга тўш урганича олга интилар, уйни соғинган йўловчиларни манзилга тобора яқинлаштиришга интиларди. Элчилару савдогарлар бўлмаларда, кема саҳнида гурӯх гурӯх бўлиб сұхбатлашишар, овқат маҳали ошпазнинг қўли шириналигини мақташар. Эрназарбек дарға билан шатранж ўйнар, бу машгулотдан зерикди дегунча денгизнинг кенг ва улутворлигига маҳлиё бўлиб, хаёл сурарди.

— Агар шамол шундай эсиб турса, манзилга тезда етамиз, — хўжайнининг кўнглини кўтарарди дарға.

Лекин кечга томон кўк юзини улкан қора булутлар қоплади ва улар тобора қуюқлаша борди, шамол кучайтанидан кучайиб, довулга айланди. «Бухорий шариф» ўркач-ўркач тўлқинлар устида писта пўчоридек ўйнай бошлади. Денгизчилар елканларга осилдилар. Йўловчилар худодан мадад сўраб калима келтира бошладилар. Дарға қисқа буйруқлар берар, кема саҳнидағи юкларни пастки қисмга туширишга бошчилик қилас, ўзи жуда хотиржам эди.

Қош қорайиб, довул янада кучайди, шамол юракларга даҳшат солиб увишлар, баҳайбат тўлқинлар кемага зарб билан урилиб, уни шу заҳотиёқ парча-парча қилиб юборгудек эди.

Эрназарбекнинг шерикларидан айримлари оҳ-воҳ қилиб, қайт қилишар, айримлари зўр бериб «Куръон»дан суралар тиловат қилишар, яна бирорлари индамайгина сулайиб ётишарди.

Денгизчилар бўлса ҳамма ёқлари шалаббо, ҳолдан тойган бўлишиларига қарамай, кемадаги сувни сепиб ташлашдан бир зум ҳам тинмасдилар.

Эрназарбек беланчакдек чайқалайтган бўлмасида ўтирас, кўнгли беҳузур бўлса-да, ўзини тетик тутишга ҳаракат қиласиди. Хизматкори Ҳалимжоннинг ранги оқариб кеттан, гезарган лаблари алланималарни унисиз пичирлар, Эрназарбек бунақа пўртанааларга неча маротаба дуч келган, бу саҳройи йигитча эса бундай аҳволга биринчи тупшиши бўлиб, тирик қолишдан умидини узганди.

Дам осмонта күтарилиб, дам түлқинлар қаърига ғарк бўлаёттан кемада фақат дарға ва Эрназарбек хотиржам здилар. Сирасини айтганда, уларни ҳам бутунлай хотиржам деб бўлмас, фақат безовталикларини сиртларига чиқармасдилар, холос. Эрназарбек, айниқса, ўша маҳфий моллари тўғрисида жуда қайгуар, бу қиёматқойим тезроқ тугашини, оёқлари остида қаттиқ ерни туйишини жуда-жуда истарди.

Довул эса тинай демас, кема ғичирлар, қарсиллар, елканлари бурда-бурда бўлиб кетган, түлқинлар уни бир ҳас мисол тўрт томонга итқитиб, ҳазиллашгандай яна қайтиб илиб олишарди.

Ярим кечада кийим-боши шалаббо, ҳолдан тойган, кўзлари қизариб, овози бўғилиб қолган дарға Эрназарбекнинг бўлмасига кириб келди.

— Кемадаги барча ортиқча ҳисобланган нарсаларни дengизга ирритдик. Энди бир қисм юклардан холос бўлмасак, чўкиб кетишимиш ҳеч гап эмас, — деди у кўзларини олиб қочиб.

Эрназарбекнинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Бу кемада мен ва шерикларим ортиқча бўлиши мумкин. Бизни дengизга ирритиб юборсангиз ҳам майли, лекин менинг бир пуд ҳам ортиқча юким йўқ, — дарғага қаттиқ, гапирди у.

— Начора, — хўрсинди у. — Менинг бурчим сизни огоҳлантириш эди. Бу ёки худога ҳавола. Пешонамизга нима ёзилган бўлса, шуни кўраверамиз.

Дарға чиқиб кетди. У эшикни ёпган ҳамон кема шундай қаттиқ, силкиндики, Эрназарбек: «Энди ҳаммаси тамом, балиқларга ем бўлдик», деб ўйлади ва «Ла илаҳа иллаллоҳ...» дея калима ўтира бошлади. Йўқ, кема бу гал ҳам даҳшатли зарбага дош берди ва тўлқин елкасида аввал балаидга кўтарилиб, сўнгра яна даҳшат билан пастта шўнғиди. Эрназарбек бошини деворга уриб олиб, ҳушини йўқотаёзди, лекин куч билан ўзини кўлга олиб, ўрнига чўзилди. Боши айланиб кўзи тинар, кўнгли жуда бехузур бўларди.

... Довул қачон пасайди, ўзи қачон уйкута кетди, Эрназарбек буни билмасди. Эрта тонгда кўзини очганда, ҳамма ёқ жим-жит, кема худди бир ерда тўхтаб

қолгандек, унда бирор тирик жон йўқдек эди. Эрна-зарбек секин ўрнидан қўзгали, рўпарасидаги ўринда тошдай қотиб ётган Ҳалимжонга кўзи тушди. «Бола бечоранинг бўладигани бўлди», ўйлади у ва хизматкорини безовта Қиласлик учун оҳиста юриб кема саҳнита кўтарили.

Саҳн ҳудди ўғри уриб кетган ҳоялига ўхшар, деңгизчилар уни тартибга келтириш учун елиб-югуриб юрадилар. Чарчоқдан зўрга оёғида турган дарға дабдаласи чиқиб кетган елканларни ямаш, алмаштириш, узилган арқонларни улаш ишига бошлилик қилас, овози бўғилиб қолганидан у имо-ишоралар асосида иш буярди.

Осмон тиник, уфқда каттакон қирмизи олмадек бўлиб қуёш юз очмоқда. Денгиз серибо қизлардек сукут сақлайди, кечатина шу чексизлиқда қиёмат қўпгани, у одамларни кема-пемаси билан ютиб юборишга жазм қилганига ишониш қийин эди. Йўловчилар бирин-кетин кема саҳнига кўтарилиб, тирик қолганларига шукроналик қилиб, бир-бирларини қутлай бошладилар. Дарға ҳоргин қадамлар билан Эрназарбекнинг ёнига келди:

— Агар сиз ўз сўзингизда қатъий турмаганингизда чўкиб кетишимиз ҳам мумкин эди. Денгиз мард ва чўрткесар одамларни ёқтиради...

— Биз ёлғиз Оллоҳнингтина иродаси туфайли омон қоддик. Ва фақаттина Оллоҳга сифинишимиз керак, — вазмин жавоб қилди Эрназарбек.

— Ҳа, бу заминда бирор каромат Оллоҳнинг иродасисиз содир бўлмайди. Лекин узоқ йиллар денгизда сузган одам сифатида шуни яхши биламанки, чўкаётганларни қутқазим — бу факат чўкаётганларнингтина ишидир. — жилмайди дарға.

Эрназарбек дарғанинг ҳазилига жавоб бермади. У энди карвонни чексиз саҳродаҳ хавф-хатарсиз ўтказиб, Бухорога етказиш тўғрисида эўр бериб ўйларди. Йўлнинг сўнгги, лекин жуда машаққатли қисми қолганди.

... Кечга томон кема бандаргоҳда лангар ташлади. Карвонни кутиб ёттан Бухоро амирлиги сокчилари сардори Қудратилло Эрназарбекка пешваз чиқди.

— Қадамларига ҳасанот, бек! Сизнинг соғ-саломат қайтишингизни мана, неча кундирки, Оллоҳдан тилаб ётадурмиз, — тавозе қилди у.

— Ташаккур! Олло таолло ҳафиз, яхши одамлар нинг дуоси бирла, мана, қадамимиз қуруқликка етди. Йўқ эрса, баҳри Ҳазар наҳантларига ем бўлмак қисматимиз эрди, — шукrona айтди Эрназарбек ҳамюрти билан кўришаркан.

— Алҳазар, алҳазар! — дейишиди кутиб олувчилар бир овоздан. Эрназарбек уларга соғинч билан бирмабир нигоҳ ташлади:

— Оҳ, сизлардан Бухоройи шарифнинг тафти келладур!..

— Биз бирлан бир пиёла чой ичиб, нону намак бўлсалар, бошимиз осмонга етар эрди, — таклиф этди ясовулбоши Қудратилло.

— Чой бўлса қочмас, сиз бирлан ҳали сафар давомида кўп нону намак бўлгаймиз. Ҳозир энг аввало юкни кемадан тушириб, туяларга ортиб, унинг ҳавф-сизлигини таъминлашимиз даркор. Бу юкнинг ҳар бир мисқоли учун сизу мен бошимиз бирлан жавоб берадурмиз, — деди Эрназарбек ташвишли оҳангда.

— Хотирингиз жам бўлсун, сизни да, юкларни да Бухоройи шарифга омон-эсон етказгаймиз, иншоолло! Биз, ахир, бу саҳрони зиди кўриб турғонимиз йўқ! Соч-соқолимиз баҳри Ҳазару Бухоро орасида оқардику, — ранжигаёнамо сўзлади Қудратилло.

Ясовулбошининг андак оғринганини сезган Эрназарбек гап оҳангини ўзгартирди:

— Сиз бу саҳронинг сultonи эканингиздан боҳбарман. Фақат, машойихлар айтадурларким: «Ўзини асррагани худо ҳам асрайдур...»

Саҳродаги соялар

Туни билан йўл босган қарвон, қуёш тикка келиб, аёвсиз қиздира бошлаганды ширин сувли бир қудук тепасига етиб келди. Қарвон аҳли қониб сув ичди, ювиниб тараанди. От-туяларини сурориб, ҳар ер-ҳар ерда оппоқ чодирлар тиқдилар. Қумроң, қозонлар тагига ўт ёқилди, чодирлар узра кўкимтири тутун кўкка

ўрлай бошлади. Карвон жазирама иссикда чодирларда жон сақдаб, тұнлари йүл босарди.

Эрназарбек балиқ сиртіга монаңд барханда тикланған чодир ёнида туриб саксовул, ёвшону каврак, ҳазоруспан қоплаган кенгликларға тикиларди. Баҳри Хазар тұлқинларидай ўрқач-ўрқач күм барханлари уфқа бориб тақалади, осмон тип-тиник, борлық олов селига ғарқ бұлған, бир қараңда гүзәл манзара. Лекин күн сайин шу кенгликларға тикилаверип кишида дилгир бир кайфият үйретади, күз толиқиб, иссик гармседдан күнгил беҳузур бўлади.

Эрназарбекнинг нигоҳлари уфқа қадалган, лекин күз ўнгидай бутуналай ўзгача манзара намоён эди: Ромитандаги сўлим бор, кўм-кўк сув тұла салқин сарҳовуз, толлар қалин соя ташлаб турибди, ариқчада оқаётган сувнинг шўх шарқираши қулоққа чалинади. Сувнинг шўх шарқираши... Мана, бир неча кундирки чексиз күм уммони аро бекни сувнинг шилдир-шилдир товуши таъқиб этарди. «Эҳ, қани энди бу сўнгиз йўлнинг таноби тортилса-ю, Ромитанга бориб, сўлим чорбое қўйнида бир неча күн ором олсам, Зарафшон сувидан тўйиб-тўйиб симирсам. Лекин Хивага ҳали яна бир ҳафталик йўл бор...» сөгинч билан хаёл сурарди Эрназарбек.

У чодирга кириб, юмшоқ лўлаболишга ёнбошлади. Ҳалимжон дастурхон ёзди, чой дамлаб келди. Бек унга ясовулбоши Қудратиллони чақириб келишни буюрди. Орадан кўп ўтмай Қудратилло келди ва изн сўраб, чодирга кирди. «Нима хизмат?» дей кўл қовушгирди. Кенг елкали, семиз, гўштдор юзлари қип-қизил, соқолига битта-яримта оқ оралаган бу киши ҳали хийла ёш ва ўқтам кўринарди. Эрназарбек бир неча сафарда у билан бирга бўлған, жасурлиги, чўрткесар ва тўғрисўзлиги учун ҳурмат қиласади.

— Ўлтирунлар, қани, дастурхонга марҳамат! — илтифот қилди бек.

— Ташаккур! — ясовулбоши кўрпачага омонатгина чўккалади. Ҳалимжон унга чой қуйиб узатди.

— Янглишмасам, шу қудукдан сўнг бир ҳафтада Хивага етадурмиз, — салмоқлаб гап бошлади Эрназарбек.

— Етадурмиз, иншоолло! — тасдиқлади Қудратилло.

Эрназарбек пиёладаги чойга тикилганча бир мудат жим қолди. Ҳалимжон чойнакни олиб чодирдан чиқиб кетди. Бек сўзида давом этди:

— Ҳамонки, Хивага яқинлашатурғон эрканмиз, эҳтиёт чораларини кучайтирмоқ лозимдур.

Карвонимизда ўзларини «хивалик савдогар» дей таништирган икки киши бор. Улар «Хожитархонда бетоб бўлиб, карвонимиздан қолиб кетдик, бизларни да олиб кетинг», дей тавалло қилганлари учун, сафимизга қўшиб эрдим. Мусулмончиликда, «йўқ» дейсладим. Лекин улар ҳақиқатан ҳам тужжорми ёинки Хива хонининг жосусими, билолмай қийналадурман. Сиз шулардан боҳабар бўлсангиз. Ишончли одамим мулла Нуридиннинг айтишича, уларнинг аёқ олишлари бежо эмиш.

— Эҳтиёт чоралари кўрилғон. Тўрт навкарим карвондан бир неча тош олдинда ҳаракат қиласурлар, ҳаф-хатар тутилғонда, дарҳол хабар берадурлар. Сиз айтқон одамлардан ўзимнинг да шубҳам бор эрди, кўзкулоқ бўлиб турибмиз. Ташиби чекманг, бек!

Қудратиллонинг ўзига ишонч билан айттаи гапларидан бекнинг кўлгли бир оз ёришгандай бўлди.

— Айттанингиз келсун. Агар юртимизга эсон-омон етиб олсак, сиз ва ҳамма навкарларингиз учун бир сидрадан сарупо қиласурман.

— Қуллук, бек, қуллук, ҳазрат Баҳовуддин балогардоннинг руҳи поклари мададкор бўлғай, юртимизга албатта эсон-омон етадурмиз.

— Ҳа, ҳар бир муслим ул зоти бобаракотта сиғинаркан, ҳеч хорлик-зорлик кўрмагай. Биз ҳам сафарга чиққанимиздан буён ҳазратнинг номи муборакларини тилимиздан кўймайдурмиз ва Олдоҳга шукрим, шу кунгача барча мушкулларимиз осон бўлиб келди, — унинг фикрини қувватлади бек.

Эрназарбек ва Қудратилло у ёқ-бу ёқдан чақчақлашиб, бирга тушлик қилдилар. Сўнгра Қудратилло хўшлашиб чиқиб кетди. Бек ором олиш учун кўрпачага чўзилди, кўзларини юмди. Негадир ҳаёллари айқаш-уйқаш, кўнгли ғаш эди. Бунинг сабабини у беҳад

толиқиши, уйни, бола-чақани қаттиқ, соғинганликка йүйди.

У ёнбошидан бу ёнбошига ағанай-ағанай, охири күзи илинди. Күзи илинди-ю, туш күра бошлади.. Кенг дала, негадир ер ҳам, күк ҳам, ҳатто уфқ ҳам оқ-оппоқ. Ана шу оқ шуыла қўйнида боласини эргаштирганча она оҳу — Қоракўз югуриб боряпти. Уларни каттакон қора ит ваҳшат ила ириллаганча таъқиб этаёттири.

Мана, оҳу боласи чарчаб, ортда қола бошлади. Онаси ҳам безовталаниб, олазарак бўлганича, қадамини секинлатди.

Охири оҳуча бутунлай ҳолдан тойиб тўхтади. Қора ит шиддат билан унга яқинлашиб келар, иложсизликдан Қоракўзниң қора кўзларидан дув-дув еш оқарди.

Эрназарбек чидаб туролмади, гавдаси билан оҳучани тўсди, чунки сал ҳаяласа ит оҳучани бурда-бурда қилиб ташларди. «Кел, оҳужон, сенга қалқон бўлай мен!» деди Эрназарбек ва оҳучани бағрига босди. Қора ит югуришдан тўхтаб, тишларини қайраганча улар томонга кела бошлади. «Қўрқма, оҳужон, мен сени итта ем қилиб қўймагайман!» деди Эрназарбек ва қотиб қолди: қўйнида оҳуча эмас, кенжা ўми Шерназарбек бигиллаб йивлар. «Дада, дадажон, мени кутқаринг!» деда зорланарди. Сал нарироқда, хозиргина Қоракўз зор қақшаган ерда соchlари ёйилган хотини Офтобхон турар, «Бегим, ўғлимизни бой берманг, ўғлимизни», деда уввос соларди.

Эрназарбек ваҳшат билан ҳайқириб юборди-ю, итта ташланиб, уни аямай тепкилай бошлади. Хуморидан чиққунча, қора терга ботгунча тепкилади...

... У кўзини очганда кийим-боши жиққа хўл, аъзои бадани дағ-дағ титрарди.

— У-ф-ф, хайрият туш экан, — деди у лоҳасланиб ёстиқдан зўрга бош кўтарар экан. — Мени қора босибдур.

Бекнинг кўнгли баттар ғашланди. «Менга нима бўляпти ўзи? Шунча йил карвон йўлларида юриб, бундай аҳволга тушмаган эрдим. Нега бунча сершубҳа бўлиб қолдим? Кудратиллони ҳам шубҳа-ю гумонлар билан хит қилдим. Бу тушнинг таъбири не бўлди энди?

Кенжатой Шерназарбек бетоб бўлибдими ё? Бу яхшиликка кўринсун...»

Эрназарбек дилгир бир кайфиятда чодирдан чиқди. Магриб томон ориб бораётган қуёшга тикилди. «Намоз вақти бўлибдур-ку!» деди-ю нигоҳдари билан Ҳалимжонни излади. Ҳалимжон ҳам худди шуни кутиб турғандек, дарҳол ёнида пайдо бўлди ва тавозе билан унга офтоба узатди. Бек таҳорат қилиш учун баркан ортига ўтиб кетди.

Намоз ўқиб бўлгач, бир оз енгиш тортди, лекин бу кайфият узоқда чўзилмади. Кечта томон кўнгли яна гашланиб, қулоқлари остида аллақандай товушми, ниҳоми эшитилгандек бўларди: «Ҳушёр бўл, бек, сени рафлат босадур, рафлат, рафлат!..» «Қандоқ қилиб рафлат босадур? Ҳар доим карвондан кўз-қулоқ бўлиб турибман, ҳаммадан оз ухлайдурман, соқчилар сергак, ўзим улардан-да сергакроқдурман-ку...» «Оз ухласангда, уйқу — бу бир муддатлик ўлим. Сен ўлик пайтингда душман ҳушёр бўладур ва у худодан-да илдамроқ иш кўрадур, бек!»

«Оллоҳга сифиницдан ўзга чорам борми менинг? Ё ҳазрати Баҳовуддини балогардон, ўз паноҳингда асрарайсан, бу ғофил баңдаларингни!..»

Эрназарбек шу тахлит ўзи билан ўзи олишар экан, карвоннинг йўлга чиқиши вақти бўлиб қолган эди. Бек шу хусусда кўрсатма бериш учун энди чодирдан чиқмоқчи бўлиб турган ҳам эдик, ясовулбоши Қудратилло ҳовлиқиб келиб қолди:

— Каромат қилрон эркансиз, каромат, ҳаммаси сиз айтқондек бўлиб чиқди!

— Нима каромат қилибман? Нима мен айтқондек бўлди? — юраги орқасига тортиб сўради бек.

— Уша сиз айтқон хивалик саидогарлар ҳақиқатан ҳам жосус эрканлар. Ул нобакорлар қудуқни заҳарлаб, бир соқчимизни яралаб, шерикларига хабар бериш учун қочаётган пайтларида ҳибс этдик. Фақир кўринсалар-да, ҳар иккиси ҳам хирсдек кучли эркан, қўл-оёқларини кишанбанд этдик.

— Ҳа-а, — деди Эрназарбек бирдан бутун аъзои бадани бўшашиб, қандайдир лоқайд оҳангда, — ҳазрат Навоий айтмишлар: «Захар солмоқ эмиш касби

илоннинг...» Мен кемадан тушган пайтимииздаёқ, улар бизга бирор-бир душманлик қилишларини англаон эрдим.

Бек бу сўзларни хотиржам, бефарқ оҳангда айтган бўлса-да қалби, бутун вужуди разабдан ларзада эди.

— Сиз келиб-келиб худди шу хиёнат кунида мени огоҳ эттанингизни қаранг-а. Илми ғайбдан ҳам хабарнингиз борга ўхшайдур, — қойил бўлди Қудратилло.

— Йўқ, илми ғайбдан бехабарман. Фақат бандала-рига меҳрибон Олло таоло ўзига астойдил ихлос қўйган, тоат-ибодатни канда қилмаган муслимларни хавф-хатардан огоҳ этадур. Сиз келмасингиздан бир муддат оддин қудогимга: «Хушёр бўл, бек, сени ғаф-лат босмоқдадур», деган нидо эшигилиди.

— Ё қудратингдан. — ёқасини ушлади Қудратилло. — Сиз валисиз, сизга сиринмоқ жоиз.

— Сиринмоқнинг ҳожати йўқ, энди иккимиз карвон йўлини ўзgartиришимиз тўғрисида ўйлаб кўрмомиз даркор. Ул икки нобакор Хива хони жосуслари эканига сира шубҳам йўқ. Бас, шундай эркан, бизни Хива ва Урганч остооналарида катта хавф-хатар кута-аур. Хон биз не-не машаққат билан қўлга кириттан маъданларни ўзиники қилиш учун ҳеч қандай қабо-ҳатдан қайтмайдур. Шу боис Хива ва Урганчни чет-лаб ўтиб, Бухоро сари йўл соламиз. Бу бизга жуда катта қийинчиликлар тұрдирадур. Лекин ўзга чорамиз йўқ.

— Маъқула, лекин жосусларни ўзингиз бир сўроқ қилиб кўрмайсизми?

— Вақтини топиб сўроқ ҳам қиладурман. Лекин ҳозир бу икки хиёнаткор афтига боқсан, кўнглим ай-нийдур. Сиз уларни қаттиқ қўриқлангиз, жосусларнинг қумликларда изриб юрган шериклари бўлиши мумкин. Ҳақиқий сўроқни эса арқда, обхонада керакли кишилар қиладурлар. Ана ўшанда бу нонкўрларнинг тили бурро бўладур.

Орадан кўп ўтмай карвоннинг энг нуфузли кишилари, йўл бошловчи, ясовулбоши Эрназарбек чодирида машваратта йигидилар. Озиқ-овқат, сув захиралари, от-туялар емишлари ҳисоб-китоб қилинди. Хива, Урганчни четлаб ўтиб кетиладиган йўллар белгилаб

олинди ва түялар қўнғирори жаранг-журунги остида йўлга тушдилар.

Нечаки тунлар, куилар мобайнида каряон ширин сувли кудук излаб сахрода сарсон-саргардон бўлди, неча маротаба сувсизлиқдан ҳалокат ёқасига келиб қолдилар. Ҳар гал Эрназарбекнинг совуққонлиги, кучли иродаси, йўлбоппоячи сахро йўлларини яхши билгани ва карвонда имони бутун одамлар кўп бўлгани учун фалокатга чап бердилар.

Нихоят, салқин тонгларнинг бирида улар Хўжаубонга етиб келдилар. Ҳамма от-туялардан тушиб, кудук томон йўналди. Эрназарбек зса сап-сариқ олтиндек товланиб етган қум тепасининг энг балаанд ерига кўтарилиди-да, қўлини пешанасига соябон қилиб, машриқ томонга тикилди.

Ўркач-ўркач қум барханлари дам сариқ, дам қизил товланишар, қуёш ётогидан бош кўтариш тараддуудида, тафақ қирмизи тус олганди.

Бек уфқда яна қаттиқроқ тикилиб қаради ва шу заҳоти томогига аччиқ бир нарса тиқилиб, ёноқларидан икки томчи ёш сизиб тушди. Уфқда, қуёшнинг илк нурлари аро Минораи Калон злас-злас кўзга ташланиб турарди. «Эй худо, бизни яна Бухоро тупрогита соғ-омон етказганинг учун минг бора шукур! Бизни ҳар қадамда қўллаб-қувватлаган ҳазрат Бахонуддин балогардоннинг руҳи поклари шод бўлрай!» Бекнинг лаблари унсиз пицирлар, кўз ёшлари қуилиб келарди.

Бухоро ўз юрти шарафи ва унинг осойишталигини ўйлаб, не-не дарё-ю денгизлар, чўлу сахролардан ўтиб, керакли юкларини етказиб келган ўлонларини бозору карвонсаройлар шояқини, нилий тоқу гумбазлар салобати ва сокин паст кўчалар мудорори билан кутиб олди.

Эрназарбек пошлиникка тегишли юкларини топширди, сўнгра Екатерина II нинг совғаларини Дониёлбийга пешкаш қилди, Россияда подшоҳ ва унинг амалдорлари билан олиб борилган музокаралар тафсилотини сўзлаб берди.

— Сиз олиб келган маъданлар Бухоро лапқари қудратига қудрат қўшфай. Бу хизматингизни асло

унутмагаймиз. Боракалло, бек! — деди амир Дониёлбий Эрназарбек билан хайрлашар экан. — Сизни улув ишлар кутадур!..

Сўнгги манзил ёки баҳт остонаси

Йилларни қувиб йиллар ўтар, сиёсат осмонида эски юлдузлар сўниб, янгилари порлар, урушлар, тожу таҳт талашишлар халқларни бир-биридан йироклаштируса, элчилар, сон-саноқсиз савдо карвонлари яна миллат ва элатларни бирлаштиришга хизмат қиласди. «Бухоройи шариф» кемаси Хазар сувларида сузиб, савдо аҳли оғирини енгил қиласди, Бухорода Эрназар зали мадрасаси қурилиши тез суръатлар билан олиб бориларди.

1780 йил даљ ойида амир Дониёлбий фармони билан Эрназар Мақсад Бухоро амирлигининг ҳам Россиядаги, ҳам Турк султонлигидаги фавқулодда ва мухтор залиси этиб тайинланди. Бу жуда қалтис, ақлзаковат, иқтидор талаб этадиган вазифа зди. Россия ва усмоний турклар султонлиги ўзаро уруш ҳолатида, бир вақтнинг ўзида икки душман мамлакатда элчилик қилиш осон эмасди. Лекин Бухоро ватанпарвари Эрназар Мақсад учун бажариб бўлмайдиган иш йўқ. У зинг биринчи навбатда Дониёлбийнинг турк султони Абдулҳамид I га мактубини топшириши лосим эди. Шу мақсадда у 1780 йил ҳамал ойида яна олис Нева соҳилларига етиб келди.

1780 йил 27 март куни Эрназарбекни Россия империяси ташқи ишлар коллегияси раҳбари граф Никита Иванович Панин қабул қилди. Халқаро можаролар, иғвогарликлар, сарой фитналари устаси бўлмиш бу барзанти гапни айлантириб, Бухоро элчисининг Истанбул сафаридан асосий мақсад нима эканини билишга хўп уринди. Бироқ Эрназар Мақсад сир бой бермай, умумий гаплар билан чегараланаарди. Охири ўзининг дипломатик ҳийла-найрапларидан иш чиқмаганини кўрган Панин хайриҳоҳ дўст сифатида панднасиҳат қилишга ўтди. Ўзи эса рус контрразведкаси Бухоро элчисининг Истанбул сафари тўғрисида аниқ маълумотлар тўплай олмаганидан ниҳоят дарразаб зди. У элчига шундай деди:

— Эрназарбек жаноблари, сизни улут амириңгиз Дониёлбийнинг юксак ишончи ва янги вазифага тайинланишиңгиз билан табриклийман. Лекин эски қадрдан дүст сиғатида Сизни огохлантиришни ўз бурчим деб биламан: динингиз, айрим урф-одатларингиз бир бўлса-да, бораётган юртингиз миллий давлат эмас, бўйсундирилган халқлардан иборат империя. Усмоний турк Анатолия ва Румелиядан бўлак ҳеч бир ерни ўз Ватаним деб айта олмайди. Империянинг бошқа ҳудудида у бор-йўри босқинчи, холос. Мамлакатнинг яна бир ғалати томони шундаки, бу ерда султон бору, аслзодалар йўқ. Истаган аскар, кўчадаги ҳолиафуруш ёинки Ғайридин қул юксак вазифаларни эгаллаши мумкин. Лекин бундайлар султоннинг бир ишораси билан бошидан жудо бўлиши ҳам ҳеч гап эмас.

Тўғри, сиз бу юртда бир неча бор бўлгансиз. Лекин асосан тижорат билан шуғуллангансиз, сиёсатта аралашмагансиз. Шу бойисдан менинг гапларимни ортиқча ҳисобламассиз, деган умиддаман.

— Кўйсангиз-чи, Никита Иванович, сўзларингизни жон қулогим билан тинглаяпман, — деди Эрназарбек, Панин айтаётган фикрларининг кўпчилигини ўзи яхши билса-да.

— Шунақами, — мамнун жилмайди Панин. — Ундей бўлса, буёгини эшитинг: Улар ўзларига дўст бир икки мамлакат элчиларидан ташқари ҳамма дипломатларни «итлар» деб атайдилар. Дарвоқе, бек, сиз бизнинг Усмоний турк империясидаги элчимиз Алексей Михайлович Обресков ҳақида эшитгандирысиз?

— Ҳа, жуда кўп марта яхши сўзлар эшитганман.

— Ҳақиқатан ҳам турма дипломат. Мустафо III султонлиги пайтида Истанбулда Россияга юриш қилиш учун тўпланган аскарлар, аҳоли ва зинданлардан бўшатилган ўтри-қароқчилар кўплигидан очарчилик юз берган. Очлар дўкон, омбор ва новвойхоналарни талаганлар. Шунда Мустафо III саройи узра Муҳаммад пайғамбарнинг яшил байробини кўтариб, кофиirlарга қарши жиҳод эълон қилган. Султон аскарлари бояқиши Алексей Михайловични аввал Эдикўл зиндонига ташлаганлар, сўнгра яланточ, ориқ қирчангига минди-

риб, оёқларини отнинг қорни остига боғлаб, оломон ўртасидан олиб ўтишган. Оломон Алексей Михайловичнинг юзига тупураг, «кофирга ўлим» дега бақирад экан. Элчихонанинг бошқа ходимларини тўплаб, ерга ўткир қозиқлар қоқиб, уларга қўй ёки суркаб, ана шу қозиқларга дипломатларни ўтқазамиз, дега дўқ уришган. Лекин Алексей Михайлович ҳам, бошқа дипломатлар ҳам қўрқишишмагач, уларни яна Эдикўла қайта-ришган.

Шахардаги барча христианлар жиҳоддан қўрқиб бекинишган. Фақаттина Австрия элчиси граф Бронь-яр султон билан ҳамфикрлигини намойиш қилиш учун уч қизи ва иккиқат хотинини ясантириб, аллақайси Қаҳвахона деразаси ёнига ўрнашиб олган. Бу ғайри-динларга кўзи тушган оломон элчининг оиласини кўчага судраб чиқиб, роса калтаклаган, иккиқат аёлни сочиндан тортиб, кир ўрада чўктирмокчи бўлишган. Элчининг юз-кўзини кўкартириб, тўрт қовурғасини синдиришган. Кўряпсизми, элчи жаноблари, нақадар ваҳший бу юрт!..

Эрназарбек Панин аталмиш бу туллакнинг кўзла-рига тик бокди, сўнг вазмин жилмайганича деди:

— Қадрдон Никита Иванович, шарқда «Чумчукдан қўрқсан — тарик экмас» деган нақл бор. Сизда эса «Бўридан қўрқсанг — ўрмонга бормагин» дейишади.

— Офарин, Эрназарбек! Лекин биз, русларда «Ўзини асраганни — худо асрайди» деган мақол ҳам кенг тарқалган. Начора, дўстим, Сизга оқ йўл тилаш ва ҳазрати олиялари Екатерина Алексеевна ҳузурла-рига таклиф этишдан ўзга чорам йўқ, — ишишайди Панин.

... Эрназар Мақсуд Панин ҳамроҳлигига бир неча ичма-ич хоналардан ўтиб, Екатерина II ҳузурига кирганда у камин ёнидаги оромкурсида китоб ўқиб ўти-рарди. Элчига кўзи тушгач, юзлари ёритиб, ўрнидан турди.

— О-о, Эрназарбек, дўсти азиз, марҳабо, хуш кел-дингиз! — Екатерина назокат билан ўнг қўлини олдинга узатди.

Эрназар Мақсуд енгил таъзим билан подшоҳнинг қўлини ўпди.

— Кунингиз хайрли бўлсин, ҳазрати олиялари! Сизни сор-саломат, гул-гул очилган ҳолда кўраёттанимдан беҳад шодман.

— Мен ҳам, Янглишмасам, сизни кўрмаганимга юз йилча бўлди-ёв, — деди Екатерина қопларини шўх учириб. — Дўст деган ҳам шунчалар соғинтирадими?..

— Мен ҳар доим сиз билан учрашишта интиламан. Лекин начора, худонинг иродаси бўлмаса, яхши кунларга етиш мушкул, — деди Эрназарбек.

Екатерина злчини ўтиришга таклиф этар экан, Панинга юзланди:

— Никита Иванович, азизим, бизни ёлғиз қолдирсанг... Мен бу Осиё баҳодири билан қаймоқлашиб, қаримаслик сирларини ўрганиб олмоқчиман. Олтмишга яқинлашиб қолаяпти-ю, соқолидаги битта-яримта оқтолани ҳисобга олмагандга, ҳамон қирчиллама йигитдек.

Панин Екатеринага таъзим бажо келтириб, хонани тарк этди. Екатерина сўзида давом этди:

— Хўш, азизим, қаримаслик сирларини менга ҳам айтасизми ёинки Оренбург жононларига ваъда қилган мўъжизакор сувдан олиб келиб берасизми?..

Эрназарбек сўзамол, гал тўтри келганда отасини ҳам аямайдиган одам эди. Екатеринанинг ҳазилига шундай жавоб қилди:

— Ҳазрати олиялари, бу аёллар гийбатими ёки контрразведка маълумоти?..

— Жуда тўғри топдингиз, аёллар гийбатидан бошқа нарса эмас. Контрразведканинг бунга сира алоқаси йўқ. Мен дўстларим ортидан айғоқчи қўймайман. Дўст бўлмаганлар ва сотқинлар билан эса Степан Иванович Шешковский шугулланади.

«Ҳа, қандай шуғулланишини эшитганман. Қурбонини пастқам кўчада ушлаб олади-да, гадойтопмас бир гўшага олиб бориб, иштонини тушириб, дарра билан роса савалайди», — ўйлади Эрназарбек. У Екатеринанинг ўйноқи кўзларига, сал осилган бақбақасига бир назар ташлаб оддию, сўз қотди:

— Агар аёллар гийбати бўлса, Сиз ҳазрати олиялари унчалар эътибор қилмассиз деган умиддаман. Сизга ҳали узоқ йиллар ҳеч қанақа мўъжиза керак эмас, ярқираб турган ҳуснингиз ўзи бир мўъжиза!..

Екатерина чукур тин олди. Каминда чирсиллаб ёна-
ётган оловга бир муддат тикилиб турди.

— Раҳмат, дўстим, анча кўнглимни кўтардингиз.
Мен шунчаки ҳазиллашган эдим, — хўрсинди у. —
Гўзаллик ҳам, умр ҳам ўткинчидир. Бу дунёда фақат
қилган яхшилигу яхши ишларингиз қолади. Қолган
ҳамма-ҳаммаси ҳазон бўлади. Шу боисдан келинг, ҳа-
зон бўлмас нарсалар ҳақида гаплашайлик.

— Узоқ вақт карвон билан дунё кезиб, шунга амин
бўлдимки, ҳақиқий дўстлик куч-қудрати ҳеч қачон ха-
зон бўлмайди, — подшоҳнинг фикрини давом эттириди
Эрназарбек.

— Ҳа, ҳудога шукрки, заминда ҳазон бўлмас қад-
риятлар бор... Яшаб ўтилган йиллар сони оша борган
сари одам абадийлик ҳақида ўйлашга тез-тез мажбур
бўлар экан. Бирдан-бир орзум буюк Россия абадий
бўлсин! — подпоҳ сужбатдошига зимдан назар таш-
лади ва қўшиб қўйди: — Ташвиш чекманг, Эрназар-
бек, Бухоройи шариф абадий эди, абадий бўлиб қола-
веради!

— Иншоолло, айтганингиз келсин! — хурсанд бўлди
Эрназарбек. Бухоро ҳақида айтилган ҳар бир таъриф
сўз уни беҳад тўлқинлантирар, кўзларига ёш қалқи-
тарди. «Эй онажоним, она Бухоро, умримнинг тент
ярми сендан йироқда, олис карвон йўлларида ўтди.
Яна сендан йироқдаб кетяпман, яна тупрогингни кўзим-
га тўтиё қилишга розиман», — фикран хитоб қилди у.

Орадаги жимлиқдан сўнг, Екатерина аввалги хуш-
чақчақ ҳолатига қайтиб, Дониелбийнинг сижат-сало-
матлигини суриштириди. Бухородаги янгиликлар билан
қизиқди, элчининг ўзидан олдин этиб келган совга-
саломлари учун миннатдорчилик билдириди.

— Биласизми, Эрназарбек, Шарқ мени тобора маф-
тун этиб бормоқда. Яқинда сизнинг юртдошингиз За-
хириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳақиқатан буюк эка-
нита яна бир марта имон келтирдим.

— Бунга нима сабаб бўлди? — сўради Эрназарбек
кўнглида ғурур жўшиб.

— «Бобурнома» ва сиз юборган Бухоронинг асл
қовунлари сабаб бўлди. Бобур ўз асарини қойиллатиб
ёзиш билан бирга Бухоро қовунларини ҳам жуда тўяри

мақтатан экан. Мен бу қовунардан татиб күргаң, шу пайттача еб юрган қовун аталмиш нимарса ошқовоқдан бошқа нарса эмаслигини англадим.

Эрназарбек қовун ҳақидағи мақтотыңға зытибор қилмай жавоб қайтарди:

— «Бобурнома» ҳақиқатан ҳам Мирзө Бобурнинг биз учун қолдириб кеттән энг буюк ёдгорликларидан бири. У киши өоят гүзәл ва латиф ғазаллар ҳам биттәнлар.

— Бобур асарининг фойдалы томони шундаки, мен уни таржимонлар ёрдамида ўқығаң, қатор Шарқ мамлакатлари тарихи, жүгрофияси, табиати, подшохдари ва машхұр киппилари түгристерде бир қадар тутал маълумотларга зета бўлдим, — деди Екатерина.

Эрназарбек Екатеринанинг ўзи ҳам бадний ижод билан шуғулланишини, унинг «О, давр!», «Ёлончи» каби комедияларини, болалар учун ёзилган «Шаҳзода Хлор ҳақида зартак» ва бошқа асарларини ўқиганди. Шу боисдан мақтотыңға мақтот билан жавоб қайтарди:

— Турли мамлакатларнинг адабиети ва маданияти бир-бирига таъсир ўтказиб, бир-бири орқали бойиб борсалар — нақадар яхши. Сиз «Бобурнома»ни ўқиб баҳраманд бўлган экансиз, мен эсам сизнинг қаламингизга мансуб «Россия тарихига оид хотиралар» асарини ўқиб мамлакатингиз тарихи, подшолик фаолиятилизиз хусусида ноёб маълумотлар олдим.

Екатерина бошини сарак-сарак қилди:

— Э йўқ, дўстим, Сиз бу асарни «Бобурнома» билан тенглаштирманг. Бобур — улуғ шоир. Мен эсам давлат ишларидан бўш пайтимда кўнгилхушлик учун ёзганман. Бу — бир ишқибозли...

Улар яна анча сұхбатлаштилар. Лекин Екатерина ҳамон Эрназарбекнинг Истанбул сафари ҳақида сўз очмасди. Россия сиёсатчилари ўзларининг азалий душманлари бўлган Турк сultonлиги ва Ўрта Осиё давлатларининг яқинлашувини сира-сира истамасдилар. Жумладан, Екатерина ҳам бунга тиш-тирноғи билан қарши эди ва Эрназарбекнинг Истанбулага элчи бўлиб бораёттани унга маъқул эмасди. Лекин бу ҳақдаги мулоҳазаларни сұхбат охирида баен этишни истарди. Эрназарбек эса сұхбатни шу мавзуга буришга ҳаракат

қилар, чунки Россия орқали Туркияга ўтиш учун рухсат олиш — унинг асосий мақсади эди.

Ниҳоят, сиёсий сұхбатлар устаси Екатерина уни истар-истамас қутлаган бўлди:

— Сизни Буюк Усмоний Турк империясига элчи бўлиб бораёттанингиз билан табриклайман. Лекин сизга мутлақо ҳавасим келмайди. Негадир бу турк султонлари элчилар асабини синаб кўриш учун ваҳшний ҳайвонларга рўбарў қилишни ва бриллиант кукуни солинган қаҳва билан сийлашни хуш кўрадилар. Сизни бу кўргиликлардан худо асрасин. Мен ҳаққингизга дуо қиласман ва мушкулингизни енгил этиш учун нимаики лозим бўлса, ҳаммасини адо этаман.

— Ҳазрати олиялари, табригингиз ва ғамхўрлигингиж учун ташаккур! Ўзингиз яхши биласиз, бизнинг ишимиизда баъзан таваккал қилинмаса бўлмайди. Бундан ташқари барча султону амалдорларни юмшатадиган ва берк қопқаларни очадиган чораларни кўриб қўйганмиз.

— Илоё айттанингиз келсин. Турклар билан уруш ҳолатида эканимиз сизга аён. Йўл олис ва ҳар хил тасодифларга тўла. Шу боисдан сизни менинг соқчиларим Яssi шахригача кузатиб боришади. Бундан ташқари қўлингизга ёрлиқ ёзиг бераман, шу ёрлиқни кўрсатиб, ҳар бир бекатда от-увовларингизни янгилаб олиш хукуқига эга бўласиз. Яссидан у ёяига худо ёрингиз бўлсин!


— Бу марҳаматингиздан бошим осмонга етди, ҳазрати олиялари. Миннатдорман. — Эрназар Мақсуд сұхбат окирлаёзганини сезиб ўрнидан турди.

— Хайр демайман, дўсти азиз, кўришгунча! Сиз билан учрапсам доимо енгил тортаман, одамларга бўлган ишончим ортади. Кўришгунча сор бўлинг, дўстим! — Россия ҳукмдори семиз, оппоқ қўлини узатди.

— Кўришгунча,— деди Эрназар Мақсуд ҳам ва подшоҳнинг қўлини секин ўпди-ю, хонадан чиқиб кетди.

* * *

Бухоро залчисининг бир неча от-ара ва, подшоҳлик извошидан иборат карвони яна йўлга чиқди. Карвонни Екатерина томонидан ажратилган соқчилар — со-



вут кийган отлиқ, кавалергардлар кузатиб борардилар. Карвонда Эрназар Мақсуднинг шериклари, хизматкорлари бўлиб, от-араваларга сафар анжомлари, озиқовқат ва турк султони учун қимматбаҳо соввалар ортилганди.

Баҳорнинг шаррос ёмғиру яшин-чақинлари аро Малороссия, Молдава бўйлаб минглаб чақирим йўллар мапаққат билан босиб ўтиди. Қора дengизнинг ўркач-ўркач тўлқинлари ортда қодди. Босфорни қоплаган куюқ туманлар тарқаб. Эрназар Мақсуд ва унинг шериклари 1780 йил савр ойи ўргаларида Истанбул шахрига етиб келдилар.

Баҳор қуёшининг нурлари таига ҳузур бахш этар, дengиздан илиқ шамол эсар, соҳиддаги гулга кўмилган боевлар атрини енгил шабада узоқ-узоқларга олиб кетарди. Шаҳарнинг бир-бирига туташ тор кўчалари ниҳоятда гавжум, бозору расталар, қаҳвахоналар ғалағовури бир зум ҳам тинмасди.

... Бир томони Босфор узра юксалиб, бир томони дengизга туташиб кеттан боевлар қўйнида турк султони қароргоҳи — Баҳт остонаси жойлашган. Бир-биридан ҳашаматли саройлар, бутун дунёга машҳур лолалар боғи, масжид, ҳаммом, зарбхона, зиндан, беморхона ва ҳарам... Буларнинг ҳаммаси 1774 йилда султон Мустафо III тўсатдан вафот этгач, унинг уласи қўлига ўтди ва у Абдулҳамид I иноми билан Усмонийлар империяси таҳтига ўтирди.

Мустафо III ўз ҳукмронлиги даврида ўрнимни эгалламасин, дея ўз туғишган уласи Абдулҳамидни муттасил зинданда сақлади. Таҳт вориси умрининг ўттиз саккиз йилини бандиликда, ҳар дақиқа ўлимни кутиш билан ўтказди. Исталган дақиқада уни бўриб ўлдиришлари, заҳарлашлари, ёинки бўғзига ханжар санчишлари мумкин эди. Чукур зинданда тириклийин кўмилган бу одам ою қуёш борлигини билса-да, уларнинг нурини кўрмасди. 49 ёшида ҳатто ўзининг тириклигига ҳам ишонмай ғоят эҳтиёткорлик билан империя таҳтига ўтирган Абдулҳамид I нинг афтангори жуда даҳшатли эди.

Эрназар Мақсуд султон ва унинг амалдорлари ҳақида Истанбулдаги нуфузли ошналари орқали маъ-

лумотлар тўплади. Сўнгра раис афаиди (тахминан ташқи ишлар вазири) ва буюк вазир Муаззинзода билан учрашиб, Бухоро ҳукмдори Дониёлбийнинг мактубини Абдулҳамид I га шахсан топшириши лозимлигини айтди.

Турк амалдорлари порахўрликда рус тўраларидаи қолишимасдилар. Эрназар Мақсуд уларнинг ҳар бирiga алоҳида-алоҳида қимматбаҳо совғалар бергач, тунд амалдорларнинг чехралари анча ёришиб қолди ва улар тез орада Бухоро элчисини султон билан учраштиридилар.

Босфор узра дам қуёш чараклар, дам туман қутоклашар ва бир вақт қарабисизки, баҳор ёмғири шивалаб ўтарди. Ёмғир ювган ям-яшил дарахтлар, гул-кўкатлар янада чирой очиб, денгиздан эсган майин еллар таъсирида тебраниб, ажойиб мусиқа оҳангидан маст бўлардилар гўё. Уларнинг куршовидаги Бахт остонаси саройи — султон Абдулҳамид I нинг Қароргоҳи янада сирли, маҳбатли тус оларди.

Девон олдида фавворали майдон бўлиб, унинг атрофи сарв дарахтлари билан ўраб олинганди. Девондаги усти ёпик қоронги йўлак орқали зочиларни султоннинг боргоҳига олиб боришарди. Боргоҳ мўъжазигина, қоронги, курсилар ва деворларида токчалардан бўлак ҳеч қанақа жихоз йўқ эди.

Эшик ораси тантанали суратда эълон қилди:

— Етти иқлимининг буюк султони Абдулҳамид I Бухоро зочиси Эрназар Мақсуд афандийи гўрмак ис-таюрлар!

Эрназарбек ним қоронги хонага қадам қўйди-ю, сесканиб кетди: таҳтда одам деса одамга, мурда деса мурдага ўхшамайдиган кимса ўтиради. Абдулҳамид I катта оқ салла ўраган, енгил, жиможимадор тўн кийган эди. Унинг чап ва ўнг қўл томонида сарой аъёнлари саф тортиб турардилар.

Эрназарбек султонга таъзим бажо келтириб, шундай деди:

— Оллоҳ, етти иқлимининг буюк султони Абдулҳамид I ҳазратларининг мартабаларини бундан-да зиёда этрай! Сизга Бухоройи шариф ҳукмдори улут амир Дониёлбий ҳазратларининг дуои саломларини, ишонч

ёриқларини ва шахсий мактубларини топширишга рухсат этгайсиз.

Ҳиссиз, совуқ кўзларини бир нуқтага қадаб турган сulton билинар-билинмас бош қимирлатди. Элчи ишонч ёрлиғи ва мактубни сultonга топшириди. Абдулҳамид I бу қорозларга ҳатто кўз қирини ҳам ташламай ёнида турган буюк вазир Муazzинзодага топшириди.

Шундан сўнг сultonга Бухоро амирининг қиммат-баҳо совъалари пешкаш қилинди ва элчининг сulton билан учрашувига якун ясалди.

Эрназарбек мулла Нуриддин ва бошқа шериклари билан сulton қароргоҳини тарқ этар экан, кайфияти ниҳоятда бузуқ чехраси тунд эди.

Дўсти мулла Нуриддин унинг кўнглини кўтаришта ҳаракат қиласади:

— Сира ўксимангиз, биродари азиз. Маълумингиз-ким, сиёsat гўзал ва лекин бекарор жононага ўхшайдур. Бас, шундай экан, ғам чекишига не ҳожат?

— Мулла Нуриддин, мен сира ғам чекмасман. Фақат сultonнинг афт-ангорини кўриб кўнглим андак бехузур бўлди. Эҳтимолки, шаккоклик қилаёттандурман, лекин бундай одамнинг юрагида бирор-бир ният яшай олишига шубҳам бор, — деди Эрназарбек дўстига.

Бухоро элчиларининг қароргоҳи соҳил яқинида, ундан Истанбул бандаргоҳи кўриниб турар, ҳар куни келиб-кетаёттган оппоқ елканли кемалар киши юрагига юрт соғинчини олиб киради.

Қароргоҳга етиб келган элчилар ўз юмушлари билан машғул бўлдилар. Эрназарбек эса дengиз томонидан эшитилаёттган бир маромдаги гувиллашга қулоқ тутар, ўркач-ўркач тўлқинлардан кўз узмасди.

... Мана, оппоқ кабутар янглиғ кема елканларини шамолга тўлдириб, соҳилдан тобора узоқлашиб боради. «Ҳа, — дейди ўзича Эрназарбек, — бу кема кимнидир қадрдон уйидан узоқлаштирса, кимнидир туғилган юргита яқинлаштирадур. Айрилиқлар ва учрашувлар. Учрашувлар ва айрилиқлар... Булар ботинан борлиқ.»

У ўзини ҳар қанча тетик тутишга интилмасин, сulton саройидаги учрашув юрагидаги мувозанатни бузиб

юборганди. Элчи қанчадан-қанча ҳукмдорлар саройига кириб, бунчалар такаббурлик, совуқ муомалани кўрмаганди. «Хе, аттанг, ҳатто Дониёлбийнинг сиҳат-саломатлигини сўрашга ҳам ярамади-я...»

Ҳар қандай шароитда ҳам ҳис-туйғуларини жиловлай оладиган, табиатан вазмин ва мулоҳазали Эрназарбек бутун негадир ҳа деганда ўзига келолмасди.

Мулла Нуриддин ва Ҳалимжон билан пешин намозини ўқиб бўлгач, бирдан ўзини ёмон ҳис қила бошлиди. Боши гир-гир айланиб, нафаси бўғизига тиқилди, оёқ-кўлидан дармони қуриб, қора терга ботди. Бир зумда кийим-боши жиққа хўл бўлди.

Уни деразаси дентиз томонга очиладиган хонага олиб кириб, тўшакка ётқиздилар. Ҳалимжон иссиқ чой дамлаб келди. Мулла Нуриддин дўстининг пешанасини ушлаб кўриб, одатдагидек уни юпатди.

— Толиқибдурсиз, дўсти азиз, тезда ўтиб кетади. Мен ҳозир ўз кўлим билан сиз учун бир кобули шўрва ижод этадурман. Шундок, тановвул этасизу, кўрмагандай бўлиб кетасиз.

Эрназарбек туни билан иситмада ёниб, алаҳлаб чиқди. У овқатта қўл урмас, нуқул чой сўпар, «юрагим ёнадур, юрагим...» дерди.

Тонгта яқин кўзи илиниб, бир оз ухлади. Мулла Нуриддин ва Ҳалимжон унинг ёнидан бир қадам ҳам нарига жилмасдилар.

Бек кун ёйилганда уйлониб, дўстлари кўмагида қўлбетини ювди. Сўнгра бир неча қошиқ шўрва ичди ва яна ўзини ёстиқقا ташлади. У бир оз енгил тортган кўринса-да, чиройли қўй кўзлари ич-ичига ботиб, юзлари саррайган эди.

Чошгоҳда Истанбулнинг энг яхши табибини олиб келдилар. Каттакон оқ салла ўраган, соч-соқоли оппоқ бу нуроний қария жуда хушчақчақ экан. У айланиб-ўргилиб, беморнинг кўнглини кўтарди. Тилини, кўзини қўриб, томир уришини текширди. Сўнгра турлитуман шишаҷалар, ҳапдориларни бемор ёнига қўйиб, уларни қандай ичиришни мулла Нуриддинга тушунтириди. У Эрназарбек билан жуда хушчақчақ гаплашар ва «чўх гўзал, чўх гўзал», деб қўярди. Мулла Нуридинга эса ўғринча, гуноҳкорона нигоҳ ташларди. У

бемор билан хайрлашиб, хонадан чиққач, мулла Нуридиннинг саволларига қисқа-қисқа, мужмал жавоб қайтарди ва қўли билан осмонга ишора қилди. Табиб: «Мен ҳам бир осий бандаман, худо эмасман», демоқчи бўларди чамаси.

Чол кеттанидан сўнг бекнинг аҳволи анча яхшиланди, мулла Нуриддин билан чақчақлашиб ўтиради. Дориларни ичишдан қатъяян бош тортди.

— Мен bemор эмасдурман, мулла Нуридин. Қани энди мӯъжиза юз берса-ю, Мўлиён ариғи сувидан қора кумғонда қайнатилғон бир пиёла чой бўлса... — синиқ жилмайди у.

Мулла Нуридин дўсти енгил тортганидан хурсанд бўлиб кетди:

— Худо бизни Мўлиён сувига-да етказадур, иншо-олло! Фақат бу ердаги юмушларимизни тезда тутатиб, йўлга чиқсак эди.

Эрназар Мақсуд кўзларини юмид ҳаёлга чўмди. «Бизни кимдир эмас, соғинч ўлдирадур, соғинч. Соғинч... Соғинч нимадур ўзи? Юрагим ёнадур, бу — соғинч, Офтобхонни, Шерназарбекни кўргим келадур, бу — соғинч. Мўлиён сувини ичгим келадур, бу ҳам соғинч. Лўъбати Москов... Любовь Дмитриевна, сенида кўрсам дейман, дўсти азиз. Петербургга жўнашимдан олдин, Москвадати сўнгги учрашувимизда сеи яна ғамгин эдинг ва зўр бериб мени Истанбул сафаридан қайтармоқчи бўлдинг. Нозик кўнглинг бирор нимарса сезганми эди? Лекин мен злчиман, йўлдан қайтишга ҳаққим йўқ!..»

Бек кўзларини очиб, тепасида турган мулла Нуридинга бир муддат тикилиб турди-да, илтижо қилди:

— Менга бир косагина Мўлиён сувидан берингиз. Бир қултумгина...

Унинг пешанасида реза-реза тер томчилари, қўл-оёқлари муздай эди. Мулла Нуридин кўнгли бузилиб, дўстининг томирини ушлаб кўрди, томир уриши деярли сезилмасди. У дўстидан дориларни ичишни яна илтимос қилди. Бек бошини сарак-сарак қилди.

— Дору — худо иродасидан зўр эмасдур. Бу дунёда нимаики содир бўлар экан, бариси Олло таоллонинг иродасидандур. Тан эмас, рух абадийдур... Бухо-

ройи шариф руҳи абадийдур... Эй шаҳри азиз, мен бутун умр сенинг соғинчинг билан узоқ элларни кездим. Яна сендан олисда, зору ҳақирдурман...

Мулла Нуридиннинг кўнгли бузилди.

— Ундей демангиз, дўстим, сиз сира зору ҳақир эмассиз, ўз биродарларингиз даврасидадурсиз ва тез орада тузалиб кеттгайсиз.

Эрназарбек кўзларини бир нуқтага тикканча жим қолди. У жим бўлса-да, қалбида бўрон турган эди. «Тақдирнинг ҳазилини қаранг, мен Бахт остонасида ётибман-у, ўзим бадбаҳтдурман. Бу не кўргилик?.. Бахт остонаси... Ҳа, бу ер Бахт остонаси. Лекин мен учун эмас. Менинг бахтим остонаси — Бухоройи шариф. Энди ўзимнинг Бахт осто намга етолмасман. Ҳатто Екатерина Алексеевна ҳам, у қанчалик ўз манфаатини ўйлаган бўлмасин, бу ёққа келишимни истамаганди. Демак, аёл қалби хавф-хатарни бизга нисбатан тезроқ ҳис эта оларкан-да... Йўқ, бу, менимча, пешанамга ёзилгани...»

Кечга томон Эрназарбекнинг аҳволи оғирлашиб, у қисқа-қисқа, елкаси билан нафас ола бошлади. Ранги янада сарвайиб кетганди. У дам ухлаб қолар, дам уйғониб сув сўрарди. Мулла Нуридин, Ҳалимжон ва бошқа бухороликлар у чекаёттан азобларни қандай енгиллатишни билмай қийналардилар.

Элчининг аҳволи ҳар қанча оғир бўлмасин, ақлихуши жойида, тили бурро эди.

Тонгта яқин у мулла Нуридинни ишора билан ёнига чақириб, дўстининг ўнг қўлини ушлаб кўксига босди:

— Дўстим, мен мол-дунё ғамини емайдурман. Аксарият фарзандларимдан-да кўнглим тўқ. Фақат нора-сида Шерназарбек тақдиридан хавотирдаман. Агарда менга бирор кор-ҳол бўлса, унга меҳрибонлик кўрсатаман, деб ваъда бера оласизми?

— Ваъда бераман. Ўн карра, юз карра ваъда берадурман. Лекин Сиз ҳали тузаласиз ва биз Бухоройи шарифга бирга жўнайдурмиз, — мулла Нуридин юзини четта бурди ва икки томчи ёш унинг салқи ёноқла-ридан сизиб тушди. Бу Эрназарбекнинг назаридан четда қолмади.

— Йиғламангиз, буни тақдири азал дейдилар. Фақат мендан рози бўлингиз ва сўнгти дуои саломимни барча хеш-ақрабо, ёри биродарларга тоширингиз. Бир нарсадан баҳтиёрдурман. Мен Букоройи шарифга хизмат қиёдим, гарчанд бу буюк масканнинг бир гарди эсам-да...

Борда қушлар сайроғи авжига чиқди. Денгиздан эстган шамол гул-кўкатлар, дараҳтлар новдасидаги биллурдайин шабнам томчиларини тўкиб, чечаклар бўйини атрофга таратди. Эндиғина кўтарилаётган қуёшнинг илк нурлари дентиз тўлқинларини қирмизи рангга бўяди.

— Мени ташқарига олиб чиқингиз, тоза ҳаводан бир тўйиб олайин,— илтимос қиёди Эрназар Мақсуд.

Уни авайлаб ташқарига олиб чиқиб, оромкурсига ўтиргиздилар.

У оғир-оғир нафас олар, атрофга тўймай бокар, кўзлари жовдиради.

— Ҳалимжон, — оғир тин олди у. — Ромитаңдаги чорбогимиизда тут пишиб қолгандур-а?..

— Ҳа, ҳа, пишиб қолгандур, — жавоб берди Ҳалимжон.

Бекнинг чекраси ёришиб, кўзлари ёрқинлашди ва у калима келтира бошлиди:

— Ла илаҳа иллаллоҳ, Мұхаммадур расулуллоҳ...
Ла илаҳа иллаллоҳ...

Бирдан бек жимиб қолди, чуқур нафас олди-ю, боши «шилқ» этиб кўксига тушди. Уни қуршаб турган бухороликлар бараварига йиғлаб юбордилар. Йиғидан елкалари силкинаётган мулла Нуридин ўзини куч билан қўла олиб, дўстининг энгагини боғлади.

— Дўстларим, — деди у қўз ёшларини тиёлмай, — Сизларни юпатмайман, юпатолмайдурман. Биз учун энди Эрназарбекнинг ўрнини ҳеч ким босолмаса керак...

Эрназар Мақсуд вафотидан хабар топган рус разведкаси резиденти шундай эътироф этди: «Бухоро савдогари, карвонбоши, мулла ва злчи. У ўз миллатига шараф келтирди...»

1994 йил, февраль — сентябрь.

ЧИРОҚЛАР СҮНМАС

Х и к о я

Ёши саксонга яқинлашиб қолган Раҳмон бобо кенинги йилларда баҳорни жуда орзиқиб кутар, куклам келиб, күнлар илиши билан кетмөнини елкалаб, чорбогига ошиқарди. У чорбоқ адодидаги ариқ бўйида балхи тут ниҳолларини ўстирар ва уларни ҳар йили қишлоқдагиларга улашарди.

— Билсангиз, уруш, қаҳатчилик йилларида ҳам-қишлоқларимиз шу тутлар туфайли жон сақлашган. Жуда хосиятли дараҳт бу! — насиҳат қиласади ёшларга Раҳмон бобо.

Ҳар кун эрталаб ишлаб, сўнг ионуштага ўтирадиган Раҳмон бобо бугун негадир ўрнидан тургиси келмас, нималарнидир ўйлаб ётарди. Хотини Шарофат буви ширчойга уннаш учун чиқиб кетганига анча бўлган бўлса-да, чол ҳамон ўрнидан қўзғалмас, маъюс кўзлари жуфт васса шифтдаги бир нуқтага қадалганди. У кечаси кўрган тушини эсларди. Тушига марҳум отаси кирибди. Отаси: «Ёнимга кел, ўллим, сени жуда соғиндим», дермиш...

Туш таъбирларидан унча-мунча хабардор бўлган кекса боғон учун ҳамма нарса аён зди: бу фоний дунёдаги сафари қариди чорги. Отаси бекорга ёнига чорламайди-ку! Миясида ружюн ўйнаётган бир-биридан хунук хаёллар унга тингчлик бермасди. У ўлимдан кўрқаёттани йўқ зди, бу мусибат ҳар бир банда бошида борлигини яхши биларди. У ортида қолаёттан беш ўғил, беш қизи ҳақида ўйларди. Фарзандларининг ҳаммаси уйли-жойли, ҳеч нарсадан камчиликлари йўқ. Лекин фарзандлар ота-она учун бир умр гўдаклигича қолар экан-да... Чол ўттан умридан, ҳамма-ҳаммадан рози зди. Бироқ машойихлар айтишганидек, ўллим тириклар учун ҳам жуда оғир, шафқатсиз имтиҳон.

«Қодир Худо, ўзинг мадад бергайсан!» — илтижо қиласарди чол товуш чиқармай...

Нонушта пайтида ширчой ичиб бўлингунча Раҳмон бобо «чурқ» этиб ориз очмади. Чол-кампир азалдан ҳазил-мутойибага ўч эдилар. Чолининг мум тишлаб олганидан Шарофат буви ҳайрон бўлди.

— Ҳа, отаси, нима бало, бугун жийда-пийданинг остидан ўтдингиизми, авзоингиз жуда бузук?

— Э, з кампир, жийда дейсан-а, кошки эди шундай бўлса...

Чол яна табиатига ярашмаган алфозда чуқур хўрсинди. Шарофат бувининг тоқати тоқ бўлди: «Нима бўлди, отаси, одамни қийнамай айтинг ахир?»

Раҳмон бобо хотинининг йиллар шамоли дол қилган қоматига, серажин юзларига меҳр, ички бир интиқдик билан узоқ тикилди, сўнг салмоқлаб сўз бошлиди:

— Иштаҳангни бўғмай, деб индамагандим. Ҳолжонимга қўймаяпсан, майли айтай. Шу десанг, кампир, раҳматли отам тушимга кирдилар. Фоний дунёдан бокий дунёга рихлат этар вақтим етди чоги...

Шарофат буви эрининг хотиржам, лекин андак на-доматли товушидан сесканиб кетди. У ҳам бунақа тушлар таъбирини яхши биларди. Шунга қарамай, зрига бобиллаб берди:

— Тилингиздан ел олсин-а, отаси. Ҳақиқатан ҳам жийданинг тагидан ўтибсиз. Баҳорда тушга нималар кирмайди дейсиз? Ҳали эвараларингизни уйлантириш керак.

Раҳмон бобо хотинига эътиroz билдирамади, яна суккutta чўмди. У ҳам эвараларини уйлантиришни истар, лекин ҳозир хаёли ўша машъум имтиҳонда эди. Чол андуҳли хаёллар оғушида бўлса ҳам кўнглининг бир чети ёруғ, хотиржам эди. Сабаби у ҳам кўп қатори гуноҳкор банда бўлса-да, виждони пок, кўнгли тўқ. Чунки умри давомида ҳалол меҳнат қилди, бироннинг ҳақига хиёнат этмади, ҳеч кимдан қарзи ҳам йўқ. Аксинча, ҳар бир ҳамқишлоғи ҳовлисида у кўкартирган тутлар мева бериб турибди.

«Эй, Худойим, мушкулимни ўзинг осон қилгайсан!» — пичирларди унинг лаблари.

Хозир тўрт мучаси соғ эди. Лекин у билардики, кўрган туши бежиз эмас. Сафари қариди... Ўлим ҳақ ва у албатта содир бўлади. Бунда ҳеч ким, ҳеч нарса ўргага тушолмайди. Аллоҳ иродаси шундай! Кечга томон Раҳмон бобонинг аҳволи оғирлашди. Бола-чақа, қариндош-уруглар бир зумда ҳозир бўлдилар. Чол ҳамма билан хайр-хўш қилиб, ризолик тилади...

Ўғил-қизлар «вой отам»лаб йиглашга тушдилар. Шарофат буви чолининг тушини айтиб-айтиб йигиларди. Ҳамқишлоқлар марҳумга катта иззат-икром кўрсатдилар.

* * *

Раҳмон бобони тупроққа топширганларидан сўнг икки ҳафтача ўттан, баҳорнинг хийла аёзли оқшоми эди. Олтмиш йилдан зиёд бирга умр басар қилган турмуш ўртоғини йўқоттан Шарофат буви ҳамон ғам чекар, лойсуноқ, беш болор уй ҳам энди кўзига жуда хунук кўринарди. Улар севишиб турмуш қуришган, Раҳмон бобо қариганда ҳам хотинини еру кўкка ишонмас, айтганини бир зумда муҳайё этарди. Ҳар икки гапнинг бирида «бизнинг жонон ҳалиям қизлардан қолишмайди» дея ҳазил қиласар, Шарофат буви уялиб, рўмолининг учи билан юзини бекитар, лекин кўзлари куалиб турарди. Шуларни ўйлаётган Шарофат бувининг кўнгли баттар сиқиларди, ҳувиллаб қолган эди.

Муштипар она чолининг ғамини чекиб ётар экан, ота-онасига девор-дармиён қўшни бўлган катта ўғил хонадони чироқлар нуридан чарогон, шўх мусиқа садолари эшитиларди. Кенжак қиз Гулҳаенинг мучал ёши нишонланарди. Азиз меҳмонлар Қуюқ-суюқ овқатлар билан сийланар, ароқ шишалари пайдар-пай бўшатилиб, даврада сархуш кайфият вужудга келганди. Дид билан безатилган кенг хона шўх кулгилардан ларзага келарди. Даставвал қулогига чалинган товушлардан Шарофат буви ҳайрон бўлди. Қўшнилардан ким тўй қилди экан? Менга бир оғиз айтган бўлишарди-ку. Чунки қишлоқдаги тўй-маъракалар у билан маслаҳатлашилмай ўтказилмасди: «Ҳа, мени таъзиядор деб истихола қилишгандир-да, агар кичикроқ маърака бўлса». Шарофат хола камзулини кийиб, супага чиқди-ю, гала-

ғовур товуши ўрлининг уйидан келаёттанини билиб, турган ерида донг қотди. «Бу нима шармандалик? Отасининг йигирмаси ҳам ўтмай қанақа зиёфат?»

Она икки ҳовли ўргасидаги кичкина даричани қалтироқ қўллари билан зўра очди. Бутун вужуди дағдаг титрар, бўрзига аччиқ фарёд тиқилиб келарди.

Она чароғон супадан ўтиб, меҳмонхонага яқинашган ҳам эдики, қўлида ароқ шиша ушлаган ширакайф ўғлига рўбарў бўлди. Алам, уят, кўрлиқдан бечора она-нинг тили калимага келмасди. «Болам, бу қандай юзсизлик, раҳматлик отангнинг маъракалари ўтмай... — деди зўра бечора она. — Ахир, маҳалла-кўй нима дейди?..»

Катта ўрил бир зум безрайиб тургач, ўзини оқла-моқчи бўлди:

— Ҳа, энди отам, ахир, саксонни қоралаган эдилар. Биз ака-укалар у кишининг тўйлари деб ҳисобладик... — чайналди у.

Табиатан жуда мулоийм ва босиқ Шарофат бувини таниб бўлмасди:

— Ҳой, гумроҳ, бу нима деганинг? Отанинг ўлими ҳам тўй бўладими?!

Катта ўтил қўлида ароқ шиша, нима дейишини билмай туради. Шарофат буви ақлли аёл эди, билдики, энди бу гумроҳлар билан пачакилашишдан фойда йўқ. Ҳозир гапни газак олдирса, оила обрўсига путур етади. Она ўрли билан гапни қисқа қилиб, изига қайтаёттан эди, ошхонадан қўлида катта лаган билан чиқаёттан келининга дуч келди. Келин тилла тишлари ни кўрсатиб жилмайганича ялатоқлик қилди:

— Уэр энди.. Шундоқ бўлиб қолди... Шу эркато-йингиз Гулҳаёнинг мучали эканини биласиз-ку! Қолдиришнинг ҳеч имкони бўлмади. Ният қилган эдик, орзу-ҳавас дегандай сизга ҳам бир сидра сарупо қилганимиз...

Шарофат буви ижирғаниб юз бурди-ю, келининга бир сўз демай ўтиб кетди. «Ўзимдан чиқдан балога — қайга борай даъвога...» пичирларди унинг лаблари. У ўз хонасида мунрайиб ўтирас, ҳамон ички титроғи босилмасди. «Шармандалар, кўрнамаклар! Тўй эмиш?!»

...Вақт алламаңал бұлғанда, әшик тицирлади. Она катта үглем кечирим сүрагани келгандыр, деб үйлаб шаҳд билан үрнидан турди. У үгелини уйига киритмоқчи змасди. Остонада катта үтил змас, күзлари йиғидан қизарған Гулҳаे туради. У отаси ва бувиси уртасида бўлиб ўтган гап-сўзларнинг ҳаммасини әшитганди. Гулҳае кела-сола ўзини бувисининг қучорига ташлади.

— Бувижон, бизни кечириңг! — ўкириб юборди у.

Буви-невара анчагача кўз ёш тўқдилар.

— Мен кийимларнинг ҳаммасини ечиб ташладим, керак змас! — ҳиқилларди қизалоқ.

— Бекор қилибсан, қизим. Айб сенда ҳам, кийимларда ҳам змас. Айб ҳою ҳавас баңдаларида, — деди Шарофат буви неварасининг бошини силаб.

Кўп ўтмай Гулҳае бувисининг қучогида ухлаб қолди. Буви унинг бегубор чехрасига тикилар, қуйилиб келаётган кўз ёшларини тиёлмасди.

Раҳмон бобо үлимидан оддин ҳавотир билан кутган имтиҳон шу тахлит якун топди. Ана шу якун онаизорни йиғлатмоқда эди. Фақат Гулҳае зими斯顿 кўнглига чироқ ёққандек бўларди.

Илоҳим, чироқнинг ёнгани рост бўлсин ва бу чироқ гумроҳлар кўнглини ёритсин!

Дўстим Беҳбуд Жумаевга

СОҲИЛДАГИ УЙ

Ҳикоя

Қош қораймоқда. Баҳорнинг изғирин аралаш шамоли тўқайзорда ҳуштак чалар, бўтана тўлқинлар пишқириб қироққа безовта бош уради. Соҳиљдаги мўъжазгина Гугуртли қишлоғи тун қаърига секин-аста нарқ, бўлмоқда, исми-жисмига монанд, гугурт қутисидай тизилган уйларда бирин-кетин чироқлар порлай бошлаган, факат тик қироқдаги чогроққина уй деразаларида нур кўринмасди.

Кун бўйи деразадан баҳор сувларини олис-олисларга ҳайдеётган дарёга тикилиб ётган Худойберганд бобонинг хира тортган кўзлари энди ҳеч нарсанни

кўролмас, чол «тиқ» эттан товушга қулоқ тутиб, Оқмарални кутар эди. Оқмарал Худойберган бобо сингари якка-ёлғиз яшайдиган, энди 17 га тўлган етим қўшни қиз. Худойберган бобо уч йилдирки, тўшакка михланган. Чолнинг катта шаҳарда яшайдиган, ўзига тўқ бир ўғил, бир қизи бор. Улар оталарини сира йўқламайдилар.

Оқмарал чолнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турди. Худойберган бобо эса қизни узундан-узоқ дуо қиласар экан, овози титрайди, оппоқ соқоли ҳўл бўла-ди...

...Ниҳоят, ташқарида қадам товуши зшитилди, эшик ричирлади.

— Худойберган бобо, мана, мен келдим! — остоңада шодон овоз берди қиз. Шу аснода порлаган чироқ фақат мўъжаз хонани эмас, чол кўнглини ҳам мунавар вар этди. Чунки Оқмарал келди дегунча, бу ғаридан хонага ҳаёт қайтиб келгандай бўларди.

Қиз пеккага саксовул қалади, тез орада қора кумон бикирлаб қайнади...

Иссиқ, чой чолнинг баданини яйратди, у хузур қилиб, кўзларини юмганча хаёлга берилиди. Оқмарал эса ҳар кунги одатича, китобга мук тушди. У «Чолиқуши»ни ўқирди. Китобнинг сарғайган саҳифаларига қизнинг кийик кўзларидан «чак-чак» ёш томарди. У чолга билдиримай, сассиз йиғлар. Худойберган бобо саҳифалар шигир-шигирини зшитарди, холос.

Қиз китобнинг гўзал дунесига ярқ бўлган, Худойберган бобо эса ҳудди шу аснода энди жуда олисларда қолиб кеттан ёшлигини ўйларди.

Ўшанда ҳам эрта баҳор эди. Амударё соҳилида Наврўз сайли давом этар, нариги қирғоқдан келган қизлар гутуртлилик йигитлар билан байт-барак айтишарди. Ўша куни у илк бор Гулжамолни кўрганди. Қиз оқ юзли, гулдек нозик эди.

Шу илк учрашув уларнинг тақдирини белгилаб берди. Орадан кўп ўтмай тўй бўлди. Сўнгра икки ёш Қиззилқумнинг дарёга туташ олис яйловларида чўпонлик билан машғул бўлдилар. Бир қиз, бир ўғил кўрдилар.

Эр ва хотин узоқ, бахтли ҳаёт кечирдилар. Фарзандлар эса учирма полапонлардек олис шаҳарларга

йўл олиб, ўша ерда қўним топдилар, уйли-жойли, болачақали бўлдилар ва бу дунёда Гугуртли деган ғариб бир қишлоқ борлигини батамом унутдилар..

Худойберган бобо ва Гулжамол буви эса ҳамон бир жуфт мусичадек бўлиб, соҳида ацил-иноқ яшашарди.

Қартайгач чўпонликни ташлаган Худойберган бобо табиатни беҳад яхши кўрганидан, уззукун тўқайзорни кезиб, қушлар чутурига маҳлиё бўлар, дарёдан балиқ овларди.

Уч йил бурун Гулжамол буви юрак хуружи оқибатида тўсатдан вафот этди. Унга жуда боғланиб қолган Худойберган бобо ҳам кўп ўтмай оғир дардга чалиниб, тўшакка михланди... Кўзларини юмганча ҳамон хаёл суроёттан чол бу оғир йўқотишини эмас, ўша илк учрашувни эслар, кўз ўнгидаги Гулжамолнинг гулдек кўркам чехраси намоён эди. «Гулжамол, гулим, сен ҳақиқатан ҳам гул эдинг, гул...»

Чолнинг соқоли яна кўз ёшларидан ҳўл бўлган, лекин буни ўзи сезмасди. Ҳонанинг ҳар икки сокини бир-биридан яшириб йирлар, аччиқ ёшлар яширин эса-да, юрак йигисини яшириш мушкул эди.

Оқмарал, ўзиям кийикдек дуркун ва гўзал қиз, Фариданинг аччиқ қисматидан кўз ёши тўксас, Худойберган бобо Гулжамолининг Наврўз сайлидаги гул юзини эслаб, оҳ чекади.

Соҳилдаги бу мўъжазгина уй икки ёғиз юрак оҳдариға тўла эди. Оқмарал фақат Фариданинг эмас, балки ўзининг севгиси ҳақида ҳам ўйлар, мана икки йилдирки пул толиш илинжида хорижда юрган йигити Тошмирзанинг йўлига интизор эди. Тошмирза ҳам номига яраша тош мирза эди, бир энлик хат ёзмасди. Оқмарал эса унинг тош кўнгли юмшашини сабр-тоқат ила кутарди.

Тун яrimдан оққандо Оқмарал чолга: «Яхши тушлар кўринг», — дея кетишга чоғланди.

Мудраб ўтирган Худойберган бобо уни япа узундан-узоқ дуо қилди. Сўнгра естиги остини ковлаб, бир даста пул олди. Пулларни санамай қизга узатди.

— Ма, қизим, шунга магазиндан янти кўйлак сотиб ол... — чолнинг яна овози титради...

Оқмарал унинг қўлини қайтарди.

— Кўйсангиэчи, Худойберган бобо, менинг яп-янги кўйлагим бор. Тошибирза яқинда пул юборганди, магазиндан сотиб олдим. Келинлар киядиган оқ ҳарир кўйлак, билдингизми! — оқкўнгил қиз ёлрон гапиради.

Чол сўзида туриб олди:

— Кўлимни қайтарма, жон қизим, мен энди бунча пулни нима қиласман? Йўқ дема...

Оқмарал нокулай аҳволда қолди. У чолни хафа қилмаслик учун янги кўйлакка етадиган миқдорда пулни санаб олдию, қолганини қайтарди.

Қиз кетди. Чол хотиржам бўлиб уйкуга ётди.

* * *

Оқмарал зартасига чошгоҳда уйдаги ишларини саранжом қилгач, магазиндан янги кўйлак сотиб олдию, чолни курсанд қилишга ошикди.

Чет энда тикилган қирмизи кўйлак жуда чиройли эди, қизнинг ҳусну жамолини янада очиб юборди.

Қиз ўзида йўқ шод, енгил қадамлар билан чолнинг остонасидан ҳатлади.

— Мана, Худойберган бобо, янги кўйлакни кўриб куини!

Ҳар доим қизни хандон-хушон қарши оладиган чолдан садо чиқмади.

Оқмарал ҳайрон бўлиб, тўشاқда ёттан чолнинг юзига тикилди. Тикилди-ю, қўрқувдан чинқириб юборди.

Худойберган бобонинг жони узилган, унинг ярим юмуқ, кўзлари, лабларида нимтабассум қотиб қолган эди.

* * *

Худойберган бобонинг йигирмаси ўттандан сўнг унинг қизи Гутуртига келди.

Юз-кўзига ула-элик чапланган, жуда башанг кийинган бу жувон отасидан айрилган одамга сира ўхшамасди. У кўни-қўшнилар билан салом-аликни ҳам насия қилиб, Оқмарални қидириб топди-да, ҳе йўқ, бе йўқ зуғум қила кетди:

— Эшитишимича, чолга (қаранг, қиз отамга демади) сен қараб турган эмишсан. Ёстиқлари остидан топил-

тан пул жуда кам. У киши ахир 50 минг сүм пенсия олардилар. Хўш, гапир, пулни ўмарганингни ўзинг тан оласанми ёки милиция чақирайми?

Оқмарал... Шўрлик Оқмарал! Бу қандай бедодлик?

Қизнинг тили қалимага келмас, уни худди бирор бўғаёттандай эди.

— Мен... Мен пулни олганим йўқ... У киши ўзлари менга бир кўйлак...

— Ҳа, ана, ўзим ҳам билган эдим! Сен, етимча, чолни алдаб, пулини олишга уялмадингми?!

Оқмарал гапиролмай, йиглаб юборди.

Оқладар қизнинг дағдагаларига қўшнилар чидаб туришолмади, Оқмаралнинг ёнини олишди. Окироқибат бу можаро яхшиликка олиб келмаслигига кўзи етган қиз ўша куниёқ изига қайтди.

* * *

Оқшом чўкаётир... Соҳилдаги уйларда бирин-кетин чироқлар порлайди. Тик қирвоқдаги ёлғиз уй дебразаларида эса нур кўринмайди... Бу уйнинг чироғи энди ёнмайди, Оқмарал энди бу ерга келмайди...

Қирвоқда ёлғиз турган қиз тўқай шовуллаши, сув шалоплашига қулоқ тутади. Олис-олисларда яккам-дуккам чироқлар милтирайди. Қиз юрагини беҳад ўртаган согинч билан чироқларнинг жимир-жимир шульласига тикилади. Баҳор сувлари узоқ-узоқларга оқиб кетадилар.

ТУРОН ТАРИХИНИНГ БАДИЙ КЕЧМИШИ

(Сўнгсўз ўрнида)

Тарихий мавзуга багишиланган китобларни, хусусан, бадиий асарларни одатда мен ички бир ҳадик билан қўлга оламан ва варактрайман. Бу ҳолат бежиз эмас. Туронюрг кечмиши, ўзбек халқининг шонли тарихини ёритишдек эзгу мақсадларни кўзлаган бундай китобларнинг аксариятида тарихий ҳақиқат бир томонлама тасвирланади, у кўпинча бадиий ҳақиқат даражасига ўсиб чиқмайди.

Бироқ ҳозир гап бу ҳақда эмас. Чунки бухоролик истебодали адид Жўра Фозил она юрт тарихини яхши билади, ундан чексиз фарх ва ғуур туди. Тарихни ана шундай яхши билгани сабабли у тарихий мавзуда самарали ижод қилиб келмоқда. Туркистон тарихини чўкур англаш ва тушиуниш, тарихдан хулоса чиқариш, тарихий ҳодисалар қатига бутунги куннинг қувонг ва изтироблари, орез ва армонларини сингдириб юбориш — бу оддий юмуш эмас. Колаверса, ёзувчи тарихий шахслар ва тарихий воқеалар ҳақида фикр юритар экан, холислик ва ростгўйлик тарозусини кўлда баланд туттани ҳолда ижод қилиши, заргарона маҳорат билан ўз асарига сайқал ва жило бермоги лозим.

Сиз ҳозиргина ўқиб тутатган бадиий асарлар Турон тарихининг шонли ва шукукли даврларини акс эттирган. Жўра Фозилнинг «Айрилиқ остонаси» тарихий романи ҳажман ихчам бўлса-да, залворли бир юкни ўзида кўтарган. Романда милоддан аввалги III—II асрларда туркий халқлар тузган булоқ салтанат ушбу салтанат асосчиси Ўзузхон хоқон ҳақида фикр юритилади. Романинг асосий қаҳрамони Ўзузхон аслида ким бўлган? Мода хоқон номи билан машҳур бўлган Ботур Тангриқут, яъни Ўзузхон милоддан аввалги 210—174 йилларда хоқонлик қиласан бўлиб, у Улуғ хуни хоқонлигига асос солган машҳур саркарда ва давлат арбоби ҳисобланади. Мълумки, Мода хоқон юрт озодлиги ва мустакиллиги йўлида кураш олиб борганда ҳатто ўз яқинларини ҳам аяб ўтирамайди. У ўз отаси Туман Тангриқут (милоддан аввалги 240—210 йилларда хоқонлик қиласан) кўшинини милоддан аввалги 210 йили бўлган шиддатни жангда мағлубиятта учратиб, жангда ҳалок бўлган отаси ўрнига таҳтни эгаллайди ва янги давлатни барпо қиласди. Туман Тангриқутга ўз ўғли қарши чиқишига асосий сабаб ҳокимиятни эгаллаб олиш эмас, балки ташки душман таъсирига берилиб эл-улус манфаати ва халқ ташвишини унтиб қўйган кекса ҳукмдорни орадан кўтариш эди. Хуллас, романда туркий халқлар тарихининг

энг шонали ва зиддиятли даврларидан бири ўзининг бутун драматизми билан тасвириланади.

Тарихдан маълумки, Моде хоқон ўзининг 36 йиллик хоқонлик даврида туркий халқлар учун, салтанат тараққиёти ва равнақи учун катта ишларни амалга оширган. Модэ хоқон, яъни Ботур Тангриқут яшаб ўтган даврдан буён ўтган 2300 йил мобайнида туркий халқлар тарихи ва адабиётida, хусусан, халқ фольклорида унинг фаолияти ва шахсияти тўғрисида кўплаб асарлар яратилди. Ботур Тангриқут Номи Угузхон. Ўгуз хоқон адабий персонажи сифатида туркий халқлар, хусусан, ўгузлар [гузлар] эпосининг бош қаҳрамонларидан бирига айланган. Ўгузхон ҳақида юз йиллар давомида «Ўгузнома» достонлари яратилган. Тахминан VII—VIII асрларда оғзаки равишда яратилган «Китоби дадам Кўркут» («Кўркут ота китоби») достонларининг бирида Ўгузхон ҳақида келтирилган дастлабки маълумотлар анча машҳур. Бу ҳақида Маҳмуд Кошгари ҳам ўзининг «Девону лутғотит турк» асарида ёзиб ўтган. «Ўгузнома»нинг энг кўп тарқалган варианти тарихчи олим ва Хива хони Абулрози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» (1669) асарида сакланган. Аллома Фитрат ҳам «Ўгузхон» драмасини ёзганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Не бахтки, XX аср охири — XXI аср бошларида, иккинчи ва учинчи минг йилликлар ўзаро юз кўришган тарихининг бурилиш даврида ўзбек адаби Жўра Фозил туркий халқлар тарихидаги бу буюк сиймо ҳақида «Айрилиқ остонаси» тарихий романини яратди. Ўзбекистон халқ шоири, машҳур таржимон Жамол Камол роман қўлёзмаси ҳақида шундай фикр билдири: «Жўра Фозил Бухоро адабий мұхитида шакланган истеъдодли адаб бўлиб, у бу романни билан ўз ижодий имкониятлари катта эканлигиги кўрсатди. Мен ўзбек китобхонларини Бухорадан етишиб чиқкан янги романнавис билан кутламоқчиман».

Шунингдек, Жўра Фозилнинг ушибу китобидан унинг «Бухоройи шариф элчилари» тарихий қиссаси ва «Чироқлар сўнмас», «Соҳилдаги уй» каби хикоялари ҳам ўрин олган. «Бухоройи шариф элчилари» қиссаси ҳам тарихий мавзуга бағисланган бўлиб, унда Бухоро амирлигининг элчиси Мулла Мухаммад Эрназарбий Мақсад ўғли (у Эрназар элчи сифатида Туркистон тарихи саҳифаларига кирган) ҳаёти. унинг Россия империясига 1774—1776 ва 1779—1780 йилларда қўлган иккита зачилик миссияси ҳақида сўз боради. Қиссада Эрназар зачининг жўманд ва улуғвор қиёфаси бадий бўёқларда яхши тасвириланган.

Умид қиласизки, Жўра Фозил ўзининг янги роман ва қиссалари билан ишкухли Турон тарихининг бадий кечмичини келажакда ҳам янги асарларида ёритади.

Қаҳрамон Ражабов,
тарих фанлари доктори.

ЖҮРДА ФОЗИЛ

АЙРИЛИҚ ОСТОНАСИ

Тарихий роман, құсса, ҳикоялар

«Шарқ» нашриёт-Матбаа
акциядорлик компанияси
Бош тақририяти
Тошкент — 2006

Мұхтаррілар: *И. Шоймарданов, Е. Каримов*
Бадий мұхтаррір *А. Мусохұжаев*
Рассом *У. Халиқов*
Техник мұхтаррір *Л. Жижова*
Мусақдиқ Н. Ұралова
Садиғалояныч Л. Бацева

Босишига рухсат этилди 27.07.2006. Бичими 84x108^{1/2}. Балтика
гарнитураси. Офсет босма. Шартлы босма табори 15,12. Нашриёт-
жисоб табори 16,1. Адади 5000 нұсқа. Буюртма № 2653. Бадоси келин-
шилган нархда.

«Шарқ» настриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Түрон, 41.